

Ёшлар, қайси вилоятдан бўлишидан қатъи назар, бир миллатнинг вакили эканликларини, миллий бирлик ва бирдамликни таъминлаб, Ўзбекистонни жаҳондаги ривожланган давлатлардан бирига айлантириш мумкинлигини чуқур англаб етмоқлари керак. Тафаккури салоҳияти кучли бўлган инсон ўз келажагига комил ишонч билан қарайди.

Биз юқорида миллий онгнинг ҳамда унинг таркибида бўлган тарихий онг ва тарихий хотиранинг ёшлар дунёқараши шаклланишига таъсир этувчи айрим томонларини кўриб чиқдик, бинобарин, юқоридагилар буйича айрим хулосалар чиқариш мумкин:-миллий онг-ижтимоий онгнинг бир шакли бўлиб, кишилар ўзининг маълум этник гуруҳга мансублиги, ўз халқи ва ватанининг истиқлоли ҳамда истиқболи йўлида фидокорона хизмат қилиш, бошқа миллатларга ҳам адолатли муносабатда бўлиб, уларнинг ўзига хослиги ва манфаатларини ҳурмат қилишдир; - миллий онг моҳияти жиҳатидан кенг тушунча бўлиб, тарихий онг билан тарихий хотира ҳам шу элементлар каторида муҳим ўрни тутаяди. Шу сабабли миллий онгнинг ёшлар дунёқарашига таъсир этиш имконияти катта. Миллий онг ўз таркибидаги тарихий онг ва тарихий хотира ёрдамида ёшлар дунёқарашига миллий тарих, миллий руҳият, миллий маънавият, миллий манфаатларни англаш, уларни кадрлаш, ҳимоя қилиш, бошқа миллатларга, уларнинг маданиятига, тарихига ҳолисона ёндашиш орқали ўзи билан боғлиқ фазилатларни киритади.

Шуни унутмаслик керак, ёшлар миллий онг заминида янгича фикрлаш асосларини яхши эгаллаб олсагина, улар албатта бой тарихий, тарбиявий меросини, замонавий, маънавий, инсоний сифатларини онгли равишда ўзлаштирадilar.

## **ЁШЛАРДА ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ, РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ҚОНУНИЯТЛАР ЎРНИ**

*Жўраев Б., н.с.ф.бўйича PhD.  
фалсафа доктори, доцент ҚарДУ*

*Биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган  
муҳим масалалардан бири бу – фарзандларимизни мустақил фикрли,  
замонавий билим ва касб-ҳунарни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий  
позицияга эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш  
вазифасидир.*

**Шавкат Мирзиёев**

Маълумки, таълим-тарбия бериш масалалари ҳар бир давлат ва жамиятнинг устивор вазифаларидан бири бўлиб келган. Ёшларга таълим – бериш, уларни соғлом руҳда тарбиялаш, баркамол шахс сифатида шакллантириш, таълим субъектлари бўлган ҳар бир педагог шахси, шунингдек педагог-психологлар олдида бир қатор долзарб масалаларни кўяди. Шундай экан, бугунги кун педагоги нафақат ўз мутахассислиги доирасида чуқур билим ва тажрибага эга бўлиши, балки ҳуқуқий билимларни ўзлаштирган, академик қобилияти асосида таълим-тарбия жараёнини самарали олиб бориши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ёшлар ҳуқуқий онгини юксалишини таъминловчи восита бу ҳуқуқий саводхонликдир. Ёшлар ҳуқуқий тарбиясининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган ҳуқуқий тарғибот бу – ҳуқуқий билимларни кенг ёйиш борасидаги мафкуравий фаолиятнинг алоҳида туридир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” мавзусидаги маърузасида “Парламентимиз жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича янги Миллий дастурни яратишда бош – қош бўлиши мақсадга мувофиқ”<sup>1</sup> деб фикир билдиргани бежиз эмаслигини таъкидлаш ўринлидир.

Ҳуқуқий билим ва тасаввурлар, ҳуқуқий назариялар ижтимоий ҳаётнинг барча томонларига кириб бориб, фуқароларнинг онгидан ўрин олиб, одамлар хулқ-атворида, амалий фаолиятига мафкуравий ва психологик таъсир этади. Ҳуқуқий онг одамларни ўзларини идора қилишга, жамият қабул қилган қонун-қоидалар доирасида фаолият кўрсатишга ундайди.

---

1. Мирзиёев.Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи 2016 йил 8 декабр.

Шундай экан, ҳуқуқий саводхонликка эришишни таъминлаш борасидаги барча ҳаракатлар таълим тизимининг барча бўғинларида ўз ифодасини топмоқда дейиш мумкин. Аммо бу жараёни янада самарали кечишида таълим-тарбия муҳотидаги ҳуқуқий билимларни ўзлаштириш, саводхонлик даражасини таъминлашга хизмат қилувчи педагогик-психологик қонуниятларга таянишга зарурат сезади.

Ҳуқуқий жиҳатдан саводхон, маданиятли ва маънавиятли, қонунларга ҳурмат билан қаровчи фуқарони камол топишига, кундалик турмушида ҳалол, одил, ҳаққоний бўлишини; ҳуқуқий билим ва маданият ҳар бир фуқарога ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиш, уни ҳимоя қилиш; ҳуқуқий билим ва маданиятга эга бўлиш, уларга қатъий амал қилиш, қонун устуворлигини дилдан, қалбдан ҳис қилиш; ҳуқуқий билим ва маданият халқ ва миллат етуклигининг муҳим кўрсаткичи эканлигини англаш; ҳуқуқий билим ва маданиятга эга бўлган халқ ҳамда миллат ўзини-ўзи англаб етади, кучи ва имкониятларига ишонч туйғусини шакллантиради.

Психологияда шахснинг ўзини ўзи англаши, ҳурмат қилиши, хатти-ҳаракатларини тартибга солиши, кадриятларни камол топтириши, ижтимоий тамойилларга амал қилиши, шахслараро муносабатларни тартибга солиши ва бойиб боришини таъминлашнинг қонун-қоидаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратади. Психологияда социал меъёрларга амал қилишга ўз навбатида ҳуқуқий меъёрларнинг уйғунлашган бир тақрибий қисми сифатида қараш мумкин. Ҳуқуқий меъёрлар қонун ҳужжатлари билан белгиланганлиги боис уларга амал қилиш шахснинг камол топганлиги, кечинма-туйғуларини тартибга солиши ва хатти-ҳаракат ҳамда хулқ-авторини назорат қилиш билан боғлиқ кечади. Демак, шахснинг ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий тушунчаларни шакллантириш педагогик-психологик қонуниятларга кўра амалга оширилиши Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок энг асосий эътибор таълим ислохотларига қаратилган эди.

Мамлакатимиздаги давлат ва жамият тараққиётининг янги босқичи ҳуқуқий муносабатларда барча иштирокчиларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътикод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақияти хал этилишини таъминлайди. Ҳуқуқий саводхонликка эришишни таъминлаш борасидаги барча ҳаракатлар таълим тизимининг барча бўғинларида ўз ифодасини топмоқда дейиш мумкин. Аммо бу жараёни янада самарали кечишида таълим-тарбия муҳотидаги ҳуқуқий билимларни ўзлаштириш саводхонлик даражасини таъминлашга хизмат қилувчи педагогик – психологик қонуниятларга таянишга зарурат сезади.

Маълумки, қонун устуворлиги унинг моҳиятини англаш ва унга итоаткорона муносабатда бўлиш ўта муҳим жараёндир. Буни ҳис қилмоқ учун эса ҳар бир шахснинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли даражада бўлмоғи лозим. Демак, масала ўз-ўзидан яна ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга бориб тақалади. Бунинг учун эса асосий эътиборни тарбия маскани бўлмиш, ўқув таълим билим юртлари, қолаверса ундаги муҳитни соғломлаштириб турувчи ўқутувчилар жамоасига қаратмоқ зарурдир.

Куришиб турибдики, ҳозирги даврга келиб фуқаролик жамияти куриш ислохотлари шароитида ёшларни шу жараёнда фаол иштирок этишлари ва ўз дунёқарашларини фуқаролик жамият куришга доир назариялар билан бойитишлари учун шарт-шароитлар яратишлари, фуқаролик жамиятига киришлари лозим, чунки фақат шу жамиятда ҳуқуқий муносабатлар ҳақиқий хусусият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда бугун жамиятни ҳуқуқий билимдон қилиш қонунларга ҳурмат ҳиссини янада кучайтиришда ҳуқуқий маърифатни янада ривожлантириш инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузулишининг олдини олиш қонун ҳужжатларини мазмунидан мунтазам хабардор қилиш орқали юксак ҳуқуқий маданиятга эришиш давлатимизнинг асосий вазифаси бўлиб қолаверади. Ҳуқуқий тушунчалар ёшларнинг фаолиятида интеллектуал салоҳият хусусиятларини хулқ – атвор сифатларини шакллантиради ва таълим – тарбия жараёнида билимларни ўзлаштириш имконияти самарадорлигини оширади.

Қонун одамларни бирлаштиради, қонунбузарликларни, қонунни менсимаганларни эса, қонун доирасидан ташқарига чиқариб қўяди. Қонунга итоаткорлик, ақл идрок, виждон, ички эътикод маъхсули бўлиб, инсонда олижаноб фазилатларни тарбиялайди. Шахс ҳуқуқий онги, маданияти ижтимоий – ҳуқуқий фаоллик даражасини белгилайди

## ТАЪЛИМДА БОЛАЛАР НУТҚИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Бобожонов Ш., Қарши ДУ доценти*

Ҳозирги замон нутқ тадқиқотчиларига тизимли ёндашув хос бўлиб, бу ҳодисаларни у яхлит тизим сифатида мавжуд бўладиган ташқи ва ички муносабатларнинг кўплиги ҳодисаларини ўрганишда намоён бўлади. Нутқ-тил тизими муносабатларнинг кўплигида иштирок этади, бунда унинг сўз маъносини таржима қилувчи ҳамда психофизиологик ҳодиса, мулоқот ва ижтимоий алоқа воситаси сифатида инсон онги ва ҳиссиётлари билан узвий боғлиқликда бўлган семантик ахборот аппарати сифатида фаолият юритиши ушбу муносабатларнинг асосийларидан бири ҳисобланади.

Бола ёшлигиданоқ тушуниш, фаҳмлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш, фикрлаш қобилиятига эга бўлади. Бундай хусусиятлар боланинг ўсиб камолга ета бориши билан ривожланади. Болалиқда юзага келган нутқий тасаввурлар инсоннинг келажакдаги фаолиятига асос бўлиб хизмат қилади. Нутқ устида ишлаш бола ҳаётининг дастлабки давридан бошлаб ота-она олдида турган асосий мақсад ва вазифадир.

Нутқ фаолияти - одам томонидан ижтимоий - тарихий тажрибани ўзлаштириш ва авлодларга бериш ёки коммуникация ўрнатиш ўз ҳаракатларини режалаштириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёнидир.

Киши эҳтиёжлари азалдан агар у бошқа одамлар билан биргаликда ҳаракат қилган ҳолда ўзаро муносабатга киришган тақдирдагина қондирилиши мумкин бўлиб келган. Бу ҳол субъектда унинг учун нима муҳим ва аҳамиятли эканлигини айтиш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Бола аниқ - равшан нутқни эгаллай бошлайди, биринчи ёшнинг охирига етганда бунинг дастлабки белгилари пайдо бўлади. Мураккаб талаффузни талаб қилмайдиган ва осон айтиладиган “о-па”, “бу-ви” каби охангдош сўзлар жумласидандир. Катта ёшдагилар бу ҳамоҳангликни аниқ шахсларга – она – ота – бувига боғлайдилар ва болага ана шу охангдош сўзларнинг унинг яқин атрофидаги конкрет шахслар билан боғланиши қарор топишига (“бу сенинг бувинг”) ёрдамлашадилар. Бола сўзни талаффуз қиларкан, истаганига эришишга-эътибор қилишига, эркалатилишига, ўйинчоқ қабиларга эришишига интилади. Сўз алоқа воситасига айланади, қўлланиладиган сўзлар сони борган сари тўхтовсиз орта боради ва 2 ёшда болаларнинг сўз бойлиги ҳаддан зиёд кенгайибгина қолмасдан, балки уларнинг грамматик шакллари тўғри ишлатиши ҳам мумкин бўлиб қолади, жумлалар мураккаблашиб ва узунроқ қилиб тузила бошлайди. Боланинг тили мактаб ёшигача бўлган йиллар давомида бойиб боради.

Мактабда ўқиш, ёзиш, кейинроқ эса тил ва адабиёт дарсларида болаларда мулоқот воситаси сифатида тилга ва муносабат жараёни сифатида нутққа онгли муносабат шакллантирилади. Тил ўқитувчи томонидан махсус уюштирилган таҳлил предметига айланган ҳолда ўқувчилар олдида ижтимоий жиҳатдан шаклланган қонунлар таъсирига бўйсунадиган мураккаб белгилар тизими сифатида намоён бўлади.

Баркамол шахсни таркиб топтириш сифатларидан бири бўлган нутқ ҳар бир инсон фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Нутқ кишилар ўртасидаги алоқа воситаси бўлиб, инсон ўз фикру-хаёлларини, хис-туйғу ва истакларини атрофдагиларга билдиради ва тажриба алмашади.

Нутқнинг тўғри шаклланиши атроф-муҳит ва таълим-тарбияга боғлиқдир. Боланинг эшитиши, ақлий тараққиёти меъёрда бўлиши, етарли даражада руҳий фаолликка эга бўлиши муҳим омил бўлиб, агарда тўғри нутқий муҳитнинг етишмаслиги ҳам болалар нутқида нуқсонлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай ҳолат болани ҳаддан ташқари эркалаб гапириш ёки кўпол муносабатда бўлиши, катталар нутқидаги нуқсонлар таъсирида келиб чиқиши мумкин.

Болалар нутқини ўстириш учун махсус шароитлар яратиш, ўз вақтида улар нутқида учрайдиган нуқсонларни олдини олиш, кўпроқ болалар билан табиий равишда гаплашиш зарурдир. Шунингдек, болаларни ўзига хос психологик хусусиятларини билиш янада тўғрироқ мулоқот қилишга имкон беради ва уларнинг тарбияси учун жавобгарликни оширади. Шу боис ҳам болаларнинг физиологик ва психологик хусусиятларидан хабардор бўлиш, уларнинг нутқ фаолиятини муваффақиятли ривожлантиришга ёрдам беради.

Болалар нутқини ўстириш- унга доимо янги тушунчаларни ўзлаштириб олишга теварак атроф ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиришга, фикрлаш қобилиятини оширишга имконият яратади. Нутқнинг равиш ривожланишини она тила ва адабиёт дарсларида эътибор билан олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун дарс жараёнида амалий психологик усуллардан фойдаланиб, болаларга ҳар бир сўзни маъносига кўра талаффуз қилишни, аввал фикрлашни, сўнг уни ўз меъёрида гапиришни ўргатиш керак. Шу билан бирга тинглаш техникасига риоя қилиш яъни ўзгалар сўзини диққат билан тинглаш укувини ҳам шакллантириб бориш зарур.

Мактаб психологи, она тила ва адабиёт фанларини ўқитишда болалар нутқини ўстириш-унга доимо янги тушунчаларни ўзлаштириб олишга, тасаввурларини кенгайтиришга, фикрлаш қобилиятини оширишга, идрок ва онг каби психологик омиллар билан боғланиб луғат доирасини мунтазам бойитиб боришга тавсиялар бериб, ўзаро ҳамкорликда иш олиб борса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчи нутқини ривожлантириш учун уни кузатишга, ўйлашга фикр юритишга мажбур қиладиган, мавзуларда аввал оғзаки ҳикоялар, кейинроқ ёзма матнлар яратишга ўргатиб, йўналтириб борилса ўқувчида ҳам, ўқитувчида ҳам қулай психологик ҳолат вужудга келади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, нутқни шакллантириш инсон маънавий камолатининг муҳим омилларидан бири саналади. Шу боис, мактаб амалиётида ҳар бир фанни ўқитишда ҳам унинг ўзига хос психологик-педагогик томонларидан фойдаланиш бугунги кун талабларидан биридир.

## VOKAL IJROCHILIGI DARSLARIDA TALABALAR TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISH

*Ismoilova M. E., Qarshi DU dotsenti*

Musiqiy ta'limda talabalar tafakkurini rivojlantirish hozirgi davrning muhim vazifalaridan biri hisoblanadi. V.I.Petrushin, R.G'.Qodirov va boshqa bir qancha musiqiy psixologiya borasida ilmiy ishlar olib borgan tadqiqotchilar bu haqda o'zlarining yakdil fikrlarini bildirganlar.

Musiqqa psixologiyasi juda qadim zamonlardan buyon o'rganilib kelinmoqda. O'rta asrlarda Yaqin va O'rta Sharqda musiqqa psixologiyasi Forobiy, Ibn Sino, Jomiy, Marog'iy, Kavkabiylar kabi buyuk mutafakkirlar ijodida o'z rivojini topdi. Masalan, Forobiy "Musiqqa haqida katta kitobi"da musiqaning inson psixologiyasi va ruhiy olamidagi ulkan ahamiyati haqida yozgan. Musiqqa kishilarni xursand qilishi, quvontirishi, tinchlantirishi, o'ylantirib qo'yishi, xotirjamlik baxsh etishi, sergaklantirishi va bir vaqtning o'zida uxlatib qo'yishi mumkin.

Ibn Sino musiqaning ruh bilan birgalikda tanaga ham shifobaxsh ta'sir ko'rsatishi haqida aytib o'tgan. U musiqani ham fiziologik, ham psixologik nuqtai nazardan o'rgangan. Abdurahmon Jomiy "Risolai musiqqa"sida shuningdek interval oraliqlarining his etilishi, ularning melodik va garmonik tizilishlari konsonans (yoqimli) va dissonans (yoqimsiz) bo'lishlari haqida fikr yuritgan [3].

Inson shaxsi juda murakkab psixologik kategoriya bo'lib, u kishining individual hayoti davomida ma'lum konkret omillarning ta'siri ostida asta-sekin rivojlanadi. Insonning psixik taraqqiyotida va shaxsiy sifatlarini tarkib topishida tashqi ijtimoiy muhit va tarbiyaning roli hal qiluvchi ahamiyatga ega. Lekin inson shaxsining tarkib topishi, yuqorida aytib o'tganimizdek, faqat shu ikkita faktorga emas, balki uchinchi bir faktorga ham bog'liq. Bu faktor nasliy yo'l bilan ayrim anatomik va biologik xususiyatlarning ta'siridir. Bu xususiyatlar odamga beriladi. Masalan: inson tanasining tuzilishi, sochi va ko'zlarining rangi, ovozi, gapirish uslublari, ayrim harakatlari tug'ma ravishda berilishi mumkin. Lekin odamda hech vaqt uning psixik xususiyatlari, ya'ni aqliy tomonlar bilan bog'liq bo'lgan sifatleri nasliy yo'l bilan berilmaydi. NIHoyat ayrim hollardagina ba'zi qobiliyatlar, masalan musiqqa va matematika qobiliyatlari nasliy yo'l bilan berilishi mumkin.

Hozirgi kunda xalqimiz orasida yetishib chiqqan iste'dodli olimlar, yozuvchi va shoirlar, davlat va jamoat arboblari, iste'dodli artistlar, rassomlar va boshqa insonlarga qobiliyat nasliy yo'l bilan berilgan bo'lsa barcha imkoniyatlarning ro'yobga chiqishi uchun har qanday sharoit maydonga kelganligini dalili bo'lamiz.

Musiqqa psixologiyasi haqida gapirar ekanmiz biz albatta talabalar tafakkuri haqida fikr bildirmasdan o'tib keta olmaymiz.

Tafakkur- kishi ongida borliqning uning tahlili va sintezi bilan aks etish jarayonidir. Tafakkur hissiy biliish vositasida va uning chegaralaridan chiqqan holda amaliy faoliyat asosida yuzaga keladi. Tafakkur aniq bilimlar, dalillarga suyanadi, tahlil qiladi, qiyoslaydi, umumlashtiradi, xulosalar chiqaradi.

Musiqiy tafakkur musiqiy his, musiqiy idrok asosida paydo bo'ladi va ovoqli, musiqiy, badiiy obrazlarga tayanadi.

Musiqiy tafakkur – musiqiy madaniyatning o'ziga xosligi, qonuniyatlarini bilishning spetsifik, intellektual jarayoni va musiqiy san'at asarini tushunishdir.

Musiqiy tafakkurning o'ziga xosligi musiqiy qobiliyatning rivojlanganligiga, shuningdek inson yashab tarbiyalanayotgan musiqiy muhit shart-sharoitiga bog'liq.

Sharq va G'arb musiqiy madaniyatlari orasidagi tafakkurlarni alohida ta'kidlash joiz.

Sharq musiqasi uchun monodiyaga asoslangan tafakkur: ko‘plab lad ko‘rinishlari (80 dan ortiq), chorak tonli, nimchorak tonli, glissando usullarining qo‘llanilishi, ritm tuzilishining boyligi, tovushlarning notemperatsiyaviy munosabati, tembr va kuy xilma-xilligidan foydalanish bilan musiqiy tafakkurni gorizontal rivojlantirish, xosdir.

Yevropa musiqa madaniyati uchun esa gomofon – garmonik tafakkur: garmonik ketma-ketlik harakati mantiqi bilan bog‘liq musiqiy tafakkurni vertikal rivojlantirish xosdir [2].

Vokal ijrochiligi darslari jarayonida tafakkur ko‘nikmalarini rivojlantirish uchun quyidagilar amalga oshirilishi kerak: - turli tahrirdagi ijrochilik rejalarini taqqoslash;

-mantiqiy fikr rivojlanadigan yetakchi intonatsiya va tayanch nuqtalar topish;

- vokal asarlarini bir necha ijro rejasini ishlab chiqish;

-vokal asarlarini har xil xayoliy cholg‘ulashtirish bilan ijo etish;

-vokal asarlarini har xil xayoliy rangda ijro etish.

Vokal ijrochiligida tasavvur ham muhim o‘rin tutadi. Vokal asari talqinining xilma-xilligiga dinamika, artikulyatsiya kabi ifodaviylikning ijrochilik vositalaridan foydalanish hisobiga erishiladi. Rivojlangan tasavvur sahna hayajonini yengib o‘tishga va umuman qo‘shiq ijrochilik sifatini yaxshilanishiga ko‘maklashadi. Kuylovchi ishi amalyotiga aktyorlik usullarining joriy etilishi badiiy ijroning yuqori darajasini egallashiga yordam beradi, undagi psixik jarayonlarni mukammallashiishiga ko‘maklashadi.

Vokal ijrochiligi darslari jarayonida axborot va zamonaviy pedagogik texnologiyalar, interfaol metodlar, musiqiy treninglarni qo‘llash borasidagi ilg‘or pedagogik tajribalarni o‘rganish va ulardan foydalanish talabalar tafakkurini rivojlantirishning va dars samaradorligini oshirishning muhim omillaridan biri hisoblanadi.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, vokal ijrochiligi darslarida asarlar vositasida talabalar tafakkurini mukammal rivojlantira olsak, ular musiqa san‘ati asoslarini tushunadigan, yaxshi va yomon vokal asarlarini bir-biridan ajrata oladigan, o‘zlariga yoqadigan haqiqiy qo‘shiqqlarga ehtiyoj sezadigan, ma‘naviy boy va barkamol inson bo‘lib yetishadilar.

## **ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ИФТИХОР ТҒИҒУСИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

*Каримов Х., Қарши ДУ доценти,*

*Жураев Д., Қарши ДУ магистри*

Миллий ғурур – бу, ўз халқи, Ватанига нисбатан ҳурмат, ўзининг манфаатлар умумийлиги, тил, маданият, қадриятлар бирлаштириб турувчи маълум бир миллатга мансублигидан ифтихор ҳиссини туйишдир.

Миллий ғурур умумий тарзда миллатнинг ўз анъаналари, тили, моддий ва маънавий маданиятини ривожлантириб боришга интилиши; халқ, миллат мустақиллиги ва озодлигига таҳдид солувчи, уларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлувчи ҳар қандай кучларга нисбатан аёвсиз зарба беришга тайёрлигида кўзга ташланади.

Миллий ғурур моҳият-этиборига кўра ватанпарварлик, Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббат тушунчаларига яқиндир. Ватанпарварлик – мамлакат, давлат, халққа нисбатан чуқур муҳаббат билан боғлиқ ижтимоий ва индивидуал онгнинг мураккаб хусусиятларидан бири. У ижтимоий ҳис-туйғулар, шахснинг ахлоқий ва сиёсий тамойилларида ифодаланади.

Инсоннинг ўз туғилиб-ўсган замини, аждодлари, тили, маданияти, анъана, урф-одатларига садоқатида намоён бўлувчи ватанпарварлик айрим унсурларининг шаклланиши қадим замонларга бориб тақалади. Давлатчилик, синфларнинг вужудга келиши ўзига хос манфаатлар, қизиқишлар билан боғлиқ бўлиб, миллат шаклланиши, миллий давлатлар тараққиёти ижтимоий онгнинг ажралмас таркибий қисми бўлган ватанпарварлик ҳисси мазмун-моҳиятида ўз таъсирини қолдирган. Миллат, миллий давлатлар шаклланиши шарт-шароитида ватанпарварлик бутун жамият ижтимоий онгининг муҳим хусусиятини ифодалайди. Ҳар бир инсон миллий ғурур ва ватанпарварлик тўғрисида ўзига хос тасаввурга эга, чунки ҳар қандай жамиятда мазкур тасаввурларни таркиб топтириш ёш авлод, аҳоли тарбияси жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Буюк мутафаккирларимиз маънавий меросида, ёзувчи ва шоирларимиз асарларида ҳам ватанпарварлик, бурч, қадр-қиммат, миллий ғурур сингари юксак ҳиссиётлар билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳис-туйғулар чуқур акс этган.

Миллий ғурур, ватанпарварлик ҳусусида гап кетганда, миллий ҳис-туйғу тушунчасига ҳам таъриф бериш лозим. Миллий ҳис-туйғу муайян миллатга хос миллий урф-одат, анъана, маданият, турмуш, миллий ва маънавий қадриятлар замирида ҳосил бўлади; умумий ҳудуд, тил, ўхшаш турмуш

тарзига эга одамлар жамиятида шаклланади. Миллийлик деганда эса 1) этнопсихологик йўл-йўрик (установка)ларнинг муайян мажмуаси; 2) сиёсий ғоялар тизими; 3) ижтимоий ҳаракатлар назарда тутилади. Миллийлик ватанпарварликдан тортиб, шовинизм, миллатчилик, неофашизм кўриниши даги экстремал шаклларда намоён бўлиши мумкин.

Умумий, миллий манфаатлар ҳар қандай миллат ҳаётида психологик асос, ўзак вазифасини бажаради. Миллий манфаатлар миллат ва унинг алоҳида вакиллари бир бутун ҳолдаги фаолиятида етакчи ҳаракатлантирувчи куч, мотивация ролини бажаради, бирдамлик, ҳамжихатлик, бирлик, яхлитликни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги вақтда зиёлилар, олимлар, таълим муассасалари ўқитувчилари олдида турган асосий вазифалардан бири ўсиб келаётган ёш авлод онгида миллий ғурур, ифтихор туйғуларини шакллантириш ва ривожлантириш, уларда мантикий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни таркиб топтириш, қобилятларини юқори даражага кўтариш, рақобатбардош, етук мутахассис бўлишлари ҳамда касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам берадиган технологияларни доимий равишда амалиётга татбиқ этиб бориш ҳисобланади.

## **O'QUVCHILARINI FANLARGA QIZIQISHLARINI TIZIMLI TASHKIL ETISHNING O'ZIGA XOS PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI**

*Ochilova N.M., Qarshi DU p.f.n.  
Islomov N., Qarshi DU talaba*

Bugungi kunda o'quvchi yoshlarning intellektual salohiyatini oshirish, o'rganilayotgan fanga qiziqishini o'stirish, o'zlashtirish darajasini va ular faoliyatini optimallashtirish usullaridan foylanishga harakatlar ko'zga tashlanmoqda.

O'quvchilarning qiziqishlarining mazmuni insonning biron yo'lni tutganligi, u hayotda o'z oldiga qo'ygan maqsadini bildiradi. Qiziqishlar chuqurligi kishining umumiy rivojlanishi va mayli bilan bog'liqdir. Qiziqishlar bevosita va bilvosita ham bo'ladi. Bevosita qiziqish o'zidan o'zi biron narsa va hodisalarni bilishga qiziqadi. Bilvosita qiziqish esa ma'lum bir narsaga qiziqqanda, shunga bog'liq bo'lgan ikkinchi bir narsaga qiziqishlar tufayli majburiy bir holda yuzaga keladi. Ehtiyojlarni rivojlantirish, tanlash va tarbiyalash, ularni hozirgi jamiyat kishisiga xos bo'lgan ma'naviy yuksaklik darajasiga olib chiqish shaxsni shakllantirishning asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi. Shu o'rinda shaxs psixologiyasi uni tarbiyalash pedagogikasi, axloqiy tarbiya metodikasi bilan o'rin almashadi. Ularning vazifasi — shaxsni har tomonlama rivojlantirishi, ma'naviy ongini shakllantirish, ongli intizomni, vatanparvarlik va baynalmillatlikni tarbiyalash vositalari va yo'llarini aniqlashdan iborat. Bu kelajak vazifalarni ro'yobga chiqarishi shaxsning takomillashuvini ta'minlaydi.

- o'quvchi yoshlarning mustaqil fikrlash, ijodiy tafakkur, mulohaza va mushohada yuritish ko'nikmalarini yuzaga keltirishda ma'naviy ehtiyoj davlat buyurtmasi ekanligi anglab yetilmayapti;

- darslik va o'quv qo'llanmalarda materiallar aynan shu masala echimini topishga moslashmagan;

Yoshlarda mantiqiy mushohada yuritish, taxlil va tashxisli-loyihalash ko'nikmalarini shakllantirish - mustaqil, erkin fikrlovchi, plyuralistik dunyoqarashga ega bo'lgan bo'lg'usi kadrlarni tayyorlash va tarbiyalashdek muammo o'z yechimini topishda ushbu zarur vazifaga etarlicha baho berilmayapti. Buning natijasida mantiqiy, mustaqil mushohada yuritish, analiz va sintez kabi tashxisli baho bera oladigan aqliy operatsiyalardan yiroq tor fikrlash qaror topmoqda.

Yoshlar mantiqiy fikrlashni ketma-ketlikda bayon eta olishlari, muayyan masalaning mohiyatini tushunib taxlil etib berishlari, tashxisli-loyihalish ishlarda qatnashishlari, umumlashtirish va xulosa chiqarishlarda qiynalishmoqda. Shunga qaramasdan o'quvchi yoshlarning bilish faoliyatini amalga oshirish metodlarining o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqib va bunda o'qitish metodlariga, ilmiy bilish metodlariga qaragan singari, bilish vositalaridan ajralgan holda qarash mumkin emas, chunki o'qitish vositalari o'qitish metodlarining moddiy asosi ekanligini esdan chiqarimaslik kerak. Shu bilan birga o'qitish metodlarini ilmiy metod sifatida rolini inkor etmagan holda, uning rivojlanish dinamikasi haqida o'quvchi yoshlarni tayyorlab borish va bu jarayon kelajak ilmiy izlanishlarga poydevor bo'lishini bilishlari zarur. O'qitish metodlari, o'qitish vositalari bilan integratsiyalashuvda bosqichma-bosqich ta'lim sifatini ko'taruvchi, keyinchalik mustaqil ijodiy tafakkurini o'stirishga, undan iqtidorli yoshlarni ilmiy-tadqiqot ishlariga etaklovchisi sifatida namoyon bo'lish kerak.

Ta'lim oluvchilarning o'quvchilarni fanlarga qiziqishlari o'zlashtirgan bilimlarini mustahkamlash, kengaytirish va boyitish, kelgusi faoliyati uchun zarur bo'lgan ko'nikmalar va fazilatlarini hosil qilish hamda

rivojlantirish shaklidir. Ta'lim oluvchilarning faol fanlarga qiziqishlari tashkil etishdan maqsad ularni yangi bilimlarini mustahkamlab borishga odatlantirish, fanlardan berilgan topshiriqlarni o'z vaqtida tayyorlash, kerakli adabiyotlarni topish, bo'sh vaqtni oqilona tashkil etishga, bugungi kundagi keng qamrovli demokratik islohotlarni to'g'ri baholashga o'rgatish, yangicha dunyoqarashni tarkib toptirish, o'z ustida muntazam, qunt bilan ishlash qobiliyatini o'stirishdir.

O'quvchilarni fanlarga qiziqishlarining faol jarayoni nafaqat ta'lim muassasalarida mashg'ulotlarni o'zlashtirish darajasiga, balki kundalik turmushda o'zaro munosabati, g'oyaviy-siyosiy yetukligi, hayotiy tajribalari, ko'nikma va malakalari, bo'sh vaqtni qanday tashkil etishlariga ham boqliq.

O'quvchilarni fanlarga qiziqishlarining xususiyatlari turli ijtimoiy-siyosiy adabiyotlarni mustaqil o'qish jarayonida o'quvchilarning siyosiy bilimi takomillashib boradi, xotirasi, irodasi chiniqadi, diqqat-e'tibori jamlanadi, fikrlari, tafakkuri rivojlanadi, hayot haqidagi bilimlarning mohiyati to'g'risidagi tasavvuri boyiydi, oydinlashadi.

O'quvchilarni fanlarga qiziqishlarini o'stirishda tegishli manbalarning ba'zi kerakli joylarini, qiyin terminlarni, asosiy g'oyalar va qoidalar, ta'riflarni yozib borish maqsadga muvofiqdir. Materialni yozib borganda uning mazmuni ko'proq esda saqlanib qoladi, material yaxshiroq o'zlashtiriladi, uni to'liq tushunishga, mazmuniga chuqurroq yondashishga, mustaqil tahlil qilishga o'rgatadi, ma'lum vaqt o'tgandan keyin kitob mazmunini yozuvga qarab esga tushirish, takrorlash, undagi asosiy holatlarni xotirlash imkonini beradi.

## **ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ**

*Бекназарова Л.С., Қариши ДУ доценти,  
Эркинов М., Қариши ДУ магистри*

Шахсни ривожлантириш, шакллантириш, таркиб топтириш, камолотга етказиш мавжуд қарама-қаршиликларни, зиддиятли вазиятларни енгиш, иродавий зўр бериш, зўриқиш, танглик, жиддийлик ҳолатларини бошқариш, ўзини қўлга олиш орқали ушбу фаолиятни амалга оширишнинг оқилона, омилкор воситалари яъни, кўникмалари, укувлари, малакалари, одатлари, саъи-ҳаракатла рини ўзлаштириш, билим эгаллаш натижасида вужудга келади. Бу эса ўз навбатида кишининг ёшлик давридан бошлаб атроф-муҳитга, жамият тараққиётида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабатларида акс этиб боради. Айнан, талаба ёшларимизни сиёсий-ижтимоий қарашларини шакллантириб бориш орқали уларнинг давлат ва жамият тизими ҳақидаги ижобий тушунчаларини шакллантириб бориш долзарб масалалардан биридир.

Ижтимоий-сиёсий билимлар ортиб борган сари жамиятда шахслараро муносабатлар юқори кўринишга эга бўлиб боради. Демократик тамойилларга асосланган жамиятда шахсни ҳар томонлама камол эришиш учун имкониятлар яратиб берилишини давлатимиз раҳбариятини одилона сиёсатида кўриш мумкин.

Ижтимоий-сиёсий қарашлар ривожланишига кенг йўл очиб берилган мамлакатни дунё ҳамжамяти тезда тан олишини мамлакатимиз мисолида кўриш мумкин. Ёшларни ижтимоий-сиёсий қарашларига таъсир этувчи омиллар ичида энг асосийси бевосита ёшлар камол топаётган ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлардир. Бунга асосий сабаб жамиятдаги ҳар бир ўзгариш, авваломбор, ёшларнинг сиёсий фаоллигига таъсир этиши сиёсий фанларни ўқитишда ўз исботини топган. Ижтимоий-психологик билимлар ўз навбатида сиёсий қарашларга ҳамда сиёсий фаолиятни йўналганлигига ва фаоллигига таъсир этади. Тажрибалар натижаси шуни кўрсатадики, сиёсий шаклланишига асосий туртки ролини ўйновчи билим бу ижтимоий-гуманитар фанлар бўлиб, унда ёшлар ижтимоий жамиятни босиб ўтган йўлини англаш билан бир қаторда инсоният томонидан чиқарилган хулосалар билан ҳам бевосита ва билвосита танишиб борадилар.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сиёсий қарашларнинг асосий омили билимлар ҳисобланиб, унда ёшларнинг ижтимоий жамият тузилиши, ривожланиши ҳақидаги маълумотлар билан танишиш билан бир қаторда ўзлари фаолият кўрсатаётган ижтимоий тизимни қиёслаш, таққослаш имкониятига эга бўладилар. Билимлар ёшларни ҳар томонлама етук шахс бўлиб етишларига хизмат қилишлари табиий ҳол, сиёсий билимлар эса, ўз навбатида жамиятдаги ўз ўрнини англаб етишига хизмат қилиши билан бирга сиёсий фаоллигини ҳам таъминлаб бериши сиёсий психологияда ўз исботини топиб таҳлил қилинган.

Ёшларда ижтимоий-сиёсий қарашларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларидан бири тақлид чанлик ҳисобланади. Тақлид қилиш орқали турлича қарашлар, яъни яшаш шарт-шароитлари, меҳнат

килиш, янгиликлар яратиш, машхурлик, маънавий-маданий ҳордик чиқариш каби бир қанча фаолият турларига нисбатан муносабатга киришади

Ёшларни сиёсий қарашларини фаоллигини оширишда таъсир этиб сиёсий билимларини намоён қиладиган омил бу ёшларнинг ўзига хос бўлган индивидуал психологик хусусиятларидир. Булар қаторига характер, темперамент, қобилият, ирода, эътиқод, истеъдод ва ҳақозоларни киритиш мумкин. Ёшлар маълум бир босқични босиб ўтиш жараёнида ўзининг турли хусусиятларини намоён қиладилар. Сиёсий қарашларини намоён этаётган даврида ёшлар ўзларининг характер хусусиятларини намоён этишии табиийдир. Характер ўз навбатида атроф муҳитдаги ҳодисаларга нисбатан намоён қиладиган хусусияти экан, сиёсий жараёнларга бефарқ бўла олмайди. Сиёсий қарашларнинг шаклланиши жараёнида характерни ўзига хос ўрни бўлиб, унинг асосида ёшлар ўз хатти-ҳаракатларини назорат қиладилар.

Ёшларнинг сиёсий қарашларига ҳамда сиёсий фаоллиги бевосита темпераментга боғлиқ бўлиб, унинг ҳар бир типи ўзининг сиёсий қарашларида кўзга ташланади ва ёшларнинг билим олиш жараёнидан ташқари амалга оширадиган турли хил тантаналарда намоён бўлиб ўзига таъсир кучига эга бўлади.

Юқоридагилардан ташқари ёшларнинг сиёсий қарашларига бошқа индивидуал хусусиятлари билан бирга психик жараёнлари ҳамда психик ҳолатларини бошқара олиши ҳам таъсир этади. Яъни, идрок қила олиши, сезгирлиги, фикрлаши, воқеа ҳодисаларни чуқур ҳис этиши, кайфияти, ўзини тутиб тура олиши кабилар.

## **ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО СОЗНАНИЯ МОЛОДЕЖИ**

*Ахметова К. И., ст.преподаватель ТашИИЖТ*

Специфика сегодняшнего дня заключается в том, что разрушение традиционных систем ценностей опережает процесс становления и усвоения новых. Все более заметна постепенная утрата нашим обществом традиционно узбекского национального самосознания. Многочисленные социологические, педагогические и психологические исследования свидетельствуют о растерянности молодого поколения, пессимистическом восприятии жизни.

Проблемы национального самосознания имеют для Узбекистана особое значение. Этническое многообразие страны и ее громадные пространства, особенности общинного устройства социальной жизни усилили значимость надэтнических факторов консолидации — государства и религии. В силу этих исторических обстоятельств национальное самосознание является фактором, связывающим нацию в целое духовное и социокультурное пространство. Поэтому важнейшей предпосылкой преодоления духовного кризиса общества является формирование в общественном сознании национальной идеи, отвечающей вызову времени, и воспитание бережного отношения к историческому и культурному наследию народов Узбекистана, ее традициям, обычаям.

Таким образом, важнейшей задачей сегодняшнего дня является сохранение общенационального единства Узбекистана, духовное оздоровление общества, что невозможно без воспитания национального самосознания.

В данной работе мы рассмотрим феномен национального самосознания и основные механизмы его формирования с точки зрения этнопсихологии, поскольку именно она в силу своего предназначения должна заниматься конкретным анализом национальных особенностей психики людей, в том числе как представителей конкретных социальных групп, и выявлением закономерностей их проявления и функционирования.

Каждая нация имеет свое национальное сознание, выражающееся в сложной совокупности социальных, политических, экономических, нравственных, эстетических, философских, религиозных и других взглядов и убеждений, характеризующих определенный уровень ее духовного развития. Национальное сознание является продуктом длительного исторического развития, а его центральным компонентом выступает национальное самосознание. В структуру национального сознания, помимо последнего, входят и другие элементы, например осознание нацией необходимости своего единства, целостности и сплоченности во имя реализации своих интересов, понимание важности обеспечения добрососедских отношений с другими этническими общностями, бережливое отношение нации к своим материальным и духовным ценностям и т.д.

Национальное сознание существует на теоретическом и обыденном уровнях. Если теоретический уровень национального сознания представляет собой научно оформленную, системати-

зированной конструкции, состоящую из идеологических взглядов, идей, программ, норм, ценностей и т.д., выработанных нацией за длительное время ее существования и определяющих стратегию ее развития, то обыденный уровень национального сознания включает в себя потребности, интересы, ценностные ориентации, установки, стереотипы, чувства, настроения, обычаи и традиции членов этой общности, проявляющиеся в повседневной жизни и деятельности. Все эти компоненты находятся в тесном единстве, они неразрывно связаны друг с другом. Следует отметить, что обыденное национальное сознание является главной психологической основой различного рода межнациональных трений и конфликтов, поскольку именно в нем формируются национальные предрассудки, негативные установки, нетерпимость к другим общностям.

Национальное самосознание, являясь ядром национального сознания, представляет собой результат осмысления людьми своей принадлежности к определенной этнической общности и положения последней в системе общественных отношений. Национальное самосознание может выражать интересы как отдельной группы этноса, так и нации в целом. В основе проявления национального самосознания лежит феномен этнической идентификации (этничности), т.е. формирования устойчивых представлений человека о себе как о члене конкретной этнической группы.

Историческими и культурными детерминантами национального самосознания выступают историческое прошлое и традиции народа, его сложившиеся обычаи и нормы поведения, а также предания, зафиксированные в устной (фольклор) и письменной форме, памятники культуры и искусства. Национальное самосознание практически невозможно без функционирования национального языка, поскольку язык служит средством его выражения и формирования.

Национальное самосознание проявляется в идеях, взглядах, мнениях, чувствах, эмоциях, настроениях и выражает содержание, уровень и особенности представлений членов нации:

- о своей определенной идентичности и отличиях от представителей других общностей;
- национальных ценностях и интересах;
- истории нации, ее нынешнем состоянии и перспективах развития;
- месте своей социально-этнической общности во внутригосударственных, межгосударственных и межнациональных отношениях.

Национальное самосознание - это осознание своей этнической идентичности в системе межнациональных отношений и формирование определённой позиции по отношению к своей и другим нациям. Понятие «национальное самосознание» относится к этносу вообще и к личности в частности, функционируя соответственно на макро- и микроуровнях.

Этапы развития национального самосознания и этнической идентичности многие учёные соотносят с этапами психического развития человека, таким образом, формирование национального самосознания личности происходит параллельно с формированием самосознания в целом (Ж.Пиаже, Э.Эриксон [4], Т.Г.Стефаненко [2] А.А.Налчаджян [3] и др.). Национальное самосознание взаимно связано с другими видами общественного сознания, что особо отмечают сторонники материалистического подхода.

Формирование национального самосознания молодого поколения это комплексный процесс, который заключается в системности и целостности целенаправленной активной воспитательной работы всех структурных звеньев, участвующих в формировании личности, а также собственная активная сознательная деятельность самой молодежи.

Комплексность в формировании национального самосознания молодого поколения означает, прежде всего, целенаправленное воздействие на сознание, чувства, поступки молодежи; единство и координацию воспитательных усилий всех звеньев системы образования и социальных институтов; комплексное планирование воспитательной работы; органическое слияние педагогического воздействия с процессом самовоспитания молодежи.

Структура национального самосознания личности включает интеграцию когнитивного, аффективного и деятельностного компонентов. Содержание когнитивного компонента составляют представления об особенностях культуры, среды, образа жизни своей и других наций; знание национальных интересов, потребностей, ценностей; отличительных особенностей национального характера, поведения в конкретных ситуациях. Результатом национального познания и самопознания является национальное самоопределение и идентификация. Содержание аффективного компонента составляет эмоционально-оценочное отношение к своей и другим нациям (позитивное, негативное, амбивалентное). Деятельностный компонент включает особенности поведения и установки на межнациональное общение и взаимодействие (сотрудничество, конформизм, избегание, антагонизм).

Национальное самосознание личности формируется в процессе воспитания и обучения на ранних стадиях социализации и определяется воздействием определённых социокультурных, исторических, политических, религиозных факторов, характерных для данного периода развития нации, характером и интенсивностью межэтнических отношений. Национальное самосознание характеризуется субъективностью, избирательностью, обладает особой энергетикой и динамичностью.

Итак, для эффективного и качественного воспитания национального самосознания у молодежи необходимо заложить психологический фундамент, то есть, механизмы рефлексивной, самопознавательной деятельности, сформировать Я-концепцию, в которую входит осознание самого себя как представителя данного этноса, носителя национального характера. Изучение национального самосознания, методов его формирования и изменения в современных условиях интенсивного развития межэтнических контактов имеет огромное значение и может помочь в приобщении личности к культуре и традициям своего и других народов, в формировании национальной идентификации, в моделировании, управлении и контроле процессов межэтнического взаимодействия и конфликтов.

#### Литература:

1. Крысько, В.Г. Этническая психология: учеб. пособ. / В.Г. Крысько. М.: Академия, 2002. - 320 с.
2. Налчаджян, А.А. Этнопсихология: учеб. пособ. / А.А. Налчаджян. – 2-е. изд. – СПб.: Питер, 2004. – 381 с.
3. Стефаненко, Т.Г. Этнопсихология: учебник / Т.Г. Стефаненко. – М.: Изд-во РАН, 1999. – 320 с.
4. Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис. -М.: Изд. группа «Прогресс», 1996. -С. 308-333.

### МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ ПСИХОЛОГИК ҚАРАШЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

*Салахутдинова М.И., СамДУ доценти*

“Ғарблик олимлар янги даврда психология бўйича қилган кашфиётларнинг анчагина қисми улардан юзлаб йиллар аввал бизнинг аждодларимиз томонидан қилинган эди. Афсуски, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари кўплаб олимларимизнинг психологияга оид асарлари ўз тадқиқотчиларини кутиб турган бир маҳалда тадқиқотчиларимиз бу масалага етарли эътибор беришмаяпти”. Шахсни илоҳий ва дунёвий илмлардан хабардор этиш, унинг ақлу зеҳнини ошириш орқали юксалтириш Шарқ мутафаккирларининг доимий диққат марказида бўлган. Шарқ мутафаккирлари, улуғ шоир ва файласуфлар ижодида бу бош масала бўлиб, улар инсонни фақат таъриф-тавсиф этиш билан чекланмайдилар, балки уни таҳлил этадилар, инсоннинг улуғворлиги қаерда, нуқсонлари нимада, изтироб-аламлари-ю шодликларининг сабаблари нималарга боғлиқ, қобиляти, истеъдоди нималарга қодир, бахт-саодатининг манбаи нимада, деган саволларни қўйиб, шуларга жавоб қидирадилар ва ғоят муҳим, замонлар оша эскирмайдиган ғояларни ифодалайдилар. Шу сабаб бўлса керак, Шарқ мутафаккирларининг асарлари асрлар давомида бутун дунёда кенг шуҳрат қозонди, уларнинг фалсафий қарашлари эл орасида ёйилди.

Зеро, Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Ибн Рушд, Ал-Киндий ва бошқа юзлаб олимларнинг асарлари дунёни теранроқ англаш, инсон руҳиятига кириб бориб, ҳаёт зиддиятлари моҳиятини тушунишга кўмаклашади.

Эндиги авлод Шарқ мутафаккирлари ижоди, фалсафий қарашлари қандай бўлса, шундай ҳолда, яхлит ҳолда бутун мураккаблиги ва ўзига хос улуғворлиги, теранлиги билан ўрганиш имкониятига эга.

Психология тарихида машҳур шахслар – Альберт Эйнштейн, АҚШнинг буюк президентлари, Зигмунд Фрейд ва бошқа машҳурлар психобиографияси, яъни ҳаёти ва фаолиятининг руҳий қирралари ҳали XIX асрдаёқ ўрганилиб, яратилиб қўйилган бир даврда жаҳон афкор оммасини титратган буюк шахсларимиз психологиясини ўрганмаслик – психология фанининг бўшлиқларидан бири, десак хато қилмаймиз.

Республикамиз фан ва маданиятининг тезкорлик билан ривожланиши табиий равишда унинг асосий манбаи бўлмиш маданий меросимизни кенг ва чуқур ҳамда илмий асосда изчил ўрганиши мизни тақозо этади. Бу борада Шарқ мутафаккирларининг фалсафий фикрларини қўлғезма асарлар асосида ўрганган машҳур тарихчи олим М. Хайруллаев қуйидаги фикрни билдиради: «Маълумки, узоқ ўтмишга эга бўлган Марказий Осиё халқлари тарихи ўз бошидан турли воқеаларни, кўтарилиш

ва сусайиш даврларини кечирган. Бу даврлар тарихда шубҳасиз маълум из қолдирган. Хусусан, маданиятимиз тараққиётида IX-XII асрлар катта аҳамиятга эга. Бу давр Марказий Осиё халқларини дунё маданиятида машҳур қилди. Чунки Марказий Осиё халқларининг бу даврда қўлга киритган маданий ютуқлари, илм-фан соҳасидаги янгиликлари дунё маданияти, илм-фан ривожининг ажралмас халқасини ташкил этади»

Шарқнинг ўрта асрлардаги буюк юксалишига асос солган йирик саркарда ва давлат арбоби Амир Темури ва темурийлар даврини психологик нуқтаи назардан янги йўналишда илмий тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб турибди. Шундай экан, ушбу юксак тараққиёт даврларида кенг психологик фикр тараққий этган, инсон ва жамият рухий ҳаёти борасида илмий қарашлар юзага келган, махсус тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбек мутафаккир олимларининг психология фани тарихига қўшган ҳиссаси салмоқли эканлиги илмий-тадқиқот ишларида намоён бўлиб бормоқда.

Марказий Осиё мутафаккирларининг психологик мероси ва унинг дунё психология фанида тутган ўрни ва мавқеини аниқлаш, мутафаккир қарашларининг ўзига хослиги ва бугунги куннинг ҳам илмий психологик муаммоларини ўзида акс эттиришини кўрсатиб бериш ушбу ишимизнинг бош мақсадидир.

Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидаги илмий масалаларни ёритилиши лозим:

Шарқ мутафаккирлари ижодида шахсга оид фикрларни ва маълумотларни тўплаш;

мутафаккирларнинг ижодий меросини у яшаган давр ижтимоий-психологик хусусиятлари нуқтаи назардан таҳлил қилиш;

мутафаккирлар асарларида берилган психологик категориялар ва уларнинг мазмунини бугунги психология фани категориялари таърифи билан солиштириш;

мутафаккирлар ижодидан шахс рухий ҳолатлари, билиш жараёнлари, шахс ва жамият, шахсий хусусиятларга доир маълумотларни ажратиш олиш ва илмий таҳлил этиш.

Марказий Осиё мутафаккирларининг психологияга доир фикрларини ўрганиш уларнинг психология фани тараққиётига қўшган ҳиссаларини белгилайди, бугунги кунда долзарб бўлган психология фани муаммоларини ечишга хизмат қилади, фанда умуман ўрганилмаган баъзи жиҳатларни илмий муомала-муҳокамага киритади. Бугунги глобаллашув замонида фалсафа, мантиқ, тарих, адабиётшунослик ва психология фанлари интеграциясини юзага келтиради.

## **ЎЗБЕКИСТОН ПСИХОЛОГЛАРИ ТОМОНИДАН ЁШЛАР МУАММОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ДАРАЖАСИ**

*Файзиева М., Қарши ДУ доценти,  
Назирова У., Қарши ДУ катта ўқитувчиси*

Ўзбекистон Республикасида ёшлар ҳуқуқларининг тенглиги ғояси ЭНГ асосий конституциявий тамойиллардан биридир. Шу боис, демократик фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнида ёшлар манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларнинг жамият тараққиётидаги ролини ошириш, уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш, ёшлар репродуктив саломатлигини муҳофазалаш, шунингдек ёшларнинг ижтимоий-маънавий турмуш тарзини ривожлантириш бўйича яхлит тадбирлар тизими амалга оширилмоқда.

Ёшларнинг ижтимоий-маънавий турмуш тарзини ривожлантириш бўйича манфаатларни таъминлаш тизими бозор иқтисодиёти ва демократик жамият асосларини чуқурлаштириш жараёнларида қонунчиликка замон билан ҳамнафас ўзгартиришлар киритиш ва уларни таъминлаш йўлидан олиб борилди.

Соғлом турмуш тарзини белгиловчи асосий омиллар инсон саломатлигини тиббий жиҳатдан асраш, инсон саломатлигига таъсир этувчи зарарли оқибатлардан инсон руҳияти ва танини привентив, яъни олдиндан ҳимоялаш чораларини кўриш, инсон саломатлигини ҳимоялаш нуқтаи назардан психологик, меҳнат, дам олиш, рационал овқатланиш меъёрларини тўғри тақсимлай билишдан таркиб топади.

Соғлом турмуш тарзининг таркибий қисмлари мазкур тушунча доирасига кирувчи бош мазмунни ўзида ифода этди, унинг узвий бирлигини ташкил қилувчи йўналишлар моҳиятини белгилаб берди. Соғлом турмуш тарзининг мамлакатимизга хос бўлган хусусиятлари ҳам мазкур тизим доирасида акс этди. Соғлом турмуш тарзининг Ўзбекистон ҳудудига хос бўлган хусусиятлари

этикод, маънавий ва мафкуравий тафаккур ва соғломликнинг соғлом турмуш тарзи асослари, унинг узвий таркибий қисмлари сифатида баҳоланиши билан белгиланди.

Соғлом турмуш тарзи тушунчасининг мазмуни қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- инсоннинг тиббий саломатлиги, ёшлар репродуктив саломатлиги;
- инсоннинг руҳий саломатлиги;
- инсоннинг жисмоний саломатлиги, жисмоний тарбия ва спорт;
- инсоннинг маънавий-маърифий ва мафкуравий соғломлиги ва соғлом тафаккури;
- инсоннинг этикод саломатлиги, диний бағрикенглик ва тотувлик;
- соғлом турмуш тарзини шакллантиришда оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги<sup>1</sup>;
- меҳнат қилиш ва дам олишнинг рационал меъёрларининг мавжудлиги;
- инсон ва рационал овқатланиш меъёрлари ва маданияти;
- инсоннинг ўз саломатлигига муносабати, соғлом турмуш тарзи маданияти ва тафаккури;
- соғлом турмуш тарзини олиб бориш учун талаб этилган имкониятларнинг яратилганлиги ва мавжудлиги;
- инсон саломатлигига таъсир этувчи экологик вазиятлар;
- оила муқаддаслиги тамойили, оилавий муносабатларда умумбашарий ва миллий қадриятларни асраб-авайлаш;
- оилавий маданият ва оила аъзолари маданияти тамойили;
- соғлом турмуш тарзи тарғиботи, илмий-назарий ва оммабоп адабиётларнинг мавжудлиги, кенг аҳоли қатламларига етиб бориши;
- инсон мафкуравий саломатлиги, бузғунчи ва ёт ғоялардан ўзини асраш тамойили, соғлом мафкуравий ғоялар тизими;
- ёшларга қаратилган турли тиббий тахдидлардан асраш тизими, тарғибот-ташвиқот ишларининг мавжудлиги ва самарадорлиги;
- зарарли одатларларга қарши ҳаракатлар тизимини ташкиллаштириш ва ривожлантириш тамойили (ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва кашандалик).

Соғлом турмуш тарзининг амалийлиги - уни амалга оширувчи тизимларнинг мавжудлиги ва ишончлилиги билан узвий боғлиқ ҳолатдир. Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларни ҳурматлаш, оилавий муносабатларга содиқлик, оила муқаддаслигини танолиш, ота-оналарга эътибор, соғлом турмуш тарзи мажбуриятлари моҳиятини англаш, оила мустаҳкамлиги йўлида фидойилик фазилатлари асосида тарбиялаб, вояга етказиш узок муддатли жараён бўлиб, бу мажбуриятни амалга оширишда нафақат ота-оналар иштироки, балки ана шу масалага мутасадди бўлган барча давлат ва нодавлат ташкилотлари тизимининг мунтазам меҳнати талаб этилади. Ўзбекистон учун хос бўлган ёшлар соғлом турмуш тарзини амалга оширувчи тизим қуйидагилардан иборат:

- давлат сиёсати, давлат ҳужжатлари, қонунлар, улар мониторинги, давлат дастурлари, ижроия ҳокимият, қонун чиқарувчи органлар;
- соғлиқни сақлаш тизими, вазирлик, уларнинг ҳудудий бошқармалари ва хусусий соғлиқни сақлаш институтлари ва ташкилотлари;
- жисмоний тарбия ва спорт комплекслари, спорт билан шуғулланишни тарғиб этиш;
- мамлакатдаги ННТ тизими, уларнинг соғлиқни ҳимоялаш ва экологик ҳимоя бўлинмалари;
- оила институти, ота-она ибрати;
- таълим муассасалари (боғча, мактаб, академик лицейлар, коллежлар ва ОЎЮ).

*Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий тадбир ўзининг йўналтирилган мақсадларига етиб бормаса, белгиланган натижаларга эриша олмаслиги муқаррардир.*

Мустақиллик йилларида ёшларнинг давлат ва жамиятдаги фаоллигини таъминлаш, қизларни соғлом турмуш тарзи асосида оилага тайёрлашнинг педагогик асослари масалалари миллий истиқлол мафкураси доирасида илмий-назарий жихитдан қайта шаклланди ва ривож топди. Бу, бир томондан, дунё тажрибасини ижодий ўзлаштириш ва унинг илгор ғояларини миллий менталитет ва анъаналарга уйғунлашган тарзда педагогик таълим тизимига жорий этиш, иккинчидан, мавжуд янги демократик ва фуқаролик жамият қуриш жараёнларига ҳамоҳанг тарзда вужудга келган талабларни илмий идрок этиш асосида янги технологиялар ва методларни ишлаб чиқиш асосида амалга оширилди.

## OILADA YOSHLARDA ZARARLI ODATLARGA QARSHI KURASHISH IMMUNITETINI SHAKLLANTIRISH

*Eshmurodova G., Qapuu DV dotsenti,  
Shukurova S., Qapuu DV magistri*

Globalashuv jarayonining ommaviy madaniyat niqobi ostida kirib kelishi yoshlar o'rtasida axloqiy buzuqlik, zo'ravonlik, yot g'oyalar hisobiga boylik orttirish singari xatarli g'oyalarni vujudga keltirar ekan, bu barchamiz uchun achinarli holdir. Chunki, inson hayoti, oila muqaddasligi va yoshlar tarbiyasiga bo'lgan katta xavf – bu alkogol va tamaki mahsulotlarini singdirishdir. Buning oqibatida yoshlar orasida huquqbuzarlik hamda jinoyatchilik holatlari sodir etilayotgani hech birimizga sir emas. Atrofimizda sodir bo'layotgan hodisalarga xotirjamlik va loqaydlik bilan emas, balki hushyorlik bilan qarash zarur. Yurtboshimiz ta'kidlaganlaridek: "Barchamizga ayon bo'lishi kerakki, qayerdagi beparvolik va loqaydlik hukm sursa, eng dolzarb masalalar o'zibo'larchilikka tashlab qo'yilsa, o'sha yerda ma'naviyat eng o'jiz va zaif nuqtaga aylanadi. Va aksincha – qayerda hushyorlik va jonkuyarlik, yuksak aql-idrok va tafakkur hukmron bo'lsa, o'sha yerda ma'naviyat qudratli kuchga aylanadi".

Alkogol va tamaki mahsulotlarini sotish bilan bog'liq masalalar qonun hujjatlari asosida tartibga solingan bo'lib, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2007 yil 16 martdagi PQ-605-sonli Qaroriga ko'ra, alkogolli mahsulotlar bilan savdo qiluvchi savdo shahobchalari o'quv, maktabgacha va diniy muassasalardan kamida 500 metr masofada joylashgan hududda savdo qilishlari belgilab qo'yilgan. Ammo bu holatlarga ayrim tadbirkorlarimiz tomonidan ko'p xatoliklarga yo'l qo'yilmoqda.

Jamiyat taraqqiy etishi bilan unda amal qilayotgan qonunlar yuzaga kelayotgan yangi munosabatlar ta'sirida yangilanib, takomillashib boraveradi. Qonunning mukammalligi uning qay darajada ijro etilayotgani, jamiyat manfaatlariga xizmat qilayotgani bilan belgilanadi. 1998-yilda qabul qilingan "Reklama to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritildi. Reklama munosabatlarini tartibga soluvchi ushbu qonun reklamani tayyorlash va tarqatish bilan bog'liq iqtisodiy-huquqiy munosabatlarni tartibga soladi.

Mazkur qonunga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilishi tamaki, tamaki mahsulotlari va alkogolli ichimliklar reklamasini butunlay ta'qiqlash, noqonuniy nosog'lom raqobatdan tadbirkorlarni muhofazalash hamda iste'molchilar huquqlarini himoya qilishga xizmat qiladi. Davlatimiz rahbari tomonidan o'sib kelayotgan yosh avlod tarbiyasi, sog'ligi, tafakkuri, bilim olishi hamda ma'naviyatiga alohida e'tibor qaratib kelinmoqda. Yoshlar o'rtasida sog'lom turmush tarzi madaniyatini shakllantirish, o'z sog'lig'iga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lishga maktabgacha ta'lim muassasalaridan tortib oliy o'quv yurtlarigacha bo'lgan maskanlarda chuqur singdirilib, axloqsizlik, chetdan kirib kelayotgan "ommaviy madaniyat" niqobi ostidagi tahdid va xatarlarning asl mohiyatini teran anglab yetishi uchun barcha mexanizmlar ishga solinmoqda. Yuqorida keltirilgan qonun o'zgarishlari ham ana shu maqsadlarni amalga oshirishga, yoshlarning zararli odatlardan saqlanishlarini ta'minlashga xizmat qiladi.

Xulosa qilib aytganda, mamlakatimizda o'sib kelayotgan yosh avlodning har tomonlama barkamol voyaga yetishi, ularning Vatan istiqbolini o'z qo'lga ola biladigan munosib vorislar bo'lishi uchun barcha imkoniyatlar yaratilmoqda. Bunda, birinchi navbatda, ularning ma'naviy kamolotiga katta e'tibor qaratilyapti. Zero, sir emaski, ma'naviyatli va ma'rifatli odamgina inson qadrini bilishi, milliy va umuminsoniy qadriyatlar mohiyatini anglab yetishi, erkin va ozod jamiyatda yashash, mustaqil davlatimizning jahon hamjamiyatida o'ziga munosib o'rin egallashi uchun fidoyilik bilan kurasha olishi mumkin.

## MUSIQIY TA'LIMDA PSIXOLOGIK JARAYONLAR

*Primov R.T., Qarshi DU katta o'qituvchisi*

Ma'lumki, musiqa psixologiyasida musiqashunosning intellektual va fikrlash faoliyatini hamda bastakor, kompozitor, ijrochi, tinglovchi o'zaro munosabatlarining psixologik xususiyatlarini o'rganishga muhim o'rin ajratiladi. Shaxs kamolotida ruhiy-psixologik va ma'naviyat holatlari katta o'rin tutadi. Insonning ruhiy yoki psixologik holati deyilganda uning his-tuyg'ulari, kayfiyati, xarakteri, temperamenti, ma'naviy holati deganda esa uning aqliy, axloqiy, huquqiy, siyosiy yetukligini, madaniy saviyasi, mehnatga bo'lgan munosabatini ifodalovchi fazilatlarini, kasb-kor malakalari, qobiliyatlari tushuniladi.

"Musiqa inson his-tuyg'ularini, orzu-umidlarini, hohish-istaklarini o'ziga xos badiiy tilda ifoda etadi va kishining his-tuyg'ulariga faol ta'sir etadi. Musiqa ham fan, ham san'atdir"<sup>1</sup>. Shundan kelib chiqib

<sup>1</sup> Асафьев Б. В. Музыкальная форма как процесс. Л.: Госуд. муз. изд., 1971г., -24стр

aytdigan bo'lsak, ta'lim muassasalarida musiqa psixologiyasini o'rganish ham zarur bo'ladi. Musiqa psixologiyasi musiqaviy eshitish qobiliyati, eshitish sezgisining chegaralari, musiqaning lad, ritmikasini his qilish, sezish, musiqaning anglanishi, yodda saqlanishi, ijro etilishi va undan bahramand bo'lish kabi masalani qamrab oladi.

Chunki psixologik ta'lim bo'lajak mutaxassisga musiqa san'atining nozik jihatlari va musiqa pedagogikasi borasida bilim olishga yordam beradi. Ayniqsa, bastakor, ijrochi, musiqashunos, pedagog insonning ichki kechinmalari, uning o'y va intilishlari, tahliliy hisob-kitob va tasavvurlar parvozi, iroda va xotira, xarakter va qobiliyat, shuningdek, musiqachi va tinglovchi shaxsiyatining boshqa psixologik sifatlarini yaxshi bilishi va yetarlicha aniq tasavvur eta olishi kerak.

Bundan ko'rinadiki, musiqiy ta'lim-tarbiyaning muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun uning psixologik asoslarini o'rganish o'ta muhimdir. Musiqiy faoliyatlar jarayonida o'quvchilar musiqiy qobiliyatlarini rivojlantirish barcha o'quvchilarni diqqatini to'plash, ularning ham aqliy ham hissiy idrok etishini tashkil etish, xotirasini ijodiy taffakurini rivojlantirish, ularning aqliy, irodaviy va boshqa xususiyatlarini shakllantirish kabi psixologik jarayonlardan samarali foydalanishga bevosita bog'liqdir. Shundan kelib chiqqan holda pedagog N.V.Vetlugina «... musiqa kechinmalari aslini olganda doimo sensor qobiliyatga asoslanadi, chunki musiqa eng oddiy ohanglar, murakkab obrazlar va eng avvalo hissiyotlar orqali idrok etiladi va musiqiy qobiliyat rivojlanadi»<sup>1</sup>, - deb ta'kidlagan.

Musiqa o'qituvchisi musiqa psixologiyasidagi bu jihatlarni yetarli darajada o'zlashtirib olishi kerak. Bu musiqiy tovushlar, obrazlar, tafakkur va hissiyotlar dunyosi kishi ruhini ko'taradi, uni borliq bilan birlashtiradi, gohida tasavvurlar, xayollarning tushuntirib bo'lmay imkoniyatlarini ochadi, dunyoning cheksiz kengliklariga olib ketadi, haqiqatga, idealga yaqinlashtiradi, hayotimizni ma'noli, mazmunli, ma'naviy boy va go'zal qiladi.

Musiqa murakkab psixologik jarayon hisoblangani bois musiqa darslarida musiqani tinglashda o'quvchilarning diqqat e'tibori kuchayadi, xotirasi, nutqi rivojlanib, dunyoqarashi shakllanib boradi, faolligi oshib yoqtirgan musiqalarini eshitganda zavqlanish hissi paydo bo'ladi. Musiqa tinglash va uni idrok etish musiqa faoliyatining shunday turiki, u bolalikdan tarbiyalanadi va singdirib boriladi. Musiqani tinglash jarayonida idrok etish darajasi tinglovchining umumiy madaniyati va musiqiy tayyorgarlik darajasiga bog'liqdir. Musiqiy asarning to'liq va chuqur idrok etilishi, shuningdek, ijodkor va ijrochi mahoratidan ham dalolat beradi. Muxtasar aytganda, musiqani nafaqat san'at turi deb, balki inson psixologiyasini yuksaltiruvchi tabiiy omil sifatida ham o'rganish zarur. Zotan, musiqa bizni ona tabiatning turli ohang va tovushlari bilan muomala qilishimizga, ularning mohiyatiga yetish va odamlar o'rtasidagi munosabatlar bilan ichki dunyomiz mutanosibligini ta'minlashga yordam beradi.

#### **Adabiyotlar**

1. Асафьев Б. В. Музыкальная форма как процесс. Л., 1971г., с 372
2. Soipova D. Musiqa o'qitish nazariyasi va metodikasi. T., 2009. 225-bet

### **МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИ РИВОЖЛАНИШИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ВА НАЗАРИЙ АҲАМИЯТИ**

*Сохибов А.Р., Қарши ДУ доценти*

Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгилиниши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истикболи, амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимиз самараси, тақдири, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, мустақил фикрловчи, ижодкор мутахассис кадрларни тайёрлаш муаммоси билан боғлиқ. Ёш авлодни етук баркамол шахс қилиб шакллантиришда эса педагогик, психологик билимларнинг ўрни беқиёсдир.

Бугунги ёш авлодни ҳар томонлама етук, билимли, юксак маънавиятли, баркамол, ватанпарвар шахслар бўлиб етишишини таъминлаш учун авваламбор ўз тарихи илдизларини, ҳалқининг тарихи, маданияти тарихи, ҳалқининг ғурури, ҳалқ ифтихори, Ўзбек ҳалқининг жаҳон айвонидаги такрорсиз ўрнини англаш, дунёвий фанларнинг бир қанча соҳаларида бутун дунёда машҳур бўлган алломаю-мутафакрларимиз маънавияти ва асарларини ўрганиб, унинг моҳиятини тушуниш, миллат руҳиятини чуқур билиши зарур.

<sup>1</sup> Soipova D. Musiqa o'qitish nazariyasi va metodikasi. Toshkent. 2009. 10-bet

Ўрта Осиёлик шоирлар ҳақида маълумотларнинг акс этиши форс-тожик тилидаги адабиёт ривожига Рудакий, Носир Хисрав, Умар Хайём, Адиб Собир Термизий, Фирдавсийларнинг ўрни ва улар ёзган асарларнинг мазмуни ҳам ўқувчилар билим доирасини анчагина кенгайтиради.

Рўдакийнинг ҳаёти ва ижоди, унинг “Одам уш-шуаро” номи билан шуҳрат қозониши, унинг шеърятга ўқувчиларнинг эстетик маданиятини уларнинг маънавий ҳиссий фаолиятини оширади.

Фирдавсийнинг ҳаёти ва ижоди, унинг “Шоҳнома” асари “Рустам ва Сухроб” достони, Фирдавсийнинг ҳикматлари форс тилида ёзилган гўзал асарлар сифатида ўқувчиларнинг диққатини тортади.

Қомусий асарлардан бири саналган “Девону луғотит-турк” асари, унинг муаллифи Маҳмуд Қошғарийнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳам катта ҳажмида ўрганилади. Маҳмуд Қошғарийнинг ижодий камолоти қорахонийлар давлатида яратилган муҳим давр ва тарихий шароит маҳсулидир. Маҳмуд Қошғарий ҳақидаги маълумотлар “Девону луғотит-турк” асарида акс эттирилган. “Девону луғотит-турк” ҳам изоҳли луғат ҳам, қомусий асар сифатида ўрганилади. Унда бадиий адабиёт дурдоналарининг ўзига хос тарзда берилиши, уларнинг яратилиши санаси, жанри, мазмуни, бадиий хусусиятлари ўрганилади.

Бу асарда меҳнат ва маросим кўшиқлари берилган. Кўшиқлар кўпроқ тўртлик шаклга эга бўлиб, уларда аждодларимизнинг кундалик турмуш тарзи, ўзаро инсоний муносабатларга доир муаммолар ёритилади. Асарда инсоний ҳис туйғуларининг ифодаси сифатида мунгли кўшиқлар ўғитномалар кўплаб берилган. Уларда қадимий миллий қадриятлар, урф-одатлар анъаналар акс этган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” (“Саодатга бошловчи илм”) асарини ўрганиш жараёнида Юсуф Хос Ҳожибнинг Уйғониш даврининг йирик сиймоларидан бири деб айтиш мумкин. Дастлаб “Қутадғу билик” асари йирик бадиий дoston сифатида ўрганилади. “Қутадғу билик” нинг сиймолари, уларнинг рамзий-мажозий характери ўрганилади. Юсуф Хос Ҳожибнинг тўртликлари эса шоирнинг катта адабий маҳорати борлигини кўсатади.

“Ҳадислар ва туркий адабиёт” бўлимида “Ҳадис” ва “муҳаддис” тушунчаларига изоҳ берилади. Ўрта Осиёлик буюк муҳаддис олимлар, уларнинг йирик вакили бўлган Имом Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” (“Адаб дурдоналари”) ўрганилади. Ҳадисларнинг мавзу қамрови, уларда инсоний ахлоқ-одоб қоидаларининг жам бўлганлиги, ҳадисларнинг ўрганилиши зарур бўлган манбалардан эканлигини кўрсатади. Ҳадисларнинг фалсафа, ахлоқ, бадиий адабиётга таъсири бу йўналишда Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакийларнинг тажрибаларида кўринади.

Бу босқичда Аҳмад Югнакийларнинг “Ҳиббат ул ҳақойик” (“Ҳақиқатлар армуғони”) асари ҳам ўрганилади. Алишер Навоийнинг тасаввуф шоирларига бағишланиб ёзилган асарида Адиб Аҳмад ҳақида аниқ далиллар, илиқ сўзлар айтилган. Асарнинг мавзу қамрови ва композицияси ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Асарда тил одоби, сўзга муносабат масалалари бадиий талкин қилинади. Асарнинг тили, унда тазод, омонимлик шеър ўйини, яъни тажнис санъатлари моҳирона қўлланилган. Ўқувчилар адиб Аҳмад Югнакий ижоди орқали дидактик адабиётдан ҳам хабардор бўладилар.

Адиб “ўк яраси, ақлдан озиш, тил жароҳати ва уни тийиш” ҳақидаги қуйидаги фикрларини баён этади:

*Неким келса эрга тилидин келур,  
Бу тилдин ким эдгу, ким ақир бўлур...*

яъни бу байтнинг маъноси шуки, киши бошига нима ёмонлик келса, тили туфайли келади, тили туфайли бировлар эзгу, бахтли бўлади, бировлар ҳақир, хору зор бўлади.

Мавлоно Лутфий эса ўз замонасида бошқа шоирлар орасида юксак маҳорати ва зукко истеъдоди билан ажралиб турган, у улкан сўз санъаткори сифатида Шарқда танилган, “Малик ул калом” унвонини олган буюк зотдир. У машҳур туюқ навис бўлиб, ўзбек адабиётида 70 дан ошиқ туюқ ёзган, сўз ўйинларидан моҳирлик билан фойдаланган.

Юқорида санаб ўтилган даврлар сўз санъаткорларнинг асарлари халқимиз маънавий меросининг тоза сарчашмалари ҳисобланади,

Шундай сўз санъаткорларидан бири Паҳлавон Маҳмуд XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг бошларида яшаб ижод этган мутафаккир-файласуф шоирдир. У 1248 йилда Хива яқинида туғилган. У жисмоний жиҳатдан бақувват йигит бўлиб ўсади, полвонлик билан шуғулланади. Хоразмнинг кўп шаҳарларида ва Ҳиндистонга бориб кураш тушади, доим ғалаба қозонади. Шунинг учун у «Паҳлавон Маҳмуд» номи билан шуҳрат топади. Ҳикоя қилинишича, Паҳлавон Маҳмуд бир жангда Ҳиндистон шоҳи Рой Ропой Чўнани ўлимдан қутқариб қолади, бунинг эвазига қачонлардир Ҳиндистонга асир тушган хоразмликларни озод эттиради. Оташин ватанпарвар Хива яқинида

Чингизхон кўшинига қарши жангларда ҳалок бўлган Хоразм аскарларининг қабри устига мақбара қурдиради. Паҳлавон Маҳмуднинг асосий касби пўстиндўзлик, телпакдўзлик эди ва шунинг билан бирга у илм-фан, адабиёт билан ҳам шуғулланди. У машҳур рубоийнавис Умар Хайёмнинг изидан бориб, форс-тожик тилида кўп оригинал рубоийлар яратди. У «Канзул-хақойиқ» («Ҳақиқатлар хазинаси») номли бир маснавий ҳам яратган. Шоирнинг бизгача бир неча юз рубоийси етиб келган. Унинг рубоийларида моддий борлиқнинг фонийлиги, инсон, табиат ҳақида фикр юритилади, одоб-ахлоқ, Ватанга муҳаббат, меҳмондўстлик, мардлик, ҳалоллик тўғрисидаги мавзулар асосий ўринни эгаллайди.

*Уч юз Кўҳи Қофни келида туймоқ,  
Дил қонидан бермоқ фалакка буёқ,  
Ёники бир аср зиндонда ётмоқ –  
Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ.*

Паҳлавон Маҳмуд рубоийларида инсоний фазилатларнинг ўзига хос тарғиб қилиниши, бадий талқин қилиниши шоир ижодида жавонмардлик оқими ғояларининг таъсири бор эканлигини кўрсатади. Паҳлавон Маҳмуднинг ҳаёти ва ижоди ўқувчиларда Ватанга муҳаббат, инсонларга тўғри муносабатда бўлиш, адолатпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик каби фазилатларни тарбиялашда муҳим манба бўла олади. Инсон табиатида учрайдиган салбий иллатларга муносабат, яъни бу иллатларни қоралаш, нафрат ҳисси ҳам бу рубоийларни шарҳлаш жараёнида пайдо бўлади. Бу фикрлар тасдиғи сифатида айтиш мумкинки, бу ўқитувчининг дарс давомида берган саволларига ўқувчиларнинг жавобларида, фикрларида сезилиб туради.

Шарқ мутафаккирлари – Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Унсурул-Маолий Кайковус, Аҳмад Югнакий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбандий, Муслихиддин Саъдий, Амир Темур, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, шунингдек, жадидчилик ҳаракати вакиллариининг кўплаб асарларида шахс маънавиятини шакллантириш масаласи алоҳида ўрин тутган. Мазкур асарлар билан танишиш орқали қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Комил инсонни тарбиялаш масаласи Шарқ мутафаккирлари томонидан яратилган педагогикага оид асарларнинг етакчи мавзуси саналади.

2. Шарқ мутафаккирларининг комил инсонни шакллантириш ва шахс маънавиятини юксалтириш борасидаги қарашлари зардуштийлик ва ислом дини таълимотида ўз ифодасини топган ғоялар билан ўзаро уйғун.

3. Мутафаккирлар томонидан яратилган комил инсон қиёфасида иймон, билимлик, меҳнатсеварлик, камтарлик, сабр-тоқат, атрофдагилар ва табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабат, ўзликни англаш, эзгу ишларни қилишга рағбат каби сифатлар ўз ифодасини топган.

4. Шарқ мутафаккирларининг қарашларига кўра маънавий маданиятга эга шахс тимсоли бўлган комил инсоннинг шаклланиши узоқ муддатли, мураккаб ва диалектик жараён ҳисобланиб, бунга доимий илм ўрганиш, изланиш ва ўзликни англаб бориш орқали етишилади. Сўфийлик таълимотида бу жараён “ўзликдан кечиш” тарзида ифодаланган.

5. Комиллик инсон шахсини улуғловчи, унинг қадрини юқори кўтарувчи муҳим фазилат сифатида ҳар бир шахсда ривожланиши зарур. Зеро, бу фазилат жамиятда тинчлик ва фаровонликни таъминлаш, аҳоли ўртасида аҳиллик ҳамда ўзаро ёрдамни қарор топтиришга ёрдам беради.

Республиканинг сиёсий, иқтисодий, маънавий вазифаларини ҳал қилиш учун кўп жиҳатдан улуғ аждодларимиз томонидан шарафланган, асрлар синовида бардош бериб бизнинг кунларимизгача етиб келган ахлоқий қарашларга амал қилиш, гўзал хулқни камол топтириш, она Ватанга, инсонни қадрлашга ишончли – муҳаббатли, тарбиялаш ва мустаҳкамлаш зарур. Демак, ахлоқ шахс маънавияти, маънавий маданиятини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади.

## **СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ АСПЕКТ ЭФФЕКТИВНОЙ УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕНЕДЖЕРА ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА**

*Отжсанов К.О., соискатель Национального университета Узбекистана*

Современные условия реформирования Республики Узбекистан, прогрессивные преобразования, возрастающая роль инноваций весьма актуализируют роль железнодорожного транспорта, как базовой отрасли, материального коммуникатора между областями, различными предприятиями, одного из важнейшего фактора развития экономики и всего государства в целом.

Данная отрасль в Республики Узбекистан представлена Акционерным обществом «Узбекистонтемирйуллари», охватывает многочисленные структурные подразделения, предприятия, учреждения и организации, а также соответствующие технические системы. Практика показывает, что по своей сути, железнодорожный транспорт является живым организмом, многоотраслевым хозяйством, которым необходимо эффективно управлять.

Несмотря на интенсивное развитие современных информационных технологий управления, в центре этого процесса находится человек - менеджер, от управленческой деятельности которого, напрямую зависит эффективность функционирования всех элементов железнодорожного транспорта. Это обусловлено тем, что должное функционирование любой организации невозможно без эффективного управленческого процесса, который вступает как направляющий вектор, координатор и проводник оптимального достижения поставленных целей, общего развития.

Проведенный анализ научной литературы по исследуемой проблеме показывает, что управленческая деятельность менеджера железнодорожного транспорта находит непосредственное воплощение в определенных действиях и сложных операциях, осуществляемых специалистом управленцем (менеджером) в процессе управления, непосредственной реализации управленческих функций. При этом данный процесс непосредственно характеризуется коллективным трудом различных работников, специалистов, между которыми образуются определенные социально-психологические связи [4].

В свою очередь, профессиональная деятельность работников преобладающего большинства специальностей железнодорожного транспорта, имеет довольно сложный интегрированный характер, сочетая в себе интеллектуальные и физические производственные функции. Стремительное развитие, технологический прогресс приводит к значительному увеличению объема профессионально значимых качеств, знаний и умений, потребности их постоянного совершенствования в пределах должностных обязанностей и на перспективу служебного роста. Преобладающий контингент персонала являются высококвалифицированными кадрами. Это обусловлено автоматизацией и компьютеризацией отрасли. Для данных специалистов характерен сложный комплекс трудовых функций, ежедневный рост значимости интеллектуальных подходов к профессиональной деятельности.

Профессиональная деятельность персонала в системе железнодорожного транспорта, как правило, имеет следующий характер:

- исполнительский или операторский, т.е. соблюдение технологических и эксплуатационных регламентов, обеспечения работоспособности технических систем;
- руководящий, т.е. организация работ и совершенствования производства, подбор, расстановка и подготовка кадров;
- инновационный, т.е. поиск, модернизация, планирование, внедрение нововведений направленных на развитие производства, разработку, совершенствования технических средств и технологических процессов, активизация резервов производства [2].

Необходимо также отметить, о широком диапазоне специализации профессиональных качеств персонала железнодорожного транспорта:

- проектирование технических объектов, систем;
- разработка, модернизация, производство, эксплуатация технических средств;
- исследования в области технических и др. наук;
- инструкторско-методическое обеспечение производства, применения технических объектов, систем и пр.

Современная профессиональная деятельность персонала железнодорожного транспорта имеет тенденцию к сокращению объема специальностей с одновременным увеличением объема знаний, умений, необходимых для управления осуществляемыми процессами. Это связано с активным внедрением систем автоматизации. Вместе с тем, виды профессиональной деятельности работников железнодорожного транспорта, как правило, предусматривают:

- исполнение непосредственных служебных обязанностей (конкретных задач, работ);
- профессиональное общение;
- научная деятельность;
- работа с научно-технической литературой по специальности;
- работа с цифровыми носителями, в локальных сетях и Интернете;
- участие в научно-практических конференциях и пр. [2,4].

Кроме того, целесообразно отметить, что вышеизложенные процессы, особенности профессиональной деятельности обусловлены несколькими, условно выделяемыми тенденциями развития железнодорожного транспорта как отрасли.

Так, первая тенденция, в большей степени связана с происходящими динамическими реформами в Республики Узбекистан, активизация инновационного пути развития. Политические, экономические, социальные, технологические, образовательные и пр. изменения активно проектируются и на управленческую деятельность менеджера железнодорожного транспорта. С одной стороны, данные изменения способствуют прогрессу, мобилизации индивидуальных и групповых усилий для достижения определенной цели, заставляют специалистов постоянно самосовершенствоваться, обновлять свои знания, творчески подходить к исполнению своих обязанностей в соответствии с растущими требованиями, а с другой – усложняют профессиональную деятельность, существенно повышают требования к специалистам, интеллектуализируют профессиональный труд на транспорте в целом и пр.

Вторая тенденция связана с повышением требований к менеджерам железнодорожного транспорта, их управленческой деятельности из-за общей интеллектуализации труда различных работников железнодорожного транспорта, повышение их образовательного и профессионального уровней, соответствующий рост материальных и духовных потребностей. Повседневная деятельность менеджера все чаще затрагивает более широкий спектр психологических особенностей специалистов, их сугубо индивидуальных возможностей [1].

Заключительная тенденция, больше связана с общемировой трансформацией управленческой мотивации и снижением влияния стимулов профессионального роста. Данная тенденция весьма актуализирует, повышает спрос на менеджеров железнодорожного транспорта современной формации - деловых, творческих, активных, умеющих работать в нестандартных, а иногда и в экстремальных условиях, придерживающихся индивидуального подхода к подчиненным, умеющих управлять коллективом, налаживать должное взаимодействие, подготавливать необходимые резервы кадров [5].

Кроме того, результаты многочисленных исследований подтверждают тенденцию увеличения профессионально-значимой доли социально-психологических составляющих в современной управленческой деятельности и их влияние на конечную эффективность растет [4.].

Все это весьма актуализирует исследование социально-психологического аспекта эффективной управленческой деятельности менеджера железнодорожного транспорта.

## **МИЛЛИЙ ОНГ: МАЗМУНИ-МОҲИЯТИ**

*Худойбердиев Х., ТДТУ Термиз филиалининг доценти, фалсафа фанлар номзоди.*

*Худойбердиева Г., Низомий номидаги ТДПУ Термиз филиалининг ўқитувчиси.*

Маълумки ижтимоий онгнинг хима-хил шакллари мавжуд. Кишилиқ жамиятининг илқ босқичида, ижтимоий тараққиётнинг жуда соддалиги туфайли, инсон онгининг шакллари, аниқроғи ўзига хос кўринишлари ҳам жуда содда бўлган. Инсон онгининг ўзига хослиги ҳали шаклларда намоён бўлмаган. Шунга кўра инсоният тараққиётининг навбатдаги босқичлари даврида, инсон билан бир қаторда, унинг онги ҳам ўсди. У ўз шаклларига эга бўлди. Жумладан, миллий онг ҳам ўша замонга хос кўринишга эга бўлди. Миллатнинг маънавий-руҳий ҳолати бўлмиш миллий онг, миллатнинг барқарорлигига қараб ўзгариб, такомиллашиб борди.

Миллий онг нима? Миллий онг миллатнинг мавжудлиги, унинг тарихий тараққиёти ва истиқболи билан боғлиқ омилдир. У миллатнинг шаклланиши, тараққий этиши ва абадийлигини таъминлайди. Миллий онг миллатнинг ўзи билан бирга шаклланиб боради. Унинг бошқалардан фарқ қилувчи, фақат ўзига тааллуқли бўлган манфаатлари ва мақсадларининг шаклланиши миллий онгни вужудга келтиради.

Шунинг учун ҳам миллий онг миллат билан тенгма-тенг равишда узоқ тарихий даврда, унинг турмуш тарзи, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва кенг маънавий-маърифий, ссалоҳияти таъсирида ривожланади. Шундай қилиб, миллий онг деб, миллатнинг тарихи, тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган манфаатлар ва мақсадларни ифодаловчи, миллат вакиллари фаолиятини мақсад ва йўналишлар томон бошқариб турадиган ғоялар, фикрлар тизимига айтилади.

Миллий онгга таъриф берганда, миллатнинг онглиқ даражасига эътибор бериш билан бирга, унинг фаоллиги даражаларини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Яъни, миллатнинг манфаатлари ва мақсадлари ифода эттирувчи онг бўлса, уни амалга оширувчи ҳаракат бўлмаса, миллатнинг онги, амалда ўз ифодасини топа олмайди. Шу маънода миллий онг миллат манфаатлари ва мақсадларини амалга ошириш борасидаги фаоллигининг даражаси ҳамдир. Миллий онг миллий манфаатлар

сифатида, моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқиш, ўзга миллатлар билан ўзаро муносабатлар жараёнида ҳам шаклланиб ва ривожланиб боради.

Худди шу жараёнда миллатга мос бўлган хусусиятлар шаклланади. Ўша хусусиятлар миллатни бошқа миллатлардан ажратиб туради. Бундай ўзига хос хусусиятлар, ўз навбатида, миллий манфаат ва мақсадларни шаклланишида етакчи омил вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам миллатнинг барча тарихий даврлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий камолоти миллий онгда ўз ифодасини топади.

Миллий онг ривожининг маънавий асосларини миллий тил, маданий мерос, тарихий хотира, урф-одат, анъаналар, кадриятлар, миллий тарбия, таълим тизими кабилар ташкил қилади. Мана шундан миллат маънавий озуқа олади, улар орқали ўзини англайди. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин миллий онг ривожланиши учун катта имкониятлар вужудга келди.

Миллий онг –бевосита ҳар бир миллат ёки элатнинг узок тарихий этногенез даври, турмуш тарзи, иқтисодийишлаб чиқариш усули, диний эътиқодлари, маданияти, бошқа халқларнинг бевосита таъсири туфайли шаклланган дунёқараши, иқтисодий, сиёсий –ижтимоий ва маданий – маънавий соҳаларда фаоллик даражасини ўз ичига олади.

Миллат кишиларнинг барқарор тарихий бирлиги, умумий иқтисодий турмуш тарзи ҳамда тил бирлиги, маданияти, онги ва руҳиятининг ўзига хослиги заминида қарор топган ижтимоий тараққиёт шаклидир.

Инсон онгли бўлиб туғилмайди. Унинг ижтимоий фазилатлари, яъни онги оила, жамият таъсири туфайли шаклланади.

Миллатнинг ўзига хос онгига ҳам шундай шаклланади.

Миллий онг миллатларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти, меҳнати, бошқа миллатлар билан мулоқот ва мувоҳасаси жараёнида пайдо бўлади ва тил билан узвий боғлиқдир.Тилда ифода этилган буюм, ҳодиса ва рақамлар миллат онгида ўз ифодасини топади ва субъектив образлар тарихида унинг билимига айланади. Шунинг учун миллат шаклланиши жараёнида бошлабоқ, ўтмиш аждодлар ва катта авлодлар яратган буюмлар, тушунчалар оламини ота-она тили орқали ўзлаштириббориб, ўз онгини қарор топтиради.

Миллий онг алоҳида миллий муҳитда содир бўлади. Унинг шаклланишига тарих тўпланган билимлар, сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар, саънат эришган ютуқлар, ахлоқ, дин ва ижтимоий руҳият, умуман, жамият онги таъсир кўрсатади. Миллий онгнинг тарихдаги ижобий аҳамияти шундан иборатки, у жамият тараққиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Миллий онг тарихий тажрибани олдин ўтган аждодлар ишлаб чиққан билимларни ва тафаккур-мантиқ усулларини ўзига сингдириб олгач, воқеликни ғоявий тарзда ўзлаштиради, вазифаларини ўртага қўяди, келажакдаги фаразий лойҳаларни тузади, инсоннинг бутун амалий фаолиятини белгилайди.

Миллий онгни миллий фаолият шакллантиради, миллий онг ҳам ўз навбатида миллий фаолиятга бевосита таъсир ўтказади, уни белгилайди ва тартибга солади. Миллат, ўз орзу хавасларини амалий равишда рўёбга чиқара бориб, табиатни, жамиятни шу билан бирга, ўз онги туфайли ўзини ҳам ўзгартиради.

Миллий онг асорати, яъни истибдод тузуми ёки мустамлакачилик ҳолати, миллий онгни тубанликка олиб келади. Чунончи, чўро тузуми даврида миллий онг тараққиёти миллий сиёсат туфайли чекланган эди. Миллий онг кўп асрлик тарихий давр ижтимоий ҳаёти жараёнида йиғилган билимлар мажмуасидир. Бинобарин, шўролар ҳокимияти келажакда миллатлар қўшилиб кетади, деб тарғиб қилар эди. Миллатларнинг онгини, руҳини мустаҳкамлаш ва раванқ топтириш керак деган шахслар халқ душмани, деб қораланиб, катагон йилларида жазоландилар.

Энди, Мустақил Ўзбекистон даврида, миллий онг аждодларимиз қолдирган маданий меорсга ва кадриятларимизга таяниб, ватанпарварлик, ғурурни барчанинг онгига жо қилмоқ биринчи даражали вазифа бўлиб қолмоқда.

Миллий онг-Ўзбекистон мустақиллигинимустаҳкамлашнинг самарали омилларидан биридир. Мустақилликка эришган миллат ўз вазифаларини умуммиллий ғоя ва мафкура сифатида қанчалик чуқур ва ҳар томонлама англаб олса, бу ғоя ва мафкуранинг моддий кучга, бунёдкорлик омили ва ғайратига айланиши шунчалик даражада самарали бўлади. Ўзбекистоннинг етуқлик чўққиларига кўтарилишидан ўзбек миллатининг раҳнамолиги, бошқа миллатлар ва элатлар вакилларини ўзаро билиши, мамлакатимиз аҳолисининг онглилиги, шу онг асосида намоён бўладиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётдаги фаоллигига боғлиқ. Миллий онгни давр талаблари даражасида кўтармоқ учун давлатимизда жуда катта иш бажарилиши керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, қарамлик, норосолик, кемтиклик ҳиссиётдан қутилишимиз, иккинчидан, Марказий

Осиёдаги ўз ўрнимизни, инсоният олдидаги маъсулятимизни яхши билмоғимиз ва учинчидан, ана шу маъсулятни чуқур англаб, масалаларнинг бундай қўйилиши асосли эканлигини ўз онгимизга сингдириш учун ўз тарихимизни, маданиятимиз ва маънавиятимизни, анъаналаримизни ҳар томонлама ўрганмоғимиз ва билмоғимиз зарур.

Биз шу йўлдан бормоқдамиз. Ўтмишнинг оғир юки оёғимиздаги кишандек, ҳаракатимизни сустлаштирмоқда. Демак, вазифа ана шу кишанни тезроқ ва узоқроққа улоқтириб ташлашдир.

Миллий онг масаласи шўролар даврида назарий ва амалий мавзу сифатида қувғин қилинган муаммолардан бири эди. Жумладан, “Онг миллий бўлиши мумкин эмас. Барча миллатларнинг онги бир хил. Уларнинг барчалари бир мақсадга интилади. У ҳам бўлса, капитализмдан, эксплуатациядан кутилиш”, дейиларди. Масалага бундай қараш миллатлар орасидаги фарқ ва тафовутларни сезмасликка охир – оқибатда уларни камситишга олиб келарди.

Бундай “Тенглик” аслида катта миллатни имтиёзли миллатга айлантириб қўярди; майда ва кам сонли миллатлар эса тарих ғилдирагининг тагида қолиб кетмаслик учун катта миллатга яқинлашишга мажбур эдилар.

Ўзбекистон, ўзбекларнинг миллий онгини кўтаришга биринчи даражали масала деб қараган ҳолда, мамлакатимизда истиқомат қилиб турган барча миллатлар ва элатлар вакиллари маданияти, тили, урф-одатлари, бинобарин миллий онгнинг ўсиши учун барча шароитларни яратди. Уларнинг миллий онг ўзбек миллий онгига монанд равишда бойиб бормоғи аҳолини, айниқса, ёшларни жипслаштиришнинг гаровидир.

## **ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ РУҲДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Эшонқулов Н., Қарши ДУ катта ўқитувчиси*

Ҳозирги вақтда этнопсихологияга, миллий психологияга, миллий психологик киёфага муносабат ўзгариб бормоқда ва бу масалани атрофлича ўрганиш, таҳлил қилиш зарурлиги таъкидланмоқда. Чунки миллат ва миллат билан боғлиқ кўплаб омиллар ижтимоий ҳаётда муҳим рол ўйнаб келган ва бундан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Психолог олимлар бу масалани атрофлича ўрганишни, таҳлил қилишни таъкидлашмоқдалар.

Инсоният тарихининг барча босқичларида ҳам турли миллатларнинг мавжудлигини сақлаб қолган куч уларнинг миллат сифатида ўз кадр-қимматларини баҳолай билишлари, миллатнинг кишилиқ тараққиётига қўшган ҳиссаси билан фахрланиш, унинг истиқболига бўлган ишончдир. Миллий туйғуга эга, ўзлигини англай олган миллат ҳеч қачон ўзга миллатларга ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қарам бўлмаган, шу билан бирга ўзга миллатларнинг миллий-этник манфаатларига зиён етказмаган.

Аммо, шўро давлати ўзининг ғаразли мақсадларига эришиш йўлида ўзининг бор мафкуравий кучини, оммавий ахборот воситаларини, бутун маориф тизимини ишга солиб, одамлар онгини кенг микёсда захарлади. Уларнинг миллий ва диний туйғуларини кўпол равишда камситиб, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатди, натижада ўз она тилини, миллий урф-одати ва анъаналарини, маданиятини, ўз тарихини билмаслик кўплаб одамларнинг шахсий фожиасига айланиб қолган эди.

Миллийлик миллатнинг ўзига хослиги (миллий характери, миллий урф-одати ва анъаналари, кадриятлари, миллий туйғуси, миллий таъби, дунёқараши)ни англаувчи миллий хусусиятлар бўлиб, улар миллатнинг мавжудлиги ва яшовчанлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Миллий ўзлик миллатнинг мавжудлигини ифодаловчи киёфадир. Миллий ўзликни англаш – бу миллат томонидан фақат ўзигагина хос бўлган миллий хусусиятлар моҳиятини тушуниш, уларни онгли талқин эта олиш, сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш йўлида амалий ҳаракатни ташкил этиш ҳисобланади.

Миллий ўзликни англаш психологик моҳиятига кўра шахс ва миллатга хос хусусият ҳисобланади.

Шахснинг миллий ўзлигини англаши унинг қандай миллатга мансублиги, у мансуб бўлган миллатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, миллий мавқеи, халқаро обрў-эътибори, миллий кадр-қиммати даражасига баҳо бера олиши бўлса, миллатнинг миллий жиҳатдан ўзлигини англаши турли миллатлар ўртасида ўзининг ижтимоий ўрнини топа билиши, муайян мавқега эришиши ҳамда халқаро муносабатлар жараёнининг фаол субъектига айланиши демакдир. Бинобарин, шахсда умуминсоний хислатларнинг таркиб топиши миллий ўзлигини англай олган, яъни, ўтмиш маънавияти, маданияти, умуман миллий кадриятларни чуқур идрок этиб, уларни ҳурмат қила олган шахсларгагина хосдир

Шахсининг ўзи мансуб миллат тарихи, унинг тили, анъаналари, кадриятлари ва маданиятига бўлган чуқур ҳурмати, миллий ғурур ва ифтихор туйғулари миллий ўзликни англаш негизда акс этади. Миллий ўзликни англаш туйғусига эгалик шахсни миллат ва унинг равнақи йўлида меҳнат қилиш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, шунингдек, Ватан истиқболи учун курашишга ундайди. Ана шу жиҳатига кўра ватанпарварлик миллий ўзликни англаш туйғусининг етакчи асоси саналади.

Миллатнинг ўз-ўзини англаши ўз эрки ва озодлигига эга бўлган, ўзгаларга қарам бўлмаган миллат сифатида жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, мавқеи, обрў-эътибори, кадр-қимматини тўғри баҳолаши, халқаро муносабатлар жараёнига ўз таъсирини ўтказа олиши, ўзининг ўзга миллатлар томонидан тан олинishi ҳамда ҳурмат қилинишига эришиши, халқаро майдонда рўй бераётган ижтимоий-тарихий жараёнларга ўз муносабатини билдириш лаёқатига эга бўлиши демакдир.

Миллий ўзликни англаш мураккаб ижтимоий-психологик жараёндир. Бу жараён жуда кўплаб ижтимоий ва психологик омиллар таъсирида, шунингдек, миллий жиҳатдан ўзликни англашга бўлган ижтимоий эҳтиёж кучайганда, реал куч сифатида миллат шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори, орномуси поймол этилганда ёки миллатнинг моддий ва маънавий манфаатларига зид, иккинчи бир томондан, зўравонлик ҳаракатлари юзга келган ҳолларда ёрқин намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кенг қўламда амалга ошириладиган ислохотларнинг самарадорлиги ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти, маънавий-ахлоқий қиёфаси, жисмоний, руҳий етуқлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу сабабли уларни миллат шаъни, обрў-эътибори, шон-шарафи ва кадр-қимматини юқори даражага кўтарувчи, миллий мустақилликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшувчи руҳан соғлом баркамол шахслар этиб тарбиялаш зарурдир. Бу вазифани самарали амалга ошириш учун:

- биринчидан, халқимизнинг психологик онгини кўтариш лозим, бунинг учун маҳалла фаолларига психология фанидан қисқа ўқув курслари ташкил қилиш зарур;
- иккинчидан, ўрта умумий таълим мактабларида психология фанини ўқитиш керак;
- учинчидан, барча олий ўқув юртлирида “Умумий психология” фанини ўқитиш лозим;
- тўртинчидан, педагогика олий ўқув юртлирининг барча таълим йўналишларида “Этнопсихология” фанини ўқитиш мақсадга мувофиқ.

## **БАРКАМОЛ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШДА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ**

*Ахмедова Д., Қарши ДУ ўқитувчиси*

Баркамол шахсни тарбиялашда шахсининг маънавий онгини ўстирмасдан жамият ҳаётида ҳар томонлама ривожланишга эришиб бўлмайди. Инсон шахси баркамол бўлса, у виждонан меҳнат қилса, ижтимоий-сиёсий фаол бўлса, жамият тез ривожланади. Бу борада, И.Каримов ўз асарларида таъкидлаб ўтганидек комил инсонни шакллантиришнинг асосий манбалари: буюк аждодларимизнинг ибратли йўли, ақл-идрок, мустаҳкам эътиқод, фидоийлик, шижоаткорлик каби фазилатлардир. Дарҳақиқат, буюк аждодларимизнинг ибратли йўли умуминсоният маънавиятига қўшган улушлари, ижтимоий-тарихий жараёнга, умуминсоний ахлоқ нормаларига, илмий, фалсафий, сиёсий, тафаккур ривожига қўшган ҳиссалари, ҳаёт мураккабликлари ва қийинчиликларини сабр матонат билан енгиб ўтишлари ҳозирги авлодда бир томондан ифтихор туйғусини уйғотса, иккинчи томондан уларнинг муносиб ворислари бўлиб қолишларига ундайди. Шунингдек, ўзликни англашга, уларнинг азиз ва мўътабар номларини асраб-авайлашга чорлайди. Маълумки, ҳар бир тарихий даврда маънавий баркамол инсонни шакллантириш учун жамият ҳаётини ҳаракатга келтирувчи, ижтимоий тараққиётнинг мазмун ва моҳиятини ифодаловчи турли хил ғоялар, назариялар ва қарашлардан фойдаланилган. Агар халқимиз тарихи ва ўтмишига назар ташласак, бир томондан ҳар бир давр учун ибрат олса арзийдиган идеал инсон (баркамол инсон) тимсоли илгари сурилганлигини, иккинчи томондан, ҳар бир давр учун муҳим аҳамият касб этган маънавий баркамол инсон тўғрисида тушунча ва тасаввурлар, Ғоялар ва назариялар илгари сурилганлигини кўрамиз. Зеро, Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалололдин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Дўкчи эшон, шунингдек, дostonлардаги Алп Рустам, Алпомиш, Гўрўғли ва бошқалар халқимиз томонидан эъзозланган баркамол қаҳрамонларнинг тимсоли ҳисобланган.

Комил инсон тушунчасини биринчи марта Шайх Кабир номи билан машҳур бўлган Ибн ал-Арабий муомалага киритган. Албатта, комил инсон тушунчаси Ибн ал-Арабийгача ҳам айнан «Комилинсон» деб аталган бўлмаса-да, мавжуд бўлган. Жумладан, Абу Наср Форобий ўзининг «Ақл

маънолари ҳақида», «Фозил шаҳар кишилари», «Бахт-саодатга эришув ҳақида» номли асарларида комиллик тўғрисида фикр юритган. У ўзининг «Ақл маънолари ҳақида» рисоласида, ақли расо, ақлий фазилатга бурканган инсонни комил инсон, деб таърифлайди. Шунингдек, ақлли кишилар инсоний фазилатли, ўткир мулоҳазали бўлишлари билан бирга, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишга буюк истеъдоди бўлган, ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадиган кишилар эканликларини ҳам таъкидлаб ўтади. Форобий фозил шаҳар аҳолиси тўғрисида тўхталганда эса шахснинг маънавий камолотини адолатли жамият куришнинг асосий шarti деб ҳисоблайди. Шарқ мутафаккирлари комил инсон тўғрисида фикр юритар эканлар, биринчи навбатда азалий ахлоқ нормаларига, иккинчидан эса, асосий диний эътиқод – исломнинг ахлоқий назариясига суянганлар. Шарқ мутафаккирлари ақлли мавжудот ҳисобланган инсоннинг хатти-ҳаракатлари, ўзаро муносабатларини таҳдил қилар эканлар, эзгулик ва ёвузликнинг бир вужуддан қандай қилиб жой олганлигини, бир вужуднинг орзу-ҳавас ва ҳасад билан юрилганлигини аниқлашга интиланлар. Ислom оламнинг буюк мутафаккири, ислom фалсафий тафаккурига улкан ҳисса қўшган улуг сиймо Абу Ҳамид Ғаззолий Инсон фаришта ва ҳайвон ўртасидаги махлуқдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фаришта ҳам ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок илоҳий нурдан иборат. Фақат инсондагина ривожланиш, руҳий камолот ҳислати мавжуддир, деб ҳисоблайди. Ибн Сино фикрича жоҳил одамларда ҳайвоний қувват – нафс устунлик қилади. Бу қувватни жиловлаш учун ақл-идрокни фаоллаштириш, яъни билим қувватини ишга солиш зарурдир. Сабаби, ўз нафсини жиловлаш учун инсон турли билимлардан хабардор бўлиши, яъни комиллик погоналаридан кўтарилиши зарур. Демак, бизга маълумки комил инсон ва унинг инсоний фазилатларини шакллантириш буюк ажодларимиз диққат марказида турган. Улар кўпроқ инсоннинг груҳиятига, ақл-идрок орқали ўз-ўзини бошқариш имкониятларига эътибор берганлар. Шарқда илм олиш, маърифатга интилиш ҳам маънавий баркамолликка эришишнинг йўлларида бири сифатида қабул қилинган. Маълумки, билимсизлик нодонликнинг асосий белгиси ҳисобланади. Билимсизлик жаҳолатга олиб боради. Жаҳли - жадаллик инсонни ҳароб қилувчи қудратли кучдир. Билим эса жаҳолатга қарши энг қудратли қуролдир. Насафий ҳам шарқнинг бошқа буюк алломалари сингари комил инсоннинг комиллиги унинг илм-тажрибага эгалидир, деб ҳисоблайди. Умуман олганда, Шарқ алломаларининг аксарият қисми ўз даври манфаатлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда комил инсонга таъриф беришга, унинг сифатларини санаб ўтишга ҳаракат қилганлар. Буюк даҳо Алишер Навоий ҳам ўзигача яшаган улуг алломалар сингари комил инсон масаласини талқин этиш, унинг сифатларини ҳамма асарларида кўрсатиб беришга интилади. Ўзининг кўплаб дostonларида комилликни кишиларга, эл-улусга, халққа қилинадиган яхшиликда, инсонийлик, саҳийлик ва адолатпарварлик, меҳнатсеварлик ва яратувчиликда деб ҳисоблайди. Шунингдек, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида фаолият кўрсатган мўътабар сиймолар, яъни жадидчилик ҳаракати намoёндалари фаолиятига назар ташласак, улар ҳам миллатни маърифатли қилишга, маърифат тарқатиш орқали инсоннинг ўзлигини англантишга, миллий онг ва миллий тафаккурни шакллантиришга интиланликларини кўришимиз мумкин. Улар маърифат тарқатиш, халқнинг сиёсий, фалсафий, бадий ва илмий тафаккурини ривожлантириш орқали халқни мустақиллик курашига ундашни мақсад қилиб кўядилар. Шарқ мутафаккирларининг аксарият кўпчилиги инсоннинг маънавий комилликка эришишининг, нодонлик ва жаҳолатдан қутилишининг бирдан бир йўли сифатида маърифатга алоҳида эътибор бериб, нафсини жиловлашга ундайдилар. Жумладан, одиллик, оқиллик, поклик, шарм-ҳаё, адолат каби инсоний ҳислатларни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблайдилар.

Хулоса қилиб айтганда истиқлол ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш маънавий баркамол инсонни шакллантириш билан боғлиқдир. Чунки мамлакатимиз тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар халқилади.

## **МЕҲНАТ ЖАМОАСИНИ БОШҚАРИШДА ПСИХОЛОГИК БИЛИМЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

*Ёзиев Э. Қариш ДУ катта ўқитувчиси  
Холмуродова М., Қариш шаҳар 24-мактаб ўқитувчиси*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳатларнинг марказида инсоннинг бахт-саодати, фаровонлиги, маънавий камолоти туради. Мустаҳкам иродали, ўз эътиқодига эга бўлган, Ватани, маънавияти, миллий қадриятлари билан фахрлана олган раҳбар шахсина мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақ топишига бошқалардан кўра кўпроқ ўз ҳиссасини қўшади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ республика ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган давлат ва

жамият қурилиши ҳамда бошқарув стратегияси илғор ғояларга асосланган бўлиб, миллий раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини яратишнинг ўзагини ташкил этди. Натижада мамлакатимиз бошқарув тизимида жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олиниб, бой тажрибаларни рад этмаган ҳолда давлат ва жамият қурилишининг тарихий-миллий, анъанавий ғояларига асосланган замонавий бошқарув усулига ўтилди.

Бизга маълумки, бугунги давр замонавий раҳбардан дунёқараши, шахсий фазилатлари, қобилияти ва бошқарув илмини мукамал эгаллашлари билан ўтмишдошларидан кескин фарқ қилиши кераклигини талаб қилмоқда. Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "... у халқ билан тил топиша олиши лозим. Раҳбар энг мураккаб, энг кийин вазиятларда ҳам одамларни кўндириши, уларни баъзи бир ножўя йўллардан, хатти-ҳаракатлардан қайтариши ва ўз атрофида соғлом вазият, соғлом иқлим барпо этиши даркор. Бунинг учун раҳбар албатта катта маҳоратга, худо ато этган ўзига хос, ўзига мос фазилатларга эга бўлиши зарур". Демак, раҳбар ходимлар билан ишлаш жараёнида уларнинг руҳий ҳолатларини ва шахсий хусусиятларини инобатга олиши, уларнинг қалбига йўл топа билиши жуда муҳим бўлиб, унга тажриба, муомала маданияти ва психологик билимларни пухта эгаллаш натижасидагина эришади. Бу каби хусусиятларга эга бўлган раҳбарлар эса ўзлари бошқариб турган жамоалари олдида қўйилган мураккаб масалаларни тўғри ҳал қилишга ва режаларни самарали қилиб бажаришга муваффақ бўладилар.

Бугунги кунда республикамиз психологлари олдида бошқарув соҳасига оид барча масалаларни жамиятимиз ривожланиши нуқтаи назаридан ўрганиш, корхона, ташкилот ва муассасаларни бошқаришнинг янада самаралироқ усулларини ишлаб чиқиш, замон талабларига тўла жавоб бера оладиган, бошқарув маҳоратига эга бўлган раҳбар кадрларни тайёрлаш муаммолари долзарб масалага айланди. Шунинг учун ҳам ҳозирда республикамиз психологлари учун замонавий раҳбарнинг ижтимоий-психологик қиёфасини яратиш, замонавий бошқарувнинг психологик қонуниятлари ва механизмларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа сифатида қўйилди, бу борадаги саъй-ҳаракатлар бугунги кунда ўзининг илк натижаларини бераётганлиги қувонарлидир.

Меҳнат жамоасида инсон хулқини тушуниш ва уни бошқариш учун шахс табиати ҳақида маълум бир психологик маълумотга эга бўлиш керак. Ташкилотда шахс ўзгалар билан муносабатга киришар экан, демак, у турли ижтимоий гуруҳлар фаолиятида қатнашади. Шу муносабат билан шахс аъзо бўлган гуруҳ ва жамоаларга хос психологик қонуналарни билиш ҳар бир раҳбар учун жуда муҳимдир. Маълумки, меҳнат жамоаси ёши, жинси, қобилияти ва ахлоқий, руҳий даражасига кўра турли тоифали, характерли ва хулқли кишилардан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир раҳбар жамоани муваффақиятли бошқариш учун ходимларнинг индивидуал психологик хусусиятларини, жумладан, уларнинг темпераменти, характери, қизиқишлари, касбга оид қобилияти ва бошқаларни билиб олиши зарур. Агар раҳбар ходимнинг қайси темпераментга мансублигини билса ва бунинг инобатга олган ҳолда у билан муомалага киришса, фаолиятида низоли ҳолатлар юз бермайди.

Маълумки, турли темпераментга мансуб ходимларга бир хилдаги таъсир этиш уларга турли хил реакцияларни юзага келтиради. Масалан, танқидий танбеҳ холерикларда асабийлашишни юзага келтирса, сангвиникларни фаол ҳаракатга чорлайди, флегматикларни бепарволикка олиб келади, меланхоликлар қалбини жароҳатлайди. Раҳбар холерик ва меланхоликлар билан мулоқотга киришадиганда ўта чидамли бўлиши ва тактикани намоён қилиши керак, акс ҳолда бу ҳолат холерикларда кучли салбий реакцияни вужудга келтирса, меланхоликларда эса қалбининг кучли жароҳатланишига олиб келади. Шунинг учун ҳам меланхоликларни кўпчилик билан муомалада бўлиб, тезкор бажарилиши талаб қилинадиган ишларга, холерикларни эса сабр-тоқат, чидам ва хушмуомалалик талаб қилинадиган ишларга жалб қилмаслик мақсадга мувофиқдир.

Раҳбарнинг бошқарув фаолиятида муомала ва унинг психологик механизмлари ҳақидаги билимларни мукамал даражада билиши ва уни амалиётда қўллаш қобилиятига эга бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. Бошқарув жараёнида раҳбарнинг қўл остидаги ходимлар жамоаси билан муомала қилишга лаёқатлилиги, хусусан муомалага мойиллиги энг муҳим жиҳат ҳисобланади. Психологик тадқиқотлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, маъмурий бошқарув идораларида фаолият олиб бораётган раҳбарлар ўз кундалик фаолиятининг тўртдан уч қисмини турли тоифадаги шахслар билан муомала қилишга сарфлар эканлар. Демак, корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган раҳбарлар ўзга шахслар билан муомала қилиш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Мулоқотмандлик раҳбарнинг муомалага киришувчанлиги, жамоани самарали бошқаришдаги таъсирининг моҳиятини ифодалаб, унинг ҳар бир ходимни индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб муомала ўрнатиши корхонада шахслараро муносабатларни илиқлаштиради, ўзаро ишонч ва яқинлик туйғусини уйғотади. Раҳбарларда муомала одоби, тинглаш ва буюриш маҳорати, ўзини тия билиш, ошкоралик, самимийлик, хушмуомалалик, тўғрисиўзлик, жавобгарлик, масъулият ва бошқа инсоний

фазилатларнинг бўлишлиги фойдадан ҳоли эмас. Чунки раҳбар муомала ёрдами билан жамоада ҳамкорлик фаолиятини ташкил этади, ижрочиларнинг ёндашуви ва хулқини бошқаради.

Юқорида самарали бошқарув фаолиятини амалга ошириш учун раҳбарга зарур бўладиган психологик билим ва тажрибалар ҳақида тўхталиб ўтдик. Мазкур билим ва тажрибаларни эгаллаш, уларни ўзида камол топтиришга интилиш, сўзсиз раҳбарнинг бошқарув маҳоратини янада юқори поғоналарга олиб чиқади ва ташкилотнинг кўзланган мақсадга эришишини таъминлайди.

## **Ўқувчи ёшларда ахлоқий ҳис-туйғуларни шакллантиришда мактаб ва оиланинг ўрни**

*Шодиев Б., ДТМ Қашқадарё вилоят бўлими бошлиғи*

Ўқувчи-ёшларда ахлоқий ҳис-туйғуни шакллантириш инсон камолотининг асосини ташкил этади. Чунки, ахлоқий ҳис-туйғу кишининг хатти-харакатида, одобида, ички кечинмаларида ва айниқса, инсонларнинг бир-бирига бўлган ғамхўрликларида, хурмат қилишларида, билимларида, ҳис-туйғуларида, хулқ-атворида, наъмунали фаолиятида намоён бўлади. Ахлоқий ҳис-туйғу тузилишининг асосини инсон фаолияти ташкил этади. Чунки, фаолият – бу инсоннинг ўраб турган дунёга бўлган муносабатини ўзига хос хусусиятлари, бир мақсадга қаратилган ҳаёт мазмунидаги ўзгаришлар, тузатиш кабиларни ташкил этади. Фаолиятнинг асосий иш тури меҳнат бўлиб, у инсоннинг жисмоний ва маънавий ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Меҳнат инсоннинг мулоқот ўқиш фаолиятлари билан чамбарчас боғлиқ.

Фаолиятнинг мазмуни шарт-шароитлари, воситалари ўзгариб бориши натижасида ҳар бир инсоннинг ахлоқий онги, ахлоқий ҳис-туйғуи такомиллашиб боради. Демак, фаолиятни тўғри ташкил этиш натижасида ўқувчиларнинг фаоллигига иш режаларининг аниқ бўлишига, кўзланган мақсадига, хатти-харакатларининг намунали бўлишига эришиш мумкин. Албатта бунда унинг юриш-туриши, турмуш тарзи, мустақиллиги намоён бўлади. Ахлоқий ҳис-туйғуни ташкил топишида ҳар бир ўқувчининг ўзига хос фаолиятини шакллантириш ва унга раҳбарлик ва назорат қилиш ўқитувчининг асосий вазифасидир. Чунки, бунинг натижасида ўқувчида мустақиллик, масъулият, интизом каби сифатлар ривожланади. Ўқувчиларда юриш-туришни бошқара олиш, фойдали ташаббус, қатъиятли бўлиш, кўзланган мақсадга эришиш каби ахлоқий-иродавий ҳислатлар шаклланади. Ўқувчи - ёшларнинг фаолиятини ривожлантириш ўқитувчидан ижодий ёндашишни талаб этади. Чунки, ўқитувчи ўз ўқувчиларининг фаолиятида уларни кузатади, ижобий тажрибаларини оммалаштиради. Ўқувчиларда мустақиллик, ташаббускорлик, ишга ижодий ёндашиш каби хусусиятларни намоён бўлишига, уларнинг қобилиятларини оширишга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг ахлоқий ҳис-туйғуини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ва мақсадларни амалга оширади. Ўқитувчи ўз ўқувчиларининг фаолиятини ташкил этишда ҳамиша қувонч, мамнуният туйғусини ифода этиши билан бирга, ахлоқий эътиқодни тарбиялайди.

Ўқувчиларнинг ахлоқий ҳис-туйғуини шакллантиришда меҳнат фаолияти, таълим жараёни, ўқувчилар жамоаси муҳим воситалар бўлиб қолмоғи керак. Чунки, жамоа фаолиятида ўқувчиларда одамларга нисбатан меҳрибонлик, ғамхўрлик, меҳр туйғулари шаклланади. Ахлоқий ҳис-туйғуни шакллантириш бу ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзига доимо қараш ва камчиликларни ўзидан қидириш, ўз-ўзига талабчан бўлиш; ҳамма жойда аниқ ишларни бажариш, ўз-ўзини тарбиялаш ва бунда кучли ва кучсиз томонларни аниқлаш, ахлоқий тарбияланганлигини, билимларни яхши эгаллаганлиги, ахлоқий туйғуларнинг ривожланганлиги, мақсадга интилиш, довюраклик ва ҳал қилувчанлик, талабчанлик, ташаббускорлик ва мустақиллик, ўз-ўзини идора қилиш ва тута билиш ташкил этади.

Ахлоқий билимлар инсоннинг фаолиятида маънавий кўникма ва малакаларни шакллантиради. Демак, ахлоқий ҳис-туйғуни шакллантириш ўқувчиларнинг мактабда турли ижтимоий фанлар асосларини эгаллаши борасида пайдо бўлади. Натижада ўқувчида ахлоқий билимлар ривожланади. Ахлоқий билим орқали ахлоқий маданиятга эришилади. Ҳаётда, тажрибада билимлилик билан билимсизлик ахлоқий ҳис-туйғуни баробар эмаслигини кўп учратиш мумкин. Билим – ўқувчи ёшларнинг ахлоқий нормаларида алоқа ва муносабатларида намоён бўлади. Ўқувчи ёшларнинг ахлоқий ҳис-туйғуини шакллантиришда таълим-тарбия жараёнининг мазмуни, шакл ва методларини такомиллаштириш алоҳида роль ўйнайди. Бу ўқитувчининг билим савиясига педагогик маҳоратига, санъаткорлигига боғлиқ. Ўқувчиларнинг дарсларда олган билимлари уларнинг турмушида, хулқ-атворида жамиятдаги кишиларга муносабатида намоён бўлади.

Ахлоқий билим ҳар бир шахсни, маданият, инсоният, маърифат дунёсиги олиб киради. Ахлоқий билим кишиларни ҳар ерда азиз ва хурматли қилади. Ахлоқий ҳис-туйғу тузулишида

ахлоқий ҳис-туйғулар асосий ўринни эгаллайди. Ахлоқий ҳис-туйғулар шахснинг маънавий фаолиятида, воқеа ва ҳодисаларда, ахлоқий жараёнида намоён бўлади. Ахлоқий ҳис-туйғулар инсонларнинг ўз-ўзига, жамиятга, ҳаётга бўлган муносабатларида намоён бўлади. Демак ахлоқий ҳис-туйғулар ўзининг келиб чиқиши ва аҳамияти билан ижтимоий ҳарактерга эга. Ахлоқий ҳис-туйғулар ўз мазмунига кўра ахлоқий ишонч, ахлоқий онг билан чамбарчас боғлиқдир. Ахлоқий ҳис-туйғулар жараёнида интилиш, яхши кўриш, бурч, масъулият, ор номус каби ҳислар камол топади. Шунини айтиш керакки, ахлоқий ҳис-туйғуни шакллантириш ҳар бир кишининг шахс сифатида ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Инсон ўзини билиш ёки англашида, бошқаришида фақатгина унинг билими ёки одоби етарли эмас, ҳис-туйғулар киши фаолиятига нисбатан аниқ билимларни қўллашга суянишни тақозо қилади. Таълим жараёни меҳнат фаолияти ўқувчилар жамоаси ахлоқий ҳис-туйғуларни шакллантиришнинг асосий воситалари ҳисобланади. Ўқувчиларнинг ахлоқий ҳис-туйғуларини тарбиялашда соғлом муҳит, завқли вазиятни вужудга келтириш муҳимдир.

Шунини айтиш керакки, ахлоқий ҳис-туйғу кишининг ҳоҳиши ва иродасида, турмушида, жамиятдаги вазиятда, ўқитувчи талабларини амалга оширишда, ўқувчиларнинг ўз ўрни ва мавқеини англашда ифодаланиш билан бирга ахлоқий онгнинг асосини ташкил этади. Бу ўринда айниқса ўқитувчилар ўқувчилар билан ўтказилган мулоқотлари муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар ўз ўқитувчилари билан мулоқотга киришар эканлар, ўз онгила кишиларнинг ахлоқий ҳис-туйғуларини, хулқларидаги муайян намуналарни тасаввур қиладилар. Ўқитувчиларнинг фикри, кечинмаси, кўрсатмаси, хулқи ва хатти-ҳаракати таъсири остида ўқувчиларнинг ахлоқий ҳис туйғулари жараёнида ахлоқий ҳис-туйғуни шакллантириш туйғулари кучайиши ёки аксинча сусайиши мумкин.

Ахлоқий ҳис-туйғуни шаклланишида кишининг хулқ - атвори муҳим ўрин эгаллайди. Хулқ - атвор ахлоқий ҳис-туйғуининг муҳим қисми бўлиб, у тадбир ва интизомда, ҳаёт нормаларини бажаришда, жамиятга, меҳнатга, одамларга нисбатан билдириладиган ахлоқий муносабатда намоён бўлади.

Ўқувчининг хулқ-атвор маданиятини шакллантириш ўқитувчидан ахлоқий тарбия ишларини олиб боришни талаб қилади. Албатта бунда ўқитувчи хулқ- атвор маданиятини тарбиялашда унинг ахлоқий онгига, синф жамоасига асосланиши керак. Шу билан бирга ўқувчи фаолиятини тўғрини ташкил эта билиш ҳам хулқ – атвор маданиятини тарбиялашда самарали натижалар беради. Албатта бунда юқори синф ўқувчиларида хулқ – атворни тарбиялаш, уларни назорат қилиш, хатти-ҳаракатларига алоҳида аҳамият бериш билан бирга, доимий талбчан бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Шахсни ахлоқий ҳис-туйғуни шакллантиришда маънавий онг билан хулқ - атвор ўртасида, яъни сўз билан иш ўртасида бирлик бўлишга эриши зарур, лекин бу бирлик ўз-ўзидан вужудга келмайди, балки тинимсиз тарбиявий ишларни амалга оширишни талаб қилади.

Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчиларнинг хулқ-атвори ахлоқий тушунчаларни билиш билан белгиланмайди. Чунки ахлоқий билим, ҳис-туйғулар, хулқ-атвор ўқувчи хулқида намоён бўлади. Доно халқимизнинг “хулқ” ақлли киши учун улуғлик ва фазилатдир, “Хулқи йўқ” нақллари бежиз айтилмаган.

Демак, ўз хулқини одоб билан қуроллантирилган, қўлини эса тўғрилиқка одатлаштирган кишигина камолотга эришиши мумкин. Камолотга эришган инсон яхшилик билан ёмонликни фарқини билади, фойда билан зарар ўртасидаги тафовутни англайди, ўз фаолиятида ёмон ҳислатлардан холи бўлади, чиройли фазилатларини англайди.

## ДОСТОЕВСКИЙ АСАРЛАРИДА ИНСОН ФЕНОМЕНИ

*Халилова Д., Қарши ДУ доценти*

Достоевский асарларида инсон диалектикаси ўзининг энг мукаммал тасвирини топган. Сиз одамга бир томондан эмас, бир неча томондан ҳам қуйидан, ҳам пастдан қарашни ўрганасиз, ҳам муҳаббат, ҳам нафрат, ҳам жаҳолат, ҳам ақлу-идрок тарафдан. Бу инсонни ўрганиш логикасидир. Инсон токи яралган экан, мана шу қарама-қарши кучларнинг мутаносиблигисиз яшай олмайди. Достоевский мана шу мутаносибликда инсон инкирозини ва умумбашарий фожеаларни кўрди.

Достоевский асарлари инсон логикасини ўргатади. Инсон –бу ғоя эмас, инсон – бу ҳашорат эмас, инсон фандир, синоатдир-мўъжизадир, у қарама-қарши кутбга эга бўлган мантиқий фан. «Одам – бу аввало лойихадир»<sup>1</sup>, ўзининг ўтмиши ва келажаги, бугуни чизиб қўйилган лойихадир, моделдир, ёхуд «инсон – бу озодликдир». У ку ч ёки зуғум билан эмас, мантиқ билан кашф этилади.

<sup>1</sup> «С моей точки зрения...». – М.: «Прогресс», 1986.–С.323.

Достоевский икки хил мавзуни бир-бирига қарши қўяди: ҳукм юритаётган муҳитга қарши туриши керак бўлган шахс ҳуқуқи ва шу шахснинг муҳитга тобелиги. Бу икки тушунчани – ҳуқуқ ва тобеликни бир-бирдан ажратиб бўлмайди. Достоевский инсон қалбидаги энг нозик, энг чуқур, ҳар қандай одамни ҳам ҳаяжонлантирадиган фикрларини, туйғуларини куюқ ранглар билан тасвирлайдики, адиб асарлари билан биринчи бор танишган китобхон уларни осонликча ҳазм эта олмайди. Достоевскийнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ёзувчи давр ўзгаришларининг шахс ўзлигини танишидаги ўрнини, маънавий қашшоқланиш жараёнини, шахснинг оилага, жамиятга, сиёсатга, иктисодиётга таъсирини янада бўрттириб кўрсатишга интилади. “Жиноят ва жазо” (1866), «Телба» (1868) романларида рус халқининг маънавий муаммолари юксак бадиий ифодасини топган.

Шу ўринда адибнинг “Жиноят ва жазо” романи ҳақида тўхталадиган бўлсак, конфликт энг умумий шаклда роман сарлавҳасида акс этган бўлиб, бир қанча рамзий маъноларни англатади. Жиноят – роман композицион соҳаларидан биринчиси бўлиб, унинг маркази – судхўр кампир ва унинг ҳомиладор сингисининг ўлдирилишидир; у конфликт чизиғини бутун асар бўйлаб олиб ўтиб, роман интиҳосигача олиб боради. Жазо – иккинчи композицион соҳа. Романнинг ҳар икки композицион соҳаси ўзаро алоқада бўлиб, улар персонажларни ҳаракатга келтиради. Макон ва замон, тасвирланган нарсалар, маиший деталлар, суҳбат тафсилотлари, туш манзаралари ва матн парчалари (тарихий, адабий ёки “шахсий” матнлар, Инжил, Расколников мақоласи) ва ҳ.к., асарнинг умумий қурилиши мазмунни ифодалашга, муаллиф бадиий оламини яратишга хизмат қилади. Родион Расколников ҳуқуқшунослик факультетининг собиқ талабаси. Йигирма уч ёшли йигит. Уч йил аввал губерниядан Петербургга ўқиш учун келган, бироқ қашшоқлик туфайли ўқишни ташлаган. Расколников судхўр кампирни ўлдириб, унинг пулларини ўғирлашни, бу орқали камбағаллигига барҳам бериб, янги, тўқис ҳаёт бошлашни мақсад қилади.

Жиноятга етакловчи мақсад аслида тўқис ҳаёт кечириш эмас, балки унинг ботинида нафрат ётибди. Бу нафрат учқунини авжланишига нотаниш бир талаба билан зобитнинг судхўр кампир Алена Ивановна ва унинг овми сингиси Лизавета ҳақидаги ўзаро суҳбати сабаб бўлди. Талабанинг “кампирнинг қанчалар баджаҳллиги, гишғишаси кўплиги, пулни бир кунга кечиктириб келтирилса, тамом, нарсадан ажралиши, буюмнинг асл баҳосидан тўрт баравар камайтириб пул бериши, ваҳоланки, фоиз олишга келганда ойига беш ёки еттидан олиши, бундан ташқари, ўғай сингиси Лизаветани тинимсиз калтаклаши, хўрлаши”<sup>1</sup> сингари гапларини тинглаган Расколников талабанинг “кампирни ўлдириш–бир зараркунанда махлуқдан кутулишдир”, деган гапларини эшитиб сесканиб кетади. Гўёки унинг хаёлидан ўтган ғайритабиий фикрни талаба дарҳол уқигандек. Жиноят индивиднинг ҳуқуқбузарлик қилмиши сифатида қаралмайди, балки индивид моҳиятини очишга қаратилиб, ушбу жанр учун хос бўлган соф аналитик вазифа бажаради. Достоевский учун жиноят – инсон моҳиятидаги патологик, хасталикнинг намоён бўлишигина эмас, ижтимоий омадсизлик белгиси, замона ёшлари онгидаги хаста ва хавфли шабадаларнинг натижаси ҳамдир. Асарда детективлик сюжети бир қадар қоришиқликка эга: жиноят сири мавжуд эмас, аксинча, муаллиф жиноятчи қиёфасини асар бошланишидаёқ китобхонга йирик планда намойиш қилади. Сюжет босқичлари қидирувнинг олиб борилишига эмас, балки тавбага томон йўналган уқубатли ҳаракатларга асосланади.

Адиб қаҳрамони жамият тараққиёти ва тарихини ўрганиб, бир назарияни ишлаб чиқади. У ўз назариясига кўра, кишиларни асосан икки гуруҳга ажратади: фавқуллодда одамлар ва одми кишилар. Расколниковнинг фикрича, фавқуллодда одамлар етакчилик хусусиятига эга, улар мингтадан, миллионтадан битта туғилдилар, лекин миллионлаб одамларнинг ҳаётига таъсир ўтказадиган ишлар қиладилар. Улар жамият тарихи ва тараққиётини бошқарадиган кишилардир. Расколников фавқуллодда кишилар жамиятга, бутун инсониятга катта фойда келтирганлари учун ҳам бу йўлда жиноят, қотиллик қилишга ҳақлидирлар ва бунинг учун уларнинг виждонлари қийналмайди, деб ҳисоблайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, асардаги образлар галереяси ва уларнинг тақдирида рўй берган мусибату ёвузликлар асли жамиятнинг башарасидир, булар ёзувчи томонидан англашилган фожиалардир. Бу оғриқларни англамаган ва кўрмаган кишилар ёзувчи ижодидаги бош концепцияни, бош ғояни ва инсон масаласини тўғри ҳал этолмайди, унинг кадр-қиммати бадиий моҳияти, бадиий қуввати ҳақида тўғри хулосага боролмайди, жамиятдаги ижтимоий адолатсизликнинг иллизини ва бу тенгсизликнинг шу жамиятда яшовчи одамларга таъсирини кўролмайди.

<sup>1</sup>. Достоевский Ф.М. Жиноят ва жазо. –Т.: “Янги аср авлоди” нашр.2017. Б.99.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фридендер Г. Достоевский и мировая лиетратура. – М.: “Художественная литература”, 1979.–С.108.
2. Фридендер Г. Реализм Достоевского. – М., 1964.–С. 250.
3. Достоевский Ф.М. Жиноят ва жазо. –Т.: “Янги аср авлоди” нашр.2017. Б.99.
4. «С моей точки зрения...». – М.: «Прогресс», 1986.–С.323.

## ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДА ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ВА ХУЛҚ АТВОРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШГА ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ

*Жовлиева С., Чироқчи тумани 38-мактаб амалиётчи психологи*

Шарқ мутафаккирлари бола тарбиясида ва камолотида оиланинг, оилавий тарбиянинг салоҳиятини асосий деб ҳисоблашган. Айниқса, шахснинг ақлий ва ахлоқий шаклланишида оила, ота-она ва яқин кишиларнинг ибратли томонларига алоҳида эътибор беришган. Улар оиладаги урф-одатлар таъсирида шаклланиши мумкин бўлган сифатлар: ҳалоллик, поклик, мардлик, келишув чанлик, уятчанлик, сермулоҳазалилик, меҳрибонлик, ҳақгўйлик каби қатор фазилатларни барча сифатлардан юқори кўйганлар. Инсоний муносабатларда намоён бўладиган юксак фазилатлар, энг аввало, ота-онадан болага ўтиши ва уларнинг жамият тараққиётига ижобий таъсири каби қимматли фикрлар ва бу борадаги амалий кўрсатмалар Шарқ мутафаккирларининг фалсафий-етук, ижтимоий қарашларида ўз аксини топган.

«Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига хулқи одобдан буюкроқ мерос бера олмайди».

Бу келтирилган намуналардан диний манбаларда ҳам оиланинг муқаддас эканлиги, ота-онанинг фарзанд олдидаги, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари баён этилган. Муслмончилик руҳида тарбия топган ота-боболаримиз турмушда уларга амал қилинган. Бола тарбиясида шароит кўрсатмаларининг акс этиши, уларнинг характерида ижобий сифатларини таркиб топишига таъсир кўрсатиб, бошқа халқларга нисбатан муслмон аҳли ўртасида турли тартибсизликлар, жумладан, ўғрилиқ, таъмагарлик, шахс ҳаққига хиёнат қилиш каби салбий хатти-ҳаракатларнинг кам бўлиши фикримиз далилидир.

Қомусий олим Абу Носир Фаробийнинг инсон камолоти, бахти, таълим- тарбияси, ахлоқи, динга муносабати ҳақидаги фикрлари умумфалсафий, психологик қарашлар ва тушунчалардан тузилган ўғит-насихат бўлиб, ахлоқий тарбия назариясини бойитади. Олим ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандлари учун бирламчи устоз, йўл кўрсатувчи субъект эканлиги ва айнан улар болада таълим-тарбияга психологик тайёргарлик ҳолатини шакллантириш тўғрисида хулосалар чиқаради.

Қомусий олим Абу Райхон Берунийнинг «Минерология», «Геодезия», «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар», «Ҳиндистон», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Сайдана» каби асарларида педагогика ва психология масалаларига оид ғоятда қимматли фикр-мулоҳазалар мавжуддир. У инсон шахси, унинг камолоти феъл-атвори, ақл-идроқи, сабр-тоқат ва камтарлик, гўзаллик ва дид, поклик ва жўшқинлик каби тушунчаларга инсон руҳиятининг билимдони сифатида таъриф берган.

Беруний инсон руҳиятини чуқур билганлиги, туфайли у шахс иродасининг кучи билан билан ҳар қандай қийинчиликларни енга олиш ўз характеридаги камчиликларни панд-насихатлар ва ахлоқ ҳақидаги китобларда берилган усуллар билан ўзгартириш кучига эга эканлигини кўрсатади. Аллома психологик таълимотининг муҳим томонларидан бири шундаки, у олийжаноблик инсон характеридаги шунчаки психологик хусусият эмаслигига, мазкур кечинма шахснинг хатти-ҳаракатлари ва эзгу ишлари натижасида вужудга келишига қаттиқ ишонади. «Ҳиндистон» асарининг сўнги бобларида XI аср ҳинд халқининг тушунчаларига, дунёқарашларига тўхталар экан, ўша даврдаги ҳиндларнинг диний маросимлари, расм-русумлари ва одатлари ўзаро никоҳ, рўза, хайитлар, улуг айёмлар ҳақида тўхталади.

Беруний ўз асарларида ҳар қандай жумбоқни ҳал этишда илм-фаннинг ролини ифодалашга алоҳида эътибор берган. Унинг илм-фан тўғрисидаги фикр- мулоҳазалари, жумладан, ахлоққа оид педагогик ва психологик қарашлари ҳозирда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Буюқ қомусий олим сифатида барча ҳодисаларнинг моҳиятини илмий жиҳатдан очиб беришга ҳаракат қилган Шарқ мутафаккирларидан бир Абу Али ибн Синодир. Унинг педагогик-психологик қарашлари илмий асосда қурилган бўлиб, у бола характери ва тасаввурлари тарбиясида умуминсоний ғоялар қўлланилишини ёқлаб чиққан ва тарбиячи, ота-оналарга уни қаттиқ тан жазосидан қўра, шахсий ибрат орқали тарбиялаш маъқуллигини кўрсатган. Мутафаккирнинг «Донишнома», «Рисолаи

ишқ», «Уй хўжалиги», «Тиб қонунлари» каби қатор асарлари Ўрта Осиё халқлари одоб-ахлоқи психологияси ва таобат оламида алоҳида ўрин тутган йирик тадқиқотлардан ҳисобланади.

Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида бола характери тарбияси ҳақида шундай ёзади: «Болани қаттиқ ғазабланишдан, қаттиқ қўрқув, ғам ва уйқусизликдан сақлаш орқали эришиладиган яхши феълли характери шакллантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Ҳар доим боланинг хоҳлаган нарсасини дарҳол беришга ва ёмон кўрган нарсасини узоқроқ тутишга тайёр туриш керак. Бу билан икки томонлама наф келади. Биринчиси боланинг руҳи учун фойдали бўлиб, бола ёшлигиданок хушфеъл бўлиб ўсади ва бу сифат кейинчалик унинг доимий одатига айланиб қолади. Иккинчиси бадан учундир, чунки бадфеъллик ярамас мижоздан келиб чиқади, яъни бадфеъллик одатга айланиб қолса, шунга мос ярамас мижозни пайдо қилади. Масалан: ғазаб баданни қаттиқ қиздиради, ғам қаттиқ қуритади, қаршилик руҳий қувватни сўндиради ва мижозни шилимшиқликка мойил қилади. Хулқни босиб, вазмин қилиш натижасида бир вақтнинг ўзида руҳ ва бадан саломатлигига эришилади».

Ибн Сино ҳар бир инсоннинг темпераментидан келиб чиқиб унга алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидлаши орқали жуда катта амалий иш қилганлигини кўриш мумкин. Унинг фикрича, ҳар бир инсон фақат унга тегишли бўлган хусусиятларгагина эгади, унга ўхшаган одам камдан-кам бўлади.

Ҳозирги даврда ҳам олимнинг фалсафий қарашлари, ижтимоий ҳаётимизда ўз қимматини йўқотмаган. Алломанинг инсон тарбияси ва темпераменти хусусидаги фикрлари катта аҳамиятга эга бўлиб, инсоний муносабатлар этикасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган. Унинг фалсафий, мантиқ, психология, сиёсий-ижтимоий фанлар бўйича бизга мерос бўлиб қолган қатор асарлари илм аҳли учун дастури бўла олади.

XI асрнинг буюк мутафаккири ва шоири Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» асарида этика ва ҳаётга оид қарашларини баён қилади. Юсуф Хос Ҳожиб Шарқ халқларининг турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарини яхши билган. Шу сабабли у бу халқларнинг турмушидаги урф-одатлар, одоб-ахлоқ меъёрига катта қизиқиш билан қарайди, катталарни ҳурмат қилиш кичикларнинг бурчи эканлигини, ўз навбатида катталар ҳам уларнинг эъзозлаши ҳамма учун инсонийлик, кадр-қиммат белгиси эканлигини таъкидлайди. У одамнинг Оллоҳ томонидан яратилганлигини ҳамда одамнинг дунёга келиши ва унинг келажакда қандай одам бўлиб вояга етишиши, аждоди ва келиб чиқишига ҳаётда шугулланаётган фаолиятига, атрофга нисбатан муносабатига боғлиқлигини айтиб: «Кимнинг насли отадан бошлаб тоза бўлса, ундан элга яхшилик, кўп манфаатлар келади», деб ҳисоблайди.

Кўриниб турибдики, Шарқ мутафаккирлари шахс хулқ атвор камолотида атроф-муҳит, тарбия, хусусан, оила ва маҳалла тарбиясига алоҳида эътиборни қаратганлар. Барча асарларда ижтимоий таъсир воситаси сифатида тарбия, яъни атайлаб ташқаридан таъсир кўрсатиш орқали ибратли хулқ-атворни шакллантириш, оила тарбияси масалаларига эътиборнинг қаратилганлиги, бизга бола хулқ атвор дунёқараш ва фазилатларининг асоси айнан шундай ижтимоий таъсир омиллари эканлиги ҳақидаги фикрни яна бир қарра эътироф этишимизга имкон беради. Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек халқининг бу борада юксак имкониятлари азалдан мавжуд бўлиб, ушбу миллий қадриятлар ва халқ анъаналаридан тўғри, унумли ва мақсадли фойдаланиш зарур, деган хулосага олиб келди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз жоизки, иқтидорли фаол шахсни шакллантиришда инсонни қуршаб турган ижтимоий муҳит (жамият, маҳалла, ўқув муассалари ва ҳоказо) билан бир қаторда инсоннинг оилатарбияси ва ўз-ўзини тарбиялаш жараёнлари муҳим ўрин эгаллайди.

## **ALISHER NAVOIY MEROSINING YOSHLARNI MILLIY RUHDA TARBIYALASHDAGI AHAMIYATI**

*Ismoilov N., Qarshi DU katta ўқитувчиси*

Alisher Navoiyning ilm, fan, o'qituvchi faoliyati, ta'lim-tarbiyani tashkil etish va komil insonni tarbiyalashning psixologik jihatlari haqidagi qarashlari ko'pchilikka yetarli darajada ma'lum emas.

Alisher Navoiy sof psixologik asar yaratgan bo'lmasada, uning psixologik qarashlari "Xamsa", "Mahbub ul-qulub" kabi yirik ta'limiy-axloqiy asarlarida, shuningdek "Munojot", "Vaqfiya", "Majolisun-nafois", "Muhokamatul-lug'atayn" kabi tarbiyaga oid asarlarida keng atroflicha ifodalangan.

Alisher Navoiy o'zining badiiy asarlarida komil inson obrazini yaratib, ta'lim-tarbiya to'g'risidagi fikrlarini ifodalagan bo'lsa, ta'limiy axloqiy asarlarida esa komil insonni shakllantirishning mazmuni, yo'llari, usullarini bayon etgan. Alisher Navoiy inson tarbiyasi bilan birga, uning uning shaxs bo'lib shakllanish masalalariga alohida ahamiyat beradi. Insonni kamolotga yetishtirish yo'llarini izlaydi va bu

sohadagi fikrlari bilan o'z davrining yetuk mutafakkiri sifatida keng shuhrat qozondi. U asarlarida insonlardagi yaxshi xislatlarni ulug'laydi, o'z navbatida yomon xislatli kishilarni qoralaydi. Bu fikrlarni uning "Mahbub ul-qulub" asarining "yaxshi fe'llar va yomon xislatlar to'g'risida" deb nomlangan faslida ko'rish mumkin.

Insonning komil inson sifatida shakllanganligini belgilovchi eng muhim omillardan biri nutq madaniyatini egallashidir. Psixologiya fani nuqtai nazaridan nutq-bu til yordamida odamlarning o'zaro munosabatga kirishish jarayonidir. Til esa so'z belgilaridan tashkil topadi va har bir so'z muayyan bir mohiyatga ega bo'lib, voqelikdagi biror narsa yoki hodisaga tegishli bo'ladi. Insonga xos bo'lgan nutqni egallash va undan foydalanish mahorati ham insonda tug'ilganidan keyin faqat ijtimoiy muhitda, odamlar bilan bo'ladigan o'zaro muloqotlari jarayonida hamda mashaqqatli ta'lim-tarbiyaning ta'sirida shakllanib tarkib topadigan murakkab aqliy jarayondir.

Shuning uchun ham tafakkur va til muammosi azaldan mutafakkirlarni qiziqtirib kelgan hamda ular bu masalani o'zlari yashagan davr, muhit sharoitidagi ilm-fan darajasida turlicha talqin etganlar.

O'rta Osiyo mutafakkirlarining tafakkur va til to'g'risidagi ta'limotida Alisher Navoiyning qarashlari ayniqsa salmoqli o'rin tutadi. Uning til va tafakkur haqidagi qarashlari tilning paydo bo'lishi, til bilan tafakkurning bir-biriga bog'liqligi va biri ikkinchisini hamisha taqozo qilishi, so'z va ma'no, shakl va mazmun munosabat kabi masalalarni o'z ichiga oladi. Alisher Navoiy o'z asarlarida so'z, tilo'zaro aloqa, fikr almashuv jarayonida kishi ehtiyoji tufayli paydo bo'lishini ta'kidlaydi, ya'ni Navoiy ta'biri bilan aytganda: "takallum chog'ida kishi til, so'zga muhtoj bulur, takallum bila kimsa inson erur".

Alisher Navoiy til, fikr ifodalash, fikr almashuvining muhim vositasi deb biladi. U kishilarning asosan til, so'z yordamida bir-birlari bilan fikrlashishlari, aloqa bog'lashlarini aytib o'tadi. Til insonni hayvondan ajratuvchi "gavhari sharifdir". Til tafakkurning iroda qurolidir. Kishining ko'ngli (fikri)-daryo, so'zi esa dur-deydi.

Ma'lumki, til va tafakkur yordamida inson o'z ehtiyojlaridan kelib chiqib kuzatilgan qator aniq faktlarning eng muhim, umumiy belgi, xususiyatini fikrdan ajratib xulosalar chiqaradi, narsa va hodisalarning ichki jarayonlari, qonuniyatlarini bilib oladi. Chunki hamisha tilda ifodalanuvchi tafakkurda narsa va hodisalarga xos bo'lgan o'zaro bog'lanishlar hamda munosabatida sodir bo'ladigan xususiyatlar aks etadi. Tafakkurning bunday xususiyatini o'z davrida juda yaxshi tushungan Navoiy:

*Dedi: har ishki qilmish odamizod,  
Tafakkur birla bilmish odamizod.  
Falak mushkullari hal fikratidin,  
Falakka mushkul oning diqqatidin*

deb yozadi.

So'z ta'rifi Alisher Navoiyning til va tafakkur haqidagi ta'limotida alohida o'rin tutadi. Uning til haqidagi qarashlari so'z to'g'risidagi tushunchaga asoslanadi. Haqiqatan ham inson o'z fikrini so'zda, so'zlardan tuzilgan gaplarda ifodalaydi. Alisher Navoiy so'z bilan fikr (ma'no), shakl bilan mazmun o'rtasidagi munosabatni ko'rsatish yo'li bilan ham til va tafakkurning o'zaro bog'liqligini isbotlaydi. U so'z bilan ma'noni birgalikda olib qarab, so'z ma'nosiz, ma'no esa so'zsiz bo'lishi mumkin emasligini aytib, ma'nosiz so'zni "jonsiz tanaga" o'xshatadi.

Alisher Navoiy til va tafakkur haqidagi ta'limotida asosan e'tiborni so'zga, tafakkur masalasida esa fikr (ma'no) ga qaratadi. Uning talqinicha fikr (ma'no) so'zning, tilning mezonidir. Navoiyning fikricha, inson tafakkurida ifodalanadigan fikrni ruyobga chiqaradigan vosita bu tildir.

*Kunghumda ne ma'ni bo'lsa erdi paydo,  
Til aylar edi nazm libosida ado.*

O'z davrida inson aql-zakovatining buyuk qudratini namoyish etgan, ilm-fanning yuksak chuqqilari sari intilib, ijtimoiy-falsafiy, psixologik qarashlarni mukammal egallagan Alisher Navoiyning tafakkur va til haqidagi fikrlari oradan shuncha yillar o'tgan bo'lishiga qaramasdan o'z qadr-qimmatini yo'qotmasdan kelayotir.

Buyuk mutafakkirning ijodi qanchalik chuqur o'rganilsa, psixologiya fani sohasida ham zarur va qimmatli fikrlarga ega bo'lamiz. Shuning uchun ham har bir tadqiqotchi Alisher Navoiyning ma'naviy merosini puxta o'rganishi, uni tahlil etishi va kelajak avlodlarga meros sifatida yetkazishni o'z burchi deb bilmog'i kerak.

## PSIXOLOGIYA FANIDA SHAXS ETNOPSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI VA STEREOTIPLARINING SHAKLLANISHI MUAMMOSI

*Norbekova B., Jizzax DPI o'qituvchisi*

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida O'zbekiston hududida yashaydigan etnik xalqlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida ham alohida ko'rsatib o'tilgan. Unda yozilganidek, "O'zbekiston Respublikasi o'z xududida istiqomat qiluvchi millat va elatlarning tillari, urf-odatlar va an'analari hurmat qilishini ta'minlaydi, ularning rivojlanishi uchun sharoit yaratadi".

A.G.Asmolov o'z ta'rifida, - "U.Lipmanning fikriga qo'shilib, A.P.Trusov va A.S.Filippov etnik stereotiplarni ikki jihatdan, ya'ni gnoseologik (ularning bilish jarayonidagi roli) va sotsiologik (ularning ijtimoiy vazifalari) jihatlardan turib tadqiq qilishni tavsiya etadi. Ana shu fikr bizni bundan keyin ushbu bo'lim materiallarini bayon qilishda ham to'la qanoatlantiradi va biz ham ana shu yo'ldan boramiz", - deb ta'kidlaydi.

U.Lipman o'z tadqiqotlaridan birida stereotiplashish zarurligining ikkita eng muhim sababini ko'rsatadi.

Birinchisi—stereotiplashish tufayli kishilarning kuch sarflashi tejaladi, ular yangi faktlar va hodisalar to'g'risida qaytadan o'ylab, fikrlab o'tirmaydilar; shunday faktlar va hodisalarni to'g'ridan-to'g'ri mavjud kategoriyalarga kiritadilar. "Agar atrofdagi olamda bir xillik bo'lmasa, yoki kuchlarni tejashning hech qanday yo'li bo'lmasa, faqat xatolar mavjud bo'lar edi, lekin ana shunday bir xillik mavjud bo'lgani uchun diqqat-e'tiborni tejash shunchalar zarurki, agar sof tajriba asosida fikr yuritish uchun barcha stereotiplardan voz kechilsa, insoniyatning tirikchiligiga muqarrar ravishda zarar etar edi".

Ikkinchi—sabab guruh bo'yliklarni (milliy madaniy bo'yliklar va shaxsning ma'naviy bo'yligi) muhofaza qilish, ya'ni sof ijtimoiy vazifadir. "Stereotiplar" an'analimizni qo'riqlaydi, ular qancha ko'p bo'lsa, biz unda o'zimiz egallagan mavqening xavfsizligini shunchalik ko'pligini xis etishimiz mumkin, deb ta'riflaydi.

Ma'lumki, "stereotip" iborasining ilmiy muomalaga 1922 yilda U.Lipman kiritgan. Ammo stereotiplar tadqiqot ob'ekti bo'lgunicha oradan ma'lum vaqtlar o'tgan. Dastlabki, inson qiyofasi muammosini empirik tadqiq qilishga ko'p e'tibor berildi. Shundan keyingina etnik stereotiplarni keng miqyosda tadqiq etish bosqichi boshlandi. Hamma kishilar u yoki bu darajada ijtimoiy va etnik stereotiplarning ifodalovchisidir. Bizning boshqa xalqlar to'g'risidagi bilim va tasavvurlarimizning bir qismi ana shu stereotiplar yordamida shakllangan.

M.Mukanovning yozishicha, etnosning o'ziga xosligi shundan iboratki, uning vakillari mazkur etnosga xos assotsiativ aloqada bo'ladilar. Etnos tomonidan qabul qilingan me'yorlar konventsionlardir (to'la tan olingandir).

Etnosdagi me'yoriy jarayonlar konventsiyalar (kelishuviga rioya qilish) va uning mavjudligi sababli barqaror tus olgan (stereotiplashgan) jarayonlardir.

Mazkur fikrlar ko'plab ilmiy ishlarda isbotlangan. Tadqiqotchi A.M.Jabbarov ta'kidlaganidek:

1) Ijtimoiy—madaniy muhit vujudga kelishining manbalari etnosning birligi, tili, zamon va makonda tashkil topishi, xalqning turmush tarzi, bo'yliklari, qadriyatlar, ijtimoiy hamda madaniy mavjudligi va hokazolardan iboratdir;

2) Xalqning o'ziga xos fe'l-atvori va psixologiyasining etnik stereotiplarini tadqiq qilish, ularni vujudga keltirgan ijtimoiy—madaniy tizimni o'rganish asnosida amalga oshirilishi kerak. Bunda xalqning o'ziga xosligini tiklash avloddan—avlodga o'tib kelayotgan stereotiplarning noaniq nusxasi ekanini hisobga olish kerak.

O'zbek xalqining etnik stereotiplari, o'ziga xosligi, uning an'analari, marosimlari, urf-odatlar va didi, matallarda va hikmatli so'zlarida chuqur o'rin olgan. Xalqning avaylab saqlashi va ardoqlashi sababli, ular hozirgacha o'zining dastlabki ma'nosini yo'qotmagan va millatimiz vakilining kundalik hayotidagi eng muhim omillaridan biri hisoblanadi.

M.M.Qoplonovning yozishicha, - o'zbek xalqining qiyofasi xo'jalik faoliyati va turmush tarzi xususiyatlari dastavval mahalliy, tabiiy—geografik va xo'jalik madaniy tiplarini yaratgan mintaqalar hisoblanadi. Unda yashovchi xalqlarning kelib chiqishi va tarixiy taqdiri ham umumiy xarakterga ega. Milliy ruhiyat, ijtimoiy ong, oilaviy va ma'naviy hayotning hozirgi davr talabiga javob bera oladigan darajada rivojlanishi, shubhasiz xalqning erkinligi, uning davlat tuzilishi bilan bevosita bog'liq.

Tadqiqotchi, o'zbeklarning milliy xarakter xususiyatlariga quyidagilarni misol qilib keltirgan:

1. Yo'nalganlik xususiyatlari: - ehtiyojlari, ideallari, ustanovkalari, qiziqishlari, maqsadlari;

2. Aqliy xususiyatlari: - ma'rifatparvarlik, uquvlilik, fahmlilik, farosatlilik, mug'ombirlik, e'tiborlilik, ziyaraklik, mohirlik, xushyorlik;

3. Irodaviy xususiyatlar: - axloqiylik, odoblilik, botirlik, magʻrurlik, sabr-toqatlilik, qatʻiylik, tobelik;

4. Emotsional xususiyatlari: - bosiqlik, mulohazalilik, ehtiroslik, mehribonlik, ishonuvchanlik, qiziqqonlik, tezobililik, zavqlilik, nafosatlilik va yumshoq feʻlliliklar kiradi, - deb hisoblaydi.

M. Mamatovning taʻkidlashicha, milliy psixologik qiyofaning ayrim belgilari kishilar birligining hamma tarixiy davrlariga, yaʼni, urugʻ, qabila va elatlarga ham xosdir. Maʼlumki, bola oʻziga Vatanni yoki ota-onani tanlab tugʻilmaydi. Shunday ekan, u oʻz millatiga mansub boʻlgan tayyor xususiyatlar bilan ham tugʻilmaydi. Bola oʻz ota-onasidan va avlod-ajdodlaridan biologik yoʻli bilan irqiy xususiyatlarni va ayrim ruhiy temperament xususiyatlarinigina meros qilib oladi, xolos. Bola milliy muhitda yashab turgandagina, shu millat va elatga xos boʻlgan xususiyatlarni egallab, ayni millat vakili boʻla oladi.

## **BARKAMOL SHAXSNI TARBIYALASHDA MAʼNAVY-MADANIY MEROSIMIZDAN FOYDALANISH**

*Eshonqulov N., Qashi DU katta ўqituvchisi*

*Rajabova F., Qashi DU ўqituvchisi*

Oʻzbekiston oʻz istiqloliga erishganidan soʻng jamiyat maʼnaviy hayotini sogʻlomlashtirish va rivojlantirish, inson omiliga katta eʼtibor berish mamlakatimiz oldida turgan eng asosiy vazifalardan biri sifatida kun tartibiga qoʻyilishi ham moziyning koʻp asrlik saboqlariga, jamiyat oldida koʻndalang turgan yangi vazifalarni hal etishga oqilona yondashishning koʻrinishidir.

Axloqan pok va yetuk insonlarni tarbiyalash masalasini muvaffaqiyatli hal etishda xalqimizning tarixiy anʼanalari, maʼnaviy boyliklari, ajdodlarimizning bizga qoldirgan ilmiy meʼrosi va tarixiy-tarbiyaviy tajribalarini oʻrganib chiqish, ularning yutuqlarini hayotga, taʼlim-tarbiya ishlariga tatbiq etishning ahamiyati kattadir.

Milliy gʻoyamizning asosiy maqsadlaridan biri-har tomonlama komil insonni tarbiyalashdan iborat. Komil inson esa, bu-ozod shaxs, erkin fikr etuvchi, oʻz xalqining ideallari uchun kurashuvchi inson, oʻz Vatanga halol xizmat qiluvchi kishidir. Komillik mehr-muruvvat, adolat, toʻgʻrilik, vijdon, ornomus, iroda, tadbirkorlik, matonat kabi koʻplab asl insoniy xislat va fazilatlarining majmuidir.

Komil inson gʻoyasi azal-azaldan xalqimizning ezgu orzusi, millat maʼnaviyatining uzviy bir qismi boʻlib kelgan. Zardushtiylikning muqaddas kitobi “Avesto”da halol mehnat komillikning asosiy mezoni sifatida talqin etiladi. Abu Rayhon Beruniy, Abu Nasr Forobiy, Abu Ali ibn Sino, Yusup Xos Hojib, Alisher Navoiy kabi buyuk mutafakkirlarimizning ijodida komil insonni tarbiyalash masalasi asosiy diqqat markazida boʻlgan.

Ajdodlarimiz insonni komillikka erishishining bosqichlari, manbalari, omillari, mexanizmlari yuzasidan keng koʻlamli mulohazalar yuritish bilan cheklanib qolmasdan, balki uni harakatlantiruvchi obyektiv va subyektiv shart-sharoitlari haqida ham ilmiy-amaliy xususiyatli gʻoyalar yaratganlar. Shuning uchun ajdodlarimiz vakillari qaysi taʼlimotga diniy yoki dunyoviy va ilmiy negizga asoslanganligidan qatʻiy nazar amaliyot haqiqat mezoni ekanligidan kelib chiqqanlar.

Tarixga nazar tashlasak, buyuk shaxslarning faoliyati mohir tashkilotchilik, teran bilim bilangina emas, balki ularning axloqi va odobi bilan ham yuksak maʼno-mazmun kasb etgan. Ayniqsa bizning milliy urf-odat va anʼanalimizga koʻra, insonning komilligi, avvalo, uning axloqiy yetukligida, ajdodlar merosini chuqur oʻrganib, uni boyitish, katta-kichikka ehtirom koʻrsatish borasidagi harakatlarida koʻzga tashlanadi.

Abu Nasr Forobiy taʼlim va tarbiyaga birinchi marta taʼrif bergan olim sanaladi. Taʼlim – degan soʻz insonga oʻqitish, tushuntirish asosida nazariy bilim berish; tarbiya – nazariy fazilatni, maʼlum xunarni egallash uchun zarur boʻlgan xulq normalarini va amaliy malakalarni oʻrgatishdir, deydi olim.

Abu Nasr Forobiy axloqiy fazilatlar deganda bilimdonlik, donolik va mulohazali boʻlish, vijdonlilik, kamtarlik, koʻpchilik manfaatini yuqori qoʻyish, haqiqat, maʼnaviy yuksaklikka intilish, adolatlilik kabi hislatlarni tushunadi. Ammo bu hislatlarning eng muhimi har bir insonning bilimli, maʼrifatli boʻlishidir. Shuning uchun ham Forobiy axloq tushunchasiga aql bilan uzviy bogʻliq holda, tafakkurga asoslangan axloq sifatida qaraydi.

Abu Ali ibn Sino fikricha, insonlar feʼl-atvorida ayrim nuqsonlar boʻladi, qaysiki odamlar doimo bulardan oʻzini asrab-avaylab yurishi, iloji boricha ulardan qochishi lozim. Bu nuqsonlarga yolgʻonchilik, rashk, xusumat, qasd olish, tuhmat, irodasizlik kabi salbiy xislatlarni kiritadi.

Abu Ali ibn Sino bola tarbiyasiga oid oʻz fikr va mulohazalarini bildirar ekan, bola tarbiyasini unga ism qoʻyishdan boshlashni lozim topadi hamda bolalarga yaxshi, munosib ism tanlashni ota-onaning dastlabki olijanob vazifalaridan hisoblaydi.

Abu Ali ibn Sinoning fikricha, tarbiya berguvchining butun diqqat – eʼtibori “bolaning xulq-atvorini yaxshilashga, tegishli parvarishni amalga oshirishga, bolaning tevaragida u yoqtirmaydigan birorta narsa yoki hodisaning boʻlmasligini taʼminlashga qaratilishi darkor. Bularning barisi ikki tomonlama naf keltiradi:

1) bolaning qalbi yolgʻiz ezguliklarinigina biladi va unda mustahkam, oʻzgarmas hulq-atvor shakllanadi;

2) xulq-atvorni mana shunday tartibda takomillashtirish bolaning jismoniy rivojlanishiga ham ijobiy taʼsir koʻrsatadi. Shu bois, bolaning ham axloqiy, ham jismoniy salomatligi uning tarbiyasiga bogʻliq boʻlar ekan”.

Abu Rayhon Beruniy ilmiy, maʼlumotli kishi boʻlishning oʻzini odob-axloq va nafosat bilan bogʻlaydi. Uning dunyo qarashida axloq masalasi insonning eng asosiy sifatleri sifatida mujassamlashgan. Beruniyning fikricha, aqliy qobiliyatlar odamning kundalik ehtiyojlari asosida vujudga kelsa, axloqiy masalalar tarixiy taraqqiyot, odamlarning oʻzaro munosabatlari bilan chambarchas bogʻliq holda paydo boʻladi va rivojlanib boradi.

Abu Rayhon Beruniy soʻzi bilan aytganda, inson yerdagi bunyodkor va yaratuvchi kuchdir. Shuningdek, u insonning ijobiy va salbiy tomonlarini birma-bir taʼrif etadi. Masalan, olim insondagi yaxshilik, rostgoʻylik, olijanoblik, muruvvat, mehr-shafqat, doʻstlik va jamoachilik kabi fazilatlarini oʻzida mujassamlashtirgan har bir inson har narsaga qodirligini, oʻzi eli va yurti uchun beqiyos naf keltirish mumkinligini alohida taʼkidladiki, bu hozir ham taʼlim-tarbiya sohasida yetakchi oʻrinni egallaydi.

Sharqning eng yuksak maʼnaviy qadriyatlari va purmaʼno hikmatlari, sirli va sehirli olami hamisha butun olamni oʻziga maftun etib kelgan. Ayniqsa, inson tarbiyasi, komil inson shaxsi masalasida Sharq pedagogikasida oʻziga xos maktab yaratilganki, uning hikmatga boy tajribasidan biz hamon bitmas tunganmas xazina sifatida bahramand boʻlib kelmoqdamiz.

Bugungi kunda mamlakatimiz taʼlim-tarbiyachilar zimmasiga har tomonlama maʼnaviy yetuk barkamol shaxslarni tarbiyalab yetishtirish vazifasini yuklamogda. Chunki, mustaqil Vatanimiz oliy maqsad qilib olgan ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayotni barkamol, ezgu gʻoyalarni hayotiy eʼtiqodiga aylantirgan yetuk barkamol insonlarga bunyod eta oladi.

## **BOLALAR PSIXIK RIVOJLANISHINING OʻZIGA XOS XUSUSIYATLARI**

*Isoqova Sh.A., Aʼzamov A.I., JDPI talabalari*

Bolalar psixik xususiyatlarini shakllanishini oʻrganishning muhim tomonlaridan biri turli yoshdagi bolalarda sezgi, idrok, diqqat, xotira, nutq, tafakkur, xissiyot, xayol va iroda kabi psixik jarayonlarining namoyon boʻlishi, taraqqiy etishi hamda takomillashuvining qonuniyatlarini oʻrganishdan iboratdir. Maʼlumki, bola shaxsi va uning psixologik xususiyatlari kandaydir tasodifiy omillarning tartibsiz taʼsir etishi natijasida emas, balki muayyan konkret omilning qonuniy taʼsir etishda tarkib toptiradi. Ana shu muhim qonuniy tarzda taʼsir qiladigan omillarni ochish va isbotlash bugungi kun psixologiyasining dolzarb masalalaridan xisoblanadi. Bolalarning psixik xususiyatlarini oʻrganish orqali bolalar shaxsi va shaxsiy psixologik qonuniyatlarining tarkib topishi kabi muxim ilmiy malakalarni oʻrganib, mamlakatimizda yangi tipdagi odamlarni tarbiyalab yetishtirish qonuniyatlarini ochib berish imkoniyatlari xaqida umumlashgan ilmiy va amaliy tavsiyalar ishlab chikiladi.

Tabiat va jamiyat taraqqiyotining umumiy qonuniyatlaridan xabardor boʻlish bolalar psixologiyasiga bolalar psixik taraqqiyotini oʻrganishda va «tabiiy zot» boʻlib tugʻilgan bolaning inson ijtimoiy tajribasini egallab, shaxs boʻlib yetishini oʻrganish toʻgʻri yoʻl topishga yordam beradi.

Bolalarda psixik jihatdan taraqqiy etish muammosini oʻrganish falsafa uchun ham katta ahamiyatga ega. Maʼlumki, bilish nazariyasi va dialektika qonuniyatlarining tarkib topishida lozim boʻlgan bilim sohalari sanab koʻrsatar ekan, psixologiyaning uch sohasini «bolalarning aqliy rivojlanish tarixi, xayvonlarning aqliy rivojlanish tarixi, til tarixi, psixologiya, sezgi organlari fiziologisi»ni koʻrsatgan. Bolaning aqliy taraqqiyoti qonunlaridan xabardor boʻlish turli yoshdagi bolalar bilan taʼlim-tarbiya ishlarini toʻgʻri tashkil qilish imkoniyatini beradi.

Bolaning oʻsishi, uning psixikasi va ongining taraqqiyoti jamiyat aʼzosi sifatida voyaga yetishida taraqqiyot kanday kilib yuzaga keladi? degan savolni hal qilish muxim masaladir. Taraqqiyotni tushuntirishda bir-biriga qarama-qarshi 2 turli yunalish mavjud. Birinchi yunalishga muvofik taraqqiyot avvalgi narsaning oddiy takrorlanishidan, organizmda mavjud boʻlgan muayyan sifatlarning koʻpayishi yoki kamayishidan iborat. Bu yoʻnalish taraqqiyotning xaqiqiy sabablarini tushuntirib bera olmaydi va xudoning

irodasi bilan bog'laydi. Bu yo'nalishning o'ziga xos xususiyati mavjud. Lekin xudo tomonidan yaratilgan insonni haqiqiy inson bo'lishi ijtimoiy hayot va muxit, ta'lim va tarbiyaga bog'likdir.

Ikkinchi yo'nalishga ko'ra, taraqqiyot qarama-qarshiliklar kurashining natijasidir. Bu ilmiy yo'nalish bo'lib taraqqiyotning sabablarini o'zgarib turuvchi tashqi muxit sharoiti bog'laydi. Bunga ko'ra tashqi muxit tobora yangi talablar qo'yadi, organizm yangi sharoitga moslashar ekan qarama-qarshiliklarga bardosh berish, kurashish jarayonidir, yangi sifatlar hosil qila boradi, ya'ni organizm taraqqiy qiladi.

O'sish-miqdoriy jihatdan ulg'ayish, demakdir. Taraqqiyot-sifat jihatdan o'zgarish demakdir. Bolaning psixik taraqqiyoti ham karama-qarshiliklar kurashi asosida yuz beradi. Bu qarama-qarshiliklar:

1. Bolaning shu choqqacha erishgan darajasi, imkoniyatlari bilan yangi ehtiyojlar o'rtasida tug'iladigan karama-qarshiliklar. Ya'ni bolalarning ehtiyojlari tez ortib boradi. Lekin bu ehtiyojlarni qondirish imkoniyatlari juda sekinlik bilan yuzaga keladi.

2. Bolaning eski xulq-atvori formalari bilan yangi xatti-harakatlari, yangi tashabbuslari o'rtasidagi qarama-qarshiliklar. M: Yosh bolaning asosiy faoliyati kattalarga taqlid qilishdir. Taqlidiy xarakatlarda mustakillik, tashabbuskorlik bo'lmaydi. Bola o'sib ulg'aygan sari uning tajribasi, mustaqilligi, tashabbusi orta boradi. M: mustaqil yurish, ba'zi ishlarni bajarish.

3. Bola xayotining mazmuni bilan uning formasi o'rtasida vujudga keladigan qarama-qarshiliklar. Odatda hayotning mazmuni uning formasidan biroz oldinroq vujudga keladi. M: Bola bog'chaga qatnay boshlashdan oldin oiladagi xayotga o'rganib qoladi. Bog'chada esa yangicha hayotning boshqacha talablari va qoidalariga duch keladi.

Demak, bolaning psixik taraqqiyoti juda murakkab jarayondir. Lekin bu taraqqiyot qanchalik murakkab bo'lmasin uning qonuniyatlari fanga ayondir. Bolaning psixik taraqqiyoti ijtimoiy hayot bilan bog'liq bo'lgan aniq shart- sharoitning ta'siri tufayli yuz beradi.

## MUSIQA CHOLG'U ASBOBIDA IJRONI O'RGATISHDA USTOZ-SHOGIRD MUNOSABATI

*Qurbonov Q.Yu., Qarshi DU o'qituvchisi*

Kelajagimiz yoshlar qo'lida ekanligini e'tiborga olsak, yoshlar tarbiyasida musiqa tarbiyasi muhim sanaladi. Musiqa shunday tarbiya vositasiki, u barkamol avlodni tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi. Bu borada I.A.Karimovning quyidagi so'zlari ibratlidir: "Barchamizga ayonki, kuy-qo'shiqqa, san'atga muhabbat, musiqa madaniyati xalqimizda bolalikdan boshlab, oila sharoitida shakllanadi. Uyida dutor, doira yoki boshqa cholg'u asbobi bo'lmagan, musiqaning hayotbaxsh ta'sirini o'z hayotida sezmasdan yashaydigan odamni bizning yurtimizda topish qiyin, desak, mubolag'a bo'lmaydi".[1.141]

Musiqa o'qituvchilarining asosiy vazifalaridan biri shuki, bolalarning ruhiy holatlarini inobatga olib musiqa va san'at maktablarida o'quvchilarni qobiliyatiga hamda ularning musiqaga qiziqishlariga qarab, biror bir cholg'u asbobida ijro mahoratini shakllantirishdan iborat. Ushbu jarayon o'qituvchidan o'zgacha e'tibor va pedagogik-psixologik mahoratni talab etadi.

So'nggi yillarda respublikamizda musiqa maktablari, o'rta maxsus va oliy ta'limning barcha yo'nalishlarida iqtidorli talabalar bilan ishlash, «ustoz-shogird» an'analari qayta tiklash, uni rivojlantirish va amaliyotga keng tadbiiq qilish borasida muayyan ishlar amalga oshirilmoqda.

Ilm-fan va texnika o'zining yuqori taraqqiyot cho'qqisiga erishgan, elektron darsliklar, masofadan o'qitish hamda yangi innovatsion pedagogik texnologiyalari o'quv jarayonlariga kengroq tadbiiq etilayotgan, kompyuter va internet tizimining qamrov doirasi kundan kun kengayib borayotgan davr o'qituvchisi qanday bo'lishi kerak?

Hozirgi zamon o'quvchilari teledasturlar, radio va video texnikalari hamda internet orqali juda ko'plab axborotlardan xabardor bo'lish imkoniyatlariga ega bo'lganliklari bois, ularning fikrlash doirasi juda keng. Shuning uchun ham hozirgi zamon o'qituvchisi shu o'quvchilarning qiziqishlaridan xabardor bo'lishi, ularning ruhiy holatini tushuna bilishi va inobatga olishi lozim. Bu borada dars jarayoniga doimo ijodiy yondoshib, dars o'tish uslublarini va texnologiyalarini zamonga moslab rivojlantirib borishi kerak.

Albatta, o'quvchilarning hissiyotlari, zehni va qobiliyati har xil. Ularning ba'zilar musiqiy qobiliyatlarini yoshligidanoq namoyon qilishsa, ba'zilariniki birmuncha keyinroq namoyon bo'lishi mumkin. Ayrimlari o'ta qobiliyatli, shu bilan birga juda sho'x, o'yinqaroq bo'lishsa, ba'zilar vazmin, o'rtacha qobiliyatli, lekin mehnatsevar bo'lishlari mumkin.

O'quvchilarning xarakterlari qanchalik xilma-xil bo'lmasin, lekin ta'lim-tarbiyaning talablari barchaga barobar bo'lib qolaveradi. Shuning uchun ham aynan har bir o'quvchiga alohida e'tibor qaratgan holda o'qituvchi sabr-toqatli bo'lishi lozim.

Cholg' u asbobida ijroni o'rgatadigan o'qituvchi boshqa fan o'qituvchilariga nisbatan o'quvchi larninglarning ta'lim-tarbiyasi bilan yaqindan shug'ullanadigan ularning ruhiy olamini tushinadigan shaxs. Chunki yakka holda ishlash jarayonida o'qituvchi o'quvchining barcha tomonlarini chuqur o'rganishda psixologik bilimlar kerak bo'ladi. Asosiy maqsad cholg'uda ijro etish va uning sirlarini o'rganish bo'lsada, butun o'quv davri mobaynida o'quvchi bilan bo'ladigan muloqot o'quvchining ijobiy-salbiy tomonlarini, oilaviy sharoitini, shu jumladan ruhiy holatini yaqindan o'rganib chiqishiga imkoniyat yaratadi.

Shuning uchun ham o'quvchidagi salbiy sifatlarni ta'lim-tarbiyaning turli shakllaridan foydalanib ijobiy sifatlarga aylantirishda, repertuar tanlashda, ijro ustida ishlaganda, umuman amaliy mashg'ulotlar jarayonida o'quvchining ruhiy sifatlarini inobatga olgan holda ustoz-shogird munosabatini yaxshi yo'lga qo'yish samara beradi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Karomatov F.M. "O'zbek xalq cholg'u musiqasi" Toshkent – 2004.
2. Fitrat A. O'zbek klassik musiqasi va uning tarixi. T. 1993 y.

### **TALABALIK DAVRIDA IRODAVIY SIFATLARNI NAMOYON BO'LISHI**

*Raximova Y. I., O'zMU*

Talabalik davriga doir tadqiqotlar respublikamizda keng miqyosda tadqiq qilinib, bu borada amaliy va nazariy ma'lumotlar qo'lga kiritilgan. Jumladan, sohaning ko'zga ko'ringan olimlaridan M.G.Davletshin, E.G'oziev, S.Jalilova, A.X.Ruxieva, Z.T.Nishonova, A.Abdurazzoqov, E.Nazirov va boshqalar tomonidan tadqiqot ishlari olib borilgan. Jumladan, A.Abdurazzoqov va E.Nazirovlr tomonidan o'tkazgan tadqiqotlarida ma'lum bo'lishicha birinchi va ikkinchi kurslarda auditoriyadan tashqari vazifalarga va mutaxassislikka bog'liq fanlarni o'rganishga qiziqish kuchayadi. Shuning uchun talabalar o'quv faoliyatini rivojlantirishda ularning bu hususiyatlarini ixlos bilan olish e'tiborga loyiqdir.

A.X.Ruxieva "Talabalar o'quv faoliyatida o'z-o'zini boshqarishning psixologik hususiyatlari" mavzusidagi dissertatsiya ishida umumlashgan o'quv faoliyatining usullari tizimi orqali o'quv faoliyatini boshqarish deganda maqsadga yo'naltirilgan, rejalashtirilgan, nazoratqilinadigan, sistemalashtiriladigan, tashkil qilinadigan mustaqil bilim olishga qodir bo'lgan aoliyat tushuniladi.

S.Jalilovanning "Pedagogika instituti talabalarida shaxsiy sifatlarni shakllanishining psixologik hususiyatlari" mavzusidagi nomzodlik dissertatsiyasida talabalarda shaxsiy sifatlarni shakllanishining dinamikasini aniqlashga uringan. Pedagogika institutlaridagi ta'lim jarayonida talabalarni tizimli o'rgatish shuni ko'rsatadiki, "retrospektiv", "real", "ideal" va "refleksiv" "Men"ni bir-biri bilan taqqoslash, talabalarning shaxsiy ehtiyoj sohasiga hamda ularning shaxsiy professionallashuv jarayoniga ta'sir qiladi. Tadqiqotlardan olingan ma'lumotlar asosida pedagogika institutlari talabalarini psixologik-pedagogik tayyorlashni takomillashtirish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqilgan bo'lib, bu tavsiyalar milliy psixologiya va pedagogikaning eng yaxshi an'alarini hisobga olgan holda tuzilgan.

Ta'lim jarayonida o'qish, o'rganish va topshiriqlarni bajarish jarayonida shaxsda iroda shakllanib boradi. O'quv faoliyatida berilayotgan bilimlarni egallash va qo'yilayotgan topshiriqlarni bajarish jarayonid aasosan irodaviy faollik, ixtiyoriy diqqat, ixtiyoriy xotira kerak bo'ladi. Talaba darsda berilgan topshiriqni bajarish uchun doimo irodaviy zo'r berish kerak.

Barcha fanlardan o'tiladigan darslar va barcha topshiriqlarni mustaqil bajarish irodaga va birinchi galda ixtiyoriy diqqatga zo'r berishni, sabotlilik, chidamlilik, o'zini nazorat qilish va ma'suliyatni talab etadi. Muskul kuchi bilan bajariladigan tashqi harakatlarda ifodalanuvchi mashg'ulotlar o'quvchilardan ayniqsa katta irodaviy u yushqoqlik talab etadi.

Shaxsda irodaning ijobiy sifatlarni o'stirish uchun tabiiy va ijtimoiy fanlarni o'rganish katta ahamiyatga egadir. Odam kundalik intilishlariga va xatti-harakatlariga shu tamoyillar asosida baho berishi tufayli tegishli iroda sifatlari va xarakter xislatlari ham tarkib topa boradi.

Talabalarni irodaviy sifatlarni o'stirish maqsadida, o'qituvchi mustaqil ishlash uchun topshiriq berganda, bu ishni qanday qilib yaxshiroq tashkil qilish, oldindan qanday rejalashtirish, vaqtni qanday taqsimlash, qaysi usuldan foydalanish, jumladan, qanday qilib eslab qolish va o'zini qanday nazorat qilishi haqida yo'l-yo'riqlar berilgan ma'qul. Bunday yo'l-yo'riqlar o'qish-o'rganishda, shu bilan birgalikda faoliyatning barcha turlarida uyushqoqlikni o'sishiga yordam bergan bo'lardi.

Irodaning shu hamma sifatlari o'qish jarayonida ko'pmarta namoyon bo'lib, mustaxkamlanib borishi va xarakter sifatlari aylanishi mumkin. Bu sifatlarning mustaxkamlanish tezligi va qanchalik mahkam

oʻrnashib qolishi, asosan oʻquvchining oʻqishga munosabatiga qiziqish havaslariga, intilishiga va boshqa birqancha shart –sharoitlarga eng muhimi maktab va oiladagi maxsus tarbiyaviy ishga bogʻliq.

Oʻqituvchilar bu sifatlarni oʻstirish va mustahkamlashga taʼlim jarayonida tegishli eʼtibor berishsa ular yaxshiroq mustahkamlanib qoladi.

Oʻquv va jamoat vazifalarini bajarish qaror qabul qilish, qiyinchiliklarni yengish, oʻzini boshqarish, irodani talab qiladi. Shuning uchun oʻzini boshqarish talabalar faoliyatlarini muvaffaqiyatli bajarishning psixologik zaminidir.

Talabalarda irodaning rivojlanganligi turlicha boʻlishi mumkin. Irodaning yengilmasligi oʻquv tartibining boʻlishiga sabab boʻlishi mumkin. Talabaning bilimlardan notoʻgʻri foydalanishlariga, imtixonlarda aqliy qobiliyatlarining pasayishiga olib kelishi ehtimoli mavjud.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

- 1.Иванников В.А. Психологические механизмы волевой регуляции. Учебное пособие. –М., 1998.
- 2.Gʻoziyev E.Gʻ Umumiy psixologiya (Psixologiya mutaxassisligi uchun oʻquv qoʻllanma) “Universitet” nashriyoti, Toshkent – 2002.

## **БЎЛАЖАК КАСБИЙ ТАЪЛИМ ҲЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

*Даукеева А., НДПИ катта ўқитувчиси*

Таълимда компетентлик билан ёндашув ўқувчиларни турли кўникмаларни эгаллаш, келажакда ижтимоий, касбий ва шахсий ҳаётларида самарали ҳаракат қилишга йўналтиради. Компетенциянинг турлари куйидагича:

- компетенция - зарур (кўзланган) натижага эришиш учун амалга ошириладиган фаолият.
- амалий компетентлик - билим маҳсули бўлиб, амалиётда қўллай билиш қобилияти.

Шунингдек, компетенция, билимдан фарқли, амалий фаолиятсиз намоён бўлмайди ва уни баҳолай олиш мумкин эмас.

**"Компетенция"** тушунчаси (лотинча **"competere"** - мос келмоқ маъносини беради) куйидаги мохиятларни ифодалайди:

Компетенция сўзи кенг маънода - умумий ёки муайян кенг қамровли масалаларни ечишда мавжуд билим ва кўникмаларни амалий тажрибада қўллай олиш қобилиятини англатади.

Касбий компетентлик - касбий фаолиятга оид масалаларни ҳал этишда билим ва кўникмаларни амалий тажрибада самарали қўллай олиш қобилиятидир.

Компетенция - бу кутилган натижага олиб келувчи фаолият белгисидир. У билим маҳсули бўлиб, мутахассис томонидан уни амалиётда қўллай олиш қобилиятидир. Компетенциянинг билимдан фарқи шундаки, вазифани амалий бажармасдан туриб, уни аниқлаб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайди. Малака компетентликнинг муҳим мезони бўлиб, у турли ҳолатларда, шу қатори муаммоли вазиятларда ҳам бир неча бор қўллаш натижасида намоён бўлади.

Ҳозирги пайтда олий ўқув юрти профессор-ўқитувчисидан талаб қилинадиган компетентлик куйидаги турларга ажратилади:

- профессор-ўқитувчи томонидан ўз билимини мунтазам равишда бойитиб бориш, эгаллаган малакаларини такомиллаштиришга тайёр бўлиш, замон янгиликларидан бохабар бўлиш;
- таълим жараёнида ахборот коммуникация, информацион технологиялари ва ўқитиш воситаларининг барча турини қўллай олиш кўникма ва малакасига эга бўлиш;
- анланган ва мустақил фаолият (мустақил фикр, мақсад кўйиш, ўқув адабиёти ва кўшимча манбалардан тўғри фойдалана олиш);
- ташаббускорликда ўз ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис қила олиш;
- танқидий фикр юрита олиш ва дарс жараёнида юзага келган муаммоли вазиятларни ижобий ҳал эта олиш;
- ҳамкорлик, ўзаро бир-бирини тушуниш, эмпатия билдириш, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган педагогик мулоқотни ўрната олиш;
- чуқур касбий билимдонликка эга бўлиш.

Лавозим компетенцияси рўйхатини шакллантиришда куйидаги иккита қоида тутиш лозим:

- феъл-атвори (бевосита кўриш мумкин бўлган);
- аниқ жиҳатлари (компетенция даражасини аниқлашдаги асос)

Касбий компетенция намуналаридан бир нечасини келтирамиз:

“Ишонтира олиш” компетенцияси. Аниқлаш: Бошқаларга таъсир кўрсатиб, уларни ўз қарор ва ҳаракатларига кўндириш.

“Ташаббускорлик” компетенцияси. Аниқлаш: ҳаракатни бошлаб бериш ва шахсий ижобий жиҳатлари билан воқеага самарали таъсир кўрсата олиш. Доимо изланишда бўлиш, янги вазибаларни, қўшимча ишларни ўз зиммасига олиш.

Компетентли ёндашув қуйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

- ходимларнинг эгаллаган лавозимига муносиблигини баҳолаш;
- ишга қабул қилишда янги лойиҳани амалга оширишда ходимларни танлаш, вакант лавозимга номзодни танлаш;

- ходимларни маълум вақтда аттестациядан ўтказиш, камчилик аниқланганда қўшимча ўқитиш.

Бундан ташқари, баҳолаш омили сифатида компетенция билан ишлаш, ишхонанинг ҳамма учун ягона тасдиқланган стандартлари асосида ходимларнинг реал тавсифномаларини ва малакаларини баҳолаш имконини беради. Умуман олганда булажак ўқитувчининг компетентли ёндашуви - бу ташкилот, муассасанинг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун асосий омилдир. Иш жараёнини юқорида келтирилган тартибда ташкил этилса, биз жамият ривожланишига ўзимизнинг муносиб даражада ҳиссамизни қўшишимиз мумкин. Ўқитувчи юқорида кўрсатилган қобилиятлардан ташқари бир канча ижобий сифатларга - аниқ мақсадни кўзлаш, катъийлик, меҳнатсеварлик, камтарлик каби фазилатларга ҳам эга бўлиши керак.

Профессор-ўқитувчи ўзини эгаллаб турган лавозими даражасида касбий компетентликка эга эканлигини ҳис этгандагина педагогик жараёни муваффақиятли ташкил этиши мумкин, деган ҳулосага келдик. Зотан уни касбий билимдонлик, ҳалоллик, ростгуйлик, изланувчанлик, тинимсиз сермахсул меҳнат, ижодкорлик ва яратувчанлик каби фазилатлар юксалтиради. Унинг билимдонлиги, фаоллиги, меҳнатқашлиги, камтарлиги, маънавияти ва маданияти, маърифатлилиги талабалари, бўлажак касб эгаларининг хурмат- эҳтиромига сазовор этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: Фан, 2004.

2. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.

## **НОТЎКИСЛИК КОМПЛЕКСИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАР**

*Хаитов А.У., ЎзДЖТСУ ўқитувчиси*

Юртимиз мустақиллик йилларида барча соҳаларда юксак тараққиётга эришмоқда. Шу жумладан, спортни ривожлантиришга қаратилётган юқори даражадаги эътибор натижасида ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шароитлар ва имкониятлар яратилмоқда. Бундай ижобий ишлар замирида албатта ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси устувор. Хурматли президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: *“Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал тувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди”*.<sup>1</sup>

Спортчиларни мусобақага психологик тайёрлаш муҳим аҳамият касб этиб, спортчи шахси ривожланиши ва бу жараёнда шахс тараққиёти босқичида юзага келувчи нотўқислик комплексини олдини олган ҳолда меъёрий босиб ўтиш, спортчи фаолият мотивацияси шаклланиши ҳозирги кунда долзарб масала ҳисобланади.

Комплекслар ва уларнинг пайдо бўлиши борасида олимлар ўзига хос қарашларни билдиради. Жумладан, аналитик психология асосчиси К.Юнг психиканинг шахсий онгсизлик даражасида комплексларни ажратиш кўрсатади. Шахсий онгсизлик қачондир анланган кейинчалик унитиб юборилган ёки онгдан сиқиб чиқарилган кечинмалардан иборат. Улар маълум шароитларда қайта

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. Т. “Ўзбекистон” 2017 й. 145-бет.

англанади. Шахсий онгсизликда кўплаб тажрибаларни сақлаш натижасида, уларни *комплекслар* ичига гуруҳ қилиб жойланади. Комплекс маълум мавзу юзасидан ташкил бўлган ҳиссиёт, хотира, идрок ва истакларнинг маркази ҳисобланади ва индивид хулқиға таъсир этади.

Комплекслар анланган ёки анланмаган бўлиши мумкин. Онгли назоратда бўлмаган комплекслар анлаш фаолиятиға тўсқинлик қилади. Баъзи комплекслар зарарли, баъзилари эса фойдали бўлиши мумкин. Масалан мукамал бўлиш ёки интилиш комплекси махсус қобилиятларни ривожлантириш учун шахсни ўз устида ишлашға йўналтирса, шахс тажрибасидаги психологик травмалар нотўқислик комплекси юзаға келишиға сабаб бўлади.

А.Адлер нотўқислик комплекси шаклланиш жараёнини болалик даври билан боғлайди. Ушбу комплекс аввало кечинма сифатида пайдо бўлади. Бола ўздан катталарға тўлик боғлиқ бўлганлиги сабабли улар кучли эканлигини билади. Натижада бола атрофидаги катта ва кучлироқ одамларға боғлиқ равишда нотўқислик ҳиссини ривожлантиради.

Нотўқислик кечинмасининг асосий функцияси шахс интилиши учун мотивацияни таъминлаш бўлиши лозим. Агар ушбу функция амалға ошмаса, яъни нотўқислик ҳисси енгиб ўтилмаса, ушбу кечинма нотўқислик комплекси даражасиға этади. Нотўқислик комплекси мавжуд бўлган одамлар ички танглик, депрессия, зўриқиш, фаолият мотивацияси йўқлиги, ўзлари ҳақида салбий фикрға эға бўлиб, ўзини кўмаксиз ҳис этади ва кундалик муаммоларни енгиб ўтишда имконсизликни намоён этади, бирор фаолиятға киришишда доимий иккиланишлар ва қийинчиликлар ҳиссини кечиради.

Нотўқислик комплекси болалик даврида учта жиҳатдан ўсиб бориши мумкин: тана аъзоларидаги камчиликлар, ортиқча эътибор ва рад этиш.

Тана аъзоларидаги камчиликлар ёки жисмоний имконияти чекланган инсонлар ўз кучсизлигиға қарамасдан бирор фаолиятда зўр бериш орқали ўз имкониятини юқори даражада намоён этади. Бу жараёнда уларнинг шахсий сифатлари шаклланади. Масалан, таниқли Стивен Хокинг 20 ёшида фалажланади, муваффақиятсиз жарроҳликдан сўнг гапириш қобилиятини ҳам йўқотади. Аммо Хокинг ўзида юз берган муваффақиятсизликларға қарамасдан физика ва астрофизика бўйича таниқли олим бўлиб етишади, ўзининг қора туйнуқлар борасидаги назариясини яратиб Нобель мукофотиға сазовор бўлади.

Керагидан ортиқ эътибор ёки эркалалаш ҳам болани нотўқислик комплекси томон олиб боради. Ортиқча эркаланган бола оилада эътибор марказида бўлади. Унинг ҳамма хоҳиш ва инжиқликлари таъминланади. Вазият таъсири остида бундай болаларда табиий ҳолда барча вазиятларда улар энг асосий одамлар эканлиги ва бошқалар доимо уларға бўйсиниши лозимлиги тўғрисидаги фикр ва эгоцентризм шаклланади.

Рад этилган, меҳр берилмаган болаларда нотўқислик комплекси ва ички низолар асоси қандай ривожланишини тушуниш ва анлаш жуда осон. Уларнинг болалик даври меҳр ва хавфсизликнинг камлиги билан характерланади, чунки уларнинг ота-онаси болага бефарқ ва душманларча муносабатда бўлади. Натижада бундай болалар кадрсизлик ёки ғазаб ҳиссини ривожлантиради ва бошқаларға ишончсизлик билан қарайди.

Психоанализға янгича ёндашув олиб борган К.Хорни инсон моҳиятининг асосини туғма безовталиқ ҳиссида кўради. Инсоннинг барча уринишлари – бу безовталиқ ҳиссини кўчиришдир. Бу жараён инсон ҳаракатининг асосий мотивацияси ҳисобланади. Хорни бу жараённи инсон ҳаракатини белгиловчи асосий хавотир ҳисси деб номлаган. Асосий хавотир хавфсизликка интилишға мажбур қилади.

Унинг фикрича, болалик даврида хавфсизлик эҳтиёжи доминанта бўлади. Боланинг хавфсизлик ва қўрқувнинг йўқлиги ҳисси таассуроти нормал шахс сифатида тараққиётини белгилаб беради. Боланинг хавфсизлиги тўлиғича ота-онанинг унга муносабатига боғлиқ. Ота-онанинг хавфсизликни таъминламаслик бўйича асосий жиҳати болага илиқлик ва меҳрнинг йўқлигидир.

Ота-она боланинг хавфсизлигини сусайтириш ва тескари ҳолда душманлигини кучайтириш мумкин бўлган турли кўринишдаги ҳаракатларни қилиши мумкин. Бундай ҳаракатларға қуйидаги муносабатлар киради:



Болалар эса ота-онанинг меҳри қанчалик соф эканлигини ҳис этади. Сохта намоишкорлик ва соф бўлмаган меҳр бериш болани осонгина алдай олмайди. Бола бундай муносабатлар таъсирида юзага келган душманлик ҳиссини онг остига сиқиб яшайди ва болада умидсизлик, ота-онадан кўрқув, соф меҳрга эҳтиёж ва айбдорлик ҳисслари пайдо бўлади.

Инсон нотўқислик ҳиссини енгиш учун ҳар хил усулларни топишга ҳаракат қилади ва турли кўринишдаги компенсацияларга мурожаат қилади.

Адлер гиперкомпенсацияни яратиш имконияти ҳақида айтади ва компенсация намоён этилишининг қуйидаги уч асосий шаклини ажратади:

1. Ижтимоий қизиқишлар билан тараққиётга интилишнинг мувофиқлиги натижасида нотўқислик ҳиссини муваффақиятли компенсация қилиш.

2. Юқорикомпенсация – қайсидир бир хусусият ёки қобилиятнинг кучли ривожланиши натижасида ҳаётга бир томонлама мослашишни англатади.

3. Касаллика кетиш - бундай ҳолатда инсон нотўқислик ҳиссидан қутила олмайди; ўзини компенсация қилолмайди ва ўз муваффақиятсизлигини оқлаш учун касаллик симптомларини яратиши мумкин.

Тана органлари ривожда камчилик мавжуд бўлган инсонлар учун юқорикомпенсацияни қўллаш ижобий самара беради. Юқорикомпенсацияни яратиш натижасида имконияти чекланган ёки жисмонан заиф ва иродасиз кишилар қатъий хатти-ҳаракатлар қилишни бошлайди ижтимоий ҳаётда юқори даражали ютуқларга эришади. Жумладан, жисмоний имконияти чекланган спортчиларнинг ўз қобилиятини намоён этиши учун барча шароитлар яратилаётганлиги натижасида Паралимпия, Параолимпия ўйинларида юқори натижаларни қўлга киритмоқда ва юртимиз ёшларининг мақсад сари интилиши учун ўзига хос куч бағишламоқда.

#### **Адабиётлар рўйхати**

- 1.Ш.Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъий билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. Т: “Ўзбекистон”. 2017.
- 2.Гаппаров З. Г. «Спорт психологияси» Т. 2011
- 3.Осипова А.А. Общая психокоррекция. – М., 2005.
- 4.D.Schultz, S.Schultz Theories of personality. USA 2005

### **ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ АГРЕССИВ ФЕЪЛ-АТВОР МУАММОСИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ**

*Қодиров О., СамДУ ўқитувчиси*

Шарқ мутафаккирлари инсониятнинг турмуш тарзи, ўзаро муносабатлари ва психологик ривожланиш қонуниятларини муайян илмий йўналиш сифатида ўрганмаган бўлсалар-да, бироқ уларнинг асарларида мазкур ҳолатларнинг атрофлича ёритилганлиги ҳамда тахлилларини гувоҳи бўламиз. Таъкидлаш лозимки, алломаларнинг шахс маънавий-руҳий камолоти борасидаги қимматли фикрлари ҳозирги кунгача ўз ўрни ва аҳамиятига эгадир. Жумладан, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб каби мутафаккирларнинг педагогик-психологик қарашлари бугунги кунда ҳам фан тараққиётининг методологик асоси сифатида хизмат қилмоқда.

Абу Наср Форобийнинг таъкидлашича, инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиш, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига муҳтож бўлади. Бунга таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин. Чунки мақсадга мувофиқ амалга оширилган таълим-тарбия инсонни ҳам ақлий, ҳам ахлоқий жиҳатдан камолга етказди, хусусан, инсон табиат ва жамият қонун-қоидаларини тўғри билиб олади ва ҳаётда тўғри йўл тутди, бошқалар билан тўғри муносабатда бўлади, жамият тартиб-қоидаларига риоя қилади.

Абу Райҳон Беруний ўз қарашларида илмни, маълумотли киши бўлишни одоб- ахлоқ ва нафосат билан боғлайди. Унинг дунёқарашида ахлоқ масаласи инсоннинг энг асосий сифатларида мужассамлашган. Берунийнинг фикрича, ақлий қобилиятлар одамларнинг кундалик эҳтиёжлари асосида вужудга келса, ахлоқий масалалар тарихий тараққиёт, одамларнинг ўзаро муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлади ва ривожланиб боради. Инсон ердаги бунёдкор ва яратувчи кучдир. Шунингдек, у инсоннинг ижобий ва салбий томонларини бирма-бир таъриф этади. Масалан, олим инсондаги яхшилик, ростгўйлик, олийжаноблик, мурувват, меҳр-шафқат, дўстлик ва жамоатчилик каби фазилатларни улуғлайди. Шу фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ҳар бир

инсон ҳар нарсага қодирлигини, ўз эли ва юрти учун бекиёс наф келтириши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди. Ёлгончилик, ёмонлик, рақобатлашиш, ганимлик, ичқоралик, кўполлик, ўгрилик, тухматчилик, иккиюзламачилик, ўзига бино кўйиш, хушомадгўйлик, чақимчилик иллат сифатида қораланади.

Мутафаккирнинг фикрича, газаб ва илмсизлик инсон учун энг кучли ва энг ҳалоқатли душмандир. Улар, яъни разил кишилар овқатланганда қандай лаззат ва роҳат олган бўлсалар, ўч олганда ҳам шундай роҳатланишга ўрганганлар.

Беруний алам, таъма, ўч олиш сингари салбий тушунчаларни яхшилик тушунчасига мутлақо ёт деб ҳисоблайди. У ахлоқсиз одамларни қайта тарбиялаш орқали одобли, яхши кишилар сафига кўшиш мумкинлигини, яхши кишиларга эргашиш бу фақат болаларнигина эмас, балки барча жамият аъзоларига ҳам хос хусусият эканлигини ўша замонда айтган бўлса-да, улар ҳозирги замон педагогик-психологиясининг ҳам асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Абу Али Ибн Сино ахлоқликнинг асосини яхшилик ва ёмонлик каби икки тушунча билан таърифлайди. Масалан, адолатни руҳий лаззатнинг бош мезони деб ҳисоблайди. Инсон қаноат, жасурлик, донолик билан адолатга эга бўлади, ёмон иллатлардан ўзини тийиб, яхшиликни мустаҳкамлайди, ҳақиқий руҳий лаззат олади, дейди олим. Инсондаги ижобий ахлоқий хислатларга саҳийлик, чидамлилиқ, камтарлик, севги-муҳаббат, мўътадиллик, ақллилик, эҳтиёткорлик, қатъият-лилиқ, садоқат, интилиш, уятчанлик, ижрочилик ва бошқаларни киритади. Ибн Сино ҳар бир ахлоқий хислатнинг таърифини беради: **мўътадиллик** - тан учун зарурий озиқ ва хулқ меъёрларига тўғри келмайдиган ишларни қилмаслик; **саҳийлик** - ёрдамга муҳтож кишиларга кўмаклашувчи инсоний қувват; **газаб** - бирор ишни бажаришда жасурлик; **чидамлилиқ** - инсон ўз бошига тушган ёмонлик ларга бардош берувчи қувват; **ақллилик** - бирор ишни бажаришда шошма-шошарликдан сақланувчи қувват дейди.

Ибн Сино инсоннинг шаклланишида унинг атрофини ўраб олган ташқи муҳит, одамлар муҳим аҳамият касб этади, ана шу ташқи муҳит ва одамлар инсоннинг атроф-дунёни билишигагина эмас, балки унинг хулқида яхши ёки ёмон жиҳатларнинг таркиб топишига ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам болаларни тарбиялашда эҳтиёткор бўлиш кераклигини, бола ёмон одатларга ўрганмаслиги учун, уни ёмон одатлардан, ёмон муҳитдан узоқроқ сақлаш зарурлигини уқтиради.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида инсон камолоти масаласи марказий масала бўлиб ҳисобланади. Юсуф Хос Ҳожиб олимларни ҳурмат этиш кераклигини таъкидлаб, илм аҳлини кадрласа, илмсизларни жоҳил кишилар деб билади. Дунёда инсон билим ва заковати туфайли орзу-тилакларга, улуғликка эришиш мумкинлигини айтади. Чунки жамиятдаги барча хатолар билим сизлик, нодонлик, жаҳолат туфайли содир бўлишидан у қайғуга тушади, ҳаётда нодон ва жоҳиллар кўпайиб кетганлигидан афсусланади.

“Қутадғу билиг” асарида инсонийлик, ростгўйлик, тўғрилиқ, софлик, меҳр- муҳаббат, вафо, шафқат, мурувват, инсоф, адолат, ишонч, садоқат, хушмуомалалиқ, ширинсўзлик, саховат, мардлик, ҳимматлилиқ, тавозе, ҳурмат ва эҳтиром, тадбиркорлик, ақл, заковат, ҳалоллик, эзгулик каби хислат лар улуғланса, ёлгончилик, ноинсофлик, фисқу фасод, бевафолик, меҳрсизлик, дағаллик, бахиллик, номардлик, қувлик, ҳурматсизлик, нодонлик, жоҳиллик, ҳаромхўрлик, очкўзлик каби хислатлар каттик қораланади.

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида инсоний фазилатлар ва эзгуликларни мадҳ этиб, айни замонда одамлардаги ёмон, хунук, инсонийликка хилоф хислатларини, инсонлар учун, жамият учун зарарли, инсон шаънига ярашиқсиз хулқ-атвор ва сифатларни танқид қилади. Аччиқ сўзлилиқ, нодонлик, ёмон қилиқлилиқ, ёлгончилик каби иллатларга берилган кишиларни қоралайди. Карамли, мурувватли, садоқатли, юмшоқ кўнгилли, ширин суҳан, мулойим бўлиш каби бир талай фазилатларни Навоий кўкларга кўтариб мадҳ этади.

“Аччиқ тиллик” энг ёмон хусусиятлардан бири эканлиги ҳақида Алишер Навоий шундай ёзади: “Аччиқ тил заҳарли найзадек санчилади. Кўнгулда тил найзасининг жароҳати битмас, унга ҳеч нарса малҳам бўла олмайди. Унинг бу фикрида вербал агрессия, яъни салбий ҳис-туйғуларни оғзаки тарзда ифодалаш шакли ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин.

Шундай қилиб, шарқ мутафаккирлари асарларида агрессив феъл-атвор комил инсонларга хос хислат эмаслиги, салбий хислат сифатида жамиятда ва одамлар орасида оғир оқибатларни келтириб чиқариши таъкидланган.

## ПЕДАГОГИК ЖАМОАДАГИ РУҲИЙ МУҲИТНИНГ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

*Нурматова К., Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани,  
4-ДИМТМ тарбиячиси*

Халқимиз - болажон халқ. Бу барчамизга тарихдан ва ўз ҳаётимиздан маълум. Ҳар бир ота-она болам деб ҳаёт кечиради. Барча ота-оналар боласининг ақилли –хушли, илимли, итоатли, порлоқ келажакли бўлишини истайди. Шу сабаб боласини илк бор боғчага ёки мактабга олиб борар экан, ота-она шу билим маскани, қолаверса шу маскандаги педагоглар ҳақида бироз бўлсада маълумот олишга қизиқади, чунки ҳар бир ота-она боласининг яхши муҳитда, яхши инсонлар қўлида таълим-тарбия олишини истайдилар. Буюк мутафаккир Абдулла Авлониининг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар, шахслараро муносабат ғоят катта аҳамият касб этади. Муҳитнинг болага таъсири ҳақида маърифатпарвар олим Абдурауф Фитрат эса –“Болалар сувга ўхшайдилар. Сув қайси рангдаги идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби, болалар ҳам қандай муҳитда бўлсалар ўша муҳитнинг одат ва ахлоқини қабул қиладилар”,-дейди. Оиладаги муҳит бола таълим-тарбиясига ўз таъсирини кўрсатгани каби, билим масканидаги руҳий муҳит ҳам, аниқроқ айтадиган бўлсак педагогнинг руҳий ҳолати ҳам бола таълим-тарбиясида аҳамиятлидир. Педагог олим А.С.Макаренко педагогик жамоа моделини яратаётганида кўпгина ижобий хусусиятларни санаб ўтган. Унинг наздида педагог – ҳаммага таъсир кўрсатадиган тетиклик ҳолатида бўлиши, бир қолипдаги нарсалардан нафратланиши, бир жойда қотиб ўтирмаслиги, ўзини ишга қурбон қилгандек кўрсатмаслиги, чин дилдан қувноқлик билан меҳнат қилиши, чексиз ишга қобилиятли эканлигини кўрсатиши керак эди. Педагогик жамоа раҳбари эса ижтимоий интизом туйғусига эга бўлиши, ишнинг ҳар бир пайтида жамоа барча аъзоларини кўра билиш кўникмасига эга бўлиши, мунтазам равишда катта умумий мақсадлар ҳақида билиши, мақсадга эришиш йўлини кўриши керак, деб ҳисоблаган.

Педагоглар (барча билим масканларидаги) жамоасининг руҳий муҳити аввало унинг аъзолари кайфиятида намоён бўлади. Педагогнинг ишчанлиги, ижодкорлиги, қувноқлиги унинг руҳий ва жисмоний ҳолати ижобий эканлигини билдиради. Ҳаётда атрофимиздаги кишиларга эътибор берадиган бўлсак, яхши мавқени эгаллаган кишилар бошқаларга нисбатан унимлироқ ишлайдилар, камроқ касал бўладилар, камроқ интизомий камчиликларга йўл қўядилар. Шу билан бирга ўз касбини севган кишилар ҳам меҳнат фаолияти жараёнида кўп ютуқларга эга бўладилар, иш вақтида юзага келган қийинчиликларни осонлик билан енгиб ўтадилар.

Раҳбарнинг энг муҳим вазифаларидан бири – педагогларни бир жамоага уюштира олишдир. Жамоанинг жипслиги тарбиявий имкониятларни оширади. Раҳбар ҳурматга эга бўлиши учун жамоани ҳурмат қилиши, билим масканидаги муоммоларни ҳал этишда жамоа фикри билан қизиқиши, уларнинг ҳам маслаҳатини тинглай олиши ва маълум даражада инобатга олиши лозим. Раҳбар ҳамиша ҳам жамоа аъзоларидан ўзини устун қўйвермаслиги, қўл остидагиларга паст назар билан қарамаслиги лозим, акс ҳолда ўз ҳурматини йўқотиш билан бирга, жамоадаги соғлом руҳий муҳитнинг бузилишига сабаб бўлади. Агар раҳбарда ҳар бир ходим билан алоқа боғлай олиш кўникмаси йўқ бўлса ёки кам бўлса, бундай ҳолда у ходимнинг йўл қўйган хато ёки камчилигини аниқлаганида маъмурий чора қўллашга ошиқади. Бундай раҳбарнинг асосий қуроли – дўқ-пўписа, жазолаш бўлади, ходимнинг кўрқув туйғусидан ўз манфаати йўлида фойдаланади, яъни уни ўзига итоатгўй қилиб олишга уринади. Айрим ходимларнинг ўз ҳақ ҳуқуқларини тўла билмаслиги ёки ўз ишидан айрилишдан кўрқиши бундай раҳбарларга қўл келади. Ҳуқумини ўтказишга уринадиган раҳбарнинг ўз ходимига нисбатан маъмурий таъзияқни қўллаши - раҳбар билан жамоа ўртасида хайрихоҳлик ва ўзаро ҳурматнинг етишмаслиги оқибатидир. Руҳий тарқоқлик шароитида раҳбар “итоатсиз”ларга таъсир кўрсатишнинг тобора қаттиқ чораларини қўллашга уринади, шу тариқа жамоа аъзоларини оддий ижрочиларга айлантиради, бундай ҳолатлар эса педагог ходимни ўз меҳнат фаолиятига бефарқ қилиб қўяди, ўз ишига совуққонлик билан қарашга, таълим самарадорлигини пасайишига олиб келади. Ўз шахсий манфаатини жамоа манфатидан устун қўядиган раҳбар, қўл остидаги ишчи ходим йўл қўйган айрим камчилик ёки хатоликни бартараф этиш чорасини кўриш, ечим топиш ёки бундай камчиликни келиб чиқиш сабабини аниқлаш борасида бош қотирмай, уни жазолаш учун асос қилиб олади.

Ўз шахсига сифинтирмоқчи бўлган, ўзининг “мен”лигини бир кунда 10 мароталаб эслатадиган раҳбар тез-тез жамоани йиғиб мажлисбозлик қилади, гўёки кўрилаётган масалани ўртага ташлаб, жамоадан фикр билдиришларини сўрайди. Бундай вақтларда ходимлар ўз фикрларини баён этмасликни афзал деб биладилар. Бундай раҳбарлик қиладиган жамоадаги ходимлар ўзаро

жанжаллашмаслиги, бир бирини хақорат қилмаслиги мумкин, лекин улар орасида самимийлик этишмайди, чинаккамига дўст ҳам бўлиша олмайди, муносабатларда илиқлик бўлмайди, бир бирига ишонч ҳам ўз ўзидан йўқолади. Ходимнинг иш фаолиятида йўл қўйган камчилигини бартараф этиш чора-тадбирларни ўйламаган, бу борада ўзининг дўстона маслаҳатини бера олмаган раҳбар, уни фақат ва фақат қўпол гаплар билан “сийлаб” тушкун кайфиятга келтирса, ходим то ўзини қўлга олиб, аввалги ҳолатига қайтгунига қадар ундаги шижоатлик, тетиклик, ижодкорлик юзага чиқмайди, оқибатда бундай ходимнинг иш сурати сусайиб, болага бериши мумкин бўлган таълим-тарбиянинг яримини бера олади халос.

Ақлли, виждонли, адолатли раҳбарларлар ишлаётган жамоада руҳий муҳит шу қадар яхши бўладики, буни ходимларнинг ўзаро муносабатидаги самимийликда кўрасиз. Бундай жамоадаги ходимларни ўзаро дўстлик бирлаштиради. Иш суръатининг шиддат билан ўсаётганлигига гувоҳ бўласиз, чунки бундай жамоадаги педагоглар ўз иш тажбирабалри билан ҳар куни ўртоқлашади, бир бирдан керакли маслаҳатларини аямайди.

Педагогик жамоанинг руҳий муҳити унда ижодий вазиятнинг бор ёки йўқлигига ҳам боғлиқ. Ижодий вазиятга ҳам раҳбарнинг ўз таъсири бор. Педагогнинг ижодий ўсиши деганда биз – шахснинг ўзини ўзи такомиллаштириб боришини тушунамиз. Раҳбар - ходимнинг назарий даражасини кузатиб борса, ҳамда педагогик маҳоратини тинимсиз ошириб боришга ундайдиган вазиятни вужудга келтирса, бундан ходимлари тўғри фойдаланса – бу жараён ҳам таълим самарадорлигини оширади эди. Раҳбар ўз навбатида педагогнинг ижодий ўсишини қўллаб қувватлаб, рағбатлантириб турса, ходим кўтаринки кайфиятда ютуқларга эришади, бу ютуғни жамоада оммалаштириш – жамоани янада жипслаштиради.

Педагог ишчи ходим виждонан таълим сифатига эътиборлиги бўлиши учун ўз соҳасини тўла ўрганиши, ўз устида тинимсиз изланиши, давр билан ҳамнафас бўлган ҳолда тезкор янгиликларни қабул қилиши шарт бўлгани каби, психология илми билан ҳам яқин бўлиши фойдадан ҳоли эмас. Шу тариқа жамоадаги руҳий ҳолатни ўзига ижобий ҳолатда сингдиради, маълум даражада таълим сифатини юксалтиришга ўз хиссасини қўшади.

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ПРОБЛЕМЫ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ УСТОЙЧИВОСТИ КРЕАТИВНОЙ ЛИЧНОСТИ

*Мусинова Р. Ю., докторант СамГУ*

Проблема психологической устойчивости креативной личности является одной из наиболее сложных и актуальных в современной науке. Анализ психологии по данной проблеме показывает отсутствие единства во мнениях исследователей при определении содержания понятия.

Деятельность мыслителей Востока, особенно поэтов-просветителей в XVIII-XIX веках и в начале прошлого века, ученых-джадидов, ставших основоположниками национальной системы образования и воспитания являясь примером для нашей молодежи, играют важную роль в их гармоничном развитии.

Мы имеем достаточное представление о формировании теоретического и практического, продуктивного и репродуктивного мышления учащихся, существует целостная концепция проблемного обучения как средства развития творческого, проблемного мышления, стойкости, стабильности в процессе усвоения знаний. Процесс формирования психологической устойчивости длителен и не прост. Базовые установки на наличие стойкости и целенаправленности закладываются на ранних стадиях социализации личности.

По мнению отечественных ученых-психологов, в частности, В.М.Каримовой, «личность – это продукт социальных и межличностных отношений, индивид в роли сознательной деятельности субъекта. Воздействие общественности на развитие личности отображается в первую очередь, в духовном восприятии, мировоззрении и отношении к жизни»[1]. В своих исследованиях особенностей личности проф. В.М.Каримова отмечает еще один важнейший фактор, влияющий на развитие личности это – «духовное сознание и вера. Именно вера, убеждения, идеи и мысли формируются в идеологической системе, и, превращаясь в жизненные принципы, помогают личности в развитии способностей, волевого характера, стойкости»[2].

Г.Б. Шоумаров исследуя личностное развитие, установил, что «на психологическую устойчивость личности в большей степени влияет эмоциональная сфера ее жизни» [3]. Так, обследуя бывших выпускников школ для детей с задержкой психического развития, Г.Б. Шоумаров обнаружил некоторую ригидность чувств и недоразвитие их эмоциональной сферы в целом. Это проявляется в

отношениях таких детей с близкими людьми. Младшие школьники с задержкой психического развития отстают от нормально развивающихся по сформированности произвольного поведения. Гораздо чаще, чем у нормально развивающихся сверстников, у них наблюдается импульсивное поведение.

Современные психологи утверждают, что креативность устойчивой личности общенаучных проблем, исследуемых в настоящее время. Что человеку приходится очень быстро меняться, постоянно расти развиваться чтобы быть востребованным в обществе. Психологическая устойчивость креативной личности позволяет человеку совершенствоваться и не бояться нового, быстро адаптироваться к изменяющимся условиям и требованиям. Оно создает благоприятные предпосылки для развития личности в целом, способствует ее самораскрытию, самореализации, самодостаточности и толерантности. Несмотря на многочисленные теоретические и экспериментальные исследования проблема психологической устойчивости креативной личности все еще требует дальнейшего изучения, так как в известных концепциях нет однозначного ответа на вопросы о природе, факторах развития креативности личности, нет единого взгляда на феноменологию, классификацию качеств креативной личности.

В результате экспериментальных исследований среди психологической устойчивости креативной личности выделены следующие:

- способность создавать необычные идеи
- отклоняться в мышлении от традиционных схем
- быстро разрешать проблемные ситуации
- такая способность и была названа креативная личность.

Таблица 1. 1.

Состояния в ситуациях преодоления трудностей

Характеристики	Мобилизация (уровень активности)		
	Недостаточная	Адекватная	Избыточная
Отношение к ситуации, доминирующий мотив	Эмоциональное неприятие цели без адекватной когнитивной оценки	Согласованность эмоциональной и когнитивной оценки; стремление найти путь к цели	Эмоциональный компонент отношения доминирует над когнитивным; часто принятие цели до адекватной когнитивной оценки; стремление достичь цели немедленно
Ведущая характеристика состояния	Вялость; пониженная активация	Деятельное состояние; адекватная текущей ситуации активация	Азарт; высокая активация и высокое напряжение
Настроение	Сниженное настроение, уныние	Ровное настроение, бодрость	Нервное настроение, беспокойство
Энергетическая характеристика физиологических процессов	Сниженное расходование энергии или трата ее на торможение	Адекватное, устойчивое расходование энергии	Избыточное расходование энергии
Преобладающая фаза стресса	Фаза истощения	Фаза резистентности	Фаза мобилизации (фаза тревоги)
Поведение	Пассивное (капитуляция)	Активное организованное	Активное дезорганизованное
Вероятные последствия	Апатия или депрессивное состояние, если жизненные обстоятельства не изменяются в лучшую сторону	Сохранение или повышение психологической устойчивости, удовлетворенность самореализацией	Переутомление или астеническое состояние, если жизненные обстоятельства не изменяются в лучшую сторону

Таким образом, психологическая устойчивость креативной личности является сложным и емким качеством личности. В данном понятии объединен целый комплекс способностей, широкий круг разноуровневых явлений.

Психологическая устойчивость креативной личности — это качество личности, отдельными аспектами которого являются стойкость, уравновешенность, сопротивляемость. Оно позволяет личности противостоять жизненным трудностям, неблагоприятному давлению обстоятельств, сохранять здоровье и работоспособность в различных испытаниях. Под психологической устойчивостью личности к негативному влиянию социальной среды мы понимаем сложное

системное образование, включающее способности, навыки, умения человека удерживать эмоциональные, когнитивные, конативные процессы, а также процессы деятельности в равновесном состоянии, и адаптировано реагировать на внешние воздействия в конкретных условиях.

Составляющие психологической устойчивости креативности личности в наиболее общем виде могут быть представлены тремя аспектами – стойкостью, уравновешенностью и сопротивляемостью.

Под стойкостью подразумевается способность противостоять трудностям, сохранять веру в ситуациях фрустрации и постоянный (достаточно высокий) уровень настроения.

Уравновешенность – соразмерность силы реагирования, активности поведения силе раздражителя, значению события (величине положительных или отрицательных последствий, к которым он может привести).

Сопротивляемость – это способность к сопротивлению тому, что ограничивает свободу поведения, свободу выбора.

К факторам, влияющим на психологическую устойчивость креативной личности можно отнести факторы среды (условия, способствующие самореализации и адаптации) и личностные факторы (отношения личности, сознание личности, эмоции и чувства, поведение и деятельность). При наличии положительных полюсов этих факторов сохраняется благоприятное для успешного поведения, деятельности и личностного развития доминирующее психическое состояние и повышенное настроение. При неблагоприятном влиянии доминирующее состояние становится негативным, а настроение сниженным, неустойчивым.

Таким образом, психологическая устойчивость креативной личности помогает человеку не только противостоять появляющимся трудностям и опасностям в деятельности и в повседневной жизни, особенно при несоответствии потенций субъекта условиям, требованиям конкретной деятельности, но и сохранять стабильность и уравновешенность внутреннего мира и образа жизни.

#### **Использованная литература:**

1. Каримова В.М. Ижтимоий психология. Дарслик. Т.: Фан ва технология. 2012 й. 170 бет.
2. Шоумаров Г.Б. Оила психологияси. Особенности эмоционально-волевой сфера личности. Сборник материалов конференции. Т.: 1990, стр. 74-79.

### **ШАХС РИВОЖЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Мавлонова У., Ғузур тумани 24-мактаб амалиётчи психологи*

Шахс ривожланиши – бу унинг аъзоларини миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариш жараёнидир. Ривожланиш натижаси – кишининг ҳам биологик ҳам ижтимоий мавжудлигидир. Биологик ривожланиш бу ўзида шахс аъзоларини биохимик, физиологик ва морфологик ўзгаришларини эса шахс онгининг маънавий ва ақлий камолотга эришиш жараёни саналади. Материалистик фалсафа таълимоти нуқтаи назаридан, ривожланиш – бу йирик материя бўлиб, материя ҳаракатининг ўзига хослигидир. Бу ҳаракатда эскилари ўлиб, янгилари пайдо бўлаверади.

Шахс ривожланиши жуда мураккаб ва зиддиятли жараёнлиқ. Шахс ривожланиши борасида бир қатор илмий назариялар мавжуд. Масалан, психолог олимлар – М.Г. Давлетшин, Ғ. Шоумаров, Э. Ғозиев, З. Нишонова, В. Каримова ва бошқалар олий психологик ҳосиланинг маданий-тарихий ривожланиши назариясини илгари сурдилар. Қуйида ана шу назариянинг асосий жиҳатларини кўриб чиқамиз:

1. Ҳозирги замон кишининг руҳияти ва ҳулки икки жараён муносабатларининг биологик етилиш ва билиш натижасидир. ҳар икки жараён ҳам бола дунёга келиши билан пайдо бўлади ва ривожланиш йўлларида бир-бирлари билан амалий равишда уйғунлашади.

2. Ҳар қандай руҳий ҳосила ўз ирсияти бўйича туғма, табиий ёки маданий бўлади.

3. Белги ва қурооллардан фойдаланиш катталар томонидан болаларга дастлаб муносабат ва биргаликдаги ашёвий фаолиятни ташкил этиш чоғида кўрсатилади.

4. Тарихий-маданий жараёнда шахс турли туман қуроолларни яратдики, уларнинг ичидан энг муҳимлари меҳнат қурооллари, тил ва санок тизимлари бўлиб, шахс улардан фойдаланиш сирларини ўрганиб олади.

5. Ёзудан фойдаланиш турлари шахс идрок этишдан тортиб то фикрлай олиш вазифаларини бажара бошлади. Одамлар томонидан турли тарихий даврлар ижтимоий қуроолнинг икки тури бунёд этилди. У бирининг ёрдамида (меҳнат қуроли) табиатга таъсир кўрсатса, бошқаси (белгилар тизими) билан ўзига ёрдам беради.

6. Меҳнат қуроли ва таниш тизимларнинг амалий фаолиятда қўлланиши одамнинг бевосита руҳий жараёнидан бевосита руҳий жараёнга ўтишининг бошланишидир. Яъни, бошқарув воситаси сифатида худди шу қуроли ва белгилар ишга тушади.

7. Таълим олиш болага ўз ҳулқи (фаолияти) ва руҳий жараёнлар (хат хотирани яхшилаш, унинг имкониятларини кенгайтириш, сўз эса идрок ва диққатни бошқариш воситаси)ни қурол ёки белгилар ёрдамида бошқаришда тажрибадайд бўлиб туюлади.

8. Қуроли ва белгилар дастлаб бошқаларнинг ҳулқ-атворини бошқариш воситаси бўлиб, кейинчалик болаларни тарбиялаш воситасига айланади.

Машҳур психолог олим С.Л.Рубинштейн шахс ривожланиши хусусида ўзига хос ёндашувни илгари суради. Унда асосан шахс таълим ва тарбия жараёнида рўй берадиган таъсирларга тайёр ҳолда туғилар экан. Шу боис болалар катталар таъсирида ривожланиб, шахсият яратган маданият мазмунини эгаллаб боради. Бола ривожланмайди ҳам, тарбияланмайди ҳам, аксинча, тарбияланиб ва ўсиб ривожланади, яъни боланинг етилиши ва ривожланиши таълим ва тарбия жараёнида намоён бўлади, ҳамда такомиллашади.

Ривожланиш ва таълим, ривожланиш ва тарбия бирлигига асосланган жараёнларнинг бири-бирига сиғишиб кетиши ягона тизимни ташкил этадики, унда сабаб ва оқибат тўхтовсиз қурилади, балки етилиш унга пойдевор яратади ва ўзи ҳам етилиш ва ривожланишга омил бўладию таълим олиш жараёнида боланинг қобилияти намоён бўлибгина қолмай, шаклланади ҳам. Худди шундай, тарбия ва таълим жараёнида рўй берадиган шаклланиш ва ўзгаришлар туфайли шахс характери қарор топади. Боланинг руҳий хусусияти муайян шарт-шароит, шунингдек, таълим ва тарбия жараёнида юз берадиган ривожланишнинг натижаси ҳамдир. Қулай шароитнинг мавжудлиги боланинг ривожланишида самарали натижаларга олиб келади. Шахснинг шаклланишида шахсий хислат ва сифатларнинг ривожланиб, тараққий этиб бориши муҳим ўрин тутди. Шахс сифатларини англаш ва уларни тўғри аниқлаш учун уни турли муносабатлар жараёнида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Шахс ривожланишида фаолият турлари (ўйин, ўқиш, меҳнат ва бошқалар), мазмуни (мақсадга йўналтирилганлик, ҳаракатнинг онгли, режали бўлиши, самарадорлиги ва х.к.), шунингдек, ахлоқ (муомала ҳамда кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар мазмуни), ижтимоий-ахлоқий меъёрларга бўйсунуш, ижтимоий бурчни англаш, унга нисбатан масъуллиқ каби хусусиятлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ривожланиш жараёнининг ҳар бир ўтиш даври қуйидагича уч қонуний алмашувлар асосида кечади:

1. Фаолият олиб бораётган мазкур типнинг ўз кучини максимал даражада сарфлаши ва энг юқори даражага қўтарилиши.
2. Фаолиятнинг муайян ривожланиш даври.
3. Фаолиятнинг тўйиниши ва унинг бошқа жиҳатларининг (ашёвий ва коммуникатив) фаоллашуви.

Агар болаларнинг ривожланиш жараёнида етакчи фаолиятларни бир тизимга келтирсак қуйидаги тартиб юзага келади:

Боланинг илк, яъни, бир-уч ёшларидаги фаолиятида ижтимоий-маданий мақсадларга тўлиқ йўналтирилмаган турли ўйинчоқлар ва атрофдаги нарсалар билан овуниши ва катталар билан ўзаро суи муносабати.

Воқеий тимсолли ўйинлар – ўйин фаолиятида ижтимоий ҳодисаларни англаувчи ва қатнашчиларнинг тимсолли шаклдаги характерли жиҳатлари.

Ўқиш-ўрганиш фаолияти – ўқиш ва кичик мактаб ёши даврида (олти-етти ва ўн-ўн бир ёшгача) устунлик қилувчи ўзаро муносабатларни қўшиб олиб бориш.

Болалар ривожланишида аниқ кўзга ташланувчи икки давр мавжуд. Улардан биринчиси, илк болалиқ давридан мактабгача бўлган давр бўлиб, “уч йиллик инқироз деб аталса, иккинчиси кичик мактаб ёшидаги давр бўлиб, ўсмирликгача бўлган “ўсмирлик даврининг инқирози” деб номланади.

Ушбу даврлар боланинг бир ривожланиш даражасидан иккинчисига ўтиш даври ҳисобланади. Бу даврда болалар ўртасида таълим ва тарбия ишларини фаол олиб бориш керак. Аксарият кишиларнинг руҳий хусусият ва ҳулқий одатлари уларнинг сензетив ривожланиш даврида қарор топади. Болага педагогик таъсир кўрсатиш сензетив даврларда ўз самарасини беради. Бу ўқув-тарбия жараёнларининг асосий руҳий-педагогик шартидир. Тафаккур даражасига кўра бола мактаб ёшига етганда ўқув дастурлари талабларини бемалол бажара олади. ўқитишга руҳий жиҳатдан тайёрлаш айнан шу билан кифояланадию ривожланиш жараёнларида ҳис этиш, диққат, идрок, хотира, фикрлаш, қобилият каби шахсий хусусиятлар шаклланади. Бошланғич мактаб ёшида болада ўзини

тута билиш, меҳнат ва ўқиш лаёқати, одамлар билан муносабат қила олиш кўникмалари етарли даражада ривожланган бўлиши керак.

Рухий жараёнлар ва бола руҳиятидаги ўзгаришлар, чунончи, диққат ва хотира даражаси, тафаккур хусусиятлари сўз бойлиги ҳамда нутқнинг ривожланганлик даражаси ва бошқалар руҳий психологик ривожланишга тааллуқлидир.

## МУСИҚА ТАРБИЯСИ ВА ЁШЛАР РУҲИЯТИ

*Қурбонова М., Қарши ДУ ўқитувчиси*

Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий маънавий руҳда тарбиялаш, уларда миллий кадриятла римизга онгли муносабат тушунчаларини шакллантириш ҳамда миллий мусиқани ўрганишнинг ўрни ва аҳамиятини ёшларга тушунтириш асосий вазифамиздир.

Албатта, онгли, тафаккурни, дунёқарашни ўзгартирмасдан туриб, маърифат цивилизациясига эришиб бўлмайди. Мамлакатимизда мусиқа санъатини ижтимоий маданий нуфузини ошириш, уни халқимиз маънавий ҳаётига чуқурроқ сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Барча соҳаларда бўлгани каби мусиқа соҳасида ҳам туб ислохотлар изчил давом эттирилди, ўқув дастурлари, дарсликлар мазмуни халқимизнинг миллий маданий ютуқлари, жаҳон мусиқа илми ва таълимида эришилган илғор тажрибалар асосида шакллантирилди.

Мусиқа санъатига қизиқувчи иқтидорли ёшларнинг мусиқий иқтидорини ривожлантириш, мусиқа санъатига меҳр ва иштиёқини ўстириш ва шу орқали уларнинг маънавий ахлоқий тарбияларини ва бадиий эҳтиёжларини қондириш, мусиқа тарбиясининг асосий вазифасини ташкил этади.

Мусиқа санъати ҳам барча санъат турлари каби инсон руҳий оламини озиклантирувчи ҳамда ижтимоий воқеиликлар ҳолатини ифода этувчи восита, шунингдек, идрок этишнинг ўзига хос шакли ҳисобланади.

Мусиқа таълими жараёнида ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ҳам интенсив ривожланади. Бинобарин, мусиқий асарларни ўрганиш ўқувчиларнинг ҳис-туйғулари, диққати, идроки, хотираси, фикрлаши ва тасавури каби психологик хусусиятларига бевосита таъсир кўрсатади. Мусиқий асарларнинг ўқувчилар томонидан идрок этилиши, энг аввало уларда диққатни жамлаш ва унинг барқарорлашувига эришиш кўникмаларини шакллантиради.

Ҳозирги кун талаби ўқитувчиларга мусиқий эстетик тарбия бериш борасида аниқ вазифаларни кўяди:

- болаларни табиат гўзалликларини бадиий асарларни идрок этиш;
- эстетик дид ва ҳиссиётни шакллантириш;
- ҳаётда гўзаллик тушунчасини тўлиқлигича англашни ўргатиш;
- болаларга бадиий ижодкорликни шакллантириш.

Мусиқа санъатнинг шундай бир турики у инсонларни кечинмалари эмоционал ҳиссиётлари орқали бирлаштиради.

Психолог олимларнинг фикрларига кўра, диққатнинг барқарорлиги инсон асаб тизимининг қай даражада мустаҳкам эканлигига боғлиқ. Шу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аксарият ўқувчиларда ҳам мусиқий асар моҳиятини англашга ёрдам берувчи сезгиларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги кузатилади. Шунинг учун ҳам уларда оҳангни сезиш кўникмасини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Мумтоз кўшиқларнинг ғоявий мазмуни, ундаги образли ҳолатлар ижрочига катта руҳий куч бағишлайди ва унинг тасаввурини янада кенгайтиради. Мумтоз асарларни тинглаш ва уларни бевосита ижро этиш ўқувчиларнинг хотираларини мустаҳкамланиши учун зарур шароитни юзага келтиради.

Ўзбек мумтоз ашулалари, ўзбек классик ва замонавий адабиёти билан ўзаро боғлиқлик асосида ривожланади. Буни инобатга олган ҳолда ғазаллар муаллифларининг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисидаги маълумотлар билан ўқувчиларни яқиндан таништириш, бу борадаги назарий билимларини ошириш билан бирга ўзбек мумтоз мусиқаси ривожигаги ҳиссаларини англашларига ёрдам беради.

Ёшлар руҳиятини мусиқа воситасида тарбиялашнинг ёшлиқдан бошлагани мақсадга мувофиқ. Мусиқа асарларининг ўқувчилар томонидан тўлиқ идрок этилиши, дарс ўтувчи ўқитувчи шахсининг касбий малакаларини ривожланганлиги даражасига бевосита боғлиқ.

## ТАЛАБА ШАХСИДА ИЖОДИЙ ФАОЛЛИКНИ ШАКЛЛАНИШИ ТАЪЛИМГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

*Латипова У., УрДУ ўқитувчиси*

Психология фани соҳасида ижодий жараён, ижодий фаоллик, ижодкорлик, креативлик муаммолари кенг кўламда ўрганиб чиқилган. Айни пайтда тадқиқотчилар ижодий шахсни таснифловчи интеграл кўрсаткичларни излаш борасида қатор тадқиқотларни олиб бормоқдалар. Хусусан, психолог Эрик Фромм “Ижодий фаоллик” тушунчасини қуйидагича таърифлайди: “Ижодий фаоллик – бу ҳайратланиш ва англаш, турли ностандарт вазиятларда қарорлар қабул қилиш малакасидир. Шунингдек, янгиликларни яратишга интилиш ҳамда шахсий тажрибаларни чуқур англашга бўлган қобилятдир”.

Ф.Гальтон шахс алоҳида қобилятга эга бўлгандагина ижодий фаолликни юзага келтира олиши мумкинлиги тўғрисидаги қарашни илгари сурган ҳамда ижодкор шахсга хос бўлган психологик хусусиятларни ўрганган. Шунингдек, бир қатор рус психолог олимлар – Н.П.Шчерба, В.С.Юркевич, Э.Л.Яковлевалар: “Ижодий фаоллик бу – инсон фаоллигини мужассамлаштирувчи ҳаракатлар жараёнидир. Ўқувчи шахси айнан турли хил фаолликлар жараёнида шаклланади” деб ҳисоблайдилар.

Т.Н.Овчарова эса ижодий фаолликка қуйидагича таъриф беради: “Ижодий фаоллик – бу янгиликлар киритилиши вазифасини бажарувчи инсон фаоллиги кўринишидир”

Т.Н.Ковалчук ижодий фаоллик тушунчасига қуйидаги таърифни келтиради. “Ижодий фаоллик – бу янги моддий ва маънавий қадриятларни яратувчи инсон фаолиятининг жараёнидир.

Таъкидлаш жоизки, ижодий фаол шахс – бу яратувчанлиги инновацион фаолиятга, ўзини ўзи такомиллаштириш қобилятига эга бўлган инсон тушунилади.

О.И.Сисун шахс ижодий фаоллигининг асосий тузилмалари, сифатида қуйидагиларни таснифлайди:

1.Ижодий йўналганлик – бу ўзини ўзи намоён қилишга бўлган мотивацион эҳтиёжли соҳа шунингдек, шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадли ҳаракат. Ижодий салоҳият – бу муаммонинг қўйилиши ва ҳал этилиши жараёнида интуиция ва мантиқий фикрлашга асосланган муайян соҳаларда қобилятга эга бўлиш, интеллектуал ва амалий билим, кўникма ва малакалар мажмуини ташкил этади.

2.Индивидуал – психологик хусусиятлар – бу шахснинг иродавий сифатлари, характер хусусиятлари, қийинчиликларни енгишда хиссий барқарорлиги ўзини ўзи бошқара олиш, эришилган мувафакқиятни кўтаринки руҳда қабул қилиш, ўзининг эришган натижасини бошқалар учун ҳам зарурлигини англаш орқали ўзини яратувчанлик фаолияти субъекти сифатида идрок этиш.

Ижодий фаоллик – шахснинг ривожланиши учун зарур шароит бўлиб, бу жараёнда шахс ҳаётий тажрибага эга бўлади. Атроф-оламни идрок этади, билимларни ўзлаштиради, кўникма ва малака ҳосил қилади. Изланишлар жараёнида ижодий фаолликнинг намоён бўлиши учун аниқ мақсадга йўналтирилган, режалаштирилган, меъёрларга эга бўлган, ўзини ўзи англаган фаолият эҳтиёжи зарур бўлади. Бу эса инсонда атроф олам объектлари ва улар ҳақидаги билимларни ўзлаштириш ҳамда фаолиятнинг аввалги турларига таянишни тақозо этади.

Ижодий фаоллик – бу бир бутун ҳолдаги инсон феноменини англатади. Ижодий фаолликка эга одам деганда, бирор янги ва оригинал нарсани кашф этадиган ёки ясайдиган инсон эмас, балки ўзига хос ҳулқ-атвор ва психик фаолиятни эгаллашга интиладиган инсон назарда тутилади. Бошқача қилиб айтганда бу аниқ фаолиятга боғлиқ рефлексия воситасида амалга ошириладиган ўзини ўзи йўналтириш ва назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш назарда тутилади.

Маълумки ўқув фаолиятида умумий кўникмалар шакллантирилиб, ижодий фаолият жараёнида эса умумий бўлган янги ечимларни излаш, кашф этиш, натижаларга эришишнинг турли йўллари топиш лаёқатлари, шакллантирилади ва ривожлантирилади.

Шахсда ижодкорлик сифатлари муайян шарт-шароитлар мавжуд бўлган вазиятдагина ривожланади. Хусусан, эркин танқид билдира олиш, ижодий мунозара, фикрлар алмашинуви ва улар ўртасидаги ўзаро кураш, ижодий қобилят, иқтидорни янада ривожлантиришга ёрдам беради. Ижодкорлик эса сифат жиҳатдан янги, моддий ва маънавий бойликлар яратувчи инсон фаолияти жараёни бўлиб, у ўзида инсоннинг меҳнатда намоён бўлган қобилятини ифодалайди.

Ижодий фаоллик қобиляти юқори бўлган шахс сифатлари қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бой тасаввурга эгалик;
- турли вазиятларни бирдек қабул қилиш ва уларга жавоб бериш қобиляти;
- тафаккур тезлигига эгалик;
- таваккал қилиш қобиляти;

- фикр юритиш ва ҳаракатни ташкил этишдаги тезкорлик;
- ички сезгининг ривожланганлиги;
- фалсафий фикрлаш қобилияти;
- янгилик яратиш лаёқатига эғалик;
- юксак бадий қадриятларга эғалик;
- ўзига хос ғояларни илгари сура олиш қобилияти.

## **МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР**

*Сулаймонов М., СамДУ*

Миллий характер ҳақида сўз юритишдан олдин характер тушунчасининг моҳият-мазмунини, умумий жиҳатларини белгилаб олиш лозим. Характер - (грек) инсон хулқи ёки ахлоқида намоён бўладиган ва унда одат тусига кириб қолган энг муҳим руҳий ҳолатлар мажмуи, феъл-атвор Психологик жиҳатдан характер шахснинг фаолияти ва мулоқотида намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусиятлар йиғиндисиدير. Характер шахснинг ижтимоий борлиги билан белгиланади, социал тажрибани ўзлаштиришга асосланади ва шу асосда унинг типик белгилари юзага келади. Характернинг ижтимоий-типик бирлигида унинг индивидуал узига хослиги намоён бўлади, оқибатда субъектнинг ижтимоийлашуви юзага келади, айни пайтда унинг индивидуаллигини табиий заминлари - қобилияти, темперамент, олий нерв тизими акс этади.

Индивид характерига хос белгилар орасида баъзилари етакчи, бошқалари иккинчи даражали ўрин тутлади. Характер фаолиятда намоён бўлади, индивид учун шахсийлик маъносига эга бўлади. Характер инсоннинг атроф - муҳитга муносабати тизимида кўзга ташланиб туради: бошқа кишиларга муносабат самимийлик ёки носамимийлик, ҳаққонийлик ёки сохталик; ишга муносабати – масъулиятлилик ёки масъулиятсизлик, меҳнатсеварлик ёки дангасалик; ўзига муносабат – камтарлик ёки худбинлик; мулкка муносабат – саҳийлик ёки очкўзлик, тежамкорлик ёки исрофгарчилик ва ҳ.к.

Характер шахснинг дуёқараши, унинг эътиқоди ва ахлоқий тамойилларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Масалан, ҳалоллик, принципааллик, инсонпарварлик ахлоқий эътиқодлар билан боғлиқ бўлиб, иккиюзламачилик, нотайинлик, бемехрлик билан мутлақо келиша олмайди. Характернинг шаклланиши учун ижтимоий тарбия муҳим роль уйнайди. Биз юқорида инсон характерига хос бўлган энг умумий жиҳатлар туғрисида фикр билдирдик. ҳар бир инсон ижтимоий жиҳатдан олиб қараганда, муайян халқ, миллатнинг вакили ҳисобланади. Шундай экан, инсон характери объектив жиҳатдан миллий хусусиятларга эга бўлади.

Шунинг учун фанда миллий характер этнопсихология фани урганадиган муаммолардан ҳисобланади. Этнопсихология фанининг тадқиқот объекти халқ ва элатдир.

Бу фан халқларнинг психологик хусусиятлари, ўзаро ўхшашлиги, тафовутлари, ижтимоий ва оилавий турмуши, миллий таъб ва ғурури, миллий ўз - ўзини англаши, миллий маданияти, ҳис - туйғулари, шунингдек, миллат характерини ҳам ўрганади. Миллий характер миллий қиёфанинг ажралмас бир қисми. Жаҳонда бирорта соф этник бирлик бўлмаганидек, характери бир хил бўлган икки миллат ҳам йуқ. Миллий характер муаммоси қизиқарли ва айни пайтда нозик масала бўлганлиги учун ҳам жуда кўплаб олимларнинг диққатини ўзига тортиб келади. Тилшунос С.Мўминов шундай фикр билдиради: «Миллий характерда халқнинг «Мулоқот хулқи» акс этади.

Миллий характерни ўрганмай туриб, мутлақо мулоқот хулқини ўрганиб бўлмайди. Миллий характер деганда маълум ижтимоий гуруҳ (миллат) ўртасида асрлар мобайнида авлоддан - авлодга ўтиб келган ўзига хосликлар мажмуи тушунилади.

Миллий характерга мазкур миллат аҳолиси сиғинадиган дин, атроф - муҳит ва ижтимоий турмуш тарзи жиддий таъсир кўрсатади ва бу таъсир ўз - ўзидан мулоқот хулқида намоён бўлади. Олим мулоқот хулқида акс этиб турувчи миллатга хос бўлган хусусиятларга тўхталиб утади. Ер юзидаги ҳар бир халқнинг ўзига хос хулқ - атвори, миллий хусусияти, туйғуси, диди, таъби мавжуд бўлиб, бошқа миллатлардан ажралиб туради. Халқлар ўзидаги эҳтиёжнинг мавжудлиги, қизиқишларнинг турли хиллиги, тафаккурининг сифати, турмуш тарзи, шахслараро муносабати, мулоқот мароми, анъаналари, урф - одат ва маросимлари билан ҳам бир - бирларидан фарк қиладилар. Бу фарқлар ўз - ўзидан психологик қиёфанинг таркибий қисмларини: миллий характер, миллий таъб ва миллий маданиятни келтириб чиқаради. Миллий характер ҳар бир халқнинг узига хос феол - атвори бўлиб, табиатни, жамиятни, яшашдан мақсадни англаб етиш, атрофидагиларни тушуниш, уларга муносабат билдиришда намоён бўладиган психологик хусусиятдир.

Масалан, халқимиз ҳиммат кўрсатиш фазилатини ардоқлаб келган. Халқнинг бошига қандай ташвиш тушмасин, не балоларни бошдан кечирмасин асл саховати билан ажралиб туради. Ҳиммат бу халқимиз характеридаги бир хислат. Унинг мазмунида саховат, покизалик ўрин эгаллаган. Ҳимматли кишилар ҳар қандай вазиятда ҳам эл фойдаси ва роҳати учун қайғуради. Улар одамларга доимо саховат кўрсатиб, ночор, хайру- эҳсонга муҳтож бўлганларга ёрдам берганлар Миллий характер аввало оилада шаклланиб, кейинчалик ибрат намуналари орқали мустаҳкамланиб, такомиллашиб боради. Оила узининг урф - одатлари, анъана ва қадриятлари билан уз аъзоларига таъсир эта боради. Бола дунёга келиб, илк бор кўрган кишилари ота - онаси, яқинлари бўлади. Уларнинг меҳр - муҳаббатларини бола чақалоқлигидан хис қила бошлайди. Бола учун ота - она меҳрибон, ғамхур сиймо ҳисобланади. Бола ота - онага ишонч билан қарайди.

Уларнинг ҳар бир сўзи ва, айниқса, хатти – ҳаракатларига алоҳида эътибор беради ҳамда уларга тақлид қилади. Шу маънода ота - онанинг ўзларидаги барча яхши фазилатларни имкон қадар намоён қила олишлари, бир - бирларига инсоний муомалада бўлишлари катта аҳамият касб этади.

Оила одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий хусусиятларига асосланган ижтимоий бирликдир. Мутахассислар фикрича, оиладаги табиий муносабат - эр-хотинлик; иқтисодий муносабатлар -уй-рузғор, ҳовли-жой, бошпана, оила мулкига эгаллик қилишлик; ҳуқуқий муносабатлар - никоҳни давлат йўли билан қайд этиш; маънавий муносабатлар - эр-хотин, ота-она ва болалар уртасидаги меҳр-муҳаббат, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия каби инсоний туйғу ва эҳтиёжларни аниқлади оилавий муносабатлар узгарувчан жараён бўлганлиги учун миллий характерни шакллантиришда алоҳида ўрин тутди.

Миллий характерни аниқлаш алоҳида шахсларда унчалик яхши натижа бермайди. Аммо ҳар бир миллат алоҳида шахслардан ташкил топишини ҳисобга олсак, миллий санъат ва адабиётнинг умумийлиги келиб чиқади. Лекин бу нарса ҳар бир шахсга тенг тақсимланмаслигини эътиборга олиш керак. Миллий характерни тушуниш учун аввало шу миллат тарихи, жамиятнинг тузилишини урганиш керак. Миллий асосга кура, ҳар бир одам бирор-бир миллатга тегишли бўлади, узаро бир - биридан темпераменти, маданияти, одоби билан фарқ қилиб туради. Германия, Голландияда яшовчи миллатларнинг узига хослигини тартиб-интизом ташкил этса, испанлар учун бу унчалик характерли эмас. Бу фазилатлар Лотин Америкасида яшовчи миллатлар ўртасида унчалик аҳамият касб этмайди. Миллий характерга хос бўлган белгилар уларнинг ўзаро муомала маданиятида, хусусан, бир-бирларига бўлган муносабатида ҳам кўзга ташланади. Масалан, шимолий америкаликлар катта - кичиклигидан қатъий назар, бир-бирларига исмини айтиб мурожаат қилишади.

Бу уларнинг бир - бирига дўстлиги ёки ниҳоятда яқинлигини билдирмайди. Миллий хусусиятларни эркин ифодаладиган омил халқнинг бадиий маданияти ҳисобланади. Масалан; рус мусиқасини италян ёки ўзбек мусиқасидан ёки украин безакларини ҳинд миллий безакларидан, инглиз ҳажвиясини эса французларникидан осонгина фарқлаш мумкин. Бир миллатга тегишли бўлган яхши характерлар бошқаларга ҳам хослиги ўз-ўзидан равшан. Биз хоҳлаймизми, йўқми бошқа миллатнинг урф - одати маданиятининг таъсирини маданий ҳодисаларимизда кўришимиз мумкин. Бир сўз билан миллатнинг яхши ва ёмон томонларини аниқлаб бўлмайди.

Масалан, рус миллатига хос инсофлилик, бағрикенглик, оққўнгиллик, туғрисўзлик каби сифатлар муайян даражада бошқа миллатларга ҳам хос булиши мумкин. Ҳеч бир миллат юқорида санаб ўтилган сифатлар буйича бошқа халқдан устунроқми, дея олмайди. Хоҳлаймизми-йўқми, биз ҳар бир халқнинг ҳаёт тарзи хулқи одатлари ва аноаналарига этник жиҳатдан тўғри баҳо беришимиз керак. Ҳар ким ўзга миллатдан ўз одатларини юқори қуймаслиги керак.

## **BOSHLANG‘ICH SINF O‘QUVCHILARIDA VATANGA E‘TIQOD TUYG‘USINI SHAKLLANTIRISHDA ERTAKLARNING O‘RNI**

*Eshonqulova X., Qarshi sh.44-umumiy o‘rta ta’lim maktabi o‘qituvchisi*

Respublikamiz mustaqillikka erishgach, jamiyatning ijtimoiy, iqtisodiy, madaniy va ma’naviy sohalarida katta islohotlarning sodir bo‘lishi kelajak avlod tarbiyasi oldiga muhim vazifalarni qo‘ymoqda. Bu avvalo kelajak avlodning ana shu o‘zgarishlarga dadil moslasha oladigan yuksak bilim, mahorat, keng dunyoqarash va e’tiqodga ega bo‘lishini talab etadi. Chunki, mamlakatimiz kelajagi va istiqboli ana shu yosh avlod tarbiyasiga har tomonlama bog‘liq. Yosh avlod ongiga vatan nima ekanligini kengroq targ‘ib qilish, inson uchun vatanning yagona ekanini anglatish ta’lim-tarbiya jarayonining asosiy vazifasidir.

Vatanga bunday e’tiqod insonning dunyoga kelgan kunidan boshlab ona allasi orqali singdiriladi. Bola nutqi shakllana boshlagan davrdan boshlab “mening onam”, “mening otam”, “mening uyim”, “mening

bog‘cham” kabi so‘zlarni ayta boshlaydi. Bu bolaning qalbida “mening Vatanim” tushunchasini shakllanishining datlabki bosqichidir. Vatanga e‘tiqod tushunchasi bola maktabga kelgan kundan boshlab muntazam shug‘ullashni orqali shakllana boshlaydi.

Ma‘lumki, ta‘lim-tarbiya jarayoni muayyan maqsadga yo‘naltirilgan tizim bo‘lib, unda barkamol shaxsni shakllantirishga alohida e‘tibor qaratiladi. Barkamollikning muhim belgilaridan biri esa inson faoliyatida vatanga e‘tiqodning namoyon bo‘lishidir. Pedagogik jarayonning muayyan qismini boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida xuddi mana shu vatanga e‘tiqod tushunchasini shakllantirishga yo‘naltirish zarur. Bu borada o‘quvchilarga ta‘lim va tarbiya berishning asosiy omili bo‘lgan dars jarayonining ahamiyati katta. Ushbu asosiy omil orqali boshlang‘ich sinf o‘quvchilari “vatan”, “vatanparvarlik”, “ona-Vatan” kabi tushunchalarning mazmunini anglab, vatanga sadoqat, e‘tiqod ruhida tarbiyalanib boradilar.

Dars – ta‘lim va tarbiya ishlarining markaziy qismi hisoblanib, boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini bilim, ko‘nikma, malakalar bilan qurollantirish bilan birga, ularni milliy qadriyatlarimiz haqida tushunchaga ega bo‘lishida, milliy qadriyatlarda aks etgan axloqiy sifatlarni o‘quvchilarda hosil qilishda muhim ahamiyatga ega.

Dars jarayonida boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining dunyoqarashi shakllana boradi, mustaqil fikrlashga o‘rganadi, dunyoviy bilimlar bilan tanishadi va ularning uzluksizligi rivojlanib boradi.

Darslarni qiziqarli uyushtirish uchun o‘qituvchilar yangicha dars turlaridan, turli-tuman interfaol usul va vositalardan foydalanishlari mumkin. Boshlang‘ich sinf o‘qituvchilari milliy qadriyatlar vositasida vatanga e‘tiqodni shakllantirishni maqsad qilib qo‘ygan pedagogik jarayonni tashkil etishda darslikdagi mavzular bilan bog‘liq holda ertaklardan foydalanishlari muhim ahamiyatga ega.

Ertaklar asosida uyushtiriladigan darslarda o‘quvchilarning mashg‘ulotlarga nisbatan qiziqishlari yanada oshadi, mavzu yuzasidan olgan bilimlari mustahkamlanadi, vatanga muhabbat hislari tarkib topishi bilan birgalikda, jamoa bo‘lib ishlashga, birdamlikka o‘rganadilar. Ertaklarni bolalar ongiga yetkazishda ularni badiiy tarzda ifodalash, ayniqsa sahna darsi tarzida tashkil etish ertaklarning ta‘sir kuchini yanada oshiradi. Darsliklarga kiritilgan ertaklarni bolalarning o‘zlari ishtirokida sahnalashtirish ularda vatanga bo‘lgan hurmatni kuchaytirish bilan birga, ularning axloqiy tarbiyasiga jiddiy ta‘sir ko‘rsatadi, yomonlik ustidan yaxshilik, qo‘rqoqlik ustidan botirlik, yalqovlik ustidan mehnatsevarlikning g‘alaba qozonishiga ishochni tarkib toptiradi.

Ertak asosida ssenariyli darslarni tashkil qilishda o‘qituvchining ijodkorlik qobiliyati asosiy o‘rin egallaydi. O‘qituvchi darsni loyihalashda o‘quvchining yoshi, individual xususiyati va darsning davomiy-ligiga alohida e‘tibor qaratishi, rollarni taqsimlashda barcha sinf o‘quvchilarining ishtirokini ta‘minlashga harakat qilishi lozim.

Darslarda o‘qituvchi boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining o‘ziga xos ruhiy holatidan unumli foydalanib (ularning ishonuvchanlik xususiyatidan kelib chiqib) darslarni qiziqarli uyushtirish bilan ham o‘quvchilarda vatanga e‘tiqodni shakllantirib borish mumkin.

Bu ruhiy holat o‘quvchilarda darsliklarda aks etgan mavzu yuzasidan o‘qituvchi tomonidan qilingan hikoya, suhbat yoki ko‘rinish tarzida, xalq og‘zaki ijodi namunalarini tinglaganda, ayniqsa, vatan fidoiylarining qahramonliklarini hikoya qilganda sodir bo‘ladi. Bizga ma‘lumki, bolalik deb atalmish bu davr o‘zining ishonuvchanligi, taqlidchanligi, qiziquvchanligi hamda soddaligi bilan ular hayotida o‘chmas iz qoldiradi. Ular yuqoridagi voqealarni tinglaganlarida, o‘sha qahramonlarga o‘xshagisi keladi, o‘zlarining o‘yinlarida ularga taqlid qiladilar, o‘quvchilar albatta xalq himoyachisi va vatanga e‘tiqodli insonlar bo‘lishga harakat qila boshlaydilar. Bu kabi maqsadlarni dars jarayonida amalga oshirishda o‘qituvchi asosiy o‘rin egallaydi. Jumladan, o‘qituvchining nutqi, mimikasi, ishtirok qobiliyatining ta‘siri orqali o‘quvchilar asar qahramon-larining xislat va xususiyatlarini yaqqol tasavvur qila oladilar.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari ta‘lim jarayonida dunyoviy bilimlarni egallashlari bilan bir qatorda quyidagi tushunchalarni ham o‘zlashtirishlari lozim:

- Vatan ramzlarida nimalar ifodalanganligini bilishlari, madhiyani kuylay olishlari va undagi so‘zlarning ma‘nosini tushuna olishlari;

- Konstitutsiya, Mustaqillik bayrami, harbiylar kuni, milliy bayramlarni nima munosabatda nishonlanishini;

- Vatanimizdan yetishib chiqqan mashhur allomalarni va ularning jahon taraqqiyotiga qo‘shgan hissalarini, milliy qahramonlarning nomlarini;

- Vatanimiz boyligi, tabiati, hayvonot dunyosi haqida ma‘lumotga ega bo‘lishlari;

- yashab turgan joylaridagi tarixiy obidalarning, muqaddas qadamjolarining tarixini bilishlari.

Xullas, zamonaviy o‘qituvchi dars jarayonini yaxshi tashkil qilishi uchun nafaqat bilimli, balki pedagogik mahorat va pedagogik texnikani yaxshi egalagan bo‘lishi lozim. U o‘quvchiga qachon va qanday ta‘sir o‘tkazishni bilishi, shu bilan birga ozroq kuch sarflab, ko‘proq natijaga erishish yo‘llarini izlashi lozim.

## SHAXS O‘ZINI O‘ZI FAOLLASHTIRISH MUAMMOSI – PSIXOLOGIYANING O‘RGANISH OBYEKTI

*Xalilova N.I., TDPU dotsenti,  
Qurbonboyev A.N., TDPU magistranti*

Har qanday inson jamiyatda o‘z o‘rnini topishga, uning to‘laqonli a‘zosi bo‘lishga intiladi. Ushbu maqsad yo‘lida shaxsdan qator muhim psixologik xususiyatlar talab etiladi. Xususan, o‘zini o‘zi faollashtirish, anglash va boshqarish kabi psixologik xususiyatlar inson hayotida muhim o‘rin tutib, o‘z oldiga qo‘ygan maqsadlariga erishishiga katta ta‘sir o‘tkazadi. Ayniqsa, o‘zini o‘z faollashtirish orqali inson o‘zidagi yashirin imkoniyat va qobiliyatlaridan foydalana oladi, bu esa uning faoliyatida o‘zi kutgan ijobiy natijalarni qayd etishiga hamda muvaffaqiyat qozonishiga sabab bo‘ladi. Shu nuqtayi nazardan olib qaraganda, psixologiya sohasida shaxsning o‘zini o‘zi faollashtirish muammosi muhim ahamiyat kasb etadigan tushunchalardan biri hisoblanadi.

“O‘zini o‘zi faollashtirish” turli psixologik nazariyalarda ko‘pincha biroz xilma-xil usullar bilan ishlatiladigan tushuncha hisoblanadi. Ushbu atama dastlab nazariyachi Kurt Goldshteyn tomonidan inson o‘zining to‘liq potensialini anglash jarayonida motiv bo‘lishi uchun ishlatilgan. Insonning ijodkorligini ifodalash, ma‘naviy yorug‘likni izlash, bilimning ketidan quvish va/yoki jamiyatni ijobiy tomonga o‘zgartirish o‘zini o‘zi faollashtirishga misol bo‘la oladi. Goldshteynning fikricha, bu organizmning yetakchi motivi bo‘lib, faqat haqiqiy motiv: “imkoni boricha to‘la o‘zini faollashtirish tendensiyasi – bu asosiy mayldir... o‘zini o‘zi faollashtirish maylidir”. Shuningdek, Karl Rogers shunday yozgan ediki, “psixoterapiyadagi shifobaxsh kuch – bu organizmning barcha qobiliyatlarini faollashtirish va ifodalash uchun insonning o‘zini o‘zi faollashtirish tendensiyasi, yashirin imkoniyatlariga o‘tishi hisoblanadi”. Ushbu tushuncha barcha asosiy va aqliy ehtiyojlar qondirilganida va to‘liq shaxsiy potensialning faollashtirilishi sodir bo‘lganda erishsa bo‘ladigan psixologik taraqqiyotning so‘nggi darajasi sifatida Abraham Maslouning ehtiyojlar iyerarxiyasidagi eng to‘liq aniqlikka olib keldi.

O‘zini o‘zi faollashtirish ayrim so‘z va tushunchalar, xususan, o‘zini o‘zi kashf qilish, o‘z-o‘zini refleksiylash, o‘z-o‘zini anglash va o‘z-o‘zini tadqiq etish kabilar bilan o‘xshash deya qaralishi mumkin.

Abraham Maslou ta‘kidlaganidek, insonlarning asosiy ehtiyojlari (oziq-ovqat, boshpana, issiqlik, xavfsizlik, tegishlilik hissi) ularning o‘zini o‘zi faollashtirishga erisha olishlaridan oldin qondirilishi kerak. Lekin Maslou kundalik jamiyatda haqiqiy o‘zini o‘zi faollashtirish holatiga yetishish ancha kamdan kam kuzatilishini ta‘kidlaydi. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, insonlar o‘zlarining haqiqiy tabiati va qobiliyatlaridan farq qiladigan hayotlari bilan yashashganida, ular maqsadlari va hayotlari muvofiq bo‘lgan odamlarga nisbatan kamroq baxtli bo‘lishlari mumkin. Misol uchun, agar ajoyib san‘atkor yoki o‘qituvchi bo‘lish uchun o‘ziga xos potensialga ega bo‘lgan odamning energiyasi insonlarning asosiy ehtiyojlariga erishishga qaratilgan bo‘lsa, u hech qachon o‘zining qobiliyatlarini anglamasligi mumkin.

Maslouning modeli psixolog Karl Yungning individuallashtirish nazariyasi bilan o‘xshashlik kasb etadi. Yung individuallashtirishni o‘z-o‘zini anglash yoki inson potensialining eng yuqori ifodasini yuzaga chiqaradigan organik o‘zgarish jarayoni deya ta‘riflaydi.

Yungga ko‘ra, o‘zini o‘zi faollashtirish – bu ongli va ongsiz holatlarni birlashtirish orqali ro‘y beradigan shaxsiy rivojlanish jarayonidir.

Ongli holat – bu sizning harakatlaringiz, yoqtiradigan va yoqtirmaydigan narsalaringiz, javoblaringiz va reaksiyalaringiz hisoblanadi. Onglilik sizning anglanmagan aql-idrokingiz tomonidan keng ravishda boshqariladi va garmoniyaga erishish kaliti bizning ichimizda chuqur o‘rnashgan ongsiz narsalarni anglash hisoblanadi. Buni amalga oshirish uchun siz tashqi dunyoda qo‘llaydigan usulingizga hamda tashqi ta‘sirlarga javob berishingizga sizning ichki faolliklaringiz qanday ta‘sir ko‘rsatishini anglab olishingiz zarur.

Shunday qilib, o‘zini o‘zi faollashtirish aql-idrokka bog‘liq, chunki o‘zlik bizning ichki dunyomizda bo‘ladi. Tashqi omillar, jumladan, shinam uy yoki so‘nggi rusumdagi mashina o‘zingizni o‘zingiz faollashtirishingizda muhim ahamiyatga ega emas. Ahamiyatga molik tomoni – bu sizning aql-idrokingizda sodir bo‘layotgan narsa hisoblanadi. Garajingizda yarqiragan mashina yoki qayerdadir ajoyib uyingiz bo‘lishi albatta yaxshi holat, ammo o‘zini o‘zi faollashtirishga erishish uchun siz ichki faollikni amalga oshirishingiz kerak.

Xulosa qilib shuni ta‘kidlashimiz mumkinki, psixologiyaning o‘rganish obyekti bo‘lgan shaxsning o‘zini o‘zi faollashtirish muammosi inson hayotida muhim ahamiyat kasb etadigan xususiyat hisoblanadi. O‘zini o‘zi faollashtirish shaxsning o‘z ustida ishlashini, maqsad sari ildam harakat qilishini hamda ichki imkoniyatlaridan keng foydalana olishini taqazo etadi.

## MAKTABGACHA TARBIYA YOSHIDAGI BOLALARNI TURLI O'YINLAR ORQALI MULOQOTGA O'RGATISH

*Jo'raqulova D.F., SamDU o'qituvchisi*  
*Ilyosova Z., SamDU 2-bosqich talabasi*

O'zbekistonning barqaror rivojlanishida yuksak intellektual salohiyatga ega, qobiliyatli va iste'dodli yoshlarni tarbiyalash muhim ahamiyat kasb etadi. Bu omil uzluksiz ta'lim tizimining barcha bosqichlarida ta'lim va tarbiyaning sifat va samaradorligini oshirish uchun mavjud imkoniyatlardan oqilona foydalanishni talab etadi. Zero, insonni har tomonlama barkamol qilib tarbiyalash xalqimizning azaliy orzusi bo'lib, ajdodlarimiz ma'rifat, ma'naviyat va madaniyatni qanday qilib yosh avlodga o'rgatish, ularni komillikka yetaklash yo'llari, qonun-qoidalarini muttasil izlaganlar.

Har bir yosh davrining psixologik xususiyatlarini hisobga olgan holda tarbiyaviy ta'sir o'tkazish insonda o'z vaqtida o'zini anglashni vujudga keltiradi. Bolada o'zini anglash tuyg'usi qancha erta uyg'onsa, shaxsiy nuqtai nazar, o'z huquqini his etish, o'zining aqliy va jismoniy imkoniyatlarini baholash shunchalik tez paydo bo'ladi. Har bir davrda bolalar rivojlanishining o'ziga xos qulay holatidan unumli foydalanish muhim ahamiyatga ega. Ayniqsa, maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarda tafakkur, nutq, muloqot xususiyatlarini shakllantirish, ularning bilim olishga qiziqishini tabiiy ehtiyoj sifatida tarkib toptirish ularni maktab ta'limiga tayyorlashning muhim shartlaridan biri sifatida e'tiborga molikdir.

Bola shaxsi haqida gap ketganda Jan-Jak Russo "Bolaning ko'rish, fikrlash, his qilish qobiliyatlari o'ziga xosdir. Uni tevarak-atrofni biz kabi anglashga majbur qilish nodonlikdir" – degan edi. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarda esa o'ziga xoslik ularda aynan o'yin faoliyatining yetakchilik qilishidir. Ko'pchilik psixologlar hamda pedagoglar o'yinning psixologik masalalari bilan shug'ullanib, o'yinlarning bolani psixik kamol toptirishdagi ahamiyatiga alohida to'xtalib o'tganlar. Ma'lumki, o'yin bola uchun voqyelikni aks ettirishdir. Bu voqyelik bolani qurshab turgan voqyelikdan ancha qiziqarli. O'yinning qiziqirliligi uni anglab yetishning osonligidadir. Kattalar hayotida faoliyat, xizmat, yumush qanday ahamiyatga ega bo'lsa, bola hayotida o'yin ham xuddi shunday ahamiyat kasb etishi mumkin.

O'yin faoliyatini takomillashtiradigan sharoitlarni tadqiq qilgan N.M.Askarinaning ta'kidlashicha, o'yin o'z-o'zidan vujudga kelmaydi, buning uchun kamida uchta sharoit mavjud bo'lishi kerak:

- a) bolaning ongida uni qurshab turgan voqyelik to'g'risidagi xilma-xil taassurotlar tarkib topishi;
- b) har xil ko'rinishdagi o'yinchoqlar va tarbiyaviy ta'sir vositalarining muhayyoligi;
- v) bolaning kattalar bilan tez-tez muomala va muloqotga kirishuvi. Bunda kattalarning bolaga bevosita ta'sir ko'rsatish uslubi hal qiluvchi rol o'ynaydi.

Har qanday o'yinning va o'yin faoliyatining markazida bola katta kishilarning faoliyati va o'zaro munosabatini, muomalasini o'ziga xos tarzda aks ettirishi, takrorlashi imkoniyati turadi. Shunga ko'ra o'yin ijtimoiy ahamiyat kasb etib, bola insoniyat tomonidan asrlar davomida yaratilgan qimmatli bilimlar, amliy ko'nikmalar, malakalar va odatlarni o'rganishga imkon yaratadi, oqibatda uni shaxslararo muloqotning mohiyatiga olib kiradi.

Bola bilan mustaqil shug'ullanish uchun sizga oyna, turli mavzuga oid ko'rgazmali materiallar, meva va sabzavotlarning sun'iy nusxalari, uncha katta bo'lmagan o'yinchoqlar, turli rasmlar, plastilin va qalamlar kerak bo'ladi. Bolalar bog'chasida esa bularning barchasi tarbiyachilar tomonidan tayyorlab qo'yilgan bo'ladi.

Agar bola shug'ullanishni xohlamasa unda uni qiziqtirish yo'llarini topish kerak. Shuni yodda tutingki bolalarning asosiy faoliyati o'yin bilan bog'liq, shuning uchun har bir mashg'ulot o'yin qoidalariga moslab tashkil qilinishi lozim. Bunda topshiriqlar yozilgan xatni pochta orqali jo'natish, sayohatga chiqishni tashkil qilish, mehmonga qo'g'irchoq yoki quyonni taklif qilish mumkin. Agar mashg'ulotlar har kuni va unchalik uzoq bo'lmagan muddatda tashkil qilinsa samarali natija berishi mumkin.

Bolaning eshitish diqqatini rivojlantirishga qaratilgan o'yinlar bolani tinglash va eshitishga o'rgatishga mo'ljallangan. Bunda bolani tashqi olamdagi har-xil ovozlarni, tovushlar bilan tanishtirish lozim va unga eshittirilgan ovozlarni topish taklif qilinadi (masalan, doira, surnay, shaqildoq, qushlar, hayvonlar va boshq.)

«Keling, birga o'ynaylik!» Bu kabi iltijolarni uyda bolalardan kuniga bir necha bor eshinishimiz mumkin. Bu takliflarga ko'nib, hamma ishimizni bir daqiqa nariga surib, charchog'imiz, tashvishlarimizga qaramay: - Bo'пти, nima o'yin uynaymiz? - desak bormi? Bir onga biz yo'lovchi, haydovchi, o'quvchi, ochko'z bo'ri, qo'rqqoq quyon va boshqa personajlarga aylansak-chi? To'g'risini aytish kerak bola bilan o'ynar ekanmiz, albatta, biz uning xohish-istagi bo'yicha harakat qilamiz, uning o'zi bizga nima qilish kerakligini aytib turadi. Bizning bu paytdagi asosiy ishimiz bolaning aytganlarini bajarib, uni xushnud qilish, vaqtini chog'lash va shu asosda ma'lum maqsadni amalga oshirishdir.

Ota-onalar bolada faol fikr yuritish faoliyatini yuzaga keltirish uchun avvalo, bola imkoniyatlarini, tayyorgarligini yaxshi bilib olishi, mashg'ulotga tayyorlanayotganda savollar tuzilishini boladan aqliy faollikni talab qiladigan va shu bilan birgalikda qo'yilgan masalani tushunadigan va uni hal qilishga olib keladigan qilib tuzish kerak. Berilgan savollar bola masalani izchil hal qilishiga undaydigan bo'lishi lozim. Bunday mashg'ulotlar bola shaxsini shakllantirish bilan bir qatorda bolalarning bir-biriga bog'langan, to'g'ri va ifodali nutqining tarkib topishiga yordam beradi.

O'yin bolaga kashf qilish, tajriba o'tkazish va motivasiya kabi imkoniyatlarni taqdim etadi, bolaning bilim olishi, o'rganishiga yordam beradi. O'yin davomida bolalar o'zlarining bilimlarini odamlar va atrof-muhitdan oladigan ta'sir orqali boyitadilar. Aynan o'yinlar orqali bolalar o'z ijodkorligi va tasavvurini kengaytiradilar. Keyinchalik bola ulg'ayib boshlang'ich sinflarga borganda o'yin bolaga mustaqil bo'lish va hamkorlik qilish ko'nikmalarini o'rgatadi. Bu esa bolani ijtimoiy, hissiy va aqliy jihatdan rivojlantiradi.

## МЕХНАТ МОТИВАЦИЯСИ ЖАРАЁНИДАГИ ҚАДРИЯТЛАР

*Сулаймонов М., Кўчқорова Я., СамДУ*

Мехнат мотивацияси жараёнинг энг муҳим элементлари қадриятлар ва хулқ-атвор нормаларидир. **қадриятлар** – бу, субъект, жамият, синф, ижтимоий гуруҳнинг ҳаёт ва ишнинг асосий ва муҳим мақсадлари тўғрисидаги, шунингдек, ана шу мақсадларга эришишнинг асосий воситалари ҳақидаги тасаввурларидир. Қадриятларга жамият, жамоа, шахс кўз ўнгида ижобий аҳамиятга эга бўлган барча предметлар ва ҳодисалар киритилади. Қадриятлар олами жамиятнинг эҳтиёжлари ва кизиқишлари хилма-хил ва битмас-туганмасдир.

Қадриятлар моддий, маънавий, ижтимоий, сиёсий бўлади ва ҳоказо. Улар эҳтиёжлар ва кизиқишлар асосида таркиб топади. Лекин эҳтиёжлар ва кизиқишлар асосида шаклландиган қадриятлар улардан нусха кўчирмайди. Қадриятлар эҳтиёжлар, кизиқишлар мазмунига мос келиши ҳам, мос келмаслиги ҳам мумкин.

Мехнат шароитлари ва мазмуни билан касби, малакаси ва бошқа ижтимоий белгилари билан фарқ қиладиган ходимларнинг турли ижтимоий гуруҳлари учун айтиб бериш хил объектлар ва ҳодисалар турлича аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, бировлар учун мехнат соҳасидаги хулқ-атворнинг бош йўналиши моддий фаровонлик бўлса, бошқалар учун мехнат мазмуни, унинг ижодий бойлиги муҳимроқдир, яна бошқалар учун эса мулоқотда бўлиш имконияти муҳимдир ва ҳоказо.

Қадриятлар орасида қадриятли мақсадлар (доимий) ва қадриятли воситалар (жиҳоз воситалари) бўлиши мумкин. Доимий қадриятлар инсон мавжудлигининг стратегик мақсадларини: соғлиғи, кизиқарли иши, муҳаббати, моддий фаровонлиги ва жиҳозларни акс эттиради. Жиҳоз воситалари мақсадга эришиш воситаларидан иборатдир. Булар турли шахсий сифатлардан иборат бўлиб, мақсадга, шахс этикодларига эришишига ёрдам беради.

Ходим мехнат фаолиятида иштирок этар экан, айтиб беришда бир қатор эҳтиёжлар, манфаат ва қадрият йўналишларига эга бўлади. Улар муҳим ва номуҳим, турли даражада аҳамиятли ва қардли бўлиши мумкин. Бу ҳамма омиллар ичида энг асосийларини танлаш эҳтиёжлар, кизиқишлар, қадриятларни мехнат вазияти билан таққослаш жараёнида сабаблар (йўл-йўриқлар) воситасида амалга ошади.

Ўз-ўзидан сабаб ва вазиятлар етарли даражада ҳаракатчандир, чунки улар инсон хис-туйғулари, унинг шижоаткорона таъсири остида вужудга келади. Вазиятлар ва объектларга янада барқарорроқ муносабатда бўлиш “йўл-йўриқ” тушунчаси билан ифодаланади. Шундай қилиб, “сабаб” ва “йўл-йўриқ” бир-бирига тўла ўхшаш бўлмаса ҳам, маъно жиҳатдан яқиндир.

Мехнат соҳасидаги сабаблар хилма-хил функцияларни бажаради ва улар ходим хулқ-атворида рўёбга чиқади. Булар қуйидаги функциялар:

*йўналтирувчи функцияда* сабаб ходимнинг хулқ-атворини вазиятдан хулқ-атвор вариантларини танлашга йўналтиради;

*маъно ҳосил қилувчи функция*, бунда сабаб ходимнинг мазкур хулқ-атворидаги субъектив аҳамиятини белгилаб беради, унинг шахсий маъносини аниқлайди;

*воситали функция*, бунда сабаб ички ва ташқи қўзғатувчилар туташган жойда вужудга келади, уларнинг хулқ-атворга бўлган таъсирини воситалайди;

*сафарбар қилувчи функция*, бунда сабаб ходим организми кучларни ўзи учун аҳамиятли фаолият турларини амалга оширишга сафарбар этади;

*оқловчи функция*, бундай ҳолатда шахснинг ташқаридан нормалаштирадиган хулқ-атвор намунасига, эталонига, ижтимоий ва ахлоқий нормага муносабати ифодаланган бўлади.

Эҳтиёжлар, вазиятлар ва уларга мос келадиган диспозицияларни тўртта даражаси ажратиб кўрсатилади:

- 1.Энг оддий вазиятларда, маиший шароитларда биологик эҳтиёжларга боғлиқ йўл-йўриқлар;
- 2.Одатдаги кундалик шароитларда муомалада бўлган эҳтиёжлар асосида шакллантириладиган ижтимоий йўл-йўриқлар;
- 3.Шахснинг муайян меҳнат соҳаси ёки дам олиш соҳасидаги қизиқишлари умумий йўналишини таърифлаб беради (булар базавий ижтимоий йўл-йўриқлардир);
- 4.Шахснинг қадриятли мўлжаллар тизими.

Сабаблар тузилиши жуда мослашувчан ва доимий равишда ўзгарувчандир (тўғриланиб боради). Меҳнат фаолияти жараёнидаги бундай тўғриланиб бориш учун асос сифатида ишлаб чиқариш вазиятининг турли томонларидан қониқиш ҳосил қилиш намоён бўлади. Ходим вазиятнинг барча элементларини қанчалик қулайлик билан қабул қилса, меҳнат хулқ-атвори сабаблари шунчалик тўғрилانган бўлади. Сабабларни ўрганишнинг социологик ва психологик даражаларини фарқлаш керак бўлади. Психологик даражада ҳаракатдан одингаи мақсадни билиб олиш ва қарор жараёни текширилади. Бутун сабабларни асослаш жараёни мақсад қўйиш билан тугайди.

Сабаблар йўл-йўриқларини ўрганишда шуни назарда тутиш керакки, уларнинг мазмуни кўпроқ қадриятлар ва нормалар мазмунини, аввало, шахсий эҳтиёжлар ҳамда қизиқиш йўналишидан кўра, ижтимоий жиҳатдан маъқулланган қадриятлар ва нормалар мазмунини акс эттиради. Бунда сабаблар иерархияси қадриятлар иерархиясидан далолат беради. Эҳтиёжлар ва қизиқишлар тузилишини эса фаолиятнинг ҳар хил турларига доир вақт сарфлари акс эттиради. Турли ижтимоий гуруҳлар ходимлари хулқ-атвотининг сабаблари, йўл-йўриқлари, қадриятли йўналишларини, шунингдек, уларнинг тузилишини ўрганиш ходим нима сабабдан меҳнат қилаётганлигини аниқлаш имконини беради. Меҳнат фаолигига ундовчи ички сабабларни билиш асосида яратиладиган рағбатлар тизими меҳнатга муносабатларнинг оптимал типини шакллантиришнинг асоси ҳисобланади. Жамиятда амал қилаётган рағбатлар тизими фақат ходимларнинг етакчи эҳтиёжлари ва қизиқишларини амалга оширишга ёрдам бергандагина самарали бўлади.

## TA'LIM TIZIMIDA BOLA NUTQINING RIVOJLANISHI MULOQOT MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH ASOSI

*Bobojonova Sh., Qarshi DU magistranti*  
*Bobojonov Sh., Qarshi DU talabasi*

Tilga o'rgatish, nuqtani rivojlantirish nafaqat lingvistik sohada balki, bolalarning o'zaro hamda kattalar bilan muloqotini shakllantirish sohalarida ham ko'rib chiqilmoqda. SHundan kelib chiqqan holda, e'tiborga molik vazifa nafaqat nutq madaniyatini, balki muloqot madaniyatini ham shakllantirishdan iborat bo'ladi.

Ayniqsa, ravon nutqni, ya'ni mazmunli, mantiqiy, izchil nutqni shakllantirishda nutqiy va intellektual rivojlanish o'rtasidagi uzviy aloqa yanada aniqroq ko'rinadi. Biron-bir narsa haqida tushunarli qilib so'zlab berish uchun hikoya ob'ektini aniq tasavvur qilish, tahlil qila olish, asosiy xususiyat va sifatlarni tanlab olish, predmet bilan hodisalar o'rtasida turli nisbatlarni (sabab-oqibat, vaqt) o'rnata olish lozim. Bundan tashqari, ushbu fikrni ifodalash uchun eng maqbul so'zlarni tanlay olishni, oddiy va qo'shma gaplarni tuzishni bilish, alohida gaplar va fikrlarning bo'laklarini bog'lash uchun turli vositalardan foydalanish zarur.

Ona tilini to'laqonli egallash, til qobiliyatlarini rivojlantirish maktabgacha yoshdagi bola shaxsini to'laqonli shakllantirishning o'zagi hisoblanadi.

Maktabgacha katta yoshdagi bolalar nutqini rivojlantirishda erishilgan asosiy natijalar tengdoshlar bilan muloqot asosiy o'rin egallaydigan muloqot sohasidagi chuqur o'zgarishlar bilan bog'liq. Bola katta yoshdagi odamdan ko'ra o'z tengdoshini afzal ko'ra boshlaydi. Birga o'ynayotgan o'rtog'iga qaratilgan nutq kattalar bilan bo'lgan nutqdagiga nisbatan mazmunliroq bo'lib boradi. SHerik bilan dialog muvofiqlashtirilgan predmetli va nutqiy harakatlar tusiga ega bo'ladi. Bola endi qo'shnisining e'tiborini o'ziga jalb qilishni biladi, uning o'zi o'rtoqlarining ishlari va fikrlari bilan qiziqadi.

Maktabgacha katta yoshdagi bolalar nutqining funksiyalari ko'p qirralidir. Bunda bola nutqdan atrofdegilar bilan muloqot o'rnatish, o'ziga, o'z ishlari va kechinmalariga e'tiborni jalb qilish, bir-birini tushunish, sherigining xulqiga, fikr va hissiyotlariga ta'sir qilish, o'z faoliyatini yo'lga qo'yish, o'zining va birga o'ynayotgan o'rtoqlarining harakatlarini muvofiqlashtirish uchun foydalanadi. Nutq atrofdegilar haqidagi bilimlarning muhim manbai, tabiat, narsalar va kishilar olami haqidagi tasavvurlarni qayd etish vositasi, bilish faoliyatining vositasi bo'lib xizmat qiladi. Maktabgacha katta yoshdagi bola uchun nutq ob'ektiv munosabatlarning alohida sohasi bo'lib, bola ularni so'zlar, tovushlar, qofiyalar, ma'nolar bilan

o‘ynash orqali anglab etadi.

Bola o‘zining amaliy, bilish va shaxsiy ehtiyojlarini qondirish uchun o‘zida mavjud bo‘lgan barcha vositalardan va noixtiyoriy vaziyatlarda fikr bildirishdan, nonutqiy vositalardan (imo-ishoralardan, mimika va harakat) va bevosita nutqning o‘zidan foydalanadi. Nutqning barcha turlari va shakllari til shaxsining takrorlanmas individual portretini hosil qilgani holda o‘zaro birgalikda mavjud bo‘ladi.

Dialogni rivojlantirish faqatgina nutqning muayyan kompozitsion shaklini o‘zlashtirishdan iborat bo‘lib qolmay, balki u bolaning ijtimoiy jihatdan rivojlanishi va uning shaxsi shakllanishining muhim tarkibiy qismi bo‘lib ham hisoblanadi. Dialogik muloqot nafaqat xabar qilishga (intellektual mazmundagi xabarga) va o‘z manfaatlariga yo‘naltirilishni, balki sherigining mavqeisini, uning manfaatlari, istak-xohishlari va kayfiyatini ham hisobga olishni nazarda tutadi. Dialogda nutqiy harakatlarni muvofiqlashtirish to‘g‘ridan-to‘g‘ri sherigini tushuna olish, uning nuqtai-nazarini qabul qilishni bilishga ham bog‘liqdir. Bunday tajribani bolalar o‘zaro uyushgan faoliyatda (birgalikda yasash, rasm chizish, hikoya qilish, jamoaviy o‘yinlar) orttiradilar. Tengdoshlar bilan muloqotda bola nutqi mazmunlilik (muloqot vaziyatidan qat’iy nazar til vositalaridan foydalanish asosida mazmunning tushunarlilik) kasb etadi.

Maktabgacha katta yoshdagi bolalarning dialogik muloqoti jarayonida nutqning yangi shakli – monolog vujudga keladi va shakllanadi. U bolaning o‘z fikrlari, hissiyotlari, atrofdagi olam haqidagi bilimlari bilan o‘rtoqlashishni istashi tufayli vujudga keladi. Bunda nutq qisqa hikoya shaklida ro‘y beradi. Hikoyada bolani hayron qoldirgan va hayajonga solgan qandaydir qiziq narsa (yangi o‘yinchoq sotib olish, oila a‘zolarining kulgili vaziyatlarga tushib qolishi va h.k.) aks etadi. Maktabgacha yoshdagi bolalar tanish ertaklarni hikoya qilish, multfilmlar mazmunini aytib berish, o‘qigan narsalarini aytib berishni yaxshi ko‘radilar.

Jaranglayotgan nutqqa bo‘lgan qiziqishning shiddat bilan rivojlanishi, til borlig‘ini eng oddiy anglashning shakllanishi maktabgacha katta yoshdagi bolalar erishgan eng muhim yutuq hisoblanadi. So‘zga nisbatan lingvistik munosabat tovushlar, qofiyalar, mazmunlar bilan to‘satdan boshlangan o‘yinlar, so‘z mazmuni, ularning jaranglashi va mazmuni haqidagi masalalarda ko‘rinadi. Til borlig‘ini anglash uning barcha – fonetik, leksik, grammatik tomonlarini qamrab oladi. Nutqqa nisbatan ongli munosabat lug‘atni takomillashtirishga nutqning tovush madaniyatini (tovush talaffuzi, talaffuz, tinglay olish qobiliyati, ohang ifodaliligini rivojlantirishga, nutqning grammatik to‘g‘riligini (shakllantirishga, ravon nutqni rivojlantirishga ta’sir qiladi.

Nutqning tovush madaniyatini tarbiyalash ham til borlig‘ini eng oddiy anglashni shakllantirish bilan o‘zaro bog‘liqdir. Maktabgacha yoshdagi katta bolalar so‘zlar, tovushlar, qofiyalar bilan faol o‘ynaydilar. Ular so‘z jaranglagandagi umumiy va alohida jihatlarni payqay oladilar, artikulyasion va akustik jihatdan bir-biriga yaqin bo‘lgan tovushlarni (S-SH, S-Z) farqlay oladilar, maqol, matal va tez aytishlardagi 4-5 ta so‘zda uchragan tovushlarni sezadilar.

Maktabgacha katta yoshda nutqning grammatik to‘g‘riligini shakllantirish nutqqa nisbatan tanqidiy munosabat paydo bo‘lishi hamda rivojlanishi, aniq va to‘g‘ri so‘zlashga intilish bilan bog‘liq so‘z hosil qilishda, (non uchun – nondon, tuz uchun tuzdon va boshq) sintaksisda (og‘zaki nutq qurilmasini engib o‘tish: va bog‘lovchisini ko‘p marta qo‘llash orqali gapni cho‘zib yuborish, bitta gapda to‘g‘ri va bilvosita nutqni aralastirib yuborish va boshq.) ko‘zga tashlanadi. Nutqning grammatik to‘g‘riligiga intilish ko‘proq etti yoshli bolalarga xosdir. Besh yoshli bolakay hali ham grammatik shakllar ustida zavq bilan mashq qiladi va aynan mana shu so‘z bilan mashqlar kelajakda grammatik jihatdan to‘g‘ri ifodalangan nutq uchun poydevor yaratadi.

### **Adabiyotlar**

1. F.R. Qodirova. «Maktabgacha yoshdagi rusiyzabon bolalarni o‘zbekcha so‘zlashishga o‘rgatish» (metodik qo‘llanma). Toshkent, «O‘qituvchi», 1997.
2. F.R.Qodirova. R.M Qodirova. «Bolalar nutqini rivojlantirish nazariyasi va metodikasi». T., «Istiqlol», 2006.

## **БОЛАДА ЎЗ ЎЗИНИ АНГЛАШНИ ШАКЛЛАНИШИГА ОТА-ОНАЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

*Эргашева И., Қарши ДУ талабаси*

Оила ва оилавий муносабатлар, айниқса, ота-она ва фарзандлар ўзаро алоқалари, жамият юзага келган илк даврлардан буён энг муҳим муаммолардан бири бўлиб келган. Жамият ривожланиб борган сари бу муаммонинг аҳамияти янада ортиб бораверади. Чунки инсоният томонидан эришилган ютуқлар айнан оила муҳитида ота-она ва фарзандлар муносабатлари тизимида бошқа ҳар қандай ижтимоий инсититутлар орасидаги узвийлик сифатида олиб қаралганда кўпроқ даражада

ўзлаштиради ва анъана маънавий мерос тарзида авлоддан авлодга ўтади. Шундай экан, у ёки бу жамият халқ ва миллатнинг истиқболи кўп жиҳатдан шу муносабатларнинг ҳолатига боғлиқ. Бунинг учун эса оиладаги ички муҳитнинг ҳар томонлама соғлом, маънавий мустаҳкам бўлишига эришиш лозим.

Оилада бола тарбияси масаласи Абу Бакр Муҳаммад ибн Ал-Аббос Ал-Хоразмий қарашларида ҳам мавжуд. Унинг айтишича, ота-оналар икки хил туғилиш отаси ва таълим бериш отаси: биринчиси жисмоний ҳаёт сабабли иккинчиси руҳий ҳаёт сабабли. Шунга кўра, уларни узвий бирликда олиб қараш тарбия ишида муҳим аҳамиятга моликдир. Унинг қуйидаги сўзлари ибратлидир: “Замондан яхшироқ муаллимни инсондан яхшироқ таълим оладиган ўқувчини кўрмадим”. Унинг бу сўзларидан бир томондан ижтимоий муҳитни бола тарбияси учун ҳал қилувчи таъсирини англасак, иккинчи томондан инсон шахси таълим натижасида камолотга эришиб бориши мумкинлигини сезамиз.

Ибн Сино оилада бола тарбияси анча мураккаб ва нозик бўлиб, уни боланинг ёшлигидан бошлаш ва изчиллик билан олиб бориш лозимлигини уқтиради. У она алласининг тарбиявий аҳамияти ҳақида тўхталиб “Алла” икки вазифани бажаради дейди. Биринчиси уни тебратиш орқали болага жисмоний ором бағишланади; иккинчиси бешикни бир маромда тебратишдан онанинг меҳри жўш уради, боласига бўлган муҳаббатидан онанинг орзу умиди юрак тўридан силқиб чиқади. Бу ўзига хос қўшиқ боласига қасидадек янграйди ва у фарзандининг мурғак қалбига бутун шуурига сингиб боради.

Оилавий тарбиянинг моҳиятини тўғри тушуниш, уни бир қатор психологик жиҳатларини тадқиқ этиш имкониятларини очиб беради. Ҳозирги кунда психологлар, социологлар ва кенг жамоатчилик томонидан оила ва оилавий тарбия муаммоси долзарб масала сифатида эътироф этиб келинмоқда. Жумладан, В.М.Каримованинг “Ёшларда ўзбек оиласи ҳақидаги ижтимоий тасаввурлар” деб номланган илмий ишида ўзбек оиласидаги ижтимоий тасаввурларнинг турли гуруҳларда намоён бўлишини эмпирик жиҳатларига асосланиб тадқиқ этилади ва оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар шахснинг оилавий муносабатлар доирасидаги хулқ-атвори бошқарувчи ва аниқ шароитларга мослаштирувчи вазифаларни бажаришини илмий асослаб беришга ҳаракат қилади. Н.Соғинов Ғ.Усмонов ва Б.Умаровлар оилавий жанжал ва низоларнинг оқибатларини ўрганиб, улар охир оқибат нафақат эр-хотин ўртасидаги балки ота-оналар ва болалар қариндош уруғлар ўртасидаги муносабатларни ҳам бузилиши, никоҳдан қониқмасликка олиб келиши ҳоллари, аёллар ўртасида ўз жонига қасд қилишлар энг ачинарлиси бу жараён ўсмир ва болалар ўртасидаги суицидаль хулқ-атворнинг ҳам сабаби бўлиб қолишини таъкидлайдилар.

Оила болани ўраб турган ижтимоий муҳитнинг энг муҳим бўғинидир. Унинг бола шахси шаклланишига кўрсатадиган таъсири бениҳоят каттадир, Боланинг мустақиллиги нисбий бўлиб, у кўп жиҳатдан катталар қарамоғи ва ёрдамига муҳтож бўлади. Ота-онанинг фикри ва муносабати бу даврда шунчалик катта ундовчи кучга эга бўладики, у хулқ-атворнинг регулятори ва психик ривожланишининг стимулятори бўлиб хизмат қилади.

Албатта, ҳар бир оиладаги муносабатлар ўзига хос ҳамда такрорланмасдир. Бироқ ота-она ва бола муносабатларининг умумий жиҳатлари ҳам мавжуддир. Ота-оналар болалар хулқ-атворини бошқаришда қандай усуллардан фойдаланишларига кўра ўртадаги муносабатлар кўпинча "демократик" ва "авторитар" назорат қилувчи кабиларга ажратилади.

Болаларга оилавий таъсир этишнинг "демократик" шакли учун қуйидагилар хос: болага кўп нарсага руҳсат берилади, бола билан кўп алоқа ва муносабатда бўлиш, унда ишонч ва ҳурмат билан муносабатда бўлинади, ота-оналар бўлар-бўлмас таъкибларини қўймасликка ҳаракат қиладилар, бунинг ўрнига улар болаларга оиладаги тартиб қоидаларни тушунтиришга интиладилар. Иложи бориша болаларининг саволларига жавоб беришга, уларнинг қизиқувчанликларини қондиришга ҳаракат қиладилар.

Оиладаги "авторитар" муҳит болаларга нисбатан ҳаддан ташқари таъқиқларнинг кўплиги билан характерланади. "Ҳукмрон" ота-оналар боладан тўлиқ буйсунини талаб қиладилар. Бундай оилаларда болаларга хулқ-атвор қоидаларини тушунтиришга қаратилган мулоқот камдан-кам ўтказилади.

Шу нарса аниқланганки, "авторитар" ва "демократик" оилаларда тарбияланувчи болаларнинг шахсий хусусиятларида муайян фарқ мавжуд бўлади. "Демократик" оилаларнинг фарзандлари ижодкорликка мойил ташаббускор, лидерликка интилувчан, конформизмни (гуруҳ; фикрга тобе бўлишни) инкор этувчи ижтимоий муносабатларида кўпроқ эмоцияларни ҳис этувчи бўладилар.

Юқоридаги натижаларда хулоса қиладиган бўлсак, шахсда ўз-ўзини англаш оиладаги психологик муҳит, ота-онанинг шахсий намунасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

## ЁШЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАСАВВУРЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ботиров Т.Э., Қарши ДУ 2-курс талабаси*

Кейинги ўн йилликларда экологик муаммолар инсоният учун глобал муаммоларга айланди. Нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан бутун борлиқ ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, унинг ифлосланишини ҳамкорликда бартарф этиш, океанлардаги экологик ўзгаришлар, қирғоқ ерларнинг эрозияси, озон қатламига етказилаётган зарарлар, ҳар хил турдаги ўсимликлар ва ҳайвонларнинг йўқолиб боришини олдини олиш бўйича қабул қилинаётган қарорлар ва амалий тадбирлар экологик муаммоларни ечимини топишга қаратилган зарур ҳаракатлардир.

Жамият тараққиётининг бугунги босқичига келиб, фан, техника ва технологияларнинг жадал ривожланиши таъсирида саноатлаштиришнинг инқилобий ўзгариши инсон билан табиат ўртасидаги муносабатни кескин бузилишига олиб келганлиги инсоният томонидан чуқурроқ ангамоқда. Ана шу ўринда фан-техника тараққиёти, саноатлаштиришнинг инқилобий ўзгариши ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатни асраб-авайлашни уйғун ҳолда кечишини таъминлаш фақат инсон омилигагина боғлиқлиги аён бўлди. Бу эса табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни психологик таҳлилини амалга ошириш заруратини келтириб чиқарди ҳамда мазкур соҳада ҳал этилиши лозим бўлган долзарб вазифалар юзага келганлигини кўрсатиб турибди.

Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “ Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб- қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш” каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар ёшларнинг экологик тасаввурларини шакллантириш, уларнинг табиатга нисбатан конструктив муносабатларини камол топтириш чора тадбирларини амалга оширишни таъминлайди.

Илмий изланишларимиз таҳлилларига кўра, биринчидан, ҳозирги даврда дунё миқёсида эко-логик муаммоларнинг кўлами кенгайиб бориши, оқибатлари оғирлашиши, иккинчидан, инсониятнинг ер юзини келгуси авлодлар учун яшашга яроқли ҳолатда сақлаб қолиш истаги асосий вазифа сифатида қаралаётгани алоҳида қайд этилган. Ўрганишларимизга кўра, муҳит психологияси мустақил илмий йўналиш сифатида XX асрнинг 70-йиллари биринчи ярмида шаклланган. То ҳозирги давргача у инсон экологияси ва ижтимоий экология сингари метафанлар доирасида ривожланган. Тарихан ва семантик жиҳатдан инсон экологияси ижтимоий экологиядан мазмунан кенгроқдир. Ижтимоий экология инсон экологияси сингари Август Конт ишларида шаклланиб, Д.Милл ва Г.Спенсерлар томонидан янада ривожлантирилганлиги, ҳозирги даврда эса ижтимоий экология термини Р.Парк ва Э.Бердјес томонидан одамлар популяциясининг шаҳар муҳити даги хулқ-атвори назариясига нисбатан қўлланилаётганлиги, ўтган аср ўрталарида “Ижтимоий экология”, Э.Холл “Проксемика”, Р.Соммер “Персонал макон“, Р.Баркер “Хулқ-атвор жойи” концепциялари ишлаб чиқилиб, К.Левиннинг “Ҳаётий макон” концепцияси яратилганлигини ва уларнинг аҳамиятини мавзу нуқтаи-назаридан атрофлича ўргандик.

Ўзбек педагогикасида экологик тарбияга тааллуқли ишларни К.Ҳошимов, С.Темурова, Г.Мавлонова, А.Мунавваров ва бошқалар амалга оширганлигини ҳам эътироф этишимиз мумкин.

Назарий мулоҳазаларда экологик тасаввурларни социогенез жараёнида экологик онг компонентлари сифатида илмий ўрганилиши:

- 1) психологик қарама-қаршилик ва психологик уйғунлик;
- 2) табиатни объект ёки субъект сифатида идрок этиш;
- 3) ўзаро таъсирнинг прагматик ё нопрагматик кўринишлари таҳлил қилинган.

Илмий-назарий таҳлилларимизга кўра, экологик онг структурасида тўрт асосий таркибий қисмни кўришимиз мумкин:

1) экологик билим инсон онгида экологик тасаввурлар, тушунчалар, фикрлар, гипотезалар, қонунлар, қонуниятлар ва хоказолар кўринишида акс этувчи оламни;

2) экологик муносабат субъектнинг табиий муҳитдаги ҳаракатлари ва табиат объектларига нисбатан фикрлари, позициялари, туйғуларининг фикрий акс этиш имкониятига асосланган табиат объектлари ва ҳодисалари билан рефлексив алоқаларининг интериоризацияланган тизимни;

3) экологик установка – шахснинг табиий муҳитдаги келгуси ҳаракат ва ҳодисаларни идрок қилишга мойиллиги, тайёрлиги, табиий муҳитдаги шахсий фаолият жараёнининг барқарор мақсадга йўналтирилган мазмунини таъминлашини;

4) экологик мақсад - экологик ҳаракатларни кўзда тутилган натижага эришишга йўналтириб белгиланган дастурга мувофиқ ҳолда яқунлашга онгли интилишга хос психиканинг махсус функционал тузилмасини.

Мавзуга доир талабалар билан олиб борган тадқиқотларимизда табиат билан ўзаро муносабатга киришиш хусусиятларининг ўзгаришлари қуйидаги шкалаларда ўз ифодасини топди:

Когнитив шкала, амалий шкала, хатти-ҳаракат шкаласи ва натуралистик эрудиция шкаласи бўйича кўрсаткичлар экспериментдан олдингисига нисбатан экспериментдан кейинги ҳолатлар сезиларли даражада ўзгарганлиги кузатилди.

Перцептив-аффектив муносабат шкаласи, когнитив шкала, амалий субъектив муносабат шкаласи бўйича кўрсаткичлар 2-курс талабаларида экспериментдан олдинги кўрсаткичларга нисбатан экспериментдан кейинги кўрсаткичларда аҳамиятга молик ўзгаришлар кузатилди. Уларда хатти-ҳаракат ва натуралистик эрудиция шкалалари бўйича аҳамиятли ўзгаришлар кузатилмади.

Перцептив-аффектив шкала бўйича 3-курс талабаларида экспериментдан олдинги ҳолатдан экспериментдан кейинги ҳолат сезиларли даражада ўзгарган. Когнитив, амалий, хатти-ҳаракат ва натуралистик эрудиция шкалалари бўйича эса аҳамиятли ўзгаришлар кузатилмади.

Когнитив шкала бўйича 4-курс талабаларида экспериментдан олдинги ҳолатдан экспериментдан кейинги ҳолат кўрсаткичлари сезиларли даражада ўзгаргани кузатилди. Амалий муносабат шкаласи бўйича экспериментдан олдинги манзарага нисбатан экспериментдан кейинги ҳолат сезиларли даражада кўтарилганлигини кўриш мумкин.

Перцептив-аффектив, хатти-ҳаракат ва натуралистик эрудиция шкалаларида эса аҳамиятли ўзгаришлар кузатилмади.

Табиат билан ўзаро муносабатларга киришиш мотивацион услублари маълум даражада субъектнинг шахсий тажрибаси ҳосиласи бўлиб, ушбу муносабатларда кўп жиҳатдан шахснинг ўзига, социумга, экзистенциал воқеликларга муносабатлар тизими ўз ифодасини топиб, уларнинг “соф” мазмуни психологик ҳимоя механизмлари таъсири остида трансформацияга дуч келиши асосланди.

## **O‘QUVCHILARNI MUSTAQIL FIKRLASHGA O‘RGATISH TA’LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING MUHIM OMILIDIR**

*Meyliyeva M., Eshonqulova X., Qarshi sh. 44-maktab o‘qituvchilari*

Mustaqil Respublikamizda ko‘pgina muhim masalalar qatorida ta’lim-tarbiya ishini tubdan o‘zgartirish, uni yangi zamon talabi darjasiga ko‘tarish, sog‘lom barkamol avlodni kamol toptirish bugungi kunda eng dolzarb masalalardan biridir.

Sobiq sovet tizimida ko‘p yillar davomida maktab ta’limi o‘quvchini erkin, faol, mustaqil, ijodkor, o‘zini-o‘zi boshqara oladigan shaxs qilib emas, balki tortinchoq, bo‘ysunivchan, itoatkor, o‘z mustaqil fikriga ega bo‘lmagan va ba‘zan o‘zligini anglay olmaydigan, o‘z yo‘lini to‘g‘ri tanlay olmaydigan shaxslarni tarbiyalab keldi. Buning natijasida bir qancha qobiliyatli, iqtidorli bolalarning imkoniyatlari yuzaga chiqmay qolib ketdi.

Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov mustaqilligimizning dastlabki yillaridayoq, yoshlar tarbiyasi borasida qilinishi lozim bo‘lgan vazifalar haqida fikr yuritib: “... kishilarimizning mustaqil fikrlashga o‘rganishi, o‘ziga ishonchning orta borishidir. Chunki tafakkur ozod bo‘lmasa, ong va shuur tazyiqdan, qullikdan qutilmasa, inson to‘la ozod bo‘lolmaydi” deb ta’kidlagan edilar. Bu jarayonning ahamiyati eng avvalo shu bilan xarakterlanadiki, har bir shaxs o‘z iqtidori, salohiyati, qobiliyati doirasida aniq hayotiy mavqelarni egallaydi, ijtimoiy taraqqiyotga o‘zining munosib hissasini qo‘shadi.

Ammo, hozirgi kunda ham maktablarimizda o‘quvchilar bilan avtoritar munosabatda faoliyat ko‘rsatayotgan o‘qituvchilar ko‘plab topiladi. Bunday o‘qituvchilar odatda majburiy, qattiq talablarni quyish orqali o‘quvchilarni o‘zlariga so‘zsiz itoat etishga, dars jarayonida jim o‘tirishga, faqat ruxsat berilgandagina javob berishga o‘rgatadilar. Bu toifadagi o‘qituvchilar o‘quvchilarning qiziqish, layoqat, xohish-istaklarini hisobga olmaydilar, ular asosan o‘quv rejasiga amal qiladilar. Dars jarayonida munozara, bahs uchun o‘quvchilarga yetarli imkoniyat berilmaydi. Shu bois dars davomida ko‘proq o‘qituvchining o‘zi gapiradi. Bunday uslubda ishlaydigan o‘qituvchilar o‘quvchining o‘zigagina xos bo‘lgan psixologik xususiyatlarini nazardan chetda qoldiradilar. Ularga qattiqqullik bilan boshqarish xos. Bunday o‘qituvchilarning o‘quvchilari dars davomida mustaqil fikrlay olmaydigan, bironing ko‘rsatmasiga ko‘ra ish yuritadigan, o‘ziga past baho beradigan kamgap, tortinchoq, ko‘p hayajonlanadigan bo‘lib rivojlanganligi ko‘zga yaqqol tashlanadi.

Biz yoshlardagi mustaqil fikrlashga layoqat va undan kelib chiqadigan barcha fazilatlarini shaxs muammosi sifatida psixologik masalalar qatorida tahlil qilishimiz, shuning uchun ham bu muammoni shaxs rivojlanishi va taraqqiyotining bosh omillaridan, deb qarashimiz lozim. Mustaqil fikrlash-bevosita idrok

etgan, mushohada qilgan narsa-hodisalarga ongli munosabat bildirgan holda ruhan ularni erkin, mustaqil tahlil qilish, ulardan o'ziga va jamiyatga kerakliklarini taqqoslash, umumlashtirish orqali hulosa chiqarish va buni o'z nutqida yorqin ifoda eta olish qobiliyatidir.

Ma'lumki, qabul qilingan "Ta'lim to'g'risida" gi Qonun va "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi" da shaxs kamoloti masalasi eng asosiy masala qilib olingan. Respublikamizda ularda ko'rsatib o'tilgan ishlarni ro'yobga chiqarish bo'yicha ta'lim muassasalarida jiddiy ishlar amalga oshirilmoqda. Ta'limning samaradorligini oshirish uchun yangi pedagogik texnologiyalar qo'llanilmoqda va amaliyotga keng tadbiiq etilmoqda. Bularning barchasi har bir o'quvchida mustaqil fikrlashni rivojlantirish orqali yetuk malakali mutaxassislar yetishtirishga qaratilgandir.

Milliy dastur talab qilganday, o'quvchilarda mustaqil fikr yuritish malaka va ko'nikmalarni hosil qilish uchun o'qituvchi- o'quvchi o'zaro munosabatlarini tubdan o'zgartirish, bilim oluvchi shaxs ta'lim jarayonining faol subyektiga aylantirilishi lozim. Amalda buni tadbiiq etishning quyidagi omillari mavjud.

1. Ta'lim-tarbiya beruvchilar bolalarni, o'quvchilarni qanday bo'lsa shundayligicha, iqtidori, layoqatlari bilan idrok qilishga, tabiiy tarzda qabul qilishga o'rganmoqlari lozim.

2. Maktab davridan boshlab amalda o'quvchiga differensial ta'limni tashkil qilish maqsadga muvofiq.

3. An'anaviy dars shakllaridan ko'ra, yoshlar aqliy faoliyatini tashkil qilishning yangicha, demokratik turlarini joriy etish, bunda asosiy e'tibor-o'quvchi shaxsini hurmat qilish, unga ko'proq o'z fikrini aytish uchun sharoit yaratish, uning har bir fikriga hurmat e'tibor bilan qarash lozim.

4. O'quvchida erkin va mustaqil fikrlash uchun zarur psixologik mezonlarni inobatga olish zarur.

Bugungi kunda mustaqil Respublikamiz dunyo hamjamiyati tomonidan tan olinayotgan ekan, uning kelgusidagi rivoji, yuksalishi yoshlarga bog'liqdir. Demak, bugungi yoshlar har tomonlama rivojlangan, o'ziga, boshqa insonlarga, jamiyatga, tabiatga va mehnatga o'zining to'g'ri munosabatini bildira oladigan, mustaqil faoliyat ko'rsata oladigan, ijodkor va tadbirkor bo'lmog'i lozim. O'quvchilarda ana shu xususiyatlarning rivojlanishi so'zsiz o'qituvchiga, uning o'quv-tarbiya jarayonini to'g'ri boshqara olishiga bog'liqdir. Ana shundagina yoshlar haqiqiy fidoiy, insonparvar, ilmga chanqoq kishilar sifatida ona Vatan ravnaqi yo'lida mustaqil fikrlari bilan dadil harakat qilishlari mumkin.

## СПОРТЧИ ФАОЛИЯТИДА ОПЕРАТИВ ТАФАККУРНИНГ ЎРНИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

*Набижонов Ж.А., Ҳақиқатбеков З.Ш., Маликзода А.А., ЎЗДЖТСУ*

Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида барча қулайликларга эга бўлган спорт иншоотлари барпо этилмоқда. Бундай ижобий ишлар замирида албатта ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси устувор. Хурматли президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: *"Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди"*.<sup>1</sup>

Ёш авлоднинг соғлом ва баркамол вояга етишида спортнинг ўрни беқиёс. Мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига фақат таълим, спорт ёки тиббиёт соҳасининг масаласи деб эмас, балки барча соҳа ва тармоқлар фаолиятини мажмуали тарзда сафарбар этишни тақозо этадиган кўп қиррали, кенг тармоқли вазифа сифатида қаралмоқда. Умуман, ижтимоий йўналишда қабул қилинган барча дастурлардан тортиб, оила ва маҳалла институти ҳақида ғамхўрлик, аёлларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини оширишга кўмаклашадиган чора-тадбирларгача — барчасининг замирида ягона мақсад, яъни Юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш масаласини ҳал этиш йўлидаги саъйи-ҳаракатлар акс этган.

Юқори натижаларга эришаётган спортчиларимизни мусобақаларга психологик тайёргарлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бадий гимнастика спортининг нафис ва назокатли ҳаракатлари, ушбу ҳаракатларнинг мусиқа билан ҳамоҳанг тарзда юқори дид билан бажарилиши доимо спортчи қизлардан юқори ва ижбойи ҳиссиётларни талаб этади. Айниқса тана ҳаракатлари пропорционал-лигининг мусиқа билан уйғунлашиши спортчи қизларининг эмоционал интеллигентлигини тарбиялайди. Нозик ва тезкор машқларни амалга оширишда эса спортчи қизларнинг оператив тафаккури муҳим аҳамияга эга.

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев "Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз". Т. "Ўзбекистон" 2017 й. 145-бет.

Оператив тафаккурни ривожлантириш аввало муаммо юзасидан назарий ёндашувни талаб қилади. Тафаккур - ижтимоий сабабий, нутқ билан чамбарчас боғлиқ, муҳим бир янгилик қидириш ва очишдан иборат психик жараёндир. Тафаккур воқеликни анализ ва синтез қилиш уни бевосита ва умумлаштириб акс эттиришдан иборат жараёндир.

Тафаккур қилиш давомида ташқи оламни билиш чуқурроқ амалга оширилади. Бунинг натижасида нарса, ҳодиса ва бошқалар ўртасидаги мураккаб ўзаро боғланишларни ажратиш, ечиш мумкин бўлади.

Тафаккур борасида турли назарий қарашлар ажратилади. Гештальт психологияда тафаккур интеллектуал қобилият сифатида воқеликни идрок этишни таъминловчи ички тизимлар мажмуаси сифатида белгиланади. Бу интеллектуал тизим инсонда туғулган вақтдан тайёр ҳолда мавжуд бўлади ҳамда инсоннинг ёши ўтиши ва унга эҳтиёж бўлишига қараб бирин-кетин намоён бўлади. Оператив тафаккур интеллектуал қобилиятнинг тез кечишини кўрсатади.

Оператив тафаккур тез ўзгарувчи вазиятда фаолият объектини инсон томонидан моделлаштириш орқали амалга оширилади ва жараёни назорат қилиш учун белгиланган вазиятда ҳаракат режасини шакллантиришга олиб келади. Оператив тушунчаси уч маънода қўлланилади: тез ва самарали кечиш, фаолиятга боғлиқлик ва ҳаракатлардан иборат бўлиш. Спортчи ҳаракатининг ўзгарувчан вазиятида, бир неча ўзаро боғлиқликлар, натижа учун юқори масъулият, вақтнинг чегараланганлиги ва жараёни назорат қилиш лозим бўлганда намоён бўлади.

Спортчининг оператив тафаккурини ривожлантириш шахс тафаккур жараёнини такомиллаштириш билан асосланувчи психологик жараён ҳисобланади. Психоаналитик назарияда тафаккурнинг ривожланиш назарияси тафаккурнинг дастлабки босқичидан иккинчи босқичига ўтиши билан асосланади. Тафаккурнинг дастлабки босқичи реал ва тасаввурдаги воқелик ўртасида фарқ бўлмаган онгсизлик даражасида амалга оширилади. Дастлабки тафаккур хаёлий бўлиб бир пайтнинг ўзида бир неча воқелик аралаш тарзда кечади. Иккинчи жараён онглик асосида кечиш реаллик асосида назорат қилинади. Тасаввурдаги воқелик реал ҳолда тафаккур қилинади.

Л.Д. Столяренко оператив тафаккур жараёни тезлиги ва ижодийлигини оширишга қаратилган баъзи психологик методикаларни келтиради:

1. *Сонларни ўсиш ва пасайиш тартибида санаш:*

- 2 га кўпайиш: 2, 4, 6, 8, ..., 100;
- 2 га камийиш: 100, 98, 96, 94, ..., 2;
- 3 га кўпайиш: 3, 6, 9, 12, ..., 99;
- 3 га камийиш: 99, 96, 93, 90, ..., 3;

1.1

2. Бир вақтда икки сонга ўсиш ва пасайиш тартибида санаш:

- 2 ва 3 га кўпайиш: 2-3, 4-6, 6-9, 8-12, ..., 66-99;
- 2 ва 3 га камийиш: 66-99, 64-96, 62-93, 60-90, ..., 2-3;
- 3 ва 2 га кўпайиш: 3-2, 6-4, 9-6, 12-8, ..., 99-66;
- 3 ва 2 га камийиш: 99-66, 96-64, 93-62, 90-60, ..., 3-2;

Оператив тафаккурни ривожлантиришга қаратилган қуйидаги психогимнастик машқлар келтирилади.

1-машқ. Ҳаракат ўйини

Стуллар доира қилиб жойлаштирилади ва унда ўтирган одамлар ўз жойларини алмаштиради, бу жараёнда ўртада турган жамоа аъзоси бўш стулга ўтира олмаслиги лозим. Ўртада турган ўтирганларга жойларини алмаштириш бўйича буйруқ беради. Масалан “барча ўғил болалар, киз болалар ёки тенгдошлар ўзаро жойларини алмаштирайсиз”. Айни жойларни алмашиш вақтида ўртадаги одам ўзи бўш жойга ўтиришга ҳаракат қилади.

2-машқ. Копток билан ўйин

Жамоа аъзолари бир-бирига бирор сўзни айтиб копток отади. Отилган копток қандай бир жисмни англатади (масалан: мева, енгил ёки оғир буюм). Коптокни илиб олган жамоа аъзоси айни ўша буюмни олгандай ҳолатни юзага келтириши лозим.

Спорт фаолияти кучли ва ёрқин эмоционал кечинмалар билан ажралиб туради. Спортни ҳис-туйғуларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Спорт кучли ҳис-туйғуларга бойлиги, уларнинг эмоционал жозибдорлиги унинг инсонларга ижобий таъсир этишининг муҳим шартидир. Аммо спортдаги эмоционал кечинмалар бошқа ҳис-туйғулар каби астеник ва стеник бўлиши ҳамда инсоннинг хатти-ҳаракатларига ҳам ижобий ҳам салбий таъсир этиши мумкин. Салбий эмоционал таъсирлар спортчининг психик жараёнларига таъсир этади, оператив тафаккур жараёнини сусайтиради. Шунинг учун мусобақа олдидан ижобий эмоционал фонни юзага келтириш

муҳим бўлиб, бу жараёнда қуйидаги психологик методларни келтирамиз:

*Белгиланган эмоционал ҳолатни келтириши усули сифатида эмоционал хотира ва хаёлни актуаллаштириши:* Ушбу усул ўзини бошқаришнинг таркибий қисми сифатида фойдаланилади. Инсон ўз ҳаётида кучли кечинмалар, ҳиссиётлар билан чуқур из қолдирган вазиятларни эсга олади, эмоцияга бой ҳолатлар ҳақида хаёл суради.

*Эмоцияни уйғотишда мусикадан фойдаланиши* спорт машғулотида жараёнида ижобий самара беради. Тадқиқотларда келтирилишича, белгиланган машқни бошлаш ва тугатиш сигнали маълум мусикавий оҳанг ёрдамида амалга оширилиши спортчиларга ижобий таъсир этиб, уларни янада тетиклаштиради. Мусобақа олдидан вазиятга хос хавотирни пасайтиришда сокин мусика тинглаш самарали ҳисобланади.

Келтирилган методикалар тафаккурни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, спортчи фаолиятида, мусобақа ва машғулотлар жараёнида ҳаракат машқларини аниқ, тез ва самарали бажариш имконини беради. Бундан ташқари кўплаб тафаккурни ривожлантириш амалий машқлари мавжуд бўлиб, спорт фаолиятида ижобий қўллаш мумкин.

## МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALAR UCHUN YARATILADIGAN LUG'ATLARING PSIXOLINGVISTIK ASOSLARI

*Bahriddinova B., Qarshi DU dotsenti, f.ф.н.*

*Raxmatova Z., Qarshi DU doktoranti*

Bola shaxsining har tomonlama rivojlanishi, umuman, barkamol avlod tarbiyasida nutqning boy va benuqson bo'lishi muhim ahamiyatga ega. Bolaning nutqi bilan birga uning tafakkuri ham taraqqiy etadi. Bu jarayon o'z vaqtida to'g'ri tashkil etilsa, uning uchun maxsus sharoit va muhit yaratilsa, bolaning har tomonlama yetuk bo'lib o'sishiga zamin hozirlanadi.

Mustaqillikning dastlabki yillaridayoq barkamol avlod tarbiyasi masalasi mamlakat rahbari tomonidan eng dolzarb ijtimoiy-siyosiy masalalari qatori kun tartibiga olib chiqilgan edi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ham o'z faoliyatlarining dastlabki kunlaridayoq davlat ahamiyatiga molik vazifalar qatorida ushbu masalaga diqqatlarini qaratib: "Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz", – deya ta'kidladilar. (1)

Ko'plab fanlarning beshigi hisoblangan qadimgi Yunonistonda mustaqil fikrlash va o'z fikrini erkin ifodalash antik davrlardayoq san'at darajasiga ko'tarilgan edi. Homer dostonlarida keltirilishicha, o'sha davrlarda harbiy mutaxassislik va boshqa shu kabi ijtimoiy-siyosiy zarur sohalar qatori notiqlik san'atining maxsus boshlang'ich, o'rta va oliy ta'lim darajasidagi maktablari mavjud bo'lib, badavlat oilalar o'z farzandlarini bolalik chog'idanoq maxsus notiqlik san'ati maktablariga berib o'qitardi. Yuksak darajadagi nutqiy qobiliyatga egalik har bir fuqaro uchun zaruriy ommaviy ehtiyojga aylangan edi.

Bolaning psixik rivojlanishi – ijtimoiy moslashishi, tafakkurining o'sishida nutq juda muhim rol o'ynaydi. So'zamol, nutqi to'g'ri va ravon bolada yoshligidayoq mustaqil fikrlash, o'rni kelganda o'z fikrini himoya qila olish, mulohaza yuritish qobiliyati shakllansa, nutqida nuqson bo'lgan yoxud so'z zahirasi sayoz bolalarda, aksincha, tortinchoqlik, odamovilik, fikrini erkin bayon qila olmaslik kabi sifatlar rivojlanadi.

Maxsus ilmiy adabiyotlarda bola nutqini rivojlantirishning ikki davri: birinchisi – muloqot uchun tayyorlanish (bir yoshdan uch yoshgacha), ikkinchisi – erkin nutqiy faoliyatga o'tish bosqichlari farqlanadi. (2) 1,5-2 yoshgacha bo'lgan sog'lom bola nutqida 300 ga yaqin so'z ishlatiladi. Ikki yoshdan keyin bolaning tafakkuri bilan birga nutq boyligi ham orta boradi va u uch yoshga to'lganda umumiy lug'at boyligi 1200-1300 so'zni tashkil etadi. Hammasini o'rnida ishlatmasa-da, deyarli barcha so'z turkumlaridan foydalanadi. Faol leksik qatlamga oid neologizmlar (yangi so'zlar), o'zlashma so'zlardan, faqat sodda gaplar emas, qo'shma gaplar, o'zga gapli qurilmalardan ham foydalanadi. Kattalar nutqiga taqlid qiladi: tengdoshlari bilan "oyi", "dada", "opa", "bog'cha opa", "ustoz", "qo'shni" rollariga kirib ular tilida gaplashadi. Eshitganlarini tez eslab qoladi. Tushunarsiz so'zlarga izoh so'raydi. Shu tariqa lug'at zahirasi orta boradi va bola 4 yoshga kirganda turmush tarzi, ijtimoiy muhit darajasiga ko'ra nutqida 2000-3000 gacha so'z mavjud bo'ladi.

Bola, asosan, 5-7 yoshgacha bo'lgan davrida katta tezlikda so'z zahirasini to'ldiradi. 6 yoshida bolaning so'z boyligi taxminan 14 ming atrofida bo'ladi. (3) Bu yoshda u atrof-muhitni sinchkovlik bilan o'rganadi, tevarakka mustaqil nazar tashlaydi, ongida olamning lisoniy manzarasi chiziladi. Lug'atida yangi paydo bo'lgan har bir leksik birlik bola xotirasida assotsiatsiyalar hosil qiladi. Lingvistik yoki

ekstralingvistik omillarga ko'ra qurshovlar hosil qiladi. Uning xotirasida shu so'zga aloqador tushunchalar maydonini tiklashida assotsiativ o'quv lug'atlari muhim rol o'ynaydi, bolaning fiziologik, psixologik, intellektual jihatdan faol yoshida unga munosib ko'makchi bo'la oladi. To'g'ri, bu yoshdagi bolalarning barchasi ham birdek lug'atni mustaqil o'qish imkoniyatiga ega bo'lmaydi, ammo tarbiyachilar, ota-onalar ko'magida rasmlar va izohlar bilan tanishtirilsa, biz ko'zlagan maqsadga to'la erishsa bo'ladi.

Nutq sotsial tajribani o'zlashtirish hamda bolaning xatti-harakatlari, xulq-atvorini boshqarib borishda muhim vosita hisoblanadi. Uzlüksiz ta'limning maktabgacha tarbiya bosqichi kattalar nutqini tushunishni rivojlantirish, bolada tanish va notanish so'zlar, voqea-hodisalar, xatti-harakatlar nomini tushuntirishda muhim davr hisoblanadi. Bunda tarbiyachilar, ota-onalarning mahorati, shuningdek, o'quv vositalari – lug'atlar, rasmlar qo'llanmalar muhim o'rin tutadi. Bolaning tushunish qobiliyati, nutqini o'stirishda kattalarning mahorati muhim o'rin tutadi. Bolani tevarak-atrofdagi narsalar hamda ularni aqli yetadigan ijtimoiy hayot hodisalari bilan o'z vaqtida tanishtirib borish uning tafakkuri, dunyoqarashini o'stirishda muhim rol o'ynaydi.

Bolada nutqiy salohiyatni o'stirish borasida olib borilayotgan ta'limiy va tarbiyaviy ishlarning to'g'ri tashkil qilinayotganligini uning kattalar tomonidan o'qib yoki aytib berilgan jumla, so'zlar ma'nosini anglashi, ularni amalda qo'llay olishi, turli qiyin vaziyatlarda kattalarning ko'magisiz muammolarni hal etishga urinishi, aqliy salohiyatining rivojlanishi, fikrlash qobiliyatining ortishi, o'zini - o'zi nazorat qila olishida ko'rish mumkin. Albatta, bu jarayon kattalar – tarbiyachi va murabbiylardan maxsus ko'nikma va mahoratni, qolaversa, maxsus zaruriy ta'limiy vositalar, qo'llanmalarni talab etadi. Maktabgacha yoshdagi bolalarda nutqiy savodxonlikni oshirishda lug'atlarning o'rni muhimligi jahon tajribasida to'la isbotlangan haqiqat. Lug'atlar ustida ishlash nafaqat chet tilini o'rgatish, balki o'z ona tilidan mukammal foydalana olish qobiliyatini o'stirish, xususan, tinglash, ma'nosini anglash, amalda qo'llash, o'rnida ishlatish, o'xshash so'zlardan farqlash, to'g'ri talaffuz etish kabi kommunikativ (lingvistik, sotsiolingvistik, pragmatik) kompetensiyalarni shakllantirishda ham muhim rol o'ynaydi.

## **ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ ҚИССАЛАРИДА БОЛАЛАР РУҲИЯТИ ТАЛҚИНИ**

*Сайфуллаева Д., Қариш ДУ талабаси,  
Халилова Д., Қариш ДУ доценти*

Болалар адабиёти бугунги кунда ўзининг жанрий ва тематик хусусиятлари жиҳатидан турлитуман, ўзига хос тарзда шаклланиб улгурди. Унга дунёнинг энг таниқли ёзувчилари ўз истеъдодларини ва фаолиятларини бағишлашди. Реалистик тамойилларнинг ривожланиши, руҳиятшуносликнинг чуқурлашиши билан болалар адабиётида кенг қамровли, кўп қиррали болалик образи мустақамланди. Бунда ёзувчилар инсоният ривожланишининг ибтидоларини, ёш инсон характерининг туб-тубига етиб, бола ички дунёсининг мураккабликларига аста-секинлик билан кириб бориб, унинг мутаносибликда ва зиддиятларда, ҳаётнинг ёрқин ҳамда қоронғу, қайғули онларининг курашларида шахс сифатида шаклланишини очиб беришди. Энг яхши ёзувчилар ижодини аниқловчи асосий восита бу болаликка ишонч, улғайиб келаётган инсонга ҳурмат, унда ривожланишнинг бор имкониятларини, сарчашмаларини ҳамда асосий омилларини кўра олиш қобилиятининг борлигидир.

Ўзбек болалар ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг юморга мойиллиги, оддий вазиятлардан ҳам кулги чиқара олиш истеъдоди асарларида ўз ифодасини топган. Айниқса, “Сариқ девни миниб” қиссасида бу тасвир бошқа асарларига нисбатан чуқурроқ сезилади. “Сариқ девни миниб” асарини қизиқарли сюжет асосига қуради. Асарнинг ҳикоячиси-баёнчиси қилиб ундаги барча воқеаларнинг иштирокчиси, гувоҳи бўлмиш Ҳошимжонни кўяди, тилга олинadиган воқеалар унинг тилидан ҳикоя қилинади. Ёзувчи Ҳошимжоннинг ҳикояси орқали унинг ҳаёт йўли саргузаштларини, ўзига хос характерини ва психологиясини атрофлича очиб беради. Ҳошимжон образида икки тоифадаги болалар характерини тасвирланганлиги яққол кўзга ташланади. Асарнинг биринчи қисмида ўқиш, илм чўққиларини эгаллаш учун ва инсоннинг ўз орзуси, эзгу-ниятига эришишида барча имкониятлар яратилган замонимизда яшашига қарамай, дангасалик, ялқовлик қилган, ҳаётда энгил-елпи йўл ахтарган ва адашган болалар - Ҳошимжонлар характерини ҳажвий усулда очиб берилади. Ҳошимжон характеридagi хусусиятларни болаларга хос ўйинқароқлик ҳам, соддалик, беғуборлик ҳам, ғурурлик, тўғри сўзлик, шумлик, бироз мактанчоқлик, ҳатто ўрнида ёлғонни ҳам кўрсатишга интилиш одатлари, шунингдек, хафачилик ва руҳий тушқунликдан йироқлик, болалардаги тақлидчилик, довурак, эпчил ва руҳий тетиклик сингари сифатлар билан синтезлайди.

Асарнинг давоми ҳисобланган “Сариқ девнинг ўлими” фантастик романида Ҳошимжон характери жиддийлашади. Қаҳрамон характерининг жиддийлашуви замирида ҳам унинг саргузаштлари ётади. Китобхон қаҳрамоннинг янги саргузаштларидан хабардор бўлади, ажойиб-ғаройиб кароматлар кўрсатишида сеҳрли қалпоқчанинг мададга келиши, у Ҳошимжонга жиддий масалаларда –ўғри, мўттахам, текинхўрларни фош этишда ёрдам беришини воқеалар ривожидида кузатиб боради.

Қаҳрамон ўз саёҳати давомида учратган фантастик вазиятлар, афсонавий образлар, ёзувчи муболағасининг кучи билан яратилган хилма-хил манзараларнинг барчаси замон воқелигини реалистик тарзда чуқур тасвирлашга хизмат қилади. Ёш китобхон Ҳошимжон образи мисолида учкур хаёлот оламида кезишдан тўхтаб, ҳаётнинг жиддий манзарасига объектив муносабатда бўлишга ўзини руҳан тайёрлайди. Бу асар шунчаки кулги учун ёзилган бўлмай, балки унда давр сиёсати, фани ва маданиятига нисбатан ёзувчининг муносабати ҳам ўзининг ҳаққоний ифодасини топган, -деб хулоса қилиш мумкин.

## ТИЛНИ ЎРГАНИШДА ГРАМАТИКАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

*Туропова Л., Қарши ДУ катта ўқитувчи*

Тилни тушунмоқ ва ўз фикрини тўғри баён қилмоқ учун киши ўрганилаётган тил грамматика механизмини ўзлаштирмоғи зарур. Дарҳақиқат, киши гапдаги сўзлар ўртасидаги боғлиқларни сезмаса, унинг мазмунини тушуниб етмаслиги мумкин. Аксинча бирон гапда битта, иккита ва ундан ҳам кўпроқ нотаниш сўз ишлатилган бўлса ҳам, киши тил структурасини яхши эгаллаган бўлса у шу сўзларнинг маъносини фақмлаб билиб олиши ёки ҳеч бўлмаганда бу сўзларни луғатдан топиб гапнинг мазмунини тушуниб олиши мумкин.

Масалан. Ўзбек ва рус ўқувчилари ушбу гапдаги ҳамма сўзлар таниш бўлса ҳам, грамматикани яхши ўзлаштирмаган бўлса, унинг мазмунини тушунишда анча қийин булиши мумкин: He saw her book a ticket. Бунинг сабаби шундан иборатки, бу гапда ўзбек ёки рус ўқувчилари учун тушуниб олиниши қийин бўлган грамматик ходиса қулланган. Агар ўқувчи инглиз тилидаги қўшма тўлдирувчи моделини (Complex object) ўрганган бўлса у бу гапдаги **book** сўзи от эмаслигини, балки **her book** қўшма тўлдирувчи эканлигини ва шунинг учун **book** феълнинг инфинитив шакли эканлигини билиб олади, уни деб “у билет буюрганини курди” тушунади. Ўқиганда ёки ўзга шахс нутқини тинглаганда “**Грамматика**” атамасини учратган киши уни турли маъноларда тушуниши мумкин. Бунинг сабаби бор, ўрта мактаб она тили курсида “**Грамматика**” деганда тилшуносликнинг бир соҳаси, бўлими тушунилади. Чет тили ўқиганда эса унга нутқнинг грамматик томони, деб қаралади ўқитиш мақсадига татбиқ этиб “**грамматика**” сўзини икки тушунча билан чегаралаш мумкин: 1) нутқнинг грамматик томони – тилнинг гапириш тинглаш ўқиш ва ёзувда учрайдиган грамматик ходисалари; 2) тил ходисаларини таърифловчи мавҳумотлар;

Нутқнинг “грамматик механизми” эгаллаш грамматик куникма ҳосил қилиши ва бошқа атамалар методик адабиётлар саҳифаларида тез –тез учраб туради. “Механизм” атамаси фанда ходисаларнинг ҳаракатдалигини ифодалаш учун қўлланилади.

Грамматик механизми эгаллаш, жараёнини В.С.Цетлин уч қисмга бўлади: 1) грамматик ҳаракатни (амални) эгаллаш; 2) тайёр материални ўрганиш; 3) грамматик умумлашмани ўзлаштириш.

Нутқнинг грамматик механизмида грамматик ҳаракатлар етакчи ўрин эгаллайди. Нутқнинг грамматик жиҳатан автоматлашган кўникмаларини ҳосил қилиш грамматик ҳаракатни эгаллаш дейилади. Грамматик тайёр материални ўраниш деганда, грамматик шаклларни эслаб қолиш тушунилади.

Таъриф қоида, тушунчани эса сақлаш ва қўллаш умумлашмани ўзлаштириш демакдир. Грамматикага оид билимларси, грамматика меҳанигини шакллантирмасдан туриб, чет тилидаги гапириш куникмаси ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Агар ўқувчи шундай механизми ўзлаштирган бўлса, у чет тилида грамматик жиҳатдан тўғри тузилган гапларни ҳосил қила олиши ёки тинглаб тушуна олиши мумкин.

Ўрганилаётган тилда нутқни тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш учун грамматикани ўргатиш даркор. Грамматика нутқ фаолиятлари турлари учун материал бўлиши лозим. Грамматикани ўргатиш учун 4 та нутқ фаолиятлари турларида ўргатишга йуналтирилган бўлиши керак. Шу сабабдан грамматикани ўргатаётган ўқитувчи уни нутқ фаолиятида қуллашга ўргатиши керак, талаба ва ўқувчилар эса амалда туғри қуллаш керак.

Грамматикани ўргатишда олдин грамматик материал- минимум танланади. Инглиз тили грамматикаси лексика каби таълим мақсади ва таълим воситаси сифатида ўргатилади. Тилнинг грамматик қурилиши унинг сўз бойлиги билан бирга тил материални ташкил қилади.

Ҳар қандай тилни амалий жихатдан эгаллаш унинг грамматик қурилишини у ёки бу даражада мукамал билишни тақозо қилади. Грамматикани тилнинг грамматик қурилиши ҳақидаги фан сифатида оладиган бўлсак, у ўрта мактабда ўқитиш предмети ҳисобланмайди.

Грамматика олий ўқув юртларида ўқув предмети сифатида ўқитилади.

Чет тили грамматикасини ўқитишдан асосий мақсад-нутқ фаолияти хар хил турларининг тўғри шаклланишини таъминлайдиган нутқ грамматик малакаларини ҳосил қилишдан иборатдир.

Бу ерда суз биринчидан, морфологик –грамматик малакаларни, яъни отларнинг келишиқ кўшимчаларини, феълларнинг кўшимчаларини тўғри ишлатиш малакаларини шакллантириш ҳақида кетмоқда.

Иккинчидан, аналитик тилларда (инглиз тили шундай тиллар гуруҳига мансуб) нутқий синтактик малакаларини, яъни турли тилдаги гапларни структура жихатдан тўғри туза олиш малакаларини ва содда ҳамда қушма гапларда сўз тартибини қуллаш малакаларини шакллантириш зарур.

Методикада (грамматика) термини икки маънога эга: бир томондан грамматика тилнинг грамматик қурилишини билдирса, иккинчи томондан у грамматик қурилишнатадқиқ қиладиган фан маъносини англатад. Чет тиллар ўқитиш методикасида бу икки тушунчани фарқлаш қуйида тўхтаб ўтиладиган сабабларга кўра жуда муҳим аҳамият касб қилади. Тилнинг грамматик қурилиши унингсўз бойлиги билан бирга тил материални ташкил қилади.

Ҳар қандай тилни амалий жихатдан эгаллашунинг грамматик қурилишини у ёки бу даражада мукамал билишни тақозо қилади. Методиканинг вазифаси-ўқувчилар томонидан грамматика ҳодиса ларини эгаллашнинг маҳсулдор йул ва усулларини излаб топишдан иборатдир. Грамматикани ушбу тилнинг грамматик қурилиши ҳақидаги фан сифатида оладиган бўлсак, у ўрта мактабда ўқитиш предмети ҳисобланмайди. Грамматика олий ўқув юртларида чет тиллари факультетларида ўқув предмети сифатида ўқитилади.

### Адабиётлар

1. Инглиз тили грамматикаси Мухаммад.Г.- 2005
2. Цетлин В С Основы методики обучения грамматике английского языка в средней школе. М., 1972

## БОЛА ТАРБИЯСИДА ОИЛАНING ЎРНИ

*Хўжасярова Н., Қарши ДУ ўқитувчиси*

Оила жамиятнинг бошланғич ижтимоий бўғин сифатида мураккаб таркибга эга бўлиб, у ўз фаолиятида оила аъзоларининг эҳтиёжи ва қобилияти, турли фаолиятнинг мақсад ва вазифа ларинигина эмас, балки тарбиявий фаолиятни ҳам акс эттиради. Шахснинг кадр-қиммати унинг жамиятда тутган ўрни билан белгиланиб, кўп жихатдан унинг тарбиясига боғлиқ бўлади.

Унинг мураккаб ва кўпқиррали фаолиятининг ҳаётийлиги икки томонламадир.

- **биринчидан**, жамиятнинг кичик бир қисми ижтимоий ўзгаришларни ўта сезгирлик билан илғаб оладиган, ўзида акс эттирадиган белгидир. Шунга асосланиб оилавий тарбияни ижтимоий тарбиянинг асосий қисмларидан бири деб ҳисоблаш лозим.

- **иккинчидан**, оиланинг мураккаб ва кўпқиррали фаолияти унинг вазифалари ва тузили шига, ижтимоий турмуш тарзига, оила аъзоларининг ижтимоий фаолиятларига, уларнинг барча кизиқишлари, эҳтиёжлари ва муносабатларига боғлиқлигини назардан қочирмаслик керак.

Оилавий тарбия методологиси ва методикаси учун энг муҳими унинг алоқадор томонлари ни, яъни тарбиявий вазифаларни бир маромга солиш, оиланинг ўзига хос хусусиятларини ва мавжуд имкониятларини аниқлаш катта аҳамият касб этади.

Оилавий тарбиянинг ўзига хослиги шундаки, у болаларги ота-оналарнинг ота-оналик, қон-қариндошлиқ хислатларини узатиб, шахснинг умумий ва ҳиссий ривожланишинигина таъминлаб қолмай, балки шахснинг мавжуд имкониятларини ва ахлоқий камолотини ҳам ўстиради. Шу сабабли оилавий тарбия доимо мавжудлиги, кўрсатмалилиги ва сержилолиги билан ажралиб туради.

Оилада фарзанд тарбиясига жиддий ёндошиш лозим. Улуғ аллома Ибн Сино оиладаги тарбия борасига шундай дейди: Бола ҳулқини мутадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак, бунга

болани қаттиқ ғазабланиш, кўрқиш, ҳафалик ва уйқусизликдан сақлаш орқали эришилади. Оиланинг ҳаёт тарзи, ундаги бола тарбиясига ижобий таъсир этадиган тарбиявий муҳит унинг камолотида муҳим аҳамият касб этади. Мотсарт уч ёшида биринчи концертини берганда, кўп кишилар “У туғма даҳо” дейишганди. Аммо Мотсарт ёшлигининг таҳлили шуни кўрсатадики, унинг отаси ўғлига нисбатан жуда эътиборли бўлиб, унинг келажакда кўзга кўринарли мусикачи бўлибетишини жуда истаган. Гарчи Мотсартнинг мусикали қобилияти барвақт намоён бўлган бўлса ҳам, у туғма даҳо бўлмаганлиги ҳақиқатга яқинроқ унинг қобилияти ёшлигидан зарур муҳит яратилганлиги ва аъло таълим-тарбия таъсирида ривожланди. Аксинча, боланинг табиий қобилиятлари ривожлантиришга кўмак бермайдиган яшаши унинг муваффақиятига эришиш имкониятини камайтиради.

Боладаги қизиқувчанликни уч йўл билан тўхтатиб қўймаслик лозим:

**1.Кўрқув** (оиладаги носоғлом муҳит,уришиш,)

**2. Маъқулламаслик** (ишочсизлик, қилма,тегма, таъқиқлаш)

**3.Иштирок этмаслик** (этиборсизлик,вақт ажратмаслик, биргаликда шуғулланмаслик)

Шу сабабли оиланинг аниқ бир мақоми, асоси бўлиши керак ва у кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши, ёшларда ахлоқий фазилатларни, жисмоний камолотни, ақлий зийракликни шакллантириши зарур.

Унда асосий вазифани халқ, одобга доир тадбирларни болага тўғри ўргатиш, маслаҳат бериш, катталар тажрибасигина эмас, балки оиланинг яшаш тарзи, муҳити, ота-оналарнинг касб-хунари, оила аъзоларининг маънавий-руҳий муносабатлари ўйнайди. Оила ва оилавий тарбия муаммо лари билан шуғулланувчи олимларнинг тадқиқотларида асосий эътибор оила бўйича амалдаги бўлинишга ва болалар тарбиясида ота-оналарнинг фаол даражасига қаратилади. Зеро, бола тарбияси-мураккаб жараён. Тарбиянинг асосий ўчоғи эса оиладир. Тарбия фақат ота-онанинг шахсий ишигина бўлиб қолмай, балки уларнинг ижтимоий бурчи ҳамдир.

## ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГНИ ОШИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

*Бекназарова Л.С., Қарши ДУ доценти  
Эркинов М. Қарши ДУ 1-курс магистранти*

Шахсни ривожлантириш, шакллантириш, таркиб топтириш, камолотга етказиш мавжуд қарама-қаршиликларни, зиддиятли вазиятларни енгиш, иродавий зўр бериш, зўриқиш, танглик, жиддийлик ҳолатларини бошқариш, ўзини қўлга олиш орқали ушбу фаолиятни амалга оширишнинг оқилона, омилкор воситалари яъни, кўникмалари, укувлари, малакалари, одатлари, саъи-ҳаракатларини ўзлаштириш, билим эгаллаш натижасида вужудга келади. Бу эса ўз навбатида кишининг ёшлик давридан бошлаб атроф-муҳитга, жамият тараққиётида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабатларида акс этиб боради. Айнан, талаба ёшларимизни сиёсий-ижтимоий қарашларини шакллантириб бориш орқали уларнинг давлат ва жамият тизими ҳақидаги ижобий тушунчаларини шакллантириб бориш долзарб масалалардан биридир.

Ижтимоий-сиёсий билимлар ортиб борган сари жамиятда шахслараро муносабатлар юқори кўринишга эга бўлиб боради. Демократик тамойилларга асосланган жамиятда шахсни ҳар томонлама камол эришиш учун имкониятлар яратиб берилишини давлатимиз раҳбариятини одилона сиёсатида кўриш мумкин.

Ижтимоий-сиёсий қарашлар ривожланишига кенг йўл очиб берилган мамлакатни дунё ҳамжамияти тезда тан олишини мамлакатимиз мисолида кўриш мумкин. Ёшларни ижтимоий-сиёсий қарашларига таъсир этувчи омиллар ичида энг асосийси бевосита ёшлар камол топаётган ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлардир. Бунга асосий сабаб жамиятдаги ҳар бир ўзгариш, авваломбор, ёшларнинг сиёсий фаоллигига таъсир этиши сиёсий фанларни ўқитишда ўз исботини топган. Ижтимоий-психологик билимлар ўз навбатида сиёсий қарашларга ҳамда сиёсий фаолиятни йўналганлигига ва фаоллигига таъсир этади. Тажрибалар натижаси шуни кўрсатадики, сиёсий шаклланишига асосий туртки ролини ўйновчи билим бу ижтимоий-гуманитар фанлар бўлиб, унда ёшлар ижтимоий жамиятни босиб ўтган йўлини англаш билан бир қаторда инсоният томонидан чиқарилган хулосалар билан ҳам бевосита ва билвосита танишиб борадилар.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сиёсий қарашларнинг асосий омили билимлар ҳисобланиб, унда ёшларнинг ижтимоий жамият тузилиши, ривожланиши ҳақидаги маълумотлар билан танишиш билан бир қаторда ўзлари фаолият кўрсатаётган ижтимоий тизимни

киёслаш, таққослаш имкониятига эга бўладилар. Билимлар ёшларни ҳар томонлама етук шахс бўлиб етишларига хизмат қилишлари табиий ҳол, сиёсий билимлар эса, ўз навбатида жамиятдаги ўз ўрнини англаб етишига хизмат қилиши билан бирга сиёсий фаоллигини ҳам таъминлаб бериши сиёсий психологияда ўз исботини топиб таҳлил қилинган.

Ёшларда ижтимоий-сиёсий қарашларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларидан бири тақлидчанлик ҳисобланади. Тақлид қилиш орқали турлича қарашлар, яъни яшаш шарт-шароитлари, меҳнат қилиш, янгиликлар яратиш, машҳурлик, маънавий-маданий ҳордиқ чиқариш каби бир қанча фаолият турларига нисбатан муносабатга киришади

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларига таъсир этадиган омиллардан яна бири бу уларни қуршаб турган ижтимоий муҳит бўлиб, унинг таъсирида ёшлар ўзларини сиёсий билимларини ҳамда сиёсий қарашларни мустаҳкамлаб борадилар. Ижтимоий муҳит деганда, авваломбор, оила, маҳалла, мактаб ҳамда ёшларни қуршаб турган дўстлари гуруҳи тушунилади. Ижтимоий-сиёсий қарашларни юзага келишида энг катта таъсир кучига эга бўлган ижтимоий муҳит бу оиладир. Оилада бола шахс бўлиб ўзини танир экан, ижтимоий-сиёсий қарашларнинг дастлабки асослари ҳам оилада юзага келади. Ёшларни оиладаги психологик муҳитни ўзида акс эттириши нуқтаи назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, оила раҳбарларини ижтимоий-сиёсий қарашлари болада акс этмай қолмайди. Ҳар бир оила маҳаллани бир бўлаги ҳисобланиб ёшларнинг кўпгина бўш вақтлари маҳалладаги тенгқурлари билан ўтади. Шунинг унутмаслик зарурки, маҳалладаги ёшларни ўзаро бирга ўйин фаолияти аста-секин билим олиши фаолиятига айланади. Яъни бирга битта мактабда ўқиш жараёнини амалга оширадилар. Ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштиришлари билан бир қаторда ёшлар дунёқараши ҳам шаклланиб боради. Чунки ёшлар табиий фанлар билан бирга ижтимоий фанларни ҳам айнан мактабда ўзлаштириб сиёсий билимларини бойитиб борадилар. Ўрта мактабда ўқувчилар учун доимо тақлид этадиган ўқитувчи устозлар мавжуд бўлади. Ёшлар кўпгина ҳолларда ўзлари тушунмаган сиёсий жараёнлар ҳақида ўзларига яқин устозларидан сўрайдилар. Ана шундай ҳолатларда олган тўлиқ, аниқ жавоблар ёшларни сиёсий қарашларини янада бойитишга ва сиёсий фаолликларини самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Мактаб даврини юқори босқичлари ва коллежда ўқиш даврида кўпчилик ўқувчи ёшларни сиёсий фаоллиги кўзга ташлана бошлайди, яъни мактаб – коллежда ўқувчи ўқув жараёнидан ташқари турли жамоатчилик вазифаларини бажара бориб ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси ўртасида маълум бир эътиборга эга бўлиб боради.

Ёшлар сиёсий қарашларини шаклланишига жамиятда тутган ўз ўрнини англаб етиши ҳам таъсир этувчи омил ҳисобланади. Гуруҳда ўз ўрнига ва мавқеига эга бўлган гуруҳдошларига қараганда фаол ва билимларини баён қилиш имконига эга бўлади. Ўқув юртларида уюштирилган тантаналарда, турли хил учрашувлар ва кечаларда фаол иштирок этиб ўз фикр-мулоҳазалари билан таъсир этадиган талабаларнинг кўпгина ҳолларда сиёсий билимлари ҳам сиёсий фаолликлари ҳам тенгқурлариникидан тубдан фарқ қилиб туради.

Ёшларни сиёсий қарашларини фаоллигини оширишда таъсир этиб сиёсий билимларини намоён қиладиган омил бу ёшларнинг ўзига хос бўлган индивидуал психологик хусусиятларидир. Булар қаторига характер, темперамент, қобилият, ирода, эътиқод, истеъдод ва ҳақозоларни киритиш мумкин. Ёшлар маълум бир босқични босиб ўтиш жараёнида ўзининг турли хусусиятларини намоён қиладилар. Сиёсий қарашларини намоён этаётган даврида ёшлар ўзларининг характер хусусиятларини намоён этиши табиийдир. Характер ўз навбатида атроф муҳитдаги ҳодисаларга нисбатан намоён қиладиган хусусияти экан, сиёсий жараёнларга бефарқ бўла олмайди. Сиёсий қарашларнинг шаклланиши жараёнида характерни ўзига хос ўрни бўлиб, унинг асосида ёшлар ўз хатти-ҳаракатларини назорат қиладилар.

Ёшларнинг сиёсий қарашларига ҳамда сиёсий фаоллиги бевосита темпераментга боғлиқ бўлиб, унинг ҳар бир типи ўзининг сиёсий қарашларида кўзга ташланади ва ёшларнинг билим олиш жараёнидан ташқари амалга оширадиган турли хил тантаналарда намоён бўлиб ўзига таъсир кучига эга бўлади.

Юқоридагилардан ташқари ёшларнинг сиёсий қарашларига бошқа индивидуал хусусиятлари билан бирга психик жараёнлари ҳамда психик ҳолатларини бошқара олиши ҳам таъсир этади. Яъни, идрок қила олиши, сезгирлиги, фикрлаши, воқеа ҳодисаларни чуқур ҳис этиши, кайфияти, ўзини тутиб тура олиши кабилар.

## ЗАМОНАВИЙ РАҲБАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТАДИГАН ОМИЛЛАР

*Юлдошев Б., САМДУ*

Жамиятдаги шарт-шароитлар, кишилар эҳтиёжлари, тараққиёт талаблари шиддат билан ўзгариб бораётгани боис юзага келаётган муаммолар характери ҳам ўзгача тус олмақда. Буни “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидан” ҳам кўришимиз мумкин. Бу муаммоларнинг бартараф этилиши нафақат барча ижтимоий-иқтисодий ресурсларнинг сафарбар қилинишига, балки жамиятни, корхона ёхуд ташкилотни бошқариш стили, бугунги раҳбарлар маънавий қиёфаси, фаолияти характерининг ўзгартирилишига ҳам боғлиқ. Шунинг назарда тутган ҳолда мамлакатимиз раҳбари: “Ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи одамларнинг бардошини синаш учун эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиш бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб тайинланади. Барча бўғиндаги раҳбарлар ўзининг одоб-ахлоқи ва маданияти билан ҳаммага ўрнак ва намуна бўлиши зарур”, -деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти белгилаб берган вазифани бажариш, яъни замонавий раҳбарни шакллантириш учун энг аввало унинг қарор топиши жараёнига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқламоқ, бу омилларнинг мазмун-моҳиятини ифодалаб бермоқ даркор.

Замонавий раҳбарнинг шаклланиши ўзига хос, мураккаб жараён дур. Бу жараён турли омиллар таъсирида содир бўлади. Албатта, бу омиллар ўзининг турли-туманлиги билан ажралиб туради. Бирок, шунга қарамасдан, бу омилларни характерига қараб таснифлаш мумкин. Афтидан, бугунги раҳбарнинг шаклланишига салмоқли таъсир кўрсатадиган омиллар туркумига қуйидагилар киради:

1. *Ижтимоий-иқтисодий омиллар.* Барча соҳаларда кузатилганидек, раҳбар кадрларнинг ҳам шаклланишига асос бўладиган ижтимоий-иқтисодий омиллар мавжуд. Бундай омилларга раҳбар кадрларни тайёрлашга ва малакасини оширишга хизмат қиладиган ижтимоий ва иқтисодий имкониятлар киритилади. Маълумки, ҳар бир давлат ва жамоат ташкилотларида ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун маблағлар ажратилади. Мақсадли ажратилган бу маблағлар бюджет ҳисобидан ва корхоналарнинг даромадлари ҳисобидан шакллантирилади. Бундан ташқари, хо-димлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун банклар имтиёзли кредитлар тизимини йўлга қўйган. Шунингдек, ходимлар ўз ташаббуслар билан хусусий тартибда маблағлари ёки хомийлик манбалари асосида раҳбар кадрларни тайёрлаш мақсадида ташкил этилган ўқув курсларида ўқишлари мумкин. Раҳбар шахслар малакаси ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ҳар бир чора-тадбир давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий ва молиявий жиҳатдан рағбатлантиради. Бу ижтимоий-иқтисодий асослар раҳбар шахс маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Раҳбар кадрларнинг шаклланишига жиддий таъсир ўтказишга кодир бўлган ижтимоий-иқтисодий омилларга эътиборсизлик қилиш мумкин эмас. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти шунинг назарда тутган ҳолда: “Кадрлардан самара олиш учун уларни тайёрлашга маблағ сарфлаш лозим... Бу соҳада ҳасислик ярамайди”, - деб уқдирган эди. Бинобарин, мазкур мақсадларга хизмат қиладиган маблағлар салмоғини ошириб бориш чораларини кўриш, уларнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилиб бориш муҳим ижтимоий аҳамиятга молик вазифалар қўламига киради.

2. *Ҳуқуқий омиллар.* Ҳуқуқий омиллар деганда раҳбар кадрларни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий шарт-шароитларнинг мавжудлиги назарда тутилади. Раҳбар шахслар маънавиятини шакллантиришда мазкур омилларнинг ўрни бекиёсдир. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда чорак аср мобайнида раҳбар кадрларни тайёрлашга хизмат қиладиган зарурий ҳуқуқий база яратилди. Бу база энг аввало халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда яратилганини алоҳида қайд этиш лозим. Бугунги кунда раҳбар кадрларни тайёрлашнинг ҳуқуқий омиллари қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олади:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунлар;
- Ўзбекистон Республикаси Қонунлари мажмуи;
- тегишли қонуности ҳужжатлари.

Бу ҳуқуқий ҳужжатларда раҳбар шахсларнинг ҳуқуқлари, бурчлари, мажбуриятлари ва ваколатлари белгилаб қўйилган. Улар раҳбар шахс маънавиятини шакллантиришда, унинг фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишларини белгилашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Зотан, раҳбар шахс маънавиятида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши муҳим ўрин тутди. Раҳбар, энг аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган

шахс бўлмоғи даркор. Ана шундай шахсгина нафақат ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаб этади, балки ўзгаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳам ҳимоя қила олади, раҳбарлик лавозимига тайинланганида ўз фаолиятини ҳуқуқий нормалар ва белгиланган қонуний меъёрлар асосида ташкил этади.

3. *Маънавий-маърифий омиллар.* Бундай омиллар туркумига раҳбар шахснинг маънавий қиёфасини шакллантиришда асос бўладиган манбалар киритилади. Замонавий раҳбарнинг маънавий қиёфасини шакллантирувчи омиллар қуйидагилардан иборат бўлмоғи зарур:

- ўтмиш маънавий мероси; ўзбек халқи минглаб йиллар мобайнида яратилган жуда бой маънавий меросга эга бўлган халқ. Айниқса, бу борада Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Абулхолик Ғиждувоний, Абу Мансур Мотуридий, Нажмиддин Кубро, Азизиддин Насафий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Тавалло ва Абдулла Қодирий кабиларнинг асарлари айниқса муҳим ўрин тутди. Ушбу асарлар барча фуқаролар каби раҳбар кадрларнинг маънавий қиёфасининг шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади;

- миллий истиқлол ғояси; раҳбар томонидан миллий истиқлол ғоясининг ўзлаштирилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки миллат орзу-умидлари ва келажакдан кутганларини ўзлаштирамасдан туриб, замонавий, миллат манфаатларига хизмат қиладиган раҳбар бўлиш ниҳоятда мушкул;

- илмий-назарий манбалар; давлат ва жамиятни, корхона ва ташкилотни самарали бошқариш учун бошқарув мақсади ва вазифалари, объекти ва предметини пухта билмоқ керак. Бошқарувнинг бу хусусиятларини эса фақат илмий-назарий манбалар ёрдамида ўзлаштириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятимиз олдида турган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш кўп жиҳатдан замонавий раҳбарларни шакллантириш масаласига бориб тақалади. Бундай раҳбарларни тайёрлаш учун эса ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий омиллардан унумли фойдаланиш зарур бўлади.

## **БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Мақсадова М.С., Қарши ДУ пс.ф.н. доц.в/б.  
Худоеврова М.Х., Қарши тумани 47-мактаб ўқитувчиси*

Ҳар томонлама билимдон, софдил халқ орзу-умиди, ғам ташвиши билан яшайдиган, Ватан равнақи учун ўз ҳиссасини қўшмасдан, баркамол шахс тарбияламасдан туриб жамиятни ривожлантириб бўлмайди. Инсон ҳаётидан баҳраманд бўлиб яшаши учун ўзининг севган касбидан қониқиши керак. Чунки инсон умрининг аксарияти вақтини иш жойида ўтказишини ва танлаган касби билан машғул бўлиши таъкидлаб ўтилган. Агар инсон бирор касбни мукамал эгалласа, меҳнат унга ҳузур бағишлайди, бахт келтиради. Шунинг учун талабаларнинг касбий шаклланиш жараёни олийгоҳда таълим олиш жараёнидан бошланиб, уларнинг қизиқишлари, лаёқати ва қобилияти танлаган йўналишига мос келиши керак. Республикамиз тараққиётга эришишини кўп жиҳатдан кадрлар масаласининг қандай ҳал қилинганлиги белгилаб берилади. Шу боис олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларни касбий йўналтириш, уларни ўз касбини севувчи етук мутахассис сифатида тарбиялаш ҳозирги вақтда олий таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Педагог ва психолог олимларнинг таъкидлашича, замонавий мактаб ўқитувчисининг энг муҳим хислатлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

1. Ўқитувчининг шахсий хислатлари: ўз ватанига, халқига содиқлик, болаларни севиш; амалий– психологик саводхонлик; меҳнатсеварлик ва ижодкорлик; жамоат ишларида фаоллик; меҳрибонлик, дилкашлик, одамийлик; камтарлик, самимийлик; қатъийлик, дадиллик ва мустаҳкам характерга эга бўлиш; ўз билими ва маҳоратини изчил оширишга интилиш.

2. Ўқитувчининг касбига хос билими: таълим ва тарбия жараёни моҳиятини чуқур англаш, унинг мақсад ва вазифаларини тушуниш; умумий психология, педагогик психология ва тараққиёт психологияси, этнопсихология асосларини эгаллаш; ҳозирги замон педагогикасининг назарий ва амалий асосларини билиш; ўз фанини ўқитиш методикасини билиш; мактаб ёшидаги болаларнинг билиш жараёнлари ва психологик хусусиятларини тушуниш, уларнинг шахсига таъсир этишининг самарали усулларини билиш; ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмун – моҳиятини билиш.

3. Ўқитувчининг касбига хос хислатлари: миллий ғоя ва миллий мафқурани тушуниш ва унга содиқлик; замонавий ўқув – тарбия асосини ташкил этган умуминсоний ва миллий бойликлар, анъаналар, кадриятлар ва урф – одатларнинг аҳамиятини тушуниш; ўқитувчи фаолиятининг сифат ва самарадорлигини таъминловчи педагогик қобилиятлар: педагогик қузатувчанлик; ўз диққат – эътиборини тақсимлай олиш, педагогик фантазиянинг ривожланганлиги, ўзига танқидий муносабати, ўзини тута билиши, педагогик тактнинг мавжудлиги ва нутқнинг эмоционал ифодаланиши каби компонентларнинг ўзаро уйғун намоён бўлиши.

Юқорида кўрсатиб ўтилган хислатлардан ташқари, ҳозирги замон ўқитувчиси яна, мақсад сари интилиш, уддабуронлик, меҳнатсеварлик, камтарлик, фидоийлик каби қатор ижобий хислатларга ҳам эга бўлиши лозим. Шу билан бирга, бошланғич синф ўқитувчиси доимий равишда ўз малака ва маҳоратини ошириб, ўз фаолияти муваффақиятини юқори даражада таъминлашга ёрдам берадиган шахсий ва касбий хислатларни ўзида тарбиялаб бориши зарурдир.

Айни пайтда ўқитувчи шахснинг касбий шаклланишида қобилият ёки интеллектуал имкониятлар билан бир қаторда шахснинг йўналганлиги, кадриятга йўналганлик ва албатта касбга қизиқиш, мойилликлар муҳим аҳамият касб этади. Санаб ўтилган барча хусусиятлар касбий шаклланишнинг мантиқий асосини ташкил этиш билан бирга, унинг йўналишини ҳам белгилайди. Шу сабабли мазкур хусусиятлар касбий йўналганликнинг таркибий асосини ташкил этади ва психология фанида шахс тузилмалари сифатида етарли даражада кенг ўрганилганлиги билан тавсифланади. Шу билан бир қаторда касбий шаклланиш жараёни нафақат касбий йўналганлик хислатларига, балки шахснинг онгли равишда касб танлашга тайёрлиги, тўғри касб танлаганлиги ва касбий тайёргарлик жараёнига таъсир этувчи қатор омилларга ҳам бевосита боғлиқдир.

## IV ШУЪБА

### ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ: МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

#### ОИЛА ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР

*Шамсиев Ў.Б., ЎзМУ доценти*

Оила цивилизациянинг бир қисми эканлиги ҳаммага маълум ҳақиқат. Оиланинг қандай қурилиши одатда миллатнинг маданиятидан дарак беради. Оила ҳар қандай даврда ҳам ўзининг энг аҳамиятлилигини йўқотмайди ва айнан оиланинг мавжудлиги бизнинг доимий саволларимизга жавоб топиш учун асос бўлади. Биз оила муҳитидан кенгироқ ижтимоий муҳитга чиқа бошлаймиз, хусусан, ғарбдан шарққа, ёки шимолдан жанубга борамиз, ҳар хил хизмат сафарлари ва бошқа сабаблар туфайли оила муҳитидан чиқишга мажбур бўламиз, вақти келиб эса яна оила бағрига қайтамиз. Бу даврда биз кўп вақтимизни оиламиз билан алоқада бўлишга, яъни хат ёзиш, турли воситалар орқали хабарлар юбориш, телефонда гаплашиб қариндошларимиз ҳақида янгиликларни эшитишга сарфлаймиз; шунингдек, зўриқиш ва стресс вақтлари кўпчилик инсонлар бегоналардан шубҳаланиб, асосан оиласига янада яқинроқ бўлар, уларга ишончи ортар экан.

Бир қарашда оила ҳаммага маълум жамиятнинг маълум бир бўлаги сифатида намоён бўлади, бироқ оилавий жараёнлар алоҳида ўрганишга эҳтиёж сезади. Психоаналитиклар индивиднинг психологик ривожланишини ўрганиб, унинг яқка она билан мулоқотда бўлишдан тортиб то мустақил шахс сифатида камол топгунига қадар ота-онаси билан чамбарчас боғлиқликда узоқ йўлни босиб ўтишини таъкидлашади. Оила ўзининг тараққий этиш хусусиятига эга ва унда камол топаётган бола оилада содир бўлаётган барча пасту-баландликлар ва қийинчиликларни у билан бирга бошидан кечиради, унинг учун қайғуради. Оила болани ташқи оламдан ҳимоялайди, лекин ташқи дунё секин-асталик билан унга сингиб боради. Хола, тоға, аммалар, ўртоқлари ва ниҳоят – мактаб. Мулоқотнинг бу тарзда кенгайиб бориши боланинг ташқи оламга мослашишига ёрдам беради.

Оила инсон ҳақ-ҳуқуқларининг ибтидосидир. Чунки бола кўз очиб кўрган илк дунё оилада ота-она ва ака-укалар, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар муносабати мавжуд бўлиб, бола уларни кузатиш ва ўрганиш, давомида кимнинг қандай мавқеига эгаллигини кўради, ўзи ҳам шу муносабатлар бағрига сингиб кетади, унинг иштирокчисига айланади. Ўзбек оилаларининг қон-қонига сингиб кетган одоб-ахлоқ, ор-номус, уят-андиша, меҳмоннавозлик қонуниятларини ўзлаштиради. Оиланинг миллий қиёфвсини белгилайдиган бу каби хусусиятлар бошқа халқ ва мамлакатларда бўлмаслиги ёки ўзига хос бўлиши ҳам мумкин.

Хусусан, Японияда миллий урф-одат ва кадриятлар, меҳнат кўникмаларини оила тарбиясидан бошлаб ёшлар онгига сингдириб боришнинг мукамал тизими ишлаб чиқилган. Шу боис кунчиқар мамлакатда кўплаб оилавий дўкон, бадий устахона, кичик ресторан ҳамда минглаб оилавий корхоналар фаолият юритади. Чунки оилавий бизнесга унинг барча аъзолари ёшлигиданоқ жалб этилади ҳамда бу борадаги анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб боради. Шу сабабли япон оилалари асосан ўз меҳнати эвазига топган пулига ўқийди, уйланади, оилавий турмушда ота-онасига оғирлиги тушмаслигига интилади. Бинобарин, жаҳондаги тараққиётпарвар мамлакатларда оила ва аёл масаласига оид муаммолар бўйича тўпланган тажрибалар, шунингдек миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдиришда, азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси бўлган ҳамда маънавиятимизнинг узвий бир қисми бўлиб келган. Комил инсон ғоясини рўёбга чиқаришда замонавий оила ва маҳалланинг тутган ўрни ҳамда кадр-қиммати беқиёсдир.

Шу ўринда XXI аср илм-фанининг диққат марказида бўлган онанинг руҳий ҳолати туғилажак болага унинг ҳаёт фаолиятига таъсир этиши масаласини ўзбек халқининг биргина “АЛП – ОНАДАН” деган нақли билан изоҳлаш мумкин. Бу ҳам бизнинг юқоридаги фикримизни исботлайдики, йигитлик фазилатларида ҳам алп-онанинг бевосита таъсири бўлади. Зеро, асрлар давомида шаклланиб, кадрланиб келаётган урф-одатларимиз, анъаналаримиз, кадриятларимиз, халқимизнинг кўп йиллик кузатишлари асосида шаклланиб келган бу нақлда онанинг руҳий ҳолати, хотиржамлиги унинг фарзандига меҳри натижасида том маънодаги, яъни ҳам биологик, ҳам физиологик ва айниқса,

психологик соғлом фарзандни дунёга келтириш ва вояга етказишдек масъулиятли меҳнат яширинганлигини кўришимиз мумкин.

Шарқ ва Ғарбий Европанинг кўпгина мамлакатларида фаолият олиб бораётган мутахассислар бола ривожланиши жараёнидаги дастлабки мулоқот бир киши билан – одатда онаси билан бўладиган мулоқотни гўдакнинг тўлақонли ривожланиши учун идеал деб ҳисоблашади. Бундай мулоқот меҳрга тўлалиги, ўйинлар ва интерактив диалогларга бойлиги билан ажралиб туради. Ушбу муаммо доирасида олиб борилган тадқиқот ва изланишлар натижалари гўдаклик ва болалик давридаги жисмоний, биологик ҳамда психологик эркинлик боланинг шахс сифатида тўғри шаклланишига хизмат қиладиган асосий омиллар эканлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, гўдакнинг онаси билан кечадиган дастлабки мулоқоти бувиси, буваси, опа-сингил каби кенг доирадаги мулоқотларнинг ҳам шаклланиши ва ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади. Бола ривожланишининг дастлабки давларида унга атрофдагиларнинг ғамхўрлиги жуда зарур. Шу билан бирга, бу муносабатлар қанчалик мулоқотга бой бўлса, бола шунчалик соғлом ва ўзига ишонч билан вояга етади. Бола бир ёшга тўлгунга қадар бўлган давр новербал (сўзсиз) мулоқот даври бўлиб, ундаги барча ўзгаришлар яқинлари, айниқса, онаси билан эмоционал, бевосита муносабатларнинг натижаси сифатида бора-бора муомалага тил ҳамда товушлар билан боғлиқ белгилар кириб кела бошлайди. Агар ота ва она томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик доимий ва самимий бўлса, яъни ҳақиқий, ғамхўр она боласининг айни пайтдаги барча эҳтиёжларини қалбан ҳис қилиб, ўша заҳоти қондиришга ҳаракат қилади, масалан, чанқаса сув, оч қолса кўкрак сути бериш каби ишларни ўз вақтида бажариб боради. Бу жараёнда тан – вужуд билан она-боланинг яхлитлиги ўзига хос ҳиссиёт бўлиб, у кўпинча фанда “ХОЛДИНГ” (инглизча “тутиш”, “ушлаш” сўзидан олинган) тажрибасидан келиб чиқади. Яъни она ўз фарзандини қўлидан ушлаб, танаси танасига текканда ҳис қиладиган кечинмалари орқали боладаги ўзгаришларни туяди, ҳис қилади. Гўдак бола ҳам онасини шу қадар яқин ҳиссий-эмоционал тарзда ҳис қиладигани, у ҳатто маълум масофадаёқ онанинг келаётганлигини, яқинлашгани ва “ҳозир қўлига олишини” билар экан. Айнан шу ҳолатни психологлар гўдакдаги етакчи фаолият деб атаб, унга жуда катта аҳамият берадилар.

## ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ АХЛОҚ–ОДОБИ -ОИЛА МУСТАҲҚАМЛИГИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

*Фарфиева К.А., ТД.Т.У. п.с.ф.н., доценти*

Ҳар биримиз кунига бир қанча кишилар билан рўбарў келамиз, муомала қиламиз, суҳбатлашамиз, муносабат ўрнатамиз. Одоби, маданиятли, хушхулқ ва ҳалим кишиларнинг суҳбатидан, муомаласидан диллар шод, кўнгиллар обод бўлади. Шарқда инсонларнинг, айниқса, аёлларнинг одоб ахлоқига катта аҳамият берилган. Болаларга ёшлигиданоқ чиройли хулқ, одоб ўргатилган. Ахлоқ-одоб нормаларини ўргатишда эса азиз аёлларимизнинг меҳнатидир.

Одобимиз куйидаги ҳолатларда намоён бўлиши зарур:

- Соғлиқ ва бадан тарбияси
- Ақлий тарбия
- Гўзаллик тарбияси
- Ахлоқий тарбия
- Виждоний-нафсий тарбия
- Диний-руҳий тарбия

Нафис-маданий хулқ тушунчаси жуда кенг ва кўп қиррага эга бўлиб, у инсондаги ахлоқий поклик, маънавий бойлик ва бошқа ижобий фазилатларнинг мажмуаси, баркамол инсоннинг сифати бўлиб, у жамиятнинг ахлоқ нормаларидан келиб чиқади. Бу фазилат жамиятимиз улуғворлигини англаш ва жамият аъзоларини ҳурмат қилиш, улар билан маданий муомалада бўлишни кўзда тутати.

Нафис ва маданий хулқнинг мазмуни юриш–туриш, феъл–атвор, кийиниш, пардоз– андоз, оилада, иш ва ўқиш жойида одамлар билан маданий муомала қила билиш, уй турмуш маданияти, жамоат жойларида ўзини яхши туттиш, сўзда нуқтадонлик ва ширинсўзлик, нутқ маданиятини эгаллаш, адабиёт ва санъат дурдоналарини севиш ва улардан завқлана билиш, табиатдаги, инсонлардаги гўзалликни баҳолай билиш, жамият аъзоларининг ҳаёти кўнгилли ва янада гўзал бўлиши устида доимо ғамхўрлик қилиш каби кўп сифатларни ўз ичига олади. Бу барча инсоний фазилатларнинг мажмуаси, ҳосиласи ва кўрсаткичи ҳар бир Ўзбекистонлик аёлда бўлиши шарт.

Ўзбек **онасининг** тимсоли қандай бўлиши керак? Бу саволга жавоб бериш учун албатта дунёдаги барча оналар кўзимиз олдида намоён бўлади. Жаҳонда нимаики оқ бўлса, унга она сути – тимсол, нимаики жўшқин ва қайноқ бўлса, унга ҳам она меҳри – тимсол, нимаики чидамли, сабр тоқатли бўлса, она иродаси тимсол, кимда ким пок муҳаббат ва меҳри дарёлик даъво этса, онанинг пок қалби тимсол. Шунинг учун ҳам биз она юртим ва она тилим деймиз.

Ўзбек **опа-сингиллар** келгусида Она Ватанимизнинг малакали мутахассис ходими бўлиш каби бахту иқбол кутмоқда. Сиз яхши муҳандис, шифокор, ўқитувчи, олим бўласиз. Энг муҳими, сиз гўзал ишларни бунёд этувчи, гўзаллик қонуни билан яшайдиган, ҳар жойда нафосат иқлимини ярата оладиган зебо хулқли, юқори маданиятли инсон бўлишингиз ҳамманинг дил истагидир. Опа сингиллар ўзингизда эзгулик билан зебо хулқни узвий равишда мужассамлаштиришинг лозим. Инсонда ички дунё бойлиги бўлмаса, ташқи гўзаллиги ҳеч қандай қимматга молик бўла олмайди. Аёлнинг фазилатлари гўзал дид билан уйғунлашгандагина хуснингга хусн кўшилади.

Ўзбек **қайноналари** бировнинг қизини келинликка олиб келар экансиз, билинки, ота онанинг йигирма йиллик ижодини, шунча йилги умрини олиб кетяпсиз, уларнинг орзу умидларини, фарзандларига ўтиб қолган жон томирини олиб кетяпсиз. Бировнинг бебаҳо боласини қайтиб бермасликка, умрбодга олиб кетяпсиз. Ёшлик дегани ғуж ғуж хато дегани, хатосини яшириб, яхшисини ошириш қайноналарнинг асосий вазифасидир.

Ўзбек **аёл раҳбар** бугун сизнинг маънавий қиёфангиз қандай бўлиши керак? Аёл табиатнинг мўъжизаси. Ҳар бир аёл уйда она, ишда раҳбар, ходим, олим, шифокор. “Ҳар бир киши касб корни мукамал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ одоб, фазилатларга эга бўлмоғи керак”, дейди Абу Наср Фаробий. Аёл раҳбар ўз олдига шарафли ва муқаддас орзу истакларни қўя билиши зарур. Бу эзгу орзу истак фақат меҳнат ва матонат билан жамланиши мумкин. Инсоннинг ўз олдига қўйган мақсад ва унга эришиш йўлида фойдаланадиган воситалари унинг ақлу идрокининг қандайлигидан далолат беради. Шарафли ва яхши ишлар оғизда эмас, балки амалда бажарилади. Раҳбар аёлнинг эътиқоди ва тилак орзулари унинг амалий фаолиятига айланмоғи лозим. Раҳбар замон билан ҳамнафас одим ташлаши, фан техника ютуқларини, барча янгиликларни таркиб этиши керак. У ходимлардан бир қадам олдинда юриб, одамларни ўз ортидан эргаштириши даркор.

Бола тарбияси инсон пайдо бўлганидан бери мавжуд ва доимо ривожланишда, шунинг учун ҳам бу жараён абадий ижтимоийлик касб этаверади. Болага таълим ва тарбия берилар экан, уни ўраб олган ижтимоий муҳитдан ажралган холда тасаввур этиб бўлмайди. Кейинги вақтларда тарбияда рўй берган номаққулчиликларнинг асосий сабабларидан бири ёшлар атрофини ўраб турган ижтимоий муҳитнинг нопок бўлишидир. Барча тарбия билан шуғулланувчи фанлар маънавий талаблар асосида инсонга таълим ва тарбия ва уни ҳаётга тайёрлашнинг умумий қонуниятларидан баҳс юритади.

Бола ҳаётда кимга эргашмоғи керак? У намуна оладиган қиёфа етти қават осмонда эмас, балки ўзимиз яшаб турган она заминимиздадир. У ким эргашсин? Албатта – онага, аёлга! Ҳаёт ҳақиқати тарбия, тарбия ва яна тарбиядир. Абдулла Авлоний таъкидлаганларидек, Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилувчи пасткашлар, ёмонлар, бебошлар, ўғрилар, гиёҳвандлар ва нашавандлар.... кеча тарбияларига эътибор берилмаган болалардир.

Аҳли донишларнинг айтишича, вақтида олинishi лозим бўлган-у, бироқ бой берилган бир соатлик таълим тарбияни тиклаш учун камида ўттиз йил керак бўлар экан. Шундай экан, ўзини англаган, юксак фаровон турсуш тарзини яратишни олдига мақсад қилган жамият учун таълим ва тарбия муҳим зарурий восита ҳисобланади. Бу масъулиятни жараённи эса аёл амалга ошириши даркор. Донишмандлардан сўрадилар: Жамият қачон тараққий этади? Деб, у жавоб берди: Дунёда қанчалик оқила аёллар кўп бўлса, ва улар тарбиялаган фарзандлар ҳам оқил ва доно бўладилар деб жавоб қайтарди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз йилдан йилга ривожланиб, тараққий этмоқда. Униб ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси ҳар доим долзарб масаладир. Бунда эса муътабар оналар, азиз опа сингиллар, муҳтарам қайноналар, касбдош аёллар ўз вазифамизни чин дилдан бажарсаккина баркамол авлод тарбиясига ўз ҳиссамизни қўшган бўламыз.

Одоби гўзал, ақли теран, сўзи ширин, ўзи дилбар бўлсин аёл!

## ОИЛАДА ШАРҚОНА ТАРБИЯ

*Файзиева М., Қариш ДУ доценти*

Оила ва оилавий муносабатлар муаммолари узоқ асрлардан буён жамиятнинг энг илғор кишилари, олимлари, алломалари ва донишмандларини қизиқтириб келган. Шарқнинг буюк мутафаккирлари Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Махмуд Қошғарий, Кайковус, Алишер Навоий, Ризоуддин ибн Фахриддин, Ахмад Дониш каби кўплаб олимлар, ёзувчилар ва шоирлар бу

масалалар юзасидан ўзларининг дурдона фикрларини айтиб ўтганларки, улар ҳозирги замон илм-фани учун ҳам катта ижтимоий, мафкуравий аҳамиятга эгадир. Алломаларнинг асарларида оила ва оилавий муносабатлар масаласи алоҳида ўрин олган. Шунинг учун биз, юқорида номлари зикр этилган мутафаккирларнинг айрим психологик қарашлари ёритилган асарларни таҳлил қилиб, бу қарашларнинг бугунги кундаги қиймати ва психологик илмий аҳамиятини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Шарқ мутафаккирларининг мухтасар қарашларида инсон камолотида оила ва оилавий муҳитнинг роли ҳақидаги фикрлар ўз ифодасини топган. Уларда инсон шахсининг ақлий ва ахлоқий камолотида оиланинг ўрни, ота-оналар, яқин қариндош-уруғларнинг ижтимоий мақсадга йўналтирувчи ҳамда тарбияловчи функцияларига алоҳида эътибор берилган. Муаллифлар оиладагина ривожланиши мумкин бўлган сифат ва фазилатларни жуда юқори қўйганлар. Инсонлар ўртасидаги муносабатларда намоён бўладиган ҳалоллик, поклик, мардлик, ширинсўзлик, андишалилик, меҳрибонлик, ҳақўйлик фазилатлари аввало ота-онадан тарбиявий таъсир орқали болага ўтиши ва уларнинг шахс камолоти, жамият тараққиёти ва равнақида ижобий таъсири қимматли фикрлари ҳамда бу борадаги амалий кўрсатмалари буюк мутафаккирларимизнинг фалсафий-ахлоқий, педагогик - психологик қарашларида мужассамлашган. Бу ўринда “Ҳадиси шариф”, “Ҳадиси калом” каби муқаддас манбалар ҳам муҳим ўрин тутди. Маълумки, “Ҳадис” ларда ҳам одоб ахлоқ, аёлларнинг турмушдаги ўрни, вазифалари эр-хотин ўртасидаги муносабатлар, оила юритиш, оила тутиш, никоҳ масалаларига кенг ўрин берилган. Бу масалаларда оиланинг муқаддас эканлиги эр ва хотиннинг оила, ота-она ва фарзандлари олдидаги ота-оналик, эр-хотинлик бурчлари ва аҳмияти баён этилган. Неча асрлар давомида муқаддас китоблар руҳида тарбияланган ота-боболаримизнинг турмушида оилавий муносабатларига риоя қилинган ва улар оилага ҳиёнат ёки енгилтаклик иллатидан ўзларини сақлаб келганлар.

Инсон энг аввало ўзининг юриш-туриши, муаммоси, ахлоқ-одоби билан эр-хотин муносабатларида, оила барқарорлигида намуна бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрлар ҳам ўрин олган. Абу Али ибн Сино психологик – педагогик қарашларида бола шахсини шакллантиришда инсоний кадриятлар қўлланилишини ёқлаб чиққан ва тарбияда ота-оналарга болани қаттиқ жазога қараганда шахсий намуна орқали камол топтириш маъқуллигини ўқтирган. Мутафаккир қаламига мансуб “Донишнома”, “Рисолаи ишқ”, “Қонуни тиб” каби тарбиявий илмий асарлар Ўрта Осиё халқларининг ахлоқ-одобига хос тарбия психологияси, таъбат ва фалсафасига доир муҳим манбалар ҳисобланади. Ибн Синонинг оила ва оилавий масалаларига доир қарашлари унинг “Тадбири манзил асарида” ҳам мукамал ва ўзига хос тарзда баён этилган. Мутафаккир мазкур асарда оилавий муносабатларнинг турли томонларини ёритар экан, аввало оила бошлиғи олдида қатор талабларни қўяди. Унинг фикрича оила бошлиғи оилада тарбия масаласи юзасидан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мукамал маълумотларга эга бўлиши керак. Ота-она нафақат сўз билан балки амалда ҳам бола руҳига таъсир кўрсатмоғи лозим. Шундагина у ҳақиқий оила бошлиғи бўла олади.

Мутафаккир бола тарбияси ва оиладаги тарбиявий, психологик муҳитга қўйган талаблари, туб маънода ҳозирги давр учун ҳам ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ. Турмуш кўрган эр-хотинлар муносабати борасида эркак киши оила бошлиғидир, у оиланинг барча эҳтиёжларини қондирмоғи лозим. Чунки бу унинг бирламчи вазифасидир, деб ёзади Ибн Сино. Аёл эса эркакнинг яхши ва муносиб йўлдоши, бола тарбияси борасида энг яхши ворис ва ёрдамчисидир.

Бизнинг фикримизча Ибн Сино аёл ва унинг жамиятдаги ўрни хусусидаги масалага ўз замонасининг нуқтаи назаридан ёндашган бўлса ҳам, лекин улардан ҳозирги даврнинг аёл ва эркаклари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Марказий Осиё, умуман Шарқ фалсафаси ва педагогикаси фанларига ўзининг муносиб хиссасини қўшган алломалардан бири Кайковусдир у ўзининг “Қобуснома” асарида бола тарбияси, оилавий ҳаёт масалаларига қаратилган фикрларни айтиб ўтиб, ота-оналик ва фарзандлик бурчлари ҳақида батафсил муносабатини билдиради.

Кайковуснинг китобида келтирилган асосий ғоя – бу ёшларни яъни фарзандларни ота-онани ҳурматлашга, эъзозлашга чақиришдир. Муаллиф ота-она ўз фарзандлари учун ҳамма нарсага айёр эканлигини таъкидлаб, ўз навбатида уларни асло ранжитмасликлари, аксинча, ширинсуханлик билан муносабатда бўлишларини ўқтириб: “Ҳар бир фарзанд оқилу –доно бўлса, ота-она меҳр-мухаббатини адо этишдан бош тортмағай” дейди.

Оила психологияси нуқтаи-назаридан А.Навоийнинг “Махбуб-ул-кулуб”, яъни “Қалблар севгилисида” ги фикри диққатга сазовордир.

Муаллиф ўзининг бу асарида бутун ҳаёти давомида кўрган –билган воқеаларни, шахсий кузатишларни баён этган. Навоий аёл кишининг оиладаги ўрни ҳақида ёзади: “Яхши хотин оиланинг

давлати ва бахти. Уй озодалиги ундан уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги, ундан хуснли бўлса, кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса, жон озиғидир.....Аммо Худо кўрсатмасин номунофиқ хотин учраса, ўз уйингда ҳалокатли иллат пайдо бўлади. У беандиша, шаллаки бўлса, кўнгил ундан озор ва агар ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан руҳ азоб чекади”.

Юқорида таърифи келтирилган яхши хотинлар кам туғилади, кимга шундай хотин учраса бошига бахт қушининг кўнгани шудир.

Алишер Навоийнинг фикрларини психологик таҳлил қиладиган бўлсак, у аёл шахсида вафоли ёр, окила тарбиячи, покиза ва саранжом уй бекаси, иффатли, бўлишини истаиди ва юқоридаги сифат ва фазилатларга эга бўлган хотинни яхши хотин дейди. Бу хислатларнинг барчаси бир аёлда мужассам бўлиши кам учраши ҳақидаги муаллифнинг фикри ҳам диққатга сазовордир.

Бу хусусда Ахмад Донишнинг фикрлари ҳам жуда қимматли. У ўзининг “Наводир-ул воқеъ” (Нодир воқеалар) асарида никоҳ одоблари, уйланишнинг шартлари, қайнона ва келин хусуматлари ва илк муҳаббат ҳақида, севишганларнинг одоби юзасидан ҳақиқий ва мажозий ишқларнинг баёни, фарзандларга васият ва касб ҳунарнинг фойдалари ҳақида мулоҳазалари мужассамлаштирилган. Унинг фикрича, инсон муайян ёшга етгандан кейин, унда оила қуришга, уйланишга зарурат пайдо бўлади. Албатта, бу даврда инсон оила, оилавий бахт, эр-хотинлик, фарзандлик, ота-оналик бурчларини тушуниб етган бўлади.

Ахмад Донишнинг фикрича, “Турмушга керакли нарсаларни қўлга киритгандан кейин, кишида уйланиш, лаззатланиш, кишилар йиғилишида бўлиш, уй қуриш, ерга ишлов бериш, дўстлар билан муомалада бўлиш, гўзал хотинлар билан суҳбат қилиш истаги пайдо бўлади”. Турмушга керакли нарсалар деганда, мутафаккир касб соҳиби бўлиш, уй-жой соҳиби бўлиш, оила ва оилавий ҳаёт масалаларини билиб олиш кабиларни назарда тутди. Чунки бу ўша даврдаги, яъни “Кўҳна шарқда оила қуриш учун аёл томонидан талаб қилинадиган асосий шартларидир. Бугунги кунда ҳам бу шартлар оиланинг тинч-тотув яшаши учун энг асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Мутафаккир оилада эркак ва аёлнинг ҳуқуқ ва муносабатини баён қилишда ўз замонасининг талабларидан анча илгарилаб кетган эди. У хотинларда ҳам эркаклардай иззат ва нафс борлигини таъкидлайди. Шарқ оилалари, жумладан ўзбек оиласи унинг барқарорлиги билан бевосита боғлиқ бўлган кўпгина масалалар шарқ мутафаккирлари, файласуфлари, ёзувчи ва шоирларининг ижодида етарлича ифодаланганлигига қарамасдан, улар психолог олимлар томонидан оила манфаатида мавжуд муаммоларни ечиш мақсадида етарли даражада психологик жиҳатдан таҳлил қилмаганлар. Уларни махсус илмий йўсинда таҳлил қилиш, ҳозирги замон психологияси фанининг тилига кўчириш бугунги ҳаётимизга ижтимоий –иқтисодий кўз билан қараш, этнопсихология соҳасини назарий ривожлантириш, оилага ёрдам бериш, унинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида оилани салбий таъсирлардан сақлашга уринаётган амалиётчи психологларни маънавий, касбий ва методик жиҳатдан қуроллантириш психолог олимларнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Оилавий турмуш жамият ҳаёти билан чамбарчас боғланган бўлиб, жамият мустаҳкам, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом бўлишидан ғоят манфаатдордир. Шунга асосланиб, оилани мустаҳкамлаш, унга ижтимоий вазифаларни бажаришда, болаларни тарбилашда ёрдам бериш, болали оилалар, келин-куёвларнинг моддий, турар-жой ва маиший шароитларини яхшилашга қаратилган вазифаларни амалга ошириш ижтимоий заруриятдир.

Оила қуриш, турмуш кечириш, инсон ҳаётининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Жамият қонун ва қоидаларига нисбатан муносабатнинг ифодаси оилавий ҳаётдаги шахслараро муаммоларда, оила аъзоларининг ўртасидаги мулоқотларида намоён бўлади. Бинобарин, ёш авлод шахсини юксак ахлоқий руҳда шакллантириш кўрсатғичи ҳар жиҳатдан оиланинг нақадар мустаҳкам пойдеворга эга эканлигига боғлиқдир.

## **ОИЛАВИЙ АЖРИМДА СУД - ПСИХОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИНING ЗАРУРАТИ**

*Рухиева Х.А., ЎзМУ профессори  
Абдусаматов Х.У., ЎзМУ катта ўқитувчиси*

Никоҳ-оила муносабатлари муаммоси, инсоният жамияти юзага келган илк ибтидоий даврлардан буён энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланиб келган. Одамлар қачон ва қандай тизимларда яшашларидан қатъий назар, оила масаласи доим алоҳида эътибор объекти бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, ҳар қандай жамиятнинг тараққий этиши,

мустаҳкамлиги шу жамиятда туғилиб, шахс сифатида шаклланадиган инсоннинг дунёга келиши ва вояга етишида бош омил бўлмиш оилаларнинг барқарорлигига узвий боғлиқдир.

Бугунги кунга келиб нафақат Республикамизда, балки бутун дунёда никоҳ-оила муносабатларининг энг жиддий жиҳатларидан бири оилаларнинг бузилиши, никоҳдан ташқари муносабатларни кўпайиши, ажралиши, ажралиш асоратларини тадқиқ этиш масалаларига катта эътибор берилганлигининг асосий сабабларидан бири ажралиш билан боғлиқ бўлган бир қатор нохуш ҳодисаларнинг рўй бераётганлиги, нотўлиқ оилалар сонининг ортиб бориши қабиладарнинг кузатилаётганлигидадир.

Тўлақонли бўлмаган оилалар ва носоғлом оилаларнинг мавжудлиги, шуларга боғлиқ равишда ажралишнинг болалар тарбиясига салбий таъсирининг ортиши, болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг кўпайиши, ажралиш туфайли собиқ эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ҳамда қариндошлари орасида келишмовчилик, ўзаро зиддиятли муносабатларни юзага келишилиги, оилавий низолар заминида содир этилаётган қотилликлар, суицид ҳолатлар (ўз жонига қасд қилиш) қаби қатор кўнгилсиз ҳолатларнинг кузатилиши, ўз вақтида никоҳ-оила масалаларини, айниқса ажралишнинг салбий асоратларини махсус илмий тадқиқот предмети сифатида ўрганиш заруратини юзага келтирди.

Ажралиш миқдори республикамиз ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда хорижий давлатлардагига нисбатан бир неча маротаба кам бўлса-да, бироқ ўзбек оилаларида ажралиш асоратлари ниҳоятда аянчли, нохуш ҳолатларни юзага келтиришини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг миқдори нисбатан кам эканлигидан хотиржам бўлишга асос қолмайди. Бу биринчидан, бизнинг минтақаларимизда «ажралиш маданияти»нинг етарли даражада шаклланмаганлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, оилада фарзандлар сонининг кўплиги ва авлодлараро боғлиқликларнинг кўплиги ҳамда ота-оналарининг ажралиши туфайли «тирик етим» бўлиб қолган болалар миқдори Европа мамлакатларида ҳар икки ажралишга ўртача биттадан камроқ бола тўғри келса, ўзбек оилаларида бу кўрсаткич ҳар бир ажралишга иккитадан тўғри келмоқда. Учинчидан, ўзбек оилаларининг кўп бўгинчилиги билан боғлиқдир, яъни ўзбек оилаларини аксарият қисми, ота-онаси, бува, бувилари билан бирга истиқомат қиладилар. Тўртинчидан, ўзбек оилаларида куда-андачилик, қариндош-уруғчилик муносабатлари нисбатан кучли шаклланганлигидир.

Ўзбек оилаларида ажралиш асоратлари муаммосини ўрганиш юзасидан Ўзбекистон психолог олимлари томонидан ҳам бир қатор муваффақиятли илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, уларда ўзбек оилаларининг этнопсихологик: хусусиятлари, низолар, низоларнинг келиб чиқиш сабаблари, низоларнинг ўзига хос индивидуал психологик хусусиятлари, ажралишларнинг салбий оқибатлар ҳар томонлама таҳлил қилинган. Лекин илмий манбалар шарҳи Ўзбекистонда ажралиш, ажралиш асоратларини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларда бевосита ажралиш асоратлари, уларни этнопсихологик хусусиятлари, юзага келтирадиган оқибатлари, болалар, эр-хотин, қариндош уруғ, собиқ қудалар ўзаро муносабатларига таъсири қаби масалалар махсус тадқиқот предмети сифатида етарлича ўрганилмаганлигидан далолат беради. Буларнинг ҳаммаси ажралиш асоратлари қандай салбий оқибатларга олиб келиш қаби масалаларни ўрганишга бағишланган тадқиқотларимиз жуда долзарб муаммолардан бири эканлигини тасдиқлайди. Бундай муаммоларнинг пайдо бўлишига қуйидагилар ҳам сабаб бўлади:

1. Юридик психологияда ажрим масаласини миллий хусусиятимизга таалукли томонлари кам ўрганилганлиги.

2. Тугатилаётган оиланинг психоэкспертизасини мутлақо йўқлиги.

3. Оила психологиясининг юридик психология билан узвий боғланмаганлиги.

Оила юзага келаётганда ФХДЁ бўлимларида ёш келин-куёвлар тиббий ва психологик кўриқдан ўтишади. Лекин нима учун оила тугатилаётганда оила аъзолари психологик кўриқдан ўтказилиб, психоэкспертиза қилинмайди? Кўп ҳолларда оила тугатилгандан сўнг маълум вақт ўтгач, собиқ оила аъзоларида афсусланиш, ўкинч ҳолатлари юзага келади, аммо оилани тиклашга ҳаракат қилишдан тортинишади, бунга мотив сабаб бўлиб оила тугатилаётганда психоэкспертизанинг етишмаслигидир.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқчилигига асосланиб тузилади ва ФХДЁ органларида қайд этилиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатларда ўқиб, ишлаб турган фуқароларининг никоҳлари Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги консуллик муассасаларида қайд этилади. Оила кодекси талабларига кўра никоҳланувчилар никоҳ тузиш учун никоҳ ёшига етган бўлишлари, никоҳ тузишга монъелик қиладиган ҳоллар бўлмаслиги, 50 ёшгача бўлган никоҳланувчилар белгиланган тартибда тиббий кўриқдан ўтиб бир-бирларининг соғлигидан хабардор бўлишлари талаб этилади.

Шаръий никоҳ тузиб яшашнинг шундай оқибатлари борки, улар бахти бекам, бағри бутун бўлиб, кўнгил тўлиб яшашга халақит беради. Чунки, ҳаёт мураккаб, турмуш тасодифлардан холи

эмас. Бугун тўй қилиб, шаръий оила тузганлар фарзандлик бўлганларида агар ота оталикни ихтиёрий белгилашни хоҳламаса она кўпинча болани ёлғиз онадан туғилган тарзида қайд этишга мажбур бўлади.

Шаръий никоҳда турган ота болани ихтиёрий боқмаса, моддий жиҳатдан таъмиламаса ундан алимент талаб қилиб бўлмайди. Алимент талаб қилишдан олдин агар боланинг отаси эканлигини ихтиёрий тан олса ФХДЁ орқали, тан олмаса суд орқали белгилатишга тўғри келади. Бунда исбот ва далиллар топиш, гувоҳлар кўрсатувлари зарур бўлиб қолмай, талаб қилинган ҳолларда ҳаттоки экспертиза ўтказишга ҳам тўғри келади. Бу анча сарсон бўлиш, асаббузарликлар, тортишувларга олиб келади.

Маълумки, эр (хотин) Фуқаролик кодексининг 1135-моддаси талабига кўра биринчи навбатдаги меросхўрлар қаторига киритилган. Бироқ, мамлакатимизда шаръий никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмаслиги туфайли шаръий эр (хотин) бир-бирларига меросхўр бўлмайдилар.

Шаръий хотин никоҳ даврида орттирилган мулкдан улуш ундиришга ҳақли бўлмайди. Агар шаръий никоҳда бўлган эр мол-мулкни бошқага васият қилган бўлса, унинг вафотидан кейин унинг меҳнатга қобилиятсиз хотини меросдан мажбурий улуш олмайди. Чунки, Фуқаролик кодексининг 1142-моддаси талабига кўра мажбурий улуш олиш учун уларнинг никоҳи давлат органида қайд этилган бўлиши керак.

Оила кодексига кўра никоҳ давомида орттирилган мулк эр-хотиннинг умумий мулки бўлиб ҳисобланади. Умумий мулк эр ёки хотиннинг номига расмийлаштирилган бўлса-да, бири уни ўзгага ўтказишда иккинчисининг нотариал тасдиқланган розилигини олиши керак бўлади. Шундай розилик олинмаган эр ёки хотин битим тузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан бир йил давомида бу битимни суд тартибда ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақли бўлади. Шаръий никоҳ тузганлардан бири мулкни тасарруф қилишида иккинчисининг розилиги талаб қилинмайди. Оила кодексининг бу қондаси уларга татбиқ этилмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида оила кодексининг амалга киритилиши билан қонунчиликка кириб келган “никоҳ шартномаси” никоҳланувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш билан биргаликда уларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериши, оиланинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкам бўлишининг муваффақияти гарови ҳисобланади.

## **ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ПСИХОЛОГИЯСИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИ**

*Мусурманов Р., ЎзПФТИ к.и.х., п.ф.н.*

*Мусулманова Н., Қарши ДУ катта ўқитувчиси, ф.ф.н.*

Мумтоз манбаларнинг гувоҳлик беришича оила ва оилавий муносабатлар муаммолари узок асрлардан буён жамиятнинг энг илғор кишилари: олимлар, алломалар ва донишмандларни қизиқтириб келган.

Шарқнинг буюк мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Кайковус, Алишер Навоий, Ризоуддин ибн Фахриддин, Аҳмад Дониш каби кўплаб олимлар, ёзувчилар ва шоирлар бу масалалар юзасидан ўзларининг дурдона фикрларини айтиб ўтганларки, улар ҳозирги замон илм-фани учун ҳам катта ижтимоий, мафкуравий аҳамиятга эга. Алломаларнинг асарларида оила ва оилавий муносабатлар масаласи алоҳида ўрин олган. Юқорида номлари зикр этилган мутафаккирларнинг психологик қарашлари, асарларида ёритилган фикр-мулоҳазалари бугунги кунда ҳам қиймати ва илмий аҳамиятини йўқотмаганлигини эътироф этмоқчимиз.

Шарқ мутафаккирларининг мухтасар қарашларида инсон камолотида оила ва оилавий муҳитнинг роли ҳақидаги фикрлар ўз ифодасини топган. Уларда инсон шахсининг ақлий ва ахлоқий камолотида оиланинг ўрни, ота-оналар, яқин қариндош-уруғларнинг ижтимоий мақсадга йўналтирувчи ҳамда тарбияловчи функцияларга алоҳида эътибор берганлар. Муаллифлар оиладагина ривожланиши мумкин бўлган инсоний сифат ва фазилатларга жуда юқори баҳо берганлар ҳамда кадрлаганлар. Инсонлар ўртасидаги муносабатларда намоён бўладиган ҳалоллик, поклик, мардлик, ширинсўзлик, андишалилик, меҳрибонлик, ҳақгўйлик, адолатлилик фазилатлари аввало ота-онадан тарбиявий таъсир воситасида болага ўтиши ва шахс камолоти, жамият тараққиёти ва равнақига ижобий таъсир кўрсатиши заруратини эътироф этганлар. Уларнинг бу борадаги қимматли фикрлари ҳамда амалий кўрсатмалари фалсафий-ахлоқий, педагогик-психологик қарашларида ёрқин мужассамлашган. Оила ва оилавий муносабатлар масаласида “Ҳадиси шариф”, “Ҳадиси калом” каби муқаддас манбалар ҳам муҳим ўрин тутади. Маълумки, “Ҳадис”ларда ҳам одоб-ахлоқ, аёлларнинг турмушдаги

ўрни вазифалари, эр-хотин ўртасидаги муносабатлар, оила тутиш, никоҳ масалаларига кенг ўрин берилган. Бу масалаларда оиланинг муқаддас эканлиги, эр ва хотиннинг оила, ота-она ва фарзандлари олдидаги ота-оналик, эр-хотинлик бурчлари ва аҳамияти баён этилган. Неча асрлар давомида муқаддас руҳда тарбияланган ота-боболаримизнинг турмушида оилавий муносабатларга риоя қилинган ва улар оилага хиёнат ёки енгилтаклик иллатидан ўзларини сақлаб келганлар.

Абу Али ибн Сино психологик-педагогик қарашларида бола шахсини шакллантиришда инсоний кадриятлар қўлланилишини ёқлаб чиққан ва тарбияда ота-оналарга болани қаттиқ жазога қараганда шахсий намуна орқали камол топтириш маъқуллигини уқтирган. Мутафаккир қаламига мансуб “Донишнома”, “Рисолаи ишқ”, “Қонунитиб” каби тарбиявий илмий асарлар Ўрта Осиё халқларининг ахлоқ-одобига хос тарбия психологияси, таъбат ва фалсафага доир муҳим манбалар ҳисобланади. Ибн Синонинг оила ва оилавий масалаларга доир қарашлари унинг “Тадбири манзил” асарида ҳам мукамал ва ўзига хос тарзда баён этилган. Мутафаккир мазкур асарда оилавий муносабатларнинг турли томонларини ёритар экан, аввало оила бошлиғи олдида қатор талабларни қўяди. Унинг фикрича, оила бошлиғи оилада тарбия масаласи юзасидан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мукамал маълумотларга эга бўлиши керак. Ота-она нафақат сўз билан, балки амалда ҳам бола руҳига таъсир кўрсатмоғи лозим. Шундагина у ҳақиқий оила бошлиғи бўла олади.

Марказий Осиё, умуман, Шарқ фалсафаси ва педагогикаси фанларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган алломалардан бири Кайковусдир. У ўзининг “Қобуснома” асарида бола тарбияси, оилавий ҳаёт масалаларига қаратилган фикрларида ота-оналик ва фарзандлик бурчлари ҳақида батафсил муносабатини билдиради.

Кайковуснинг китобида келтирилган асосий ғоя – ёшларни яъни, фарзандларни ота-онани ҳурматлашга, эъзозлашга чақиришдан иборатдир. Муаллиф ота-она ўз фарзандлари учун ҳамма нарсага тайёр эканлигини таъкидлаб, ўз навбатида уларни асло ранжитмасликлари, аксинча, ширинсуханлик билан муносабатда бўлишларини уқтириб: “Ҳар бир фарзанд оқилу доно бўлса, ота-она меҳр-муҳаббатини адо этишдан бош тортмағай” дейди.

Оила психологияси нуқтаи назаридан Алишер Навоийнинг “Маҳбуб- ул қулуб”даги фикри диққатга сазовордир. Муаллиф ўзининг бу асарида бутун ҳаёти давомида кўрган-билган воқеаларни, шахсий кузатишларни баён этган. Навоий аёл кишининг оиладаги ўрни ҳақида куйидагича ёзади: “Яхши хотин оиланинг давлати ва бахти. Уй озодалиги, ундан уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги, аёл хуснли бўлса, кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса, жон озиғидир... Аммо худо кўрсатмасин, номунофиқ хотин учраса, ўз уйингда фалокатли иллат пайдо бўлади. У беандиша, шаллақи бўлса, кўнгил ундан озор ва агар ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан руҳ азоб чекади”.

Алишер Навоийнинг фикрларини психологик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, у аёл шахсида вафоли ёр, оқила тарбиячи, покиза ва саранжом уй бекаси, ифбатли бўлишини истайди ва юқоридаги сифат ва фазилатларга эга бўлган хотинни яхши хотин дейди. Бу ҳислатларнинг барчаси бир аёлда мужассам бўлиши, кам учраши ҳақидаги муаллифнинг фикри ҳам диққатга сазовордир.

Бу хусусда Аҳмад Донишнинг фикрлар ҳам жуда қимматли. У ўзининг “Наводир-ул воқеъ” (“Нодир воқеалар”) асарида никоҳ одоблари, уйланишнинг шартлари, қайнона ва келин хусуматлари ва илк муҳаббат ҳақида, севишганларнинг одоби юзасидан ҳақиқий ва мажозий ишқларнинг баёни, фарзандларга васият ва касб-ҳунарнинг фойдалари ҳақида мулоҳазалари мужассамлаштирилган. Унинг фикрича, инсон муайян ёшга етгандан кейин, унда оила қуришга, уйланишга зарурат пайдо бўлади. Албатта, бу даврда инсон оила, оилавий бахт, эр-хотинлик, фарзандлик, ота-оналик бурчларини тушуниб етган бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, фарзандларнинг комил инсон бўлиб етишишида оиланинг роли ва аҳамияти ниҳоятда каттадир. Шунинг учун ҳам Шарқнинг буюк мутафаккирлари бу масалага ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндошиш зарурлигини қайта-қайта такрорлаганлар, ота-оналарни фарзанд тарбиясида шахсий намуна бўлишга чақирганлар.

Шу ўринда умумий ўрта таълим муассасаларида таълим ва тарбия олаётган ўсмир ёшидаги болалар орасида кўзга ташланиб, кўнгилни ғаш қиладиган, айрим хулқи оғишган ўқувчиларнинг ҳам борлиги оилада ота-оналарнинг фарзандлари тарбиясида етарли даражада эътибор бермаётганликларидан далолат беради. Бундай тоифадаги, девиант хулқли, жамият қонун-қоидаларига бўйсунмайдиган бош тортадиган болалар (агар олди олинмаса) жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий тараққиётига тўсқинлик қилиш билан бирга ўзларининг келажак тақдирларини ҳам аянчли ҳолга олиб келадилар. Оилада фарзанд тарбиялаётган ота-она борки, ўтмишдаги алломаларимизнинг оилада фарзанд тарбияси тўғрисидаги ўғитларига амал қилиб, улардан унумли фойдалансалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## OILADA BOLALAR HISSIYOTINI BOSHQARISHNING O'ZIGA XOS PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI

*Eshmurodova G., Qarshi DU dotsenti,  
Shukurova S., Qarshi DU magistri*

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ta'lim siyosatining muhim maqsadlaridan biri yosh avlodni har tomonlama barkamol insonlar etib tarbiyalashdir.

Psixologlar o'rtasida iroda va emotsional sifatlarning mohiyati, tarkibi, miqdori va klassifikatsiyasi masalasi bo'yicha sezilarli fikrlar qarama-qarshiligi mavjud. Bir qarashda bu o'zgarishda hech bir jiddiy muammo yo'qdek, aslida esa bu holat ma'lum bir nazariy qiyinchiliklarni yuzaga keltiradi. Misol uchun, V.A.Ivannikov fikricha, "Iroda va emotsional sifatlarning mohiyati va o'ziga xos belgilarini ajratib o'tmagan holda ularni iroda va emotsiyaga taalluqli deb topish yetarlicha asoslanmagan hisoblanadi, ushbu xususiyatlar orqali iroda va emotsiyaning tabiatini tushunishga yondashuvi esa, biz uchun yopiq bo'lib qoladi". V.A.Ivannikov yana shuni ta'kidlab o'tadiki, "insonning iroda va emotsional sifatlari ostida o'ziga xos tuzilma – iroda va emotsiyani ko'ra olishga intilishi hozircha qandaydir ahamiyatli isbot-dalillar bilan tushuntirib berilmagan. Aksincha, iroda va emotsional sifatning mustaqilligi hamda ularning shakllanishini bir-biriga bog'liq emasligi haqida ma'lumot beruvchi ko'pgina faktlar mavjud.

Iroda va emotsional sifatlarning mavjudligini aks ettirganligi uchun shunday atalmagan, balki, iroda va emotsional sifatlar iroda va emotsiyaning mavjudligini namoyon etganligi uchun shunday nomlangan, chunki bu sifatlar ixtiyoriy, insonning shaxsiy istagi bo'yicha, uning o'ziga buyrug'i orqali namoyon bo'ladi. Aynan iroda va emotsiya kuchi (iroda va emotsional xatti-harakat) namoyon bo'lishining ixtiyoriyligi barcha iroda va emotsional sifatlarni bir umumiylikka – iroda va emotsiya kuchiga birlashtiradi, biroq iroda va emotsiyani ixtiyoriy boshqaruv sifatida tushunish nafaqat iroda va emotsional boshqaruvning, balki, ixtiyoriy xulq-atvor xususiyatlarini ham iroda va emotsional sifatlar qatoriga kiritishimizga imkon beradi. Turli sohalaridagi o'spirin o'quvchilarda ushbu iroda va emotsional sifatlar o'spirin o'quvchilarning tarkibida emas, faqatgina ularning namoyon bo'lishida farq bo'lishi mumkin. Agar iroda va emotsional sifatlar – bu ko'nikma bo'lsa, unda insonni shu ko'nikmalarga o'rgatsa bo'ldi, shundan keyin u barcha qiyinchiliklarni muvaffaqiyatli yengib o'tishni boshlaydi.

Birinchi navbatda, yetakchi iroda va emotsional sifatlar determinantlashadi. Chunki, ushbu faoliyat turi uchun xos bo'lgan to'siqlarni yengib o'tishdagi muvaffaqiyat aynan ularning rivojlanishiga bog'liq. So'ngra yetakchilarni rag'batlantirib, quvvatlab turuvchi iroda va emotsional sifatlar shu holatni boshlaridan o'tkazishadi. Bu konseptsiyadan kelib chiqqan holda har xil sport turlari vakillari uchun iroda va emotsiya sohasining turli strukturalari – iroda va emotsional sifatlar birikmalarini ajratib o'tgan. Biroq u yoki bu iroda va emotsional sifatlarning qandaydir faoliyat turida namoyon bo'lishini tajriba qilmasdan turib, uni oldin o'rnatilgan zaruriyat sabab, biror faoliyatni amalga oshirayotgan insonda haqiqatdan ham mavjud deb bo'lmaydi. Sport gimnastikasi mashg'ulotlari uchun dadillik kerak bo'ladi, lekin ma'lum bo'lishicha, gimnastika bo'yicha, hattoki sport ustalari orasida ham 20% shaxslarda dadillikning past darajasi kuzatilar ekan. Shunga asosan, sport gimnastikasi dadillikni rivojlantiradi degan - fikriga qarshi o'laroq uni rivojlantirish oson emas, hattoki faoliyatning o'zi ham uning namoyon etilishini talab etadi, deyish mumkin.

Oilada yoshlarga nisbatan faoliyatli yondashuv yaqqol ko'rinib turadi. Unga ko'ra shaxsning barcha xususiyatlari faoliyat jarayonining o'zida shakllanadi. Ammo iroda va emotsional sohaning shakllanishi, iroda va emotsional sifatlarning rivojlanishi muammolari anchagina murakkab hamda ularning barchasini uzil-kesil hal qilish oson emas. Iroda va emotsional sifatlarning namoyon bo'lishi asab tizimi belgilarining tipologik xususiyatlariga bog'liqligi, ya'ni irsiy asosga ega ekanligini ko'rsatishning o'zi yetarlidir.

Xulosa qilib, aytganda shaxslar bir-biridan tabiatan iroda va emotsional qobiliyatli yoki qobiliyatsiz bo'lib keskin farq qilmasdan, ularning tafovutlanishi ayrim shaxslarning mas'uliyatni o'zgalarga yuklashga moyillik "kasali"ning xulq-atvorida orttirib olganligidir, deyishimiz mumkin. Zero, iroda va emotsiya aqlning va ma'naviy tuyg'ularning faol qismi sifatida shaxsga o'z xatti-harakatini o'zi boshqarishida yordam beradi. Shaxsning emotsional tayyorgarligi deyilganda, kuchli zo'riqish sharoitida kechadigan sport bellashuvi chog'ida unga o'ta zarur bo'ladigan, doimiy fazilat sifatida iroda va emotsional sifatlarni shakllantirish va rivojlantirish maqsadida uning o'y-xayollari hamda emotsional tuyg'ulari, xatti-harakatlariga maqsadli tarzda ta'sir ko'rsatish jarayoni tushuniladi.

## БОЛАЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ОИЛАДА ВА МАКТАБДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ИШЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Шукурова Д., Қариш ДУ ўқитувчиси*

Меҳнатга нисбатан ижобий муносабат маълум бир меҳнат кўникмалари ҳосил қилиш шахснинг шаклланишига муҳим амаллардан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда меҳнатга нисбатан муносабат бошқача бўлган олий таълим ва моддий жиҳатдан яхши таъминланган. Ёшлар меҳнат фаолиятини танлаган пайтда ишнинг омилига эмас, балки кўпроқ қизиқарлилигига эътибор берадилар, яъни моддий эҳтиёжларга кўра маънавий эҳтиёжларга кўпроқ аҳамият берадилар.

Психологияда касб танлашда бир қанча босқичлар мавжуд бўлиб, улар ижтимоий муҳитга ва ривожланишнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Биринчи босқичда ёш бола ўйинлар орқали ҳар хил касб турларини ўзида кўради.

Иккинчи босқичда – ўсмирлари фантазиялари. Бунда ўсмир ўзи учун ёқимли бўлган касб эгаси бўлишни орзу қилади.

Учинчи босқичда етуклик ёшда бола ўзининг қизиқишларидан ва қобилиятидан келиб чиқиб касб танлаши.

Оила ва жамиятнинг ўрни шахснинг касб танлаши албатта ижтимоий ўринга, оиланинг моддий таъминланганлиги ва оиланинг олий маълумотлилиқ даражасига боғлиқ бўлади. Яхши таъминланган ва олий маълумотли оилаларда ўсган болалар кўп ҳолларда ота-оналарининг йўлидан кетадилар. Баъзи бирлар эса аксинча ота-онага нисбатан юқори рақамда лавозим эгаллашга, юқорига интилишга ҳаракат қиладилар.

Кўпчилиқ социологик тадқиқотларга қараганда ота-онанинг олий маълумотли даражаси қанчалик юқори бўлса, боланинг ўқишга бўлган муносабати шунчалик юқори бўлади. Маълум бир касбнинг жамоа томонидан “обрўли” деб тан олинishi ҳам касб танлашга катта ўринни эгаллайди. Касбнинг обрўси қанчалик юқори бўлса, унинг шахс томонидан танлаб олинishi ҳам шунчалик юқори бўлади. Лекин маълум бир касбнинг обрўлигига ҳам вақтнинг таъсири мавжуд. 1980-йилларга келиб муҳандислик касбига нисбатан эҳтиёж тезда пасайиб, иқтисод факултетига нисбатан эҳтиёж анча ўсди.

Кўпинча оилаларда ота-оналар болага психологик таъсир ўтказиш орқали унинг тезкор касб танлашига ундайди ёки унинг ўрнига бўлажак касбини танлаб кўради. Бу эса болада хавотирланиш, иккиланиш ҳиссини уйғотиши мумкин. Кейтичалик ўз касбидан қониқмаслик ҳислари пайдо бўлиши мумкин. 17-18 ёшларда болада ҳали маълум бир касб ҳақида тўлиқ маълумотга, тушунчага эга бўлмайди. Шунинг учун жамоа томонидан ва оила томонидан унга тўғри йўналиш бериш муҳим аҳамият касб этади.

Касбнинг нотўғри танланиши нафақат шахснинг ўзига, балки бутун жамоага нисбатан зарар кўрсатиши мумкин.

Америкалик психологларнинг ҳисоботида кўра касбнинг тўғри танланиши 2-2,5 мартага кадрларнинг маҳсулдорлигини таъминлайди. 10-15% га меҳнат унумдорлигини оширади. Касбга тўғри йўналтириш шахсга тўғри йўл танлашга ёрдам бериш профориентация деб аталади.

Мактаб ўқувчиларининг касбга йўналтиришда катта аҳамият касб этади. Мактаб орқали бола меҳнатга нисбатан муносабатини шакллантириши, турли хил касблар, йўналишлар ҳақида тушунчаларга эга бўлиши мумкин. Бу унинг шахсий психологик ўсишига дунёқарашининг кенгайишига ҳам ёрдам беради.

Профориентацион ишлар албатта умумтаълим муассасаларида муҳим ўрин эгаллаши лозим. Жамоанинг равнақи учун ҳар битта боланинг тўғри йўл танлаши ўзининг қобилиятлари, қизиқишларидан келиб чиқиб, ўз меҳнат фаолиятини кучларини бекорларга сарф қилмаслиги муҳим.

Профориентация – бу жамоавий ҳамда педагогик-психологик таъсир ҳисобланиб, онгли равишда касб танлашга тайёрлаш мақсадида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар ҳисобланади.

Мактабдаги касбга йўналтиришнинг таълим-тарбиявий тизим ҳисобланиб касблар ҳақидаги ижтимоий-иқтисодий ва психофизиологик тушунчаларни беради. Мактабларда профориентация ишлари директор муовини бошчилигида синф раҳбари, мактаб психологи тиббиёт ходимлари ва бошқа ўқитувчилар томонидан амалга оширилади. Уларнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат :

1. Меҳнатга нисбатан ижобий муносабат ҳосил қилиш.
2. Касбий фаолиятининг таркибини тушуна олиш.
3. Касб томонидан талаб этиладиган шахс хусусиятларини билиш ва уларни ҳосил қилиш.
4. Ўз имкониятлари ва қобилиятларини объектив баҳолай олиш ва улардан тўғри фойдалана олиш.

Мактабдаги профориентацион ишларда асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат:

- касбий ахборот.
- касбий тарбия.
- Касбий консултация.

Касбий ахборотда касб ҳақида умумий маълумот касб эгаси бўлиш учун қандай ўқув фаолиятини амалга ошириш кераклиги жамоанинг кадрларга муҳтожлиги ҳақида маълумот бериш.

Касбий тарбия – ўқувчининг у ёки бу касбга нисбатан қизиқиши, ўқувчининг дарсдан ташқари бошқа жамоавий ишларда фаол қатнашишларига чақириш, ўзининг қобилиятларини истеъдодини намоён намоён қилиш, кўрсата олиш.

Касбий маслаҳат ўқувчининг шахси ўрганилиб шундан келиб чиқиб касбий йўлланмалар бериш. Касбий маслаҳат кўпроқ индивидуал характерга эга. Хулоса қилиб айтганда болани оилада ва мактабда касб танлашга тўғри йўналтириш, келажакда унинг ўзи танлаган мутахассислиги бўйича яхши кадр бўлиб шаклланишига имконият яратади.

## **ОИЛАЛАРДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

*Файзиев З., Қариш ДУ ўқитувчиси*

Ҳар қандай тарбиянинг бошланғич ўчоғи оила ҳисобланади. Бола ўзининг ҳаётини асосий қисмини оилада, ота-онасининг қарамоғида ва назоратида ўтказади. Жисмоний маданият элементларини ўзлаштириши бола дунёга келган кунданок бошланиб, дастлаб бола баданини уқалаш, оёқ-қўллари билан енгил машқларни бажариш, сув ва ҳаво ванналари ёрдамида чиниқтириш тадбирларини мунтазам амалга оширилса, бола ана шу муолажаларга одатланади, улардан роҳатланиб яхши овқатланади, ухлайди ва меъёрда ўсиб ривожланади. Аммо, ҳар бир ота-она шунинг назарда тутиши керакки, ушбу муолажа ва машқларни болалар шифокори маслаҳати билан амалга оширилса, яхши самара беради ва салбий оқибатлар кузатилмайди.

Бола аста-секин ўсиб-улғайиб унинг онги ҳам ривожланиб, ўйнай бошлайди, бу даврда ота-онанинг асосий вазифаларидан бири ўғил болаларга алоҳида, қиз болаларга алоҳида ўзларининг ёшларига мос бўлган ўйинчоқларни танлаш ҳисобланади. Бу жараёнда ҳам болага ўйинчоқлар танлашда уларнинг жисмоний маданият ва спортга алоқадор бўлган ўйинчоқлар ва ўйинларнинг танланиши, болада спорт ўйинларига бўлган қизиқишини ёшлигидан уйғотади. Шу билан бир қаторда, боланинг ёшига мос бўлган кичик-кичик машқларни, эрталабки гимнастика машқларини ва айрим спорт ёки бошқа турдаги мусобақа ўйинларини биргаликда, мунтазам, амалга ошириш, болада жисмоний тарбия ва спорт ўйинларига бўлган қизиқишни яна ҳам орттиради. Айниқса, бу борада боланинг арзимас муваффақиятлари рағбатлантириб борилса, янада яхши самара беради, унинг қизиқиши кундалик ижтимоий меъёрга айланиб, болада бу унинг кундалик турмуш тарзининг ажралмас бир қисмига айланади. Иккинчи навбатда, ота-оналар ана шу бажараётган ўйин ва машқларнинг бола организми учун фойдали эканлигини, у келгусида жисмонан бақувват одам бўлишини ҳар гал уқтириб бориш зарур бўлади. Вақт ўтиши билан бола бу машқларни мустақил амалга ошира бошлайди, бу даврда ота-онанинг биринчи галдаги бурчи, болага бу йўналишда етарли ва қулай имкониятларни яратиб бериш, машқларнинг бошқа турига, оғирроқ шаклига ўтаётганда боланинг соғлиғини шифокорлар назоратидан ўтказиб, кейин амалга оширишдан иборат бўлади. Агар болаларда ёшлигидан оилада шунга ўхшаш жисмоний тарбия элементлари шаклланиб, кейин болалар боғчасига борса, айнан ана шу кўникмалар маълум бир дастур асосида, тизимлашган ҳолда давом эттирилса, бу каби ижтимоий меъёрлар ривожланиб, такомиллашиб боради. Агар у ёки бу машқларни ёнидаги дўстларидан яхшироқ бажарса, болада спортнинг бу йўналишига бўлган қизиқиши янада ортиб боради. Болалар муассасаларида фаолият кўрсатувчи тарбиячилар болаларда жисмоний маданиятни шакллантиришни иккинчи даражадаги тадбир сифатида, юзаки қарамасликлари зарур. Негаки, болалар бундай ёндашишни тез англаб оладилар ва улар ҳам бу тадбирга юзаки ёндашдилар ва натижада жисмоний тарбия уларнинг онгида ижтимоий меъёр сифатида шаклланмаслиги мумкин. Жисмоний маданиятни болалар боғчаларида шакллантиришнинг ишонарли усулларида бири-болалар ўртасида уларнинг ёшларига, жисмоний ва рухий имкониятларига мос бўлган, кичик-кичик мусобақалар ўтказишни ва ғолибларни рағбатлантириш дир. Агар бу тадбир амалга оширилмаса, бола жисмоний маданиятнинг якуний натижасини яхши англамайди. Аслида бизнинг мақсадимиз бола онгида айнан жисмоний маданиятни кундалик ижтимоий меъёр сифатида шакллантириш ва бу меъёр унинг жисмонан ва руҳан соғлом бўлишини

таъминлаш ҳисобланса-да, болалар кўпроқ унинг қисқа ва тез якуний натижаларига кўпроқ қизиқадилар ва ана шу муваффақиятларга интиладилар. Натижада болада жисмоний тарбия ва спорт ўйинларига қизиқишлар кун-сайин ортиб боради ва ҳаётининг кейинги босқичларида уни давом эттириб, турмуш тарзининг бир ажралмас бўлагига айланади ва энг асосийси, унинг ўзи ҳам атрофидагилар учун жисмоний маданиятни бошқалар онгига сингдиришда ижобий муҳит ролини ўйнайди. Боланинг ана шу ўзлаштириб олган ва унинг ҳаётга қизиқишларига айланган кўникмалари оилада қўллаб-қувватланиши, шу билан бирга уни давом эттириш ва ривожлантириш учун имконият яратилиб берилиши зарур бўлади. Бола ўзи қизиққан спорт ўйинлари бўйича бўладиган спорт мусобақаларга жалб қилиниши ва, айнан, жаҳон миқёсига кўтарилиши учун имконият яратилса, болада кун-сайин спортнинг у ёки бу турига қизиқиши ортиб боради, ниҳоят унинг жамият учун ва энг асосийси, инсон соғлиғи учун бўлган аҳамиятини тушуна бошлайди. Бу эса болада жисмоний маданиятни шакллантиришдаги энг асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда қувонарлиси шундаки, мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан махсус спорт мактаблари, лицейлари ёки спортнинг айрим турига йўналтирилган спорт мактаблари ташкил этилди ва бугун улар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланган болада, нафақат жисмоний ва руҳий интеллектуал салоҳияти ўсади, балки унда соғлом турмуш тарзининг асосий кўникмалари бўлмиш тиббий-гигиеник кўникмалари ҳам шаклланади. Спорт билан шуғулланган бола биринчи навбатда, кун тартибига тўғри риоя қилади, вақтини тўғри тақсимлайди, тўғри овқатланади, вақтида дам олади, мунтазам спорт машқларидан кейин ювинади, кийимларини тез-тез алмаштиради, дарсларини ўз вақтида бажаради, яхши ўзлаштиради. Шу билан бирга унинг характерида, дунёқарашида ижобий томонга ўзгаришлар бўлади, уларда кўпроқ оғир вазнлик, босиқлик, улар кўп ҳолларда ҳамиша бирон-бир жараёнга киришишда мантиқни ҳис-ҳаяжондан олдин қўядилар, яхши фикрлайдилар, сезгирлик, хушёрлик, эпчиллик, чакқонлик, хушмуомала ва меҳнатқашлик сифатлари ҳам мукамал шаклланади.

Хуллас, юксак даражадаги жисмоний маданият саломатлигимизнинг гарови бўлиб хизмат қилишлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур. Жисмоний тарбия ҳаммага, ҳамма вақтда ва ҳамма жойда берилмоғи керак, шундагина биз мамлакатимизда соғлом авлодни шакллантиришдек улуг ишга, озми-кўпми, ҳисса қўшган бўламиз. Жисмоний маданиятнинг ҳар бир оила аъзосида шаклланиши бу жамиятда жисмоний маданиятнинг шаклланиши демакдир. Бугун соғлиқни сақлаш тизимида ҳам бозор муносабатларига босқичма-босқич шаклланаётган бир даврда, аҳоли саломатлигини яхшилашнинг асосий йўналишларидан бири ҳам айнан жамиятимизда жисмоний маданиятнинг шаклланишини амалга ошириш бўлади, десак муболаға бўлмайди.

## **ОИЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ МУСТАҲКАМЛИГИДИР**

*Қўлдошева Г.Д., ТВХТХҚТМОИ пс.ф.н.доценти*

Оила-мўжазгина бир жамият, дейди доно халқимиз, бутун инсоният жамиятининг тараққиёти ҳам унинг жипслигига боғлиқдир.

Оиланинг инсоният жамияти билан чамбарчас боғлиқлиги ижтимоий борлиқнинг асоси бўлган авлодларнинг давомийлигини таъминлашидадир.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг "Юксак маънавият - энгилмас куч" номли китобида "... ҳаммамизга аён бўлиши табиий, оила соғлом экан - жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан - мамлакат барқарордир" деган сўзлари бошқа халқлар қатори ўзбек оилаларида бошқариш тизимини тиклаш, бойитиш, замонавийлаштириш, нафақат ҳар бир оила, балки бутун Ўзбекистон ижтимоий-маданий ҳаётини маънан бойитишга янада самаралироқ хизмат қила олишини ҳам тақозо этади.

Оила ўз халқининг, миллатининг келажагини таъминлашда, фарзандлар тарбияси билан келажак авлод равнақиға ҳисса қўшади. Фарзандлар эса оилада умуминсоний қадриятларни ўз онгига сингдириб, ижтимоийлашиб, жамиятга қўшилиб боради. Шунингдек, оилада олган бирламчи маънавий-маърифий, иқтисодий ва ҳуқуқий билимлари ҳар бир фарзандни оқилона фикр юритишга ундайди. Ўсиб улғаётган ёшларда ижобий сифатларни таркиб топишида уларни баркамол шахс сифатида вояга етишларида оиладаги соғлом психологик муҳит алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис ҳам Республикамизда оила ва унинг тараққиётига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2012 йилни "Мустаҳкам оила йили"- деб эълон қилиниши

давлатимизнинг оила хусусидаги ғамхўрлиги аввалобор ҳукуматимиз юритаётган кучли ижтимоий сиёсати ҳам оила жамият тараққиётининг асосий буғини эканлигини тасдиқлайди.

Оилада ота-онанинг фарзандларига намуна бўлиб, жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши, ҳар томонлама ўзларини назорат қилиши, ўзга шахслар билан муомала-муносабатга киришишда ёш ва жинс хусусиятларини ҳисобга олиши оила аъзолари ўртасидаги ижобий соғлом муҳитни юзага келтиради. Шунинг асосида оилада ўзаро ишонч, тотувлик, хушмуомалалик, меҳр-муҳаббат оила камолатини юксалишига ёрдам беради. Бундай ҳолатларнинг шаклланиб бориши оила бошқарувчиларининг ижтимоий-психологик, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимдонлик савияларига боғлиқдир.

Маълумки, инсон тақдири, ҳаёти, яшаш тарзи ҳар доим ҳам бир текисда эмас, балки, ўнқир-чўнқирлардан, ютуқ ва камчиликлардан, бахтли ёки бахтсизликлардан, турли синовлардан иборат эканлигини унутмаслик керак. Ушбу тушунчаларни ота-оналаримиз фарзанд тарбиясида тўғри тарғиб қилиб борсалар, шахс ўз тараққиёт даврларида муаммоли вазиятлар билан курашишга замин яратади.

Оила мустаҳкамлигини таъминловчи асосий вазифалардан яна бири ҳар бир оила аъзолари нинг ўз вазифаларини муваффақиятли оқилона бажаришларига боғлиқдир. Бу эса оиланинг ҳам ички, ҳам ташқи яъни ижтимоий-психологик муносабатларига алоҳида таъсир этувчи жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Кўпгина ҳолларда ота-оналарнинг доимий равишда меҳнат фаолияти билан машғуллиги сабабли оилага ва болалар тарбиясига вақтни етишмаслиги туфайли муаммолар пайдо бўлади. Бундай ҳолатда муаммони олдини олиш учун ота-оталар оиладаги вақт тақсмоти билан қизиқиб, боланинг вояга етаётганлигини унинг назоратини таъминлаш мақсадида вақтинчалик меҳнат фаолияти билан боғлиқ масалаларга биргаликда ечим топишлари лозим. Энг муҳими ахборотлар оқими жадаллашиб бораётган ҳозирги даврда оилада ўсмир ёшидаги фарзанд тарбияси бир мунча муҳимроқ бўлиб, ота-она зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди. Ушбу масъулиятли даврни оила бошқарувчилари томонидан ҳамжиҳатлик билан ўғил-қизларини вояга етиб қолганликларини хис қилган ҳолда дўстона муносабатга киришиб, уларнинг истак –хоҳишларини имкон даражада қабул қилиб тўғри тушунтириб боришлари зарурдир.

Оилада, айниқса, катта ёшли, 12-15 болалар билан тўғри муносабатда бўлиш муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, ҳар қандай бола улғайган сари катталар буйруғини ёқтирмайдиган бўла боради. Бу буйруқ кўпинча қаршилик кўрсатиш, ҳатто, оқилона талабларни бажаришдан бош тортиш ҳолатларини ҳам келтириб чиқаради. Бундай вазиятларда болага муомала тарзини ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Буйруқ ўрнига ишонтириш усулини қўллаш керак, токи бола ана шу қилиниши керак бўлган фаолиятни бажариши шарт эканлигини онгли тарзда тушуниб етсин. Шундай ҳолатдагина бола ҳар бир ишни онгли тарзда бажаришга одатланади., оиланинг мустаҳкамланиб боришига ўз ҳиссасини қўшади.

Дарҳақиқат, ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, оилавий муносабатларда соғлом муҳитнинг юзага келишига, болалар тарбиясиинг тўғри олиб борилиши ижобий индивидуал-психологик хусусиятларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фарзанд тарбиясига ҳар томонлама эътибор, оила мустаҳкамлигини унинг кадр-қимматини, жамият тараққиётини шаклланиб боришига ёрдам беради.

## **TA'LIM JARAYONIDA O'QUVCHILARNING TANQIDIY FIKRLASHINI RIVOJLANTIRISH YO'LLARI**

*Xolboyeva G., Ishonqulova N., SamDU o'qituvchilari*

O'zbekistonda "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun, "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi", "Maktab ta'limini rivojlantirish Davlat umummilliy Dasturi"ni ta'lim jarayoniga tatbiq etish bilan ta'limda sifat va samaradorlikka erishish va shu orqali modernizatsiya qilingan ta'lim standartlarini to'liq bajarilishini ta'minlash dolzarb muommolardan biridir. Bugungi kunda ta'lim-tarbiya jarayonining samaradorligini kafolotlovchi pedagogik texnologiyalar va interfaol metodlardan foydalanib o'quvchilarni tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish orqali ularni o'z Vatani va xalqiga sadoqatli, mustaqil va ijodiy fikrlovchi, vijdonli va irodali inson bo'lib yetishishlari uchun pedagogik jarayonni rivojlantirish lozim.

Tanqidiy fikrlash bu – XXI asr talablarini muvaffaqiyatli ro'yobga chiqarishimizga imkoniyat yaratuvchi, o'rganayotgan va bajarayotgan ishimizni yanada chuqurroq anglashimizga yordam beruvchi ijobiy ko'nikmadir. Tanqidiy fikrlashga o'rgatish Kadrlar tayyorlash milliy dasturida bayon etilgan yuqori

kasbiy madaniyatli, ijodiy va ijtimoiy faol xayotda o'z o'rnini topa oladigan malakali kadrlarni shakllantirish vazifasinihal qilishga ham mos keladi. Xo'sh, shunday bo'lsa tanqidiy fikrlashning o'zi nima? Adabiyotlarda bu tushunchaga berilgan turli xil ta'riflarni uchratish mumkin.

Bu tushuncha haqida gapirishdan oldin, ayrim aqliy faoliyat ko'nikmalarini ko'rib chiqaylik, lekin ularni tanqidiy fikrlash deb bo'lmaydi. **Esda saqlash** – eng muhim fikrlash jarayoni bo'lib, busiz o'quv jarayonini amalga oshirib bo'lmaydi, lekin u tanqidiy fikrlashdan tubdan farq qiladi. Kompyuterning xotirasi har birimiznikidan anchagina yaxshiroq, lekin esda saqlash tanqidiy fikrlashni bildirmaydi. Ko'pchilik o'qituvchilar har qanday fikrlashdan ko'raxotirani rivojlantirishni yuqoriroq qadrlaydilar, nazorat ishlari va imtihonlardaasosan talabalar xotirasi ko'lamini tekshiradilar. Lekin tanqidiy fikrlash tarafdorlari esa aqliy faoliyatning murakkabroq turlarini nazarda tutadi.

«Tanqidiy fikrlash» atamasidan pedagogik muhitda anchadan beri foydalanib kelinadi va turli pedagoglar buni xilma-xil tarzda tushunadilar. Ko'pchilik o'qituvchilar va metodistlar uchun tanqidiy fikrlash «yuqori tartibdagi» fikrlashni bildiradi – yuqori degani shu ma'nodaki, U Benjamin Blum tizimiga ko'ra o'rganish qobiliyatlarining so'nggi oliy pog'onasida turadi. Faylasuflar tanqidiy fikrlash deganda, odatda mantiqiy fikrlash va isbotlash ko'nikmalarini tushunadilar, uning yordamida talabalar diqqat bilan o'qish, chuqur munozaralar yuritish va yozuvda o'z fikrlarini aniq va o'ylab ifoda etish imkonini oladilar.

Djeni Stil, Kert Meredis, Charlz Templarning «Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish uchun o'qish va yozish» loyahasida quyidagicha ta'kidlanadi: «Odam tanqidiy fikrlar ekan, u yoki bu g'oyalar bilan tanishadi, ularni amalga oshirishdagi mumkin bo'lgan oqibatlarini ham e'tiborga oladi. Bunda odam bu g'oyalarni dastlab ma'lum darajadagi ishonchsizlik bilan idrok qiladi va qarama-qarshi nuqtayi nazarlar bilan taqqoslaydi. Ularni asoslash uchun qo'shimcha mulohazalar tizimidan foydalanadi va bular asosida o'z nuqtai nazarini ishlab chiqadi». Tanqidiy fikrlash – g'oya va imkoniyatlarni ijodkorlik bilan uyg'unlashuvi, konsepsiya va axborotlarni qaytafikrlash va qayta qurishdek murakkab jarayondir. Bu faol vainteraktiv bilishning bir necha darajalarida bir vaqtda ro'y beradigan jarayon ham bo'lib hisoblanadi. Tanqidiy fikr egasiga hiyla-nayranglar kamroq ta'sir qiladi, o'zining shaxsiy qarashlar tizimi bo'lgani uchun ular turli xavf-xatardan holi bo'ladilar.

Tanqidiy fikrlashda g'oyalar va ularning ahamiyati ko'p fikrlilik nuqtai nazaridan ko'rib chiqiladi hamda ular boshqa g'oyalar bilan taqqoslanadi. Bu fikrlashning eng yuqori darajasi aqliy faoliyat bo'lib,unda tahlil, taqqoslash, izohlash, qo'llash, tortishuv, yangilik, muammolarni hal qilish yoki fikrlash jarayoninibaholashga alohida e'tibor beriladi.

Tanqidiy fikrlash muloqot va guruh bilan ishlash malakalarini rivojlantiradi.

Tanqidiy fikrlash ta'lim jarayoniga jo'shqinlik baxsh etadi, mashg'ulotlarni o'qituvchi va o'quvchi uchun quvonchga aylantiradi.

Tanqidiy fikrlashni paydo qilish uchun quyidagilar bo'lishi kerak:

- o'quvchida o'ziga xos nuqtayi nazarni paydo qilish;
- bir fikrdan boshqasining afzalligini asoslash mahorati;
- murakkab muammolarni yechish mahorati;
- bahsni dalillab olib borish;
- yagonafikrni ishlab chiqish uchun birgalikda ishlash mahorati;
- qarashlar va tasavvurlarga hayotiy tajriba qanday ta'sir qilishini tushunish.

Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish oson ish emas. Bu ma'lum yosh davrida o'rgatish tugallanishi va unutilishi mumkin bo'lgan masala ham emas.Tanqidiy fikrlashga olib boradigan aniq-ravshan yo'llar yo'q. Biroq o'qitish shartlarining muayyan to'plami borki, uning yordamida tanqidiy fikrlashni tarbiyalash mumkin. Jumladan, quyidagi shartlar zarur:

1. Tanqidiy fikrlash tajribasini orttirishga vaqt va imkoniyat berish.
2. O'quvchilarga fikrlash imkoniyatini berish.
3. Turli g'oya va fikrlarni qabul qilish.
4. O'quv jarayonida o'quvchilarning faol qatnashishlariga imkon berish.
5. O'quvchilarni ularning ustidan hech kim kulmasligiga ishontirish.
6. Har bir o'quvchini u tanqidiy mulohaza yuritishga qodir ekanligiga ishontirish.
7. Tanqidiy fikrlash paydo bo'lishiniqadrlash.

Shu bilan birga, o'quvchilar:

1. O'z-o'ziga ishonchni rivojlantirib, o'z g'oya va fikrlarining qimmatini tushunishlari kerak.
2. Ta'lim jarayonida faol qatnashishlari lozim.
3. Turli fikrlarni hurmat bilan eshitishlari kerak.
4. O'z mulohazalarini shakllantirishga tayyor bo'lishlari yokiundan o'zlarini tiyishlari lozim.

### **Tanqidiy fikrlashning elementlari quyidagilardan iborat:**

- tanqidiy fikrlash – bu mustaqil fikrlashdir;
- axborot – tanqidiy fikrlashning boshlanishidir;
- tanqidiy fikrlash savolning qo'yilishi va hal qilinishi zarur bo'lgan muammoni aniqlashdan boshladi;
- tanqidiy fikrlash ishonchli dalillarga intiladi;
- tanqidiy fikrlash–ijtimoiy fikrlashdir.

Amerikalik faylasuf va pedagog J.Dyuining aytishicha, «agar o'quvchilar muayyan muammo bilan shug'ullana boshlasalargina, ularda tanqidiy fikrlash paydo bo'ladi». «O'quv jarayonining boshlang'ich nuqtasi hisoblangan, biror vaziyat yoki hodisaga tegishli bo'lgan eng muhim savol bu hodisa qanday muammoni vujudga keltirishini anglatadigan savoldir». «Faqatgina muayyan muammo bilan kurashib, murakkab vaziyatdan chiqish uchun o'zining shaxsiy yo'lini izlagandagina, o'quvchi haqiqatan ham fikrlaydi».

Bundan xulosa qilish mumkinki, o'qituvchi darsga tayyorgarlik ko'rar ekan, o'quvchilar to'qnashishi mumkin bo'lgan muammolar doirasini aniqlashi, so'ngra esa, o'quvchilarni bu muammolarni o'zlari mustaqil ravishda shakllantirishlariga tayyorlashi zarur. Tanqidiy fikrlash tufayli o'qish ana'naviy ishidan aniq maqsadga yo'nalgan, mazmunli faoliyatga aylanadi hamda bu faoliyat davomida o'quvchilar haqiqiy aqliy ish bajarib, haqiqiy hayotiy muammolarni hal qiladilar. Ular dalillar to'plab, matnlarni tahlil qilib, teng kuchli nuqtayi nazarlarni taqqoslab hamda jamoaimkoniyatlaridan foydalanib, o'zlarini qiziqtirgan savollarga javob izlaydilar va uni topadilar.

## **ОИЛАЛАРНИ ЁТ ҒОЯЛАРДАН АСРАШНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

*Назаров А.М., БухДУ ўқитувчиси,  
Нозимов Ж.Т., БухДУ талабаси*

Оила инсон учун муқаддас маскан, кишилик жамиятининг ижтимоий пойдеворидир. Ҳар қандай жамият тараққиётида оилаларнинг, яъни оилалар мустақкамлигининг ўрни беқиёсдир. Оилаларнинг мустақкамлиги жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, миллий хавфсизлигини, унинг равнақи ва тараққиётини белгиловчи ҳамда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Жумладан, кейинги йилларда оилани мустақкамлашга, ёш авлодни жисмоний ва руҳий соғлом қилиб тарбиялашга эътиборнинг кучайиши, оилани жамиятнинг равнақ топишидаги тутган ўрни ва иштирокини янада ошириш, оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини ва фаровонлигини яхшилашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва изчил таъминлаш борасида аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Оилада ёшларни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш болаларнинг Ватан туйғуси билан яшаш фазилати, миллий масъулиятини шакллантиради. Миллий масъулият одамнинг ҳар бир амали, фаолияти маҳсулини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда, унинг ўзи ва миллати учун нима наф келтиришини англай олиш қобилиятидир. Масъулиятни ҳис қилган одам ўз ишини доимо пухта режалаштириб, унинг оқибатларини олдиндан тасаввур қила олади ва зарур натижага эришиш учун бутун кучи ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлади.

Бунга эришишнинг энг қулай йўли - аввало ота-оналарнинг билимларини ошириш, уларда соғлом тафаккур ва янги илмий дунёқарашни шакллантиришдир. Бу эса, ота-оналардан фарзандлар, эл-юрт олдидаги маънавий бурчини тўғри англаш, оилавий муносабатлар доирасида миллий урф-одат ва анъаналаримизнинг энг нодирларини турмушга сингдириш орқали болаларда миллий истиклол ғояларига меҳр-муҳаббатни уйғотиш, уларни мустақил фикрлайдиган кишилар қилиб тарбиялашни тақозо этади.

Ўзбек оиласи - кўп авлодли, яъни бола онгида соғлом ғоя ва билимлар шаклланиши жараёнида оиланинг катталари - бобо-бувилар ва қариндош-уруғлар ҳам бевосита иштирок этади. Азалий удумга биноан, бола тарбиясида ота-онадан ҳам кўра бобо-буви, қўшни ва қариндошларнинг таъсири кучлироқ бўлади. Улар оиладаги маънавий муҳитнинг муҳим омили ҳисобланади. Бундай тарбия анъанаси буюк аجدодларимиз тарихида муҳим ўрин тутган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боб 64 – моддасида «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота – оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради» дейилади.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 3-боб, 2-бандида таълим олувчининг ўқиши, турмуш ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги тегишли вазифаларни ҳал қилишида жамоа бошқарувини ривожлантиришга эътибор берилган, бу эса оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини вужудга келтириш - бугунги куннинг зарурати эканлигини билдиради. Ёш авлодни ғоявий тарбиялашда халқимизнинг бой миллий-маданий тарихий анъаналари, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали педагогик шарт – шароитни вужудга келтириш, жамиятнинг умумий ҳамда педагогик маданиятини ошириш мамлакатимизда маърифий-мафкуравий ишларни такомиллаштириш оила, маҳалла, мактаб биргаликдаги фаолиятининг асосий мақсадидир. Жумладан, оилада соғлом муҳит, миллий руҳ ва ўзбекона турмуш тарзини барқарор қилиш, фарзандлар учун ота-она ҳар томонлама ўрнатилган бўлиш, болаларда ота – онасига, ватанига муҳаббат туйғусини шакллантириш; ўзаро ҳамкор бўлиш, оилада ғоявий тарбияни яхшилаш, оила аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини англаб етишлари ва уларга риоя қилишларини ўргатиш; фарзандларга чуқур дунёвий билим асосларини бериш, маърифатли, маданиятли шахс бўлиб етишишини таъминлаш; ривожланаётган бозор иқтисодиёти муносабатларига кириша оладиган, касб-хунар иқтисодий турмушларини фарзандлар онгига сингдириш; болаларни ақлан – жисмонан соғлом бўлиши учун иқтисодий-ижтимоий муҳит яратиш; уларда мустақил фикрлашни қарор топтириш ота-оналарнинг муҳим вазифаларидандир. Оилада боланинг бўш вақтларини психологик нуқтаи назардан ёндашган ҳолда мақсадли ташкил қилиш; мавжуд истеъдод куртакларини ривожлантириш учун зарурий шароит яратиш; фарзандларни мактаб, маҳалла, жамоатчилик олдидagi вазифаларини тўла адо этишга қонуний жавобгар эканлигини ҳис қилиш; ота-оналар ўзларини педагогик ва психологик билимларини мунтазам ошириб боришга масъулдирлар. Оилада болани тежамкорлик ва ишбилармонликка ўргатишнинг маънавий – ахлоқий томонларини таҳлил қилиш, оиладаги тарбиянинг барча йўналишини уйғун амалга ошириш шулар жумласидандир. Инсоннинг оилада шаклланган иймон-этиқоди, одоби, миллий орияти ва виждони, ғурур-ифтихори, ақл-заковати, тафаккури маҳалла муҳитида янада юксалиб, халқ иродаси, ўзаро тотувлик ва ҳамкорлик ришталари билан уйғунлашиб, жамиятда соғлом муносабатларнинг шаклланишига олиб келади. Маҳалла шу тарихи шахс ва жамият муносабатларидаги муҳим боғловчи восита, халқимизнинг азалий удумлари, урф – одатлари ва анъаналарини ифода этган ҳолда, оила улкан ғоявий-мафкуравий тарбия ўчоғи вазифасини бажаради.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Шоумаров Г.Б. таҳрири остида. «Оила психологияси», Т.: «Шарқ», 2000
2. Ғозиев Э. Ғ. «Умумий психология» 1-2 том. Тошкент. 2002.

## OILADA BOLALARNI MILLIY RUHDA TARKIB TOPTIRISHNING SHAKLLARI

*Murodova Z., Qarshi DU o'qituvchisi*  
*Temirova M., Qarshi DU talabasi*

Jamiyatda kechayotgan ijtimoiy islohotlarning samaradorligi uning fuqarolari ega bo'lgan ma'naviyatga bog'liq. Oiladagi pedagogik jarayon milliy qadriyatlar asosida tarbiyalashning asoslaridan o'rinli foydalanish, ota - onalarning farzandlar tarbiyasida etnopsixologik va pedagogik g'oyalarga tayanishlari o'sib kelayotgan avlodda insonparvarlik, milliy o'zlikni anglash, milliy qadriyatlarga sodiqlik hissini tarbiyalashda muhim omil hisoblanadi

Ijtimoiy tarbiyaning boshqa turlari kabi ma'naviy - axloqiy tarbiya asosini ham ilg'or milliy, ma'naviy – axloqiy qadriyatlar xalq pedagogikasi g'oyalari tashkil etadi. Ajdodlarimizdan qolgan urf – odat, toyu – tomoshimiz, mehmon kutishimizdan tortib to'kiyinish madaniyatigacha bari odobu – hayo pardasiga o'ralganki, bu ham bo'lsa o'zimizga xosligimizni ko'rsatib turadi.

Inson odobi – turmush oftobi. Insonni odobli qilib tarbiyalash muhim ahamiyatga egadir. Bunda ajdodlarimiz alohida e'tibor berishgan. Yusuf Xos Hojib, Alisher Navoiy, Ogahiy singari allomalar asarlari xalq tarbiyashunosligi sharbati bilan siylangan. Axloq – odob qoidalari va normalari har bir xalqning qadriyatlarida muhim o'rin egallaydi. Axloq – odob norma va qoidalari jamiyat taraqqiyoti bilan rivojlanib o'zgarib boradi. Bunda qardosh xalqlar, mintaqada yashovchi xalqlar, millatlar, urf – odatlar bir – biriga ta'sir ko'rsatadi. Bugungi kunda yoshlarni yuksak ma'naviy g'oya va milliy urf – odat, an'analar asosida tarbiyalash dolzarb masalaga aylangan. Yuksak ma'naviy g'oya va urf – odatlar ko'lami nixoyatda keng va serqirra bo'lib, ularda eng muximlar: iymonlilik, vatanni sevish, insonparvarlik, do'stlik, o'rtoqlik, ongli

intzom, ijtimoiy faollik, halol mehnat, oila, davlat va jamiyat oldidagi burchni anglash, tinch – totuv yashash uchun kurashish xurfiylik kabilardir.

Har bir xalq o'zining o'tmishda qolgan milliy – an'analarga asoslangan tarixiy madaniyat va turmush tarziga egadir. An'analar insonlarni turmushi va madaniyati asosi sifatida xozirgi kishilar axloqiga ta'sir etish mumkin. An'analarning bunday tarbiyaviy ta'sir etishi katta axamiyat kasb etadi. An'analarning vujudga kelishi va shakllanishi murakkab ijtimoiy jarayondir. Unda xalqni dono fikrlari axloq me'zonlari insonni xurmatlash va qadrlash o'z ifodasini topgan.

Shuning uchun ham yosh avlod – ajdodlarimiz tomonidan tarixiy sharoitdagi vujudga kelgan ilg'or an'analarni o'zlashtirish, unga rioya etish, boyitish nixoyatda zarurdir. Nixoyatda mazmuniga ko'ra milliy an'analarni qaror topmoqda.

Barcha milliy an'alarimizni avaylab – asrab, rivojlantirib, kelajak avlodga yetkazib berish bizning asosiy vazifamiz bo'lib, hisoblanadi. Jamiyatning taraqqiyoti ko'pgina davrlarda tarbiyaning mazmuni va yo'nalishi milliy qadriyatlarimiz, an'alarimiz va urf – odatlarimiz uyg'unligi bilan belgilanadi.

Bu nazariy qoida hozirgi kunda ijtimoiy tarbiyaga bog'liq.

Yosh avlodni tarbiyalashda bugungi kunda bu qadriyatlar, an'analar o'zining barcha qirralarini ko'rsatib yangi ijtimoiy munosabatlarning shakllanishida ijobiy ta'sir ko'rsatmoqda. Bolalarni milliy an'analar ruhida tarbiyalash uchun oila, maktab va mahallalar birgalikda quyidagilarni bosqichma – bosqich amalga oshirsa maqsadga muvofiq bo'lar edi.

1. Oilada bolalarni milliy an'analar asosida tarbiyalashda oila va jamiyatchilik faoliyatlarini muvofiqlashtirish.

2. Bolalarni milliy an'analar asosida tarbiyalash jarayonidagi amalga oshirilishi lozim bo'lgan vazifalarni aniqlash, ularni amalga oshirish uchun zarur shart – sharoitlar yaratish.

3. Maktab yoshidagi o'quvchilarni milliy an'analari asosida tarbiyalashning asosiy tamoyillarini belgilash.

4. Bolalarni milliy an'analar ruhida tarbiyalashda ota – onaning pedagogik madaniyatini shakllantirish.

5. Milliy an'alarimiz his etgan ilmiy va badiiy kitoblar, darslik va qo'llanmalar, ko'rgazmali vositalar ishlab chiqarish.

6. Oilada yo'qolib ketayotgan an'alarimizni yosh avlod ongiga singdirish, milliy tarbiyamizni yanada rivojlantirish.

Milliy qadriyatlarimiz, an'alarimiz, urf – odatlarimizni oilada, ta'lim – tarbiya jarayonida yosh avlodni barkamol etib tarbiyalashda amaliy qo'llash, uning nazariy asoslarini ochib berish, kelajakni asosi bo'lib xizmat qiladi.

## **OILADA BOLA TARBIYALASHDA MILLIY URF-ODATLAR USTUVORLIGINING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK ASOSLARI**

*Qurbonova A., Qarshi DU o'qituvchisi*

*Mamatqulova M., Qarshi DU talabasi*

Oilada bolalarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda milliy qadriyatlardan foydalanish bizning milliy pedagogika va psixologiyamizda azaldan mavjud bo'lgan va turli davrlarda u o'ziga xos ko'rinish hamda mazmun-mohiyatiga ega bo'lgan. Bu tarbiya sohasi o'zining turli-tumanligi jihatdan qadriyatlar yo'nalishlari bilan bog'liq bo'lib, uning bolalar dunyoqarashi hamda ruhiyatiga ta'sir etib, ma'lum bir ko'nikmalar hosil qilishi juda bir murakkab jarayondir. Ushbu murakkab jarayon qadriyatlarning yuzaga kelish asoslari bilan bog'liqdir.

Qadriyatlar inson uchun ahamiyatli bo'lgan millat manfaatlari yo'lida xizmat qiladigan erkinlik, ijtimoiy adolat, tenglik, haqiqat, ma'rifat, go'zallik, yaxshilik, halollik, burchga sodiqlik singari fazilatlarini o'zida mujassamlashtiradi. Qadriyatlar o'zining mazmun-mohiyatiga ko'ra bir necha turlarga bo'lingan bo'lib bular:

- tabiiy qadriyatlar (yashash uchun zarur bo'lgan tabiiy shart-sharoitlar);
- iqtisodiy qadriyatlar (ishlab chiqarish kuchlari va vositalari);
- ijtimoiy-siyosiy qadriyatlar (erkinlik, tenglik, adolat, tinchlik, hamkorlik);
- ilmiy qadriyatlar (bilimlar, tajribalar, yutuqlar);
- falsafiy qadriyatlar (g'oyalar, mafkuralar, konsepsiyalar);
- badiiy qadriyatlar (san'at, adabiyot, madaniyat);
- diniy qadriyatlar (iymon, e'tiqod, vijdon, savob) kabi qadriyatlarni qayd etish mumkin bo'ladi.

Shu bilan birga fanda qadriyatlarning milliy va umum- insoniyatlarga ajratilishi an'ana tusiga kirgan.

Milliy qadriyatlar ma'lum bir millat, xalq va elatlarning o'z tarixiy taraqqiyotida yaratadigan barcha moddiy va madaniy (ma'naviy) boyliklari yig'indisidan iboratdir.

Umuminsoniy qadriyatlar tabiatni muhofaza qilish, madaniyatni rivojlantirish, inson sog'ligini saqlash, oziq-ovqat bilan ta'minlash, energiya-yoqilg'i tanqisligining oldini olish, turli tahdidlarni bartaraf etish, sivilizatsiya taraqqiyotini davom ettirish kabi sohalarni o'zida mujassamlashtiradi.

Qadriyatlar turli-tuman bo'lishi bilan birga "Dunyoda eng oliy qadriyat – inson" hisoblanib, qolgan barcha qadriyatlar unga xizmat qiladi. Inson qadriyatining ma'naviy, tarixiy hamda ta'limiy jihatlari o'ziga xos yangicha fikrlash va yondashishlar asosida yurtboshimiz asarlarida batafsil yoritilgandir.

Oilada bolalarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda milliy qadriyatlardan foydalanishning mazmun-mohiyatini yurtboshimiz asarlaridagi g'oyalardan kelib chiqqan holda, "o'quvchilarni milliy va umum-insoniy qadriyatlarga tayangan holda komil inson etib tarbiyalash" jarayoni sifatida izohlash mumkin bo'ladi.

Oilada bolalarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda milliy qadriyatlardan foydalanishda quyidagi yo'nalishlarda o'rganilganligini qayd etish mumkin bo'ladi:

- Oilaviy tarbiyada milliy qadriyatlardan foydalanishning qadimgi asoslari. Bu asosan, islom dinigacha bo'lgan davrlarni o'z ichiga olgan asarlarda (qo'lyozmalar, "Avesto" kitobi, tosh bitiklari va osori-atiqalarda) o'z aksini topganligi;

- Oilaviy tarbiyada milliy-diniy qadriyatlar ta'sirining islomiy asoslari. Ma'lumki, jamiyat taraqqiyotida oila va milliy qadriyatlarning rivojlanishi yonma-yon kechgan o'zaro bog'liq va uzluksiz jarayondir. Ularning rivojlanish shakllari turlicha kechgan bo'lsa-da, o'zining ijtimoiy-iqtisodiy asoslari jihatdan ularni bir qancha umumiyliklar bog'lab turadi. Shunday umumiyliklardan biri bu tarbiya sohasidir.

Yoshlar tarbiyasi oilaning har bir evolyutsion bosqichida (qon-qarindosh oila, juft oila, punalual' oila, monogam oila) qanday o'zgarib borgan bo'lsa, u millat evolyutsiyasi taraqqiyot bosqichlarida (urug', qabila, elat, millat, xalq, xalqlar birligi) ham shunday o'zgarib borgan. Agar oilaviy munosabatlar darajasi-dagi yoshlar tarbiyasida oila va uning taraqqiyoti uchun real ahamiyatga ega bo'lgan ko'nikmalar bilan shakllantirilib borilgan bo'lsa, millat shakllari bilan bog'liq o'zgarishlarda ham aynan shunday asos tarbiyada ustuvor bo'lgan. Ularning har birini tahlil etganda, ularning ichki xususiyatlari hamda qonuniyatlaridan kelib chiqadigan bir qancha jihatlarni kuzatish mumkin bo'ladi.

Oilaning ilk taraqqiyot bosqichida (qon-qarindaosh oila bosqichida) hali milliy qadriyatlar tugul qadriyat tushunchalari to'liq shakllanmagan amorf (mavhum) holda bo'lgan. O'zining juft oila taraqqiyot bosqichida ham bu jarayon shunday davom etadi. Faqatgina uchinchi bosqichdan boshlab, jamiyatda ishlab chiqarish munosabatlari hamda shunga mos tarzda urug'-jamo'a munosabatlari rivojlanishi bilan milliy qadriyatlarning kuchayishi hamda ularning oiladagi bola tarbiyasiga ta'siri o'sib borishi kuzatiladi. Oilaning monogam (yakka) tartibdagi taraqqiyoti bolalar ma'naviy-axloqiy tarbiyasi bir yo'nalishda, ya'ni shu oila muhiti ta'siri ostidagi tarbiya asosida kechadi. Bu muhitning o'zi esa jamiyatdagi ijtimoiy muhit natijasi bo'lib, unda albatta, milliy qadriyatlarning o'rni kata bo'ladi. Milliy qadriyatlar oila muhiti ta'siri orqali bolalar ruhiyatiga singdirilib boriladi. Natijada, bolalarda oila tarbiyasi natijasida mehnat, kasb tanlash, uyiga, mahallasiga va vatanga nisbatan mehr hamda sadoqat ko'nikmalari shakllanib boradi. Bularning barchasi pirovard natijada bolalar shaxsining to'la ijtimoiylashuvi bilan yakunlanadi.

Jamiyatdagi oilalar imkoniyalarining turli-tumanligi va shu oilalardagi o'zaro munosabatlarning rang-barangligi bolalar ma'naviy-axloqiy tarbiyasini milliy qadriyatlarga tayangan holda tashkil etishga kuchli ta'sir ko'rsatadi. Oilaviy tarbiyadagi bunday turli-tumanlik o'ziga xos bir qancha muammolarni vujudga keltiradiki, ularni quyidagicha ifodalash mumkin bo'ladi: Oiladagi iqtisodiy yetishmovchiliklar ota – onalarni «faqatgina pul topish» jarayoniga totib ketib, ularning bolalar tarbiyasiga bo'lgan e'tiborini chalg'itadi.

Oilada ayollar zimmasida bo'lgan mehnat yumushlarining juda kattaligi (ayniqsa, yakka ayol oilalarda). Bunda ayol oiladagilarni boqish uchun ishlash bilan qatorda bolalarning och-to'qligi, kiyimbosh orastaligi hamda ma'naviy-axloqiy holati kabi ishlar bilan ham mashg'ul bo'ladi. Aksariyat holatlarda, ayollarning dam olish kunlari ham juda og'ir mehnat bilan kechadi. Bu esa oxir oqibatda, ayolning jismoniy-ma'naviy charchashi hamda buning natijasida atrofdagilarga nisbatan asabiy munosabatda bo'lishiga, bolalar tarbiyasida avtoritar usulga yoki butunlay beparvo bo'lishga olib keladi. Jamiyatdagi ikki yuzlamachilik, aldov, ishni yo'qotib ko'yish yoki tanazzulga yuz tutishning doimiy xavfi ota-nalarda o'zgalarga nisbatan ishonchisizlik, g'azab hamda sovuqqonlik, egoizm munosabatini yuzaga keltiradi va ular albatta, bolalar tarbiyasiga salbiy ta'sir ko'rsatib, ular tarbiyasining noto'g'ri yo'nalishda shakllanishiga sabab bo'ladi.

Oilada ota-ona o'rtasidagi o'zaro janjal va ajralish holatlari ham bolalar tarbiyasiga salbiy ta'sir ko'rsatadigan holatlardandir. Bunday bolalarda atrofdagi ota-onalarga nisbatan ishonchsizlik va behurmatlik kabi xususiyatlar shakllanadi. Oiladagi kattalar (katta avlod vakillari) va kichiklar (kelajak avlod vakillari) dunyoqarashi hamda intilishlaridagi farqlar ham oilada bolalar tarbiyasiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi omillardandir. Bu bolalarda xudbinlik, o'zboshimchalik va begonalashuv sifatlarini yuzaga keltiradi. Oila muhitiga ta'sir etuvchi axborot oqimining salbiy bo'lishi bolalar psixologiyasida va hayotiy yo'lida keskin salbiy o'zgarishlarga olib keladi. Bolalarda zo'ravonlik, oz kuch sarflab, qisqa vaqt ichida barcha narsaga erishish (tallonchilik, o'g'rilik, poraxo'rlik, tovlamachilik vositasida) hamda axloqiy buzuqlikka moyillik kabi jihatlar kuchayib boradi. Yuqorida bildirilgan fikr-mulohazalardan ko'rinib turibdiki, oilada bolalarni tarbiyalash jarayonida milliy qadriyatlarga tayanish, ulardan samarali foydalanish muhim ahamiyatga ega.

## **O'SMIRLIK DAVRIDA YOLG'IZLIK HISSINING NAMOYON BO'LISHI**

*O'rinova L., Qarshi DU o'qituvchisi*

So'nggi paytlarda olimlar tomonidan o'smirlar va yoshlar o'rtasidagi yolg'izlik masalasiga ham e'tibor qaratila boshlandi. O'smirlik davrida paydo bo'ladigan "Yosh bo'lish osonmi?" degan savol o'rniga "yolg'iz bo'lish osonmi?" degan savol vujudga keldi. Bizning davrimizda o'quv faoliyatining jadallashuvi va texnologiyalashuvi ochiq muloqot qilish ko'nikmalari shakllanishini qiyinlashtirdi hamda o'quvchilar yolg'izligini kuchayishiga qulaylik tug'dirmoqda. Ayniqsa bu muammo ta'lim murakkab dasturlar asosida amalga oshiriladigan umumta'lim maktablarida yanada yaqqol namoyon bo'ladi. Yolg'izlik kishining jamiyatdan uzoqlashish holatini his qilishdir.

E.Fromning ta'kidlashicha, yolg'izlik erkin shaxsning barcha rivojlanish bosqichlari uchun xos bo'lgan universal va barqaror kechinmadir. O'smir yoshdagi bolalarda yolg'izlik shakllanishining ilk bosqichlarini aniqlash muhim ahamiyat kasb etadi. O'spirinlik davrida paydo bo'ladigan yolg'izlikning shaxsga salbiy ta'sirini bartaraf etish uchun yolg'izlikka nisbatan ongli va to'g'ri munosabatni shakllantirish, yolg'izlikni ijobiy ta'sirini kuchaytirish muhimdir. Shaxsning yolg'izlikka bo'lgan moyilligini, yolg'izlik hissining rivojlanish qonuniyatlarini aniqlash lozim. Yolg'izlik kishinig hissiy holatiga ta'sir etuvchi psixogen omillardan biridir. Inson yolg'izlik sharoitiga tushib qolishi natijasida uning boshqalar bilan munosabatlari uzilib qoladi va kuchli emotsional reaksiyalarni vujudga keltiradi. Ko'p hollarda xavotirlik, depressiya va negativ reaksiyalar bilan kechadigan psixologik shok vujudga keladi. Yolg'izlik sharoitida uzoq vaqt bo'lish muloqotga bo'lgan ehtiyojni yanada kuchaytiradi. Bunga javoban ehtiyojni qondirish maqsadida turli predmet va jonivorlar bilan muloqot qila boshlaydi. Yolg'izlik muammosi insoniyatning eng jiddiy muammolaridan biri bo'lib, bunda inson u yoki bu sabablarga ko'ra na do'stlik, na muhabbat, na dushmanlik munosabatlarini o'rnata oladi. Inson o'z munosabatlarining to'laqonli va ahamiyatli emasligini his qilganida muloqot ehtiyojlari qondirilmaganda yanada o'zini yolg'izroq his qila boshlaydi. Yolg'izlikning ob'ektiv va sub'ektiv, ijobiy va salbiy jihatlarini farqlash mumkin. Yolg'izlikning ob'ektiv tomoni ijtimoiy munosabat va faktlar bilan bog'liq.

Sub'ektiv tomoni esa shaxsning xususiyatlari bilan bog'liq holda namoyon bo'lishidir. Yolg'izlikning ijobiy (pozitiv) jihati uning shaxs ijtimoiylashuvi va individualligi shakllanishining ajralmas qismi ekanligidadir. Yolg'izlikning ijobiy imkoniyati: o'zini-o'zi bilish, o'zini-o'zi boshqarish, ijod qilish, o'zini-o'zi takomillashtirish, psixofizik holatlarini barqarorlashtirish, tashqi ta'sirlardan o'z "Men"ini muhofaza qilish kabi vazifalarda namoyon bo'ladi.

Yolg'izlikning salbiy (negativ) tabiati- u o'ziga barcha psixik jarayonlarni bo'ysundiradi, shaxsning ichki yaxlitligini buzadi, psixologik himoya mexanizmi sifatida namoyon bo'ladi. Atrofdagilardan ko'p narsani kutishga, shaxs sifatida shakllanishidagi boshqalarning rolini oshirib baholashiga olib keladi. Yolg'izlikka bo'lgan munosabatni uning sabablari va qanday idrok qilinishiga ko'ra tiplarga ajratish mumkin. Psixologik-pedagogik yordam nuqtai nazaridan yolg'izlik hissi dinamikasini kuzatish juda katta qiyinchiliklarni vujudga keltiradi. Shunga qaramay o'qituvchiga o'quvchi shaxsining shakllanishidagi o'zgarishlarni "oldindan bilish" imkonini beruvchi bir necha omillarni ko'rsatib o'tish mumkin;

Birinchidan, barqaror yolg'izlikni kelib chiqishiga qulaylik tug'diruvchi shaxs xususiyatlari (xarakter sifatleri) ni aniqlash: yuqori darajadagi xavotirlik; ta'sirlanuvchanlik; xavoyilik (romantiklik); mustaqillik, sustkashlik, emotsionallik; odamovilik, indamaslik, o'zini chetga olish; yuqori darajada ruhiy azoblanish (iztirob chekish); jizzakilik; itoatkorlik, qo'rqqoqlik; individualizm (yakkalanish), tengdoshlariga o'xshamaslik.

Ikkinchidan, yolg'izlikning rivojlanishiga ta'sir etuvchi ijtimoiy va psixologik-pedagogik omillar:- Oiladagi muhit (oilaning to'liqligi, moddiy ta'minlanganligi, a'zolari soni); o'quv faoliyatidagi muvaffaqiyatlar; xulq-atvor reaksiyalarining adekvatligi (tashqi ta'sirlarga mosligi).

Agar yolg'izlikning shakllanishiga olib keluvchi vaziyatlarni aniqlash oson bo'lsa, uni saqlanib qolishi va qanchalik uzoq davom etishiga ta'sir ko'rsatuvchi omillarni aniqlash mushkuldir. YAngi ijtimoiy guruhga tushib qolgan o'smirlar unga moslashishga, yangi muloqot doirasidagi kamchiliklarni bartaraf etishga harakat qiladilar. O'smir uning yolg'izligiga sabab bo'lgan vaziyat oldida o'zini ojiz his qilsa, ruhi tushib ketadi va uni bartaraf etish uchun hech qanday qarorlar qabul qila olmaydi yoki aksincha, yolg'izligiga sabab bo'lgan vaziyatni to'liq anglash uni qat'iyat bilan harakat qilishga undaydi. Yolg'izlikning sababini to'g'ri tushunmaslik uni uzoq vaqt davom etishiga olib keladi.

O'z navbatida yolg'izlik pozitiv (ijobiy) potentsialga ham ega bo'lishi mumkin. O'zini yolg'iz his qilishga tengdoshlari guruhidagi va o'ziga bo'lgan munosabatlardagi muammolar ham ta'sir ko'rsatadi. O'ziga bo'lgan ishonchning pastligi, hayotiy rejalarning mavjud emasligi, o'zidan qoniqish va maqsadga intiluvchanlikning pastligi, o'zini hayotida ro'y berayotgan voqealarni boshqarishga qodir bo'lmagan inson sifatida idrok qilishi kabi qo'llatlar yolg'izlikning pozitiv potentsialini ro'yobga chiqarishning ichki sharoiti hisoblanadi.

Yolg'izlikning sabablaridan biri, o'zining ko'p narsaga qodirligini saqlab qolishga intilish hissidir. Bunday sifatlar bolalikdanoq shakllana boshlaydi. SHuning uchun muloqotchanlik ko'nikmalarini shakllantirishga alohida e'tibor berish zarur.

- Yolg'izlik hissini chuqurlashtirmaslik, sensor deprivatsiyaga aylanib ketishiga yo'l qo'yimaslik zarur.

Yolg'izlik hissini boshidan kechirayotgan o'smirlar bilan ishlashda psixolog, pedagog va ota-onalarga quyidagi tavsiyalarni beramiz:

- har bir yosh davrida bolalarning ruhiy va shaxs rivojlanishidagi sifat o'zgarisharini o'rganib borish, yosh davridagi «inqiroz» larni nazorat ostiga olish;

- bolalarning psixik taraqqiyoti, rivojlanishini muntazam kuzatib borish, salbiy buzilishlarning oldini olish, nuqsonlarni tuzatish va bartaraf etish choralari ko'rish zarur;

- ruhiy tushkunlik, stress, o'z-o'ziga baho berishi noadekvat, xavotirlanishi yuqori bo'lgan o'smirlar bilan psixokorreksion ishlar olib borish kerak;

- shaxslararo munosabatlarni faollashtirish, ziddiyat va nizoli holatlarning oldini olish va bartaraf etish maqsadida jamoada mo'tadil psixologik muhitni yaxshilash lozim;

- ta'lim-tarbiyaga oid psixologik muammolar bo'yicha ta'lim muassasalari ma'muriyati, pedagoglar va ota-onalarga maslahatlar berib borish.

- o'smir shaxsini shakllanishiga daxldor shaxslarning psixologik pedagogik madaniyatini o'stirish ishlarini yo'lga qo'yish;

- o'smirlar uchun o'quv faoliyatini tashkil etish, o'z-o'zini tarbiyalash, hayot yo'lini tanlash va boshqa muammolarni hal etishda zaruriy bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirish uchun individual hamda guruhviy maslahatlar o'tkazish;

-rivojlangan davlatlar tajribalariga tayangan holda o'smir-yoshlarda turli muammoli, ziddiyatli va ruhiy inqiroz holatlaridan chiqib olishlariga ko'maklashuvchi alohida markazlar va xizmatlar tashkil etish lozim;

- o'smir yoshlarning ta'lim bilan doimiy band bo'lishlari, shuningdek ularning professional-kasbiy ta'limga ko'proq jalb qilinishini ta'minlashning amaliy chora -tadbirlarini ishlab chiqish kerak;

- o'tish davri iqtisodiyotida o'smir yoshlarning ishlab chiqarishga tobora ko'proq jalb qilib borilayotganligini e'tiborga olgan holda, ular mehnatini muhofaza qilishning, shuningdek o'smir-yoshlarning mehnat bilan band bo'lishining huquqiy-tashkiliy asoslarini ishlab chiqish lozim;

- o'smir yoshdagi bolalarda stress holatlarini bartaraf qilish maqsadida trening mashg'ulotlarini tashkil qilish lozim;

- shaxsda o'z kuchi va imkoniyatiga ishonch hissini tarbiyalash (shakllantirish)ga alohida e'tibor qaratish maqsadga muvofiq;

- shaxsda o'z-o'zini anglash orqali o'ziga nisbatan ishonchni tarkib toptirishga erishish lozim;

- shaxsda salbiy emotsional holatlar vujudga kelishini oldini olish zarur;

- o'smir yoshdagi bolalarda o'z shaxsiga nisbatan ongli munosabatni tarkib toptirish kerak.

## ОИЛАДА ФАРЗАНДЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА КЕКСАЛАРНИНГ ЎРНИ

*Жураева Х., Китоб тумани 46-мактаб амалиётчи психологи*

Ҳозирги пайтда оилада болаларни муваффақиятли тарбиялашда бобо ва бувиларнинг ўрни қандай? Бизнинг фикримизча, жуда бекиёс. Бинобарин, улар биз билан бирга яшайдиларми ёки алохидами, бунинг фарқи йўқ. Бу ўринда бутунлай бошқа аспектлар ўрин эгаллайди.

Кекса авлод - оилавий кадрятлар ва анъаналарнинг қўриқчилари ва ташувчилари. Бунга уларда мавжуд бўлган бир қадар психологик эркинлик ёрдам беради. Ахир улар ўз болалари тарбияси билан қийин вақтда - иш-уй ва ёшлик эрмаклари орасида юриб шуғулланганлар ва ҳар доим ҳам ўз ота- оналаридан кўмак олмаганлар. Уларнинг кўпчиликлари шундай ният қилишган: "Биз ўз фарзандларимизга уларнинг болаларини тарбиялашда ёрдам берамиз". Ўз болаларини катта қилиш мобайнида тўплаган тажрибаларига асосланиб, улар неваралар тарбиясига нисбатан қандай муносабатда бўлишни яхшироқ биламиз деб ўйлашади.

Келинг, неваралар тарбиясида бобо ва бувиларнинг ўрни қандайлигини бир таҳлил қилайлик. Бу ўринда оилада оламшумул воқеа - учинчи авлоднинг дунёга келганлигига алохида урғу берилиши аҳамиятли бўлиб ҳисобланади.

Олимларнинг кузатишларича, оилада вужудга келадиган зиддиятларнинг сабабчилари бобо-буви ва неваралар эмас, балки кекса ва ёш ота-оналар бўлиб ҳисобланадилар. Унинг асосида турли мотивлар ётади. Бу катта авлоднинг ёш ота-оналар педагогикаси билан келишмаслиги ёки, аксинча, ёш ота-оналарнинг катталар педагогикасини маъқулламастиклари бўлиши мумкин. Бу оддийгина рашк ҳам бўлиши мумкин. Катта авлод билан ўрта авлод вакиллари болага муҳаббат борасида рақобатлашадилар. Кўпинча, ёш ота-оналар ўз боласини бобо ва бувиларидан рашк қилишади. Кўпгина ёш оналар бундай муносабатларни муҳокама қилиб, боласи ундан кўра кўпроқ бувисини яхши кўришидан шикоят қилади. Бу шунда намоён бўладики, қачон бувиси уйларида келса, болалар қувончи ичига сиғмай хурсанд бўладилар, бувиси ёки бобосига эркаланиб, бир қадам ҳам уларнинг ёнидан жилмайдилар.

Фикримизча, бола тарбиясига оид шундай ва шунга ўхшаш мулоҳазаларни бола томонга буришимиз керак бўлади. Келинг, болани, унинг борлиққа муносабати, хатти-ҳаракатлари мотивини тушунишга ҳаракат қилиб кўрайлик. Ота-она сифатида ўз-ўзимизга савол бериб кўрайлик: "Боламга уйда барча қулайликларни яртиш учун нима иш қилдим?" Бу ўринда гап боланинг қандай қийинганлиги, овқатланганлиги ҳақида бормаяпти. Асосийси бу эмас. Асосий масала - болани, унинг ўзига хос сирлари ва болалик ташвишларини тушуниш ҳақида боряпти.

Бола интуитив равишда бобо ёки бувининг уйда борлиги оила аъзолари ўртасидаги муносабат қанчалик мўътадил эканлигини ойдинлаштиради. Нима учун буви ёки бобонинг меҳмон бўлиб келиши болада жўшқин ҳис-туйғуларни уйғотади. Чунки ота-онаси унинг учун фақат шанба ва яқшанба кунлари вақт ажрата олади. Буви учун эса ўз неварасидаги ҳамма нарсага қизиқиб қарайди. У узоқ йиллар давомида орттирган тажрибаси ва донолиги билан ёш ота-оналарга нисбатан босиқроқ, сабрлироқ бўлади. Бу эса бобо-бувиларга болани эшита олиш, у билан муаммоларни муҳокама қилиш, неварасини кучоқлаб эркалаш, унга ширин-ширин таомлар пишириб бериш, уни боғда ёки ҳайвонот боғида сайр қилдириш имконини беради.

Аммо ёш ота-оналарга нисбатан ҳам ноҳақлик қилмоқчи эмасмиз. Албатта улар ҳам, гарчи сабр-тоқат ва босиқлик етишмасада, ҳамма нарсани тезгина бажармоқчи бўлишади. Ҳамма нарсага улгуришга ҳаракат қилишади. Улар, сўзсиз, ўз болаларини яхши кўришади, аммо тезюрар поездга ўхшаш серташвиш ҳаётлари уларни болаларининг қувончию қайғулари олдидан тез олиб ўтиб кетади. Шу билан бирга унутмаслик керакки, фақат болалар учунгина бобо ва бувилар қондош кадрдон. Ёш ота-оналар учун эса уларнинг бири қайнона, иккинчиси қайнота. Бу эса бутунлай бошқача муносабат даражаси бўлиб ҳисобланади. Ва инсоний эҳтирослар бу ёш жуфтликни парчалаб боради. Келин кўпинча қайнанаси боласини унга қарши қайраётганлиги ва ота-она обрусини ерга ураётганлигидан шикоят қилса, қайнона эса ўз навбатида унга болани ишонмаётганликлари, уларнинг ҳаётий тажрибаларини писанд қилмаётганликларидан шикоят қилади. Кўп ҳолларда эса бундай келишмовчиликлар замирида рашк ётади. Кимга нисбатан рашк?

Исталган кишига - ўғлига, неварасига, қизига, эрига нисбатан рашк бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда бола гоҳ ота-онаси, гоҳ боб-бувиси томонида туриб, "ҳарбий кенгаш аъзоси" га айланади.

Маълумки, бобо ва бувиларнинг ўз невараларига муносабати ментал хусусиятга эга бўлади. Масалан, ўзбек оилаларида бобо ва бувилар муҳим ўрин эгаллайдилар. Чунки ўзбек оилаларида авлодлар ворисийлигига кўп эътибор берилади. Ўзбек халқи қадимдан болажон халқ бўлганлигидан,

катта оилаларда нафақат уч авлод, балки тўрт, беш авлод вакиллари ҳам яшайдилар. Бола тарбиясида бобо ва бувилар ўзбек оилаларида жуда катта рол ўйнайдилар. Шунинг учун бўлса керак, халқимиз орасида "бола боққан вақтинча, неvara боққан улгунча" деган мақол айтиб юрилади. Катталар ёшларни дуо қилганларида: "Илоҳим, аёлбанд бўлинг, неvara-эваларарнинг тагига қолиб кетинг", - деб айтишади. Бу бизнинг халқимиз учун энг яхши дуо саналади.

Унутмаслик керакки, бола мураккаб оилавий авлодлар муаммосини тушунмайди. Бобо-бувиларнинг дунёқараши ва психологиясидаги ўзига хослик ва фарқ мавжудлигини, кишининг қарилик даври бошланиши билан психикасида турли зиддиятлар ва ўзгаришлар пайдо бўлишини ёш ота-оналар унутмасликлари ҳамда бунга тушунган ҳолда муносабатда бўлишлари керак.

## **ОИЛАДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ МУАММОСИНИНГ ЧЕТ ЭЛ ПСИХОЛОГИЯСИДА ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ**

*Жабборов И.А., Қарши ДУ таянч докторант*

Оилавий ҳаёт муаммоларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари психология фанининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ижтимоий психологияда оилавий ҳаёт муаммоларига доир илмий тадқиқот ишлари қанчалик кенг миқёсда олиб борилишига қарамай, унинг ҳали етарли даражада ўрганилмаган томонлари ҳам мавжуд. Булар қаторига оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳам қиради.

Хориж психологларининг тадқиқот таҳлилларига кўра, яна шу нарса маълум бўлдики, оилада бахтли ва фаровон турмуш вужудга келиши учун юқорида келтирилган шарт-шароитлар ўз аҳамиятига кўра эр билан хотин учун бир эмас. Масалан, "эр-хотиннинг бир-бирини тушиниши", "алоҳида уй-жойнинг мавжудлиги", "моддий яхши таъминланганлик", "фарзандлар" ва "қизиқарли иш" аҳамиятига кўра, эрда бошқа, хотинда бошқача баҳоланган. Эр биринчи ва иккинчи ўринга "алоҳида уй-жой билан таъминланганлик" ва "моддий яхши таъминланганлик"ни, кейин бошқаларини қўйса, хотин эса биринчи ва иккинчи ўринга "эр-хотиннинг бир-бирини тушиниш", "фарзандлар" ва сўнгра эса "алоҳида уй-жой", "моддий яхши таъминланганлик" ҳамда "қизиқарли иш"ни қўяди. Бундан кўриниб турибдики, бахтли ва фаровон оила мазмунини энг муҳим томони ҳаёт ва фаолиятнинг зарур шарт-шароитлари, болалар оила иттифоқи барқарорлигининг муҳим мазмун-моҳиятини ташкил этади.

С.В.Ковалевнинг тадқиқотларида, ёшларда оилавий ҳаёт ва турмуш тарзига хос тўғри тасаввурлар етарли эмаслиги сабабли турмуш қурганларда оила-никоҳ муносабатларидан қониқмаслик ҳолатлари кўп учрайди. Шу боис, ёшлар ўсиб улғаядиган ва ўқиш жойларида уларни оилавий ҳаётга, турмушга тайёрлаш, уларда бахтли оила ва фаровон турмушни таъминлайлиган зарур сифат ва фазилатларни шакллантириш, уларни бўлгуси оила тўғрисидаги романтик, ширин ҳаёллардан, ҳар хил чалғишлардан қутқариш билан боғлиқ тарбиявий шарт-шароитларни яратиш тўғрисидаги қимматли маслаҳатларни илгари суради.

Хорижий мамлакатларда шу соҳада ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, юқори синф ўқувчиларида бахтли оила қуришлари учун уларда иккита муҳим жиҳат шаклланган (улар эгаллаган) бўлиши шарт. Биринчиси, ғоявий етуқлиги (иқтисодий таъминланганликка нисбатан ҳам), иккинчиси, ўзаро муносабат ва мулоқот маданияти таркиб топган бўлиши зарур. Шу билан бир қаторда оила қураётган ёшларда яна: ўзини ўзи англаб ўзидаги қусурларни қисқартиришга интилиш, воқеа ва ходисаларга ўзгалар назари билан қараш, муомалада юқори маданиятлилиқ, бошқаларни хоҳиш ва қарашлари билан ҳисоблашиш, севгини улуғлаш, бир-бирига барқарор ишонч, бир-бирини тушунишнинг юқорилиги, бир-бирига ҳурмат ва садоқат каби фазилатлар ҳам мужассамлашуви керак.

Оилавий муносабатлар психологиясини ўрганишда эстониялик олимлар Э.Тийд ва В. Уколоваларнинг олиб борган тадқиқотлари диққатга сазовордир. Улар оиладаги эр-хотин ўзаро муносабатлари характериға қараб унинг моделларини ишлаб чиққанлар. Уларнинг фикрича, ҳозирги жамятда кўпроқ оиланинг 2 та модели: Аньанавий (асимметрик) оила модели ва замонавий (симметрик) оила модели учрайди. Аньанавий (асимметрик) оилада эр сўзсиз оиланинг иқтисодий таъминотчиси ва унинг бошлиғи саналади. Оиладаги иттифоқ мавқеини у белгилайди. Оила ҳаётига хос ташкилий ва бошқа муҳим муаммолар ечимини у белгилайди. Шунга кўра, эр оиладаги бошқа ташвишлардан озод қилинади. Аёл эса аньанавий оилаларда унча кўп даромад келтирмайди ёки нисбатан оз даромад келтиради. Унинг учун энг муҳими фарзанд кўриш (туғиш) ва оила хўжалигини намунали юритиш, болаларни назорат қилиш ва уларнинг камолоти билан шуғулланишдир. Шунга кўра, оила юритиш жавобгарлиги кўп жиҳатдан унга боғлиқ бўлгани учун ундаги микро муҳитни яратиш ва шакллантириш ташвиши, асосан, унинг мажбуриятига қиради.

Замонавий (симметрик) оилада эр-хотин ўзаро муносабатлари анъанавий оиладагидан фаркли ўлароқ ундаги барча роллар хоҳ у иқтисодий, хоҳ у тарбиявий бўлсин ҳаммаси эр-хотиннинг ҳамкорлигида, биргалигида амалга оширилади. Улар оила хўжалигини бирга юритадилар, оилавий масалалар ва муаммоларни бирга ҳал қиладилар ҳаттоки, то тарбиявий масалаларгача.

Эстониялик олимлар Э.Тийд ва В.Уколовларнинг кўрсатишича, оиланинг мустаҳкамлиги, ундаги муносабатларнинг аниқ мақсадларга қаратилганлиги ва йўналтирилганлиги билан ҳам белгиланади. Улар оилавий муносабатлар мақсадини кўпроқ 3 йўналишда бўлишини фарқлайдилар. Оилавий муносабатлар барқарор бўлади, қачонки:

- 1.Мақсад, болалар тарбияси билан боғланган бўлса;
- 2.Мақсад, эр-хотиннинг шахс сифатида янада ривожланиб боришини асосласа;
- 3.Мақсад, оила учун зарурий нарсаларни, уйни шинам ва орасталигини таъминлашга қаратилган бўлса.

Бундан шу нарса маълумки, оила барқарорлиги-оила аъзоларининг ўзаро ҳурматга, севги-мухаббатга, жавобгарлик - бурч ҳиссига ва эр-хотиннинг психологик ва жинсий ўзаро мослигига асосланган жуда мураккаб, кўп қиррали ва кўп даражали муносабатлари натижасидан иборатдир.

Оилашунос психологларнинг фикрича, оилавий бахт бўлиши учун низоли оилаларда етарлича психологик шарт-шароитлар мажмуаси мавжуд эмас (оилада ижобий барқарор психологик муҳитни таъминлайдиган эр-хотин муносабатларига хос сифат ва фазилатлар етарли шаклланмаганлигидан далолат беради). Уларнинг фикрича, оилада етарли психологик шарт-шароитлар комплексини қуйидагилар ташкил этади:

1. Нормал (дўстона) зиддиятсиз муносабат.
2. Ишонч ва эмпатия.
3. Бир-бирини тушиниш.
4. Нормал (интим) жинсий ҳаёт.
5. Уй-жойининг бўлиши.

Россияда ўтган асрнинг 90- йилларида оила муаммолари билан шуғулланган психолог олимлар (С.В. Ковалёв, Н.Н. Обозев) нинг баҳосига кўра, бахтсиз оилаларни уч тоифага киритиш мумкин. Улар шартли равишда: жанжалли, инқирозли, муаммоли оила тоифаларига бўлинадилар.

Жанжалли оилада эр-хотин ўртасида парда (сфера) бўлиб, уларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, баҳолашлари ва хоҳишлари ўртасида доимо тўқнашувлар келиб чиқади ва у кучли эмоционал ҳолат кўринишида узоқ сақланади.

Инқирозли оилада эр-хотиннинг қизиқиш ва эҳтиёжлари асосан қатъий характерга эга бўлиб, бу ҳолат оилавий ҳаёт соҳасининг муҳим томонларини эгаллайди.

Муаммоли оилада эр-хотин ўртасида содир бўладиган карама-қаршиликлар ёки зиддиятлар асосан унда қийин ҳаётлий вазиятлар, қийинчиликлар (масалан уй-жойнинг йўқлиги, оғир ва узоқ муддатли касаллик) юз берган ҳолатларда юзага келади.

Ана шундай оилалардаги эр-хотинлар улардаги ижтимоий-психологик муҳит ва ўзаро ҳурматга, ёрдамга таянган ўзаро муносабатлардан қониққандагина турмушлари мустаҳкам бўлиши мумкин (Ковалев).

Н.Н.Обозев оилавий ҳаётдан қониқмаслик, никоҳнинг бузилиши ва беқарорлигини белгиловчи сабаларни эр билан хотин ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий функциянинг тенглаштиришидандир деб тушунтиради. Унинг фикрича, олдинлари эрнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаси оиладаги боғлиқлигини белгилаган бўлса, у оилани бузилишдан сақлашнинг битта воситаси эди, ҳолос. Ҳозирги даврда эр билан хотиннинг ижтимоий-иқтисодий тенглиги уларнинг функционал мажбуриятларини тақсимлашда янгича ёндашишни талаб қилади. Функцияларни тақсимлашдаги асос сифатида эр билан хотиннинг ўзаро таъсирлашувининг психологик хусусиятларини очиш мақсадга мувофиқ. Унинг фикрича, ижтимоий-тарихий тажриба ва кейинги тажрибалар ҳозирги авлоднинг функцияларини психологик тақсимлаш жараёнини қийналмасдан ва “асоратсиз” бўлишини кафолатлай олмаяпти.

Г.Роланд эса ўз тадқиқотларида оиладаги шахслараро муносабатдан қониқиш учун зарур коммуникатив сифатларни ажратиб кўрсатган:

- 1.Мулоқотмандлик.
- 2.Оилада юқори даражадаги ўзаро тушуниш.
- 3.Эр-хотинларнинг жинсий қониққанлиги.
- 4.Эмоционал қўллаб-қувватлашнинг мавжудлиги ва ишонч.
- 5."Уй" ни оиладаги ҳамжиҳатликни белгиловчи маскан деб қараш.

Кўриниб турибдики, чет эл психологлари томонидан оила муаммоларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар анча салмоқли ва кенг қамровлидир. Шундай бўлса-да, мазкур илмий изланишлар натижалари, улардаги илмий тавсия ва хулосалар маълум даражада чекланганлик характериға эгадир. Тадқиқот натижаларининг чекланганлик характерида эканлиги ҳар бир халқда оилавий турмуш муаммолари миллий, маданий, анъанавий ва ҳудудий хусусиятлар мавжудлиги билан уйғунликда намоён бўлади. Ана шундай муаммоларни комплекс ўргандагина оилавий муносабатларда барқарорлик, оилавий турмушда фаровонлик касб эта боради.

## **BOLANI MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYALASHDA OILANING O'RNI**

*Ashurova T., Qarshi DU o'qituvchisi*

Oila kishilik jamiyatining muqaddas go'shasidir. Bu go'shadagi muqaddas vazifa - bola ta'lim-tarbiyasidir. Bu masala qadimiy bo'lib, Sharqda ham oilada bola ta'lim-tarbiyasiga alohida e'tibor bilan qaralgan.

Bugungi o'zbek oilasining ma'naviy muhiti qanday? Bu muhit bolalarda estetik tasavvurlarni shakllantirishga qanday ta'sir o'tkazmoqda? Undagi milliy o'zligimizga xosliklar, Sharqona qadriyat va an'analardan qay tarzda foydalanayapmiz? Bir qarashda oddiydek tuyulayotgan bir qator omillar mavjudki, ularni turmush tarzimizga kirib kelishi, avvalo oila ma'naviyatini, axloqiy meyorlar va unga oid tasavvurlarni, tushunchalarni, shu jumladan estetik dunyoqarashni to'g'ri shakllanishiga salbiy ta'sir o'tkazmoqda.

“Oila ma'naviyati qanchalik boy, teran va chuqur bo'lsa, jamiyat ham shu qadar boy bo'ladi, oila ma'naviyatida jamiyat ma'naviy olami tajalliy topgan bo'ladi. U yoki bu xalqning millat sifatidagi o'ziga xosligi aslida shu ma'naviyatida jilovlanib turadi. Binobarin, oila ma'naviyati - milliylikning barcha alomatlarini ifodalovchi ko'zgu, turmushning milliylik asoslari ham shunda.

“Oilaning milliy ruxi - xalqning milliy ruhiyatini belgilaydi. Shu ma'noda har bir oila, uning a'zosida milliy psixologiyani shakllantiruvchi muqaddas ijtimoiy institutdir. Bu institut necha ming yilliklar davomida jahon xalqlarining bir-birlariga o'xshamaydigan turfa milliy ma'naviy qiyofalarini tarbiyalab kelayotir” Shuning uchun ham oilada bolalarda ma'naviy-axloqiy tushunchalarni u shakllantirish ham ma'lum jihatidan “milliy qiyofa”ga ega bo'lishi lozim.

Bolalarda ma'naviy tushunchalarni shakllantirishga ta'sir etuvchi omillar tizimida yana bir ijtimoiy masalalar borki, ularni pedagogika nuqtai nazardan to'g'ri yo'naltirmaslik tarkib toptirilayotgan sifatlarni milliy ma'naviy qiyofa kasb ettirishga monelik qiladi. Oilada bolalarda ma'naviy-axloqiy sifatlarni shakllantirishning muayyan pedagogik shartlari mavjud. Bu shartlar ichida ibrat usuli alohida e'tiborga molik. Faraz qilaylik, ona hech qachon badiiy adabiyotga yoki badiiy hunarmandchilikning biror bir turiga qiziqmagan. Tabiiyki, o'z farzandiga amaliy jihatdan namuna ko'rsatmagan. Uning o'z farzandiga bu san'at turlariga qiziqishiga dav'ati samarasiz bo'ladi. Demak, oiladagi amallarda, shu jumladan bolalarda axloqiy sifatlarni shakllantirish jarayonida shaxsiy ibrat natijasi pedagogika jihatdan kafolatlangan bo'ladi. Zero, donishmandlarimiz ta'kidlaganidek, o'rnak ko'rsatish do'q-po'pisadan kuchliroq ta'sir etadi. Chunki ta'lim bolalarga unday bo'ling, bunday bo'ling! deb buyurish va yomonlikdan og'zaki ravishda tiyish bilan chegaralab qo'yishgina emas, balki ulug'larning (shu jumladan ota-onalarni o'zlarining ham) barcha harakatlaridagi xulq atvorlari orqali yoshlarga ibrat, namuna berishdan iboratdir. Ijobiy, ijodiy fe'l-atvor bilan ta'sir ko'rsatish, og'zaki so'z bilan bo'lajak darslarga nisbatan ta'sirliroq bo'ladi.

Garchi bir xotin bolasiga tili bilan go'zal narsalar o'rgatsada, fe'li, yomon bo'lsa, u yomon xulq o'rgatuvchi sanalgan. Zero, yosh farzandlar ota-onalaridan ko'rgan narsalariga taqlid etadilar. Ota-onaning xulqlari farzandlar uchun misoli tabiat hukmidadir. Bolalar ko'z o'ngida, buzuq va nojo'ya ishlarni qilish ularga ham o'shanday ishlarni o'rgatmoqning o'zidir. Bolalarni go'zal tarbiya etish uchun tarbiya etuvchi ota-onaning yoki homiylarning o'zlari tarbiyali bo'lmoqlari shartdir. Agarda ular beradigan tarbiyalari bilan o'zlari odobli bo'lmasalar, umrbod tarbiya etsalar ham bir foydasi ko'rinmas. Komil inson ta'lim-tarbiyasining dastlabki poydevori oilada qo'yiladi. Inson ma'naviyatida madaniyat va san'at o'ziga xos ta'sirchan hamda samarali vosita sifatida alohida ahamiyatga molik. Oila ma'naviyati, madaniyati, oiladagi psixologik muhit, uning badiiy-estetik tamoyilari bolalarda turli mazmundagi tushuncha va tasavvurlarni shakllanishida muhim o'rin tutadi.

Shaxs kamolida oila bosh omil ekanligi isbot talab qilmaydigan tamoyildir. Shuning uchun, insoniyat jamiyatida oila va bola ta'lim-tarbiyasi, oila va farzand munosabatlari hamisha o'rganilib, takomillashtirilib kelingan. Zero, oila faqat maslaklari borlarni biriktirgan maskan, “mashina” emas, balki “oila hayotning abadiyligini, avlodlarning davomiyligini ta'minlaydigan, muqaddas urf-odatlarimizni saqlaydigan, kelajak

nasllar qanday inson bo'lib yetishishiga ta'sir ko'rsatadigan tarbiya o'chog'idir" ya'ni oila jamiyat taraqqiyotining poydevori bo'lib kelgan va shunday bo'lib qoladi. Shuning uchun ham oilada ota-onaning o'rni beqiyosdir. Oila va farzand (bola) munosabatlari bola ta'lim-tarbiyasi haqidagi g'oyalar ichida Rizouddin ibn Faxruddinning yana bir fikri e'tiborlidir. "Oilada bola tarbiyasida onaning, ayniqsa, onaning o'rni hech narsa bilan almashtirib bo'lmaydi. Yaxshi xotin bolalarini ham yaxshi tarbiyalay oladi: xotinlar birinchi navbatda murabbiylardirlar; xotinning oila tebratishi murabbiylik xamiridan patir qilishi, uning tandidirida o'sha patirni yopish degan so'zdir. Bolalar har qanday xislatni eng avval ota-onalari va uydagi kattalar – bobolari va buvilaridan oladilar". Demak, oila ma'naviyati bola ta'lim-tarbiyasidagi bosh ijtimoiy fon bo'lishi lozim. Bu holatning falsafiy talqini haqida fikr yuritar ekan, M.Xolmatova oilaning ma'naviy olami ijtimoiy taraqqiyotning ta'siri va uning mahsuli bo'lsa ham u o'z navbatida ijtimoiy taraqqiyotga sezilarli ta'sir o'tkazishini umumqadriyatlarimiz qonunlaridan kelib chiqishini ta'kidlaydi

Oilada ota-onaning bosh vazifasi bola ta'lim-tarbiyasi, unga odobu axloq, zehn ato etishligi tarixiy manbalarda, buyuk allomalarning ta'limotlarida ko'p bor zikr etilgan. Hadisi Sharifda aytiladiki, "Hech bir ota o'z farzandiga xulqu odobdan buyukroq meros berolmaydi"-bu hayot haqiqatidir.

Oila sharoitida bolalarda ma'naviy tushunchalarni shakllantirishda oiladagi ijtimoiy muhit, uning mazmuni, amal qilish tamoyillari, u yoki bu holat, vaziyatni baholash mezonlari, qo'llaniladigan uslublarlar, yondoshuv va vositalar muhim pedagogik ahamiyat kasb etadi.

## НИЗОЛИ ОИЛАЛАРДА ПСИХОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

*Хусанов А.М., Қарши ДУ ўқитувчиси  
Рухиева Ҳ.А., ЎзМУ профессори*

Бугунги кунга келиб нафакат Республикамизда, балки бутун дунёда никоҳ-оила муносабатларининг энг жиддий жиҳатларидан бири оилаларнинг бузилиши, ажралиши, ажралиш асоратларини тадқиқ этиш масалаларига катта эътибор берилаётганлигининг асосий сабабларидан бири ажралиш билан боғлиқ бўлган бир қатор нохуш ҳодисаларнинг рўй бераётганлиги, нотўлиқ оилалар сонининг ортиб бориши кабиларнинг кузатилаётганлигидадир.

Тўлақонли бўлмаган оилалар ва носоғлом оилаларнинг мавжудлиги, шуларга боғлиқ равишда ажралишнинг болалар тарбиясига салбий таъсирининг ортиши, болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг кўпайиши, ажралиш туфайли собиқ эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ҳамда қариндошлари орасида келишмовчилик, ўзаро зиддиятли муносабатларни юзага келишлиги, оилавий низолар заминидида содир этилаётган қотилликлар, суицид ҳолатлар (ўз жонига қасд қилиш) каби қатор қўнғилсиз ҳолатларнинг кузатилиши, ўз вақтида никоҳ-оила масалаларини, айниқса ажралишнинг салбий асоратларини махсус илмий тадқиқот предмети сифатида ўрганиш заруратини юзага келтирди.

Ажралиш миқдори Республикамиз ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларда хорижий давлатлардагига нисбатан бир неча маротаба кам бўлсада, бироқ ўзбек оилаларида ажралиш асоратлари ниҳоятда аянчли, нохуш ҳолатларни юзага келтиришини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг миқдори нисбатан кам эканлигидан хотиржам бўлишга асос қолмайди. Бу биринчидан, бизнинг минтақаларимизда «ажралиш маданияти» нинг етарли даражада шаклланмаганлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, оилада фарзандлар сонининг кўплиги ва авлодлараро боғлиқликларнинг кўплиги ҳамда ота-оналарининг ажралиши туфайли «тирик етим» бўлиб қолган болалар миқдори Европа мамлакатларида ҳар икки ажралишга ўртача биттадан камроқ бола туғри келса, ўзбек оилаларида бу кўрсаткич ҳар бир ажралишга иккитадан тўғри келмоқда. Учинчидан, ўзбек оилаларининг кўп бўғинлилиги билан боғлиқдир, яъни ўзбек оилаларини аксарият қисми, ота-онаси, бува, бувилари билан бирга истиқомат қиладилар. Тўртинчидан, ўзбек оилаларида куда-андачилик, қариндош-уруғчилик муносабатлари нисбатан кучли шаклланганлигидир.

Ўзбек оилаларида ажралиш асоратлари муаммосини ўрганиш юзасидан Ўзбекистон психолог олимлари томонидан ҳам бир қатор муваффақиятли илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, уларда ўзбек оилаларининг этнопсихологик: хусусиятлари, низолар, низоларнинг келиб чиқиш сабаблари, низоларнинг ўзига хос индивидуал психологик хусусиятлари, ажралишларнинг салбий оқибатлари ҳар томонлама таҳлил қилинган. Лекин илмий манбалар шарҳи Ўзбекистонда ажралиш, ажралиш асоратларини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларда бевосита ажралиш асоратлари, уларни этнопсихологик хусусиятлари, юзага келтирадиган оқибатлари, болалар, эр-хотин, қариндош уруғ, собиқ қудалар ўзаро муносабатларига таъсири каби масалалар махсус тадқиқот предмети

сифатида етарлича ўрганилмаганлигидан далолат беради. Буларнинг ҳаммаси ажралиш асоратлари қандай салбий оқибатларга олиб келиш каби масалаларни ўрганишга бағишланган тадқиқотларимиз жуда долзарб муаммолардан бири эканлигини тасдиқлайди. Бундай муаммоларнинг пайдо бўлишига қуйидагилар ҳам сабаб бўлади:

1. Юридик психологияда ажрим масаласини миллий хусусиятимизга таалукли томонлари кам ўрганилганлиги.

2. Тугатилаётган оиланинг психоэкспертизасини мутлақо йўқлиги.

3. Оила психологиясининг юридик психология билан узвий боғланмаганлиги.

Оила юзага келаётганда ФХДЁ бўлимларида ёш келин-куёвлар тиббий ва психологик куриқдан ўтишади. Лекин нима учун оила тугатилаётганда оила аъзолари психологик кўриқдан ўтказилиб, психоэкспертиза қилинмайди? Кўп ҳолларда оила тугатилгандан сўнг маълум вақт ўтгач, собиқ оила аъзоларида афсусланиш, ўкинч ҳолатлари юзага келади, аммо оилани тиклашга ҳаракат қилишдан тортинишади, бунга мотив сабаб бўлиб оила тугатилаётганда психоэкспертизанинг етишмаслигидир.

Ижтимоий психологияда гап, сўз, низо ҳақидаги маълумот бир оғиздан чиқиб, кишиларнинг кенг томонига қараб ҳаракатлана бошлайди. Унинг кўлами маълумот манбаидан узоклашиб, ундан хабардор бўлган ва унга жалб этилган иштирокчилар сони ортиб борган сари кенгайиб бораверади.

Оилавий ажримлар масаласи бугун ё кечанинг гапи эмас. Бу борада ёзилмаган гап, бу мавзу янграмаган кўрсатув қолмади, ҳисоб. Мутасаддилардан сўрасангиз, “лойиҳалар амалга ошириляпти, яраштириш комиссиялари ишляпти”дан нарига ўтишмайди. Лекин мурғак қалбнинг тирик етим бўлиши замонавий жамиятда одатий ҳолга айланиб бормоқда.

Маълумки, эр (хотин) Фуқаролик кодексининг 11-35-моддаси талабига кўра биринчи навбатдаги меросхўрлар қаторига киритилган.<sup>1</sup> Бирок, мамлакатимизда шаръий никоҳ, ҳуқуқий аҳамиятга эга эмаслиги туфайли шаръий эр (хотин) бир-бирларига меросхўр бўлмайдилар.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг амалга киритилиши билан конунчиликка кириб келган никоҳ шартномаси институти афзалликларини эшлаш ўринлидир. Никоҳ шартномаси никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва эр ва хотин никоҳдан ажраталган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишувидир (Оила кодексининг 29 моддаси)<sup>2</sup>. Унга кўра, эр-хотиндан бирининг мулки болган уй, квартира агар шартномада келишилса, биргаликдаги мулк бўлиши ёки никоҳ даврида олинган машина улардан бирининг мулки бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, ҳар бир оиланинг ўзига хос муҳити, конун-қоидалари, анъаналари, атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга берадиган баҳо мезонлари, ҳатто фақат шу хонадон аъзолари тушунадиган, шартли равишда қабул қилинган сўз, иборалари бўлади. Оилада ота-оналар ўз фарзандларини халқ, эл-юрт фаровонлиги йўлида курашувчи, куриляётган ёш оилаларнинг никоҳ-оила муносабатларини тушунтириши, мустақиллигимиз ғояларига садоқатли ёшлар бўлиб шаклланишларида улар тарбиясига масъулиятли, эътиборли бўлишлари учун ўқитувчи, мураббийларнинг педагогик фаолиятлари таълим муассасаси, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

## YOSHLARNING NIKOHGA YETUKLIK XUSUSIYATLARI

*Xolboyeva G., SamDU o'qituvchisi*  
*Azizova O., SamDU 2-bosqich talabasi*

Bugungi kunda O'zbekiston aholisining yarmidan ko'pini o'smirlar, yosh yigit qizlar, ma'lum qismini esa yosh oilalar tashkil etadi. Yosh oilalarning ma'naviy, axloqiy va ruhiy olamini shakllan tirish bugungi kunda ham ilmiy, ham amaliy jihatdan katta ahamiyat kasb etadi.

Mustaqillik tufayli jamiyatimizda, uning ma'naviy va ruhiy dunyo qarashida jiddiy o'zgarishlar sodir bo'lmoqda.

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy siyosiy mustaqilligining dastlabki yillaridayoq mustahkam oilalarni shakllantirish, onalik va bolalikni ijtimoiy jihatdan muhofaza qilish, oilalarda jismonan sog'lom,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. - Т. “Шарк” нашрети матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси, 2003.-458 б.

<sup>2</sup> Оила кодексига шарҳлар. - Т.: Адолат. 2000. - 69-б.

ruhan baquvvat bo'lgan farzandlarni dunyoga kelishi uchun qulay shart-sharoitni yaratish, samarali ravishda oila tarbiyasini tashkil etish jarayonida oilalar bilan jamoatchilik o'rtasida mustahkam hamkorlikni yuzaga keltirish masalalarini ijobiy hal etishga alohida e'tibor qaratilmoqda. 1993-yilning fevral oyida "Sog'lom avlod" davlat dasturining qabul qilinganligi fikrimizning yorqin dalilidir.

Oila deb atalmish muqaddas makon "oila qasri"ning mustahkamligi shu qasrning poydevori bo'lmish nikoh oldi omillari xususiyatlariga, ularning qay darajada to'g'ri va mustahkam qo'yilishiga bog'liq. Agar shu poydevor yetuk mustahkam bo'lsa, uning ustida qurilgan imorat ham ko'rkam, yorug', unda istiqomat qiluvchilarga qulaylik, xotirjamlik, tinchlik, huzur-halovat bag'ishlaydigan bo'ladi. Hech bir devor yoki uy poydevorsiz bo'lmaganidik sizning qo'rajak oilangiz ham o'ziga xos poydevorlari bor ularning shu oilaning yuzaga kelishida qo'rilishiga asos bo'lgan nikoh oldi omillaridir.

Gap nikoh oldi omillari haqida borarkan shuni ta'kidlab o'tish joizki, nikoh oldi omillari u yoki bu nikohning yuzaga kelishiga asos bo'lgan ko'plab ijtimoiy, iqtisodiy, biologik, fiziologik, ma'naviy, axloqiy va bugungi kunlarimiz uchun eng muhim bo'lmish psixologik omillarni o'zida mujassamlashtirgan, ko'p qirrali omillar kompleksidan iborat bo'lib, oila qo'rayotgan oilaviy hayot bo'sag'asida turgan yoshlarni, shu o'zlari qo'rayotgan oilaviy hayot qay darajada "yetilgan" liklarini belgilab beradi. Bu yerda eng muhimi yoshlarning oilaviy hayotga nikoh talablariga qay darajada javob bera olishi nazarda tutiladi.

Hozirgi zamon oilasining ijtimoiy psixologik muammolarini yuritishga bag'ishlangan psixologik adabiyotlarda nikoh oldi omillarining turlicha shakllari ko'rinishlari farqlanadi. Nikoh oldi omillari qatoriga shu oila qurayotgan yoshlarining: oilaviy hayotga yetukligi; ularning oila qo'rish motivlari; ularning oila qo'rishlariga qadar bir-birlarini tanishlik muddati ya'ni qancha vaqt bir-birini tanishi shartlari va sharoitlari; ularning o'zlari bo'lg'usi oilaviy hayotlari haqidagi kabilarni kiritish mumkin. Albatta bu omillarning har biri turli yoshlarda turlicha xarakterda bo'lishini shu bilan birga ularning har biri o'z navbatida yana bir qancha turlari farqlanadi.

Gap shaxsning psixologik yetukligi haqida borgudek bo'lsa, bunda dastavval uning turli hayotiy vaziyatlari va sharoitlarini hushyor baholay olishi nazarda tutiladi bu hushyorlik amaliy voqeyilikni to'g'ri baholay olish shaxsda o'zining yutuq va kamchiliklarini, bilim, ko'nikmalarini, malaka va qobiliyatlarini obyektiv baholay olishda ham namoyon bo'lishi kerak. Afsuski ko'pincha yoshlar o'z qobiliyatlarini orttirib baholab o'z oldilariga erishib bo'lmaydigan maqsadlarni qo'yib olish hollariga duch kelinadi. Ayniqsa oilaviy hayotni tasavvur qilish hamda o'z o'rnini baholash masalasida yoshlarning ko'proq xatoga o'zlarini orttirib baholashga oilaviy hayotdan mumkin bo'lganidan ko'proq narsani kutish hollari ko'proq kuzatiladi. Natijada muvaffaqiyatsizliklar, pushaymon bo'lishlar, asab bo'zishlar yuzaga keladi. Psixologik yetuk shaxs esa, aksincha o'z oldiga erishishi muqarrar bo'lgan imkoniyatlar yetarli bo'lgan maqsadlarni qo'yadi. O'z hayot yo'lini va unga erishish vositalari va usullarini to'g'ri belgilab bunday shaxs o'z hissiyoti, kechinmalarini yetarlicha yaxshi nazorat qila bilishligi, ya'ni ichki intizomning yuqori rivojlanganligi bilan xarakterlanib turadi.

Psixologik yetuklik boshqa odamlarning xohish-istaklari, kechinmalarining tushunishi bilan ma'lum darajada bog'liq. Bu so'z navbatida muloqotning, hamkorlikning yaxshi yo'lga qo'yilishiga, oilada, turli guruhlarda hamkorlik munosabatlarining o'rganilishiga imkon beradi. Turli yoshdagi, mansab, toifadagi odamlar bilan qiziqishi, odati, ta'bi, turmush tarsi mutloqo boshqacha bo'lgan odamlar bilan o'rinli munosabatda bo'la olish shaxsning psixologik yetukligining asosiy munosabatlaridan biridir.

Yoshlar oila qurayotganlarida bu xususiyatlar hal qiluvchi bo'lib hisoblanmoqda. Albatta bunday qobiliyatlar bir kunda shakllanmaydi ular oldingi hayoti davomida unga berilgan tarbiya ta'sirida asta-sekinlik bilan ta'sirlanadi. Psixologik yetuklik, shaxs xulqini turli yashash sharoitlariga moslashuvchanligida ifodalanadi. Psixologik yetuklik shaxsni boshqa odamlarga nisbatan bo'lgan ijobiy munosabatlari: hamdardlik, hamfikrlilik, g'am-tashvishga sherik bo'la olish o'zaro yordam kabilar tarzida namoyon bo'la oladi. Ma'naviy sifatlar tarkibiy jihatlarini o'zida birlashtiradi. Psixologik yetuklikning muhim mezonlaridan biri shaxsda oilaviy muammolarni adolatli hal etishga xizmat qiluvchi o'z mustaqil fikri, qarashi, pozitsiyasi bo'lishi zarur bo'lganda oila manfaatida o'z qarashlarini ota-onalari oldida himoya qila olishidir.

Xulosa qilib shuni aytishim mumkinki, oilaning mustahkam bo'lishida yoshlarni nikohga ham psixologik, ham fiziologik jihatdan yetuk bo'lishlari muhim omillarining biri bo'lib hisoblanadi. Nikoh oldi omillari orasida eng xarakterlilaridan yana biri sifatida oila qurayotgan yoshlarning yosh xususiyatlari deb o'ylaymiz. Chunki bu ko'rsatkichlar ham nikoh mustahkamligida hal qiluvchi ahamiyatga ega. Demografik nuqtayi nazardan olinganda oila qo'rish ma'lum bir kishilarning emas, balki butun bir avlodning oila qo'rish nazarda tutiladi. Bu o'rinda shuni to'liq ishonch bilan aytishimiz mumkinki, avlod yosh jihatdan qanchalik katta bo'lsa, u psixologik, fiziologik va axloqiy jihatlarining har biri bo'yicha ko'proq yetuk bo'ladi. Bundan tashqari oiladagi katta yoshli oqil kishilarning yoshlarga hayotda ko'prik bo'lmog'i,

ularning bosib o'tgan hayot yo'li farzandlariga saboq bo'lishi kerak. Ular yoshlarimizni mustaqil, yetuk shaxs sifatida qabul qilib, oilaviy hayotning past-balandlari haqida to'la-to'kis ma'lumotlar berish maqsadga muvofiqdir. Toki yoshlarimizning oilaviy hayotlari poydevoriga qo'yayotgan ilk g'ishtlari to'g'ri va mustahkam qo'yilsin.

## **ЁШ КЕЛИН – КУЁВЛАР ЎРТАСИДАГИ СОҒЛОМ ПСИХОЛОГИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ЭТНИК АСОСЛАРИ**

*Алимарданова Р.Н., Қарши ДУ таянч докторант*

Оила инсон учун муқаддас маскан, кишилиқ жамиятининг ижтимоий пойдеворидир. Дарҳақиқат, оила – ҳар бир шахсда илк ёшлигидан бошлаб шаклланидиган инсоний фазилатлар, эзгу-истаклар, қадриятлар такомил топадиган, минг йиллар давомида шаклланган ўзбек халқининг қадриятлари ва маънавий мероси равнақини таъминловчи тарбия масканидир. Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган. Бола шаклланишининг илк мактаби эса ота-онанинг ўзаро муносабатлари мажмуи бўлиб ҳисобланади. Оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил - она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру-муруввати, садоқати ва вафодорлигидир. Ота-оналар муносабатларида намоён бўлувчи ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олий тоифадаги қадриятлар уларнинг ўзаро муносабатларида уйғунлаша бориб, оилада ўзаро муносабатлар маромини вужудга келтиради. Оиладаги ушбу ижтимоий жараён ёш авлоднинг моддий олам, ижтимоий турмуш ҳақидаги тасаввурлари, нуқтаи назарлари, тушунчалари, дунёқарашлари ва шарқона одоб-ахлоқ қоидалари ва уларга амалиётда риоя этишнинг тўғри йўл-йўриқларини кўрсатади. Ёш авлоднинг маънавий кийфаси, уларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори дастлаб оилавий муносабат маданиятида шаклланади.

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, оилавий муносабатлар маданияти шарқ халқларида жуда қадимдан ривожланган ижтимоий воқелик эканлигини кўрсатади. Қадимги халқлардан қолган асори-атиқаларда, муқаддас диний манбаларда, ўзбек халқининг оғзаки ижоди дурдоналарида, шарқнинг буюк мутафаккирларининг асарларида шарқ халқлари, хусусан ўзбек халқига хос оилавий шахслараро муносабатларда намоён бўладиган одоб-ахлоқ қоидалари, меъёрлари, инсоний фазилатлар ифодаси тўғрисида қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Манбаларда оиласиз инсоний ҳаётни тасаввур қилиб бўлмаслик, баркамол фарзанд тарбияси, ундаги эр-хотин ва ўзаро муносабатлар маданияти, бахтли ва фаровон турмуш кечириш йўллари, ҳаётий мисоллар ёрдами билан ҳикматлар ва насихатлар кўринишида баён этилган.

Оилавий турмуш билан жамият тараққиётининг доимий муштараклиги туфайли жамият тараққиётининг барча даврларида ҳам оилавий муаммолар унинг илғор вакиллари диққат-эътиборида бўлган. Оилавий ҳаёт жамият тараққиётида ва фарзандларнинг камолоти учун шу қадар муҳимки, худди шу боис уни бирор сония ҳам диққат-эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла, юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Афсуски, оила-никоҳ муносабатларининг ҳозирги даврга келиб заифлашиб бораётганлиги дунёнинг деярли кўпчилиқ мамлакатларида: Америка Қўшма штатлари, Англия, Франция, Германия, Болтиқ бўйи давлатлари, Россия ва бошқа қатор давлатларда яққол намоён бўлмоқда. Ўзбек оилалари ҳаётида оила-никоҳ муносабатларининг заифлашуви ва унинг бузилишлари юқорида қайд этилган давлатлардагига қараганда нисбатан кам бўлса-да, афсуски ажралишнинг асоратлари оила аъзолари ва қариндош-уруғлар ўртасида ниҳоятда аянчли оқибатлар, нохуш ҳолат ва ҳодисалар келтириб чиқараётганлиги кузатишмоқда. Демак, оилаларнинг бузилиши ва унинг оқибатида юзага келадиган турли хилдаги асоратлар ижтимоий психология ва этнопсихология фанларининг тадқиқот предмети сифатида кенг ўрганишни тақозо этади.

Ўзбекистон психологлари (Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, М.Х.Файзиева, З.А.Расулова) томонидан ўзбек оилаларига хос муаммоларни ўрганиш юзасидан бир қатор муваффақиятли илмий изланишлар олиб борилган. Ана шу илмий ишларда оила-никоҳ муносабатлари, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ўзбек оилаларидаги миллий ўзига хослик, ундаги низолар ва уларни келтириб чиқарувчи муҳим сабаблар, ажралишлар ва уларнинг салбий асоратлари каби бирқатор масалалар ҳар томонлама ўрганилиб таҳлил қилинган.

Бироқ, юқоридаги илмий изланишларда ёш келин-куёвлар ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг ижтимоий-этниқ асослари махсус тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган. Аслида оилавий турмушда юзага келадиган муаммолар, ҳатто оиланинг бузилиши ва унинг салбий асоратлари, ҳамма-ҳаммаси ёш келин-куёвлар ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг ижтимоий-этниқ асосларига амал қилинмаётганлигига узвий боғлиқлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, оила барқарорлиги, бахтли ва фаровон турмуш кечириш, фозил ва оқил фарзандлар тарбиялаш энг аввало ёш келин-куёвлар ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг ижтимоий-этниқ асослари билан узвий боғлиқлиги туфайли, айнан шу муаммо юзасидан илмий тадқиқот ишларини олиб боришни мақсад қилиб олдик.

Тадқиқотимиз мақсадига кўра, қуйидаги вазифаларни белгиладик:

1. Оилада ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашга доир назарий-методологик адабиётларни ўрганиб, таҳлил қилиш.

2. Ўзбек оилаларида ёш келин-куёв ўртасидаги муносабатларни тадқиқ қилишнинг амалий-психологик асосларини ишлаб чиқиш.

3. Ўзбек оилаларида ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатлар кўрсаткичлари намоён бўлишининг ижтимоий-этниқ хусусиятларини аниқлаш.

4. Ўзбек оилаларида ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг миллий-психологик аспектларини, психотерапевтик таъсир ўтказиш воситаларини ишлаб чиқиш. асослаш.

5. Ўзбек оилаларида ёш келин-куёв ўртасида соғлом психологик муносабатлар яратишнинг миллий-психологик проекциясини (истикболли андозасини) тайёрлаш бўйича илмий амалий тавсиялар яратиш.

## **SHARQ MUTAFAKKIRLARI MEROSIDA BOLA TARBIYASI HAQIDAGI QARASHLARNING YORITILISHI**

*Berdiyeva L., Ochilov O., Qarshi DU huzuridagi  
XTXQTMOHM o'qituvchilari*

Inson bolasi uchun oila asosiy go'sha, hayotga tayyorlaydigan qutlug' va mo'tabar dargoh. Uning xosiyati-u fazilatlarini hisobga oladigan bo'lsak, oila turmush kechirishdagi asosiy maskan hisoblanadi. Oila jamiyatning bir bo'lagi, binobarin, u qancha mustahkam va barkamol bo'lsa, jamiyat ham shunchalik tez rivojlanadi.

Qimmatli asarlar yaratgan Abu Ali Ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Forobiy, Alisher Navoiylardan tortib XIX asrning oxiri XX asrning boshida ma'rifatparvarlar Abdulla Avloniy, Ahmad Donish, Furqat, Fitratlar xalqimiz uchun tarbiya borasida ulkan va o'lmas asarlar yaratganlar. Mutafakkirlar o'z asarlarida oila tarbiyasi, uni tashkil etish, ota-onaning vazifalariga alohida to'xtalib o'tganlar. Shu jumladan, Abu Ali Ibn Sinoning asarlarida oila tarbiyasi haqida fikrlarni ko'plab o'qishimiz mumkin.

Ibn Sinoning asarlarida ta'lim-tarbiya, ilm-ma'rifat, insonning ruhiyati, axloq va odob kabi masalalar to'g'risida chuqur fikrlar ifodalangan. Ibn Sinoning fikricha, inson avvalo oilada kamol topadi. Oilada ota-onaning vazifasi va burchiga katta e'tibor beradi. Oila munosabatlariga to'xtalar ekan, ayniqsa ota-onalarning oilada mehnatsevarligi bilan farzandlarini ham kasb-hunarga o'rgatishi borasida muhim fikrlar bayon etadi.

Bundan tashqari farzandlarni tug'ilgandan boshlab tarbiyalash masalasiga alohida e'tibor beradi. Bola tug'ilgandan boshlab oyoqqa turgunga qadar ma'lum tartibda tarbiyalab borish zarur. Bola tabiatini mustahkamlashdagi muhim vositalar asta-sekin tebratish, musiqa eshittirish, ashula aytish (alla yumshoq ohangda, shirin so'zlar bilan) dan iborat bo'lib, ular tartib bilan amalga oshirilsa, bola yaxshi uxlaydi, orom oladi. Tebratish uning tanasiga, musiqa uning ruhiyatiga orom baxsh etadi. Ibn Sino yosh bola tarbiyasini turli sharoitlarda muayyan izchillik va tartib bilan olib borish haqida onalarga maslahatlar beradi.

Ibn Sinoning fikricha, oilada otaning tabiatan yumshoq ko'ngilli, shirin so'zli bo'lishi bola tarbiyasini buzishi mumkin. Oilada bosh tarbiyachi otadir- deydi. Ota bolalar tarbiyasida qattiqqo'l va hatto lozim bo'lsa, jazo berishga qadar ta'sir ko'rsatuvchisir – deb ifodalaydi.

Shu bilan birgalikda u onalarning donoligi, bosiqliqi, halolliqi, kamtarligi kabi axloqiy sifatlarni ulug'laydi. Uningcha, ayollar hamma yerda erkakning munosib hamrohi bo'lishi bilan birga, oila mustahkamligi hamda bolalarni tarbiyalashda uning eng yaqin yordamchisi hamdir, - deb ta'kidlaydi. Shu

bilan birgalikda, u onalarning donoligi, bosiqliqi, halolligi, kamtarligi kabi axloqiy sifatlarni ulug'laydi. Uningcha, ayollar hamma yerda erkakning munosib hamrohi bo'lishi bilan birga, oila mustahkamligi hamda bolalarni tarbiyalashda uning eng yaqin yordamchisi hamdir.

Oila qurish balog'atga yetgan har bir yigit-qiz uchun hayotiy zaruriyat bo'lib, ularning o'zaro ahdu-paymoni asosidagi ijtimoiy birlik sifatida namoyon bo'ladi. Oilaning mustahkamligi oila a'zolarining totuvligi, er-xotinning oila yuritish ko'nikma va malakalariga egalik darajasiga bog'liq. Oilaning mustahkamligida ayolning roli bor. Zero, oila tashvishlarining aksariyati uning zimmasida bo'ladi. Bu borada Alisher Navoiy quyidagilarni qayd etadi: "Er bilan xotun bir-biriga mos tushsa, o'rtada boylik va saramjonlik bo'lur. Uy bezagi undan va uylanganing tinchligi undan. Husni bo'lsa, ko'ngilga yoqimli bo'lur, yaxshiligi bo'lsa, jon ozig'idir. Aqlli bo'lsa, turmush intizomli va ro'zg'or kerak yorog'I tartibli va saranjomli bo'ladi. Kishi bu xildagi juftga erishsa, balki bunday baxt qo'lga tushsa, yashirin g'am va kulfatda sirdosh va hamdaming bo'lur. Turmushdan har jafo yersa, hasratdoshing ul va aylanuvchi osmondan har balo kelsa, ko'makdoshing bo'lur. Ko'ngling g'amidin ul g'am kechadi, badaning zaifligi hotg'inligidan ul qiynaladi. Nosoz juft uy uchun ham ochiq ham yashirin qo'rqinchli kasallikdir. Uyatsiz bo'lsa, ko'ngil undan ozorlanadi, yaramas bo'lsa undan azob tortadi. Tili yomon bo'lsa kuyovning ko'ngli yaralanadi. Yomon ishlik bo'lsa erga yuz qarolig' keladi. Mayxo'r bo'lsa, uy obodligi yo'qoladi va buzuqi bo'lsa, uy ichi rasvogarchilikka aylanadi". Alisher Navoiy hayotiga nazar tashlagan kishi umr bo'yi topgan tutganlarini och-yalang'ochlarga, yetim-yesirlarga, mujtoj olim, shoirlarga ulashib ularga ota mehri bilan munosabatda bo'lganligini guvohi bo'ladi. Yoshlarning ota bilan birga onani hurmat qilishga, ularni e'zozlashga chaqiradi.

Yosh avlodni tarbiyalash, ularga xulq-odob fazilatlarini singdirish haqida o'z fikr-mulohazalarini bayon qilgan olimlardan Jaloliddin Davoniydir. Davoniy "Axloqi Jaloliy" asarida ota bilan muallimning tarbiyalar ekan, u muallimning tarbiyalash usuli otaning tarbiya usulidan yuqori ekanligini aytadi. U deydi: "Iskandardan so'rabdilar: otani yaxshi ko'rasanmi yoki uztozni? U javob beribdi: Ustozni. Chunki iota o'tkunchi hayot sababchisidir." Lekin bunda Davoniy oila va ota-ona tarbiyasiga yetarli e'tibor bermagan ekan, degan xulosa chiqqirilmaligi kerak.

Davoniy o'z asarida ota-onaning bolani tarbiyalashdagi rolga keng to'xtaladi. Uning fikricha, bola tarbiyasida ota ham, ona ham teng ishtirok etishi, har ikkisi bolaning yaxshi xulq -odob qoidalarini, muayyan bir kasbi egallashiga ko'maklashishi, ilm-fan va kasb-hunar egallashning moddiy asoslarini yetkazib berish uchun jonbozlik ko'rsatishi lozim. Lekin shunga qaramasdan, tarbiya asosiy qiyinchilik onaning zimmasiga tushadi- deydi. Zero, u homiladorlik mashaqqati va tug'ish azobini boshidan kechiradi. Ona bolaning yashahsi uchun birinchi quvvatni o'z badanidan beradi, bevosita tarbiyasi bilan mashg'ul bo'ladi va o'zining butun mehr-muhabbatini va qalb qo'rini bolaga bag'ishlaydi. Davoniyning fikricha, ota-ona bolaga xulq-odob qoidalarini singdirishga, o'qimishli bo'lishi uchun mas'uliyat sezishiga, yaxshi va yomonni ajratishga o'rgatishi, axloq qoidalarini o'rgatishga mas'ul hisoblaydi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Sharq mutafakkirlarining tarbiya haiqdagi fikrlarini g'oyat muhim hisoblanadi. Ota-onalar ushbu asarlarni o'qib-o'rganishlari maqsadga muvofiqdir.

## OILADA BOLA TARBIYASI

*Qosimova G., Qarshi DU huzuridagi XTXQTMOHM ўқитувчиси*

Jamiyatimizning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotini jadallashtirish, inson omilini vujudga keltirish davr talabiga aylandi. Inson, uning mehnati va turmush, ma'naviy taraqqiyoti to'g'risida g'amxo'rliqi mustaqil O'zbekistonning oliy maqsadidir. Ma'lumki, kishi kamoloti, uning inson sifatida hayotga, ijtimoiy turmush va mehnatga, madaniy va ma'naviy boyliklarga bo'lgan munosabati asosan oilada shakllanadi.

Mustaqil O'zbekistonimiz tomonidan chiqarilgan barcha qaror va yo'l-yo'riq ko'rsatmalarda mehnatkashlar ommasining ijtimoiy-iqtisodiy yuksalishini ta'minlovchi tavsiyalar berildiki, ular davlatimizning asosi oilalarning ijtimoiy-iqtisodiy va ma'naviy kamolotlarida muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki ta'bir joiz bo'lsa, oilalarning kamoloti davlatimizning yuksalishi demakdir.

Shaxsning ma'naviy sifatlariga ega bo'lishi, unda ma'naviy bilimlarni egallashga nisbatan ehtiyoj va qiziqishning paydo bo'lishida oila tarbiyasi asosiy rolni bajaradi. Oilada qaror topgan sog'lom ma'naviy-ruhiy muhit farzandlarning yetuk barkamol voyaga yetishishlari uchun beqiyos ahamiyatga egadir.

Tarbiya jarayoni ishtirokchilari sa'y-harakatlarini birlashtirish maqsadida 1993-yilda ishlab chiqilgan "Oila, mahalla, maktab hamkorligi Konsepsiyasi" yoshlarni istiqloq g'oyalariga sadoqatli, ma'naviy barkamol, vatanparvar etib tarbiyalashda keng jamoatchilik faoliyatini muvofiqlashtirish borasida ma'lum dasturilamal bo'ldi. Hamda ushbu konsepsiyada oilaning bola tarbiyasidagi vazifalari quyidagicha belgilangan:

1. Oilada sogʻlom muhit boʻlishi, milliy ruh va oʻzbekona turmush tarzini hisobga olish, farzandlar uchun ota-ona har tomonlama oʻrnak boʻla olishi, farzandda ota-onasiga, Vataniga muhabbat tuygʻusini shakllantirish va oʻzaro gʻamxoʻr boʻlish.

2. Oilada tarbiyani yaxshilash, oila aʼzolarining huquq va burchlarini anglab yetishlarini va ularga rioya qilishlarini shakllantirish.

3. Farzandlariga chuqur dunyoviy bilim asoslarini berish, maʼrifiy va maʼnaviy madaniyatli boʻlib yetishishlarini taʼminlash.

4. Bozor munosabatlariga xos boʻlgan, kasb-hunar va iqtisodiy tushunchalarni farzandlar ongiga singdirish.

5. Bolalarning aqlan va jismoniy sogʻlom boʻlishlari uchun iqtisodiy va ijtimoiy muhit yaratish.

6. Bolalarda mustaqil fikrlash va oʻzini dunyoqarashiga ega boʻlishi bilan bir qatorda, ularda istiqloq gʻoyalari va milliy mafkuraga sadoqat ruhini tarbiyalash.

7. Bolalar boʻsh vaqtlarini pedagogik nuqtai nazardan kelib chiqib unumli tashkil qilish, ularga qoʻshimcha taʼlim berish, kasb-hunar oʻrgatish.

8. Farzandlarga maktab, mahalla, jamoatchilik oldidagi vazifalarni toʻla ado etishga qonuniy javobgar ekanligini xis qilish.

Bolani oilada tarbiyalashning imkoniyatlari katta. Lekin biz amalda undan yetarlicha foydalana olmaymiz. Farzandni tarbiyalash uchun avvalo ota-onalarning oʻzlarining vazifalarini bilishlari va masʼuliyat bilan bajarishlari shart. Ularning vazifalariga quyidagilarni kiritamiz:

- Ota-onalar oʻz bolalarining ijobiy va salbiy tomonlarini yaxshi bilishi, oʻz bolasini oʻrgana bilishi lozim.

- Ota-onalarning oiladagi obroʻsi oila tarbiyasi muvaffaqiyatlarning muhim shartidir. Buning uchun ota-ona oʻz obroʻsini saqlay olishi zarur.

- Oilada aniq kun tartibi yoʻlga qoʻyilishi kerak.

- Bolalarning ovqatlanishi tartibga solish muhim vazifadir.

- Boʻsh vaqtlaridan oʻrinli foydalanish va foydali mehnatga, kasb-hunarga yoʻnaltirish.

- Bolani jismoniy va aqliy jihatdan rivojlanishiga qarab mehnat jarayoniga jalb etish lozim.

- Mustaqil oʻqish uchun imkoniyat yaratish kerak.

- Oilada toʻgʻri ragʻbatlantirish va jazolash muhim hisoblanadi.

- Tarbiyaning barcha turlaridan unumli foydalanish.

Oʻzbek oilalarida bolalarga kattalarni hurmat qilish xissi yoshligidan shakllantiriladi. Ota-onalarga, yoshi katta kishilarga, keksalarga murojaat etish, ular bilan xushmuomalada boʻlish, yaxshi ishlar uchun minnatdorchilik bildirish, uzr soʻrash oiladan shakllantirilib boriladi.

Farzand uchun doimo baxtiyor oila baxt kalitidir. Ota-bobolarimiz oilani muhabbatsiz tasavvur qilmaganlar. «Muhabbatsiz oila-ildizsiz daraxtdir» aqidasi asosida yashaganlar. Farzand tarbiyasida onaning oʻrni muhim hisoblanadi. Chunki onalar insoniyatning asosiy meʼmorlaridir. Shuning uchun ham barcha shoiru fozillar, mutafakkirlar oʻz asarlarida onalarni ulugʻlaydilar. Buyuk mutafakkir A.Navoiy ona haqida shunday deydi:

*Onalar oyogʻi ostidadur ravzai jannatu jinoi begi*

*Ravza begin visolin istar ersang, boʻl onalar oyogʻi tufrogʻi.*

*Boshni fido ayla ato qoshigʻa.*

*Jismni qil sadgʻa ona boshiga.*

Bolalarni goʻzal tarbiya etish uchun ota-onalarning oʻzlari goʻzal axloqli, tartibli boʻlishlari shartdir. Ota - oilada bosh tarbiyachi, chunki otaning namunasi farzandlar uchun xoh qiz bola boʻlsin yoki oʻgʻil bola boʻlsin muhim hisoblanadi. Otaning salbiy namunasi bolaga yomon taʼsir koʻrsatadi. Oilaviy tarbiyada bolalarning bir-biriga boʻlgan munosabati ham katta rol oʻynaydi: «Katta arava qayerdan yursa, kichik arava ham shu yerdan yuradi».

## **BOLA SHAXSNI SHAKLLANISHIDA OILANING IJTIMOIY-PSIXOLOGIK OʻRNI**

*Mannonova L., Shahrizabz shahar 14-maktab amaliyotchi psixologi*

Hozirgi davrda komil insonni shakllanishi va jamiyatda oʻz oʻrnini topishi oʻziga xos xususiyat va imkoniyat, qonuniyatlarga egadir. Bularni shakllanishi esa oiladan boshlanadi. Oila taʼlim-tarbiyaning boshlangʻich mexanizmi boʻlib xizmat qiladi: unda taʼlim-tarbiya, shaxslararo munosabatlar, milliy anʼana

va qadriyatlar, urf-odatlar hamda ijtimoiy muammolarning kelib chiqishi ham ularni bataraf etish chora-tadbirlari oilada o'rganiladi.

Oila - ijtimoiy, tabiiy omillar asosida shakllangan kichik jamoa sifatida ikki jinsga mansub bo'lgan shaxslar o'rtasidagi munosabatlarning birga hayot qurib nasl qoldirish, faqat farzandni dunyoga keltirish emas, balki ularni ma'naviy va jismoniy barkamol topdirib, hayotga mustaqil qadam qo'yishiga sharoit yaratishdir. Professor O.Musulmonova ta'kidlaganidek: "Oilaning asosi er-xotin yoxud ota-onadir. Modomiki, er-xotin oilaning tamal toshlarini mustahkam bunyod etishga mas'ul ekanlar, ular unda uchraydigan turmush qiyinchiliklari, hayot quvonchlari-yu, tashvishlarini boshdan kechirishda, oilani idora etishda, farzand tarbiyasida mas'uldirlar".

Farzandni dunyoga keltirish otalik, erkaklik burchining faqat bir tomonidir. Uning eng asosiy vazifasi esa farzandini yaxshi tarbiyalab, jamiyatda o'zining munosib o'rnini egallashini ta'minlashdir. Oila jamiyat bag'rida tashkil topadi, taraqqiyo etib borar ekan, o'zi ana shu jamiyatning kichik bir bo'lagi sifatida namoyon bo'ladi. Oila taraqqiyotini uch yo'nalishda tanlash maqsadga muvofiqdir:

1. Oilaning demografik taraqqiyoti
2. Oilaning ijtimoiy taraqqiyoti.
3. Oilaning iqtisodiy taraqqiyoti.

Oilaning demografik taraqqiyoti deganda oilaning miqdori, shaklanishi va demografik tarkibi ma'lum davrlarda o'zgarib borishi tushuniladi. Oilaning ijtimoiy taraqqiyoti esa oila a'zolarining ma'lumotliligi darajasi, ijtimoiy mavqei salomatligi borasida o'zgarish hamda ularning ta'lim-tarbiya, urf-odat, fan va madaniyat tabiatda va jamiyatda bo'lgan munosabatlarini takomillashib borishidir. Oilaning oziq-ovqat, kiyim-kechak, uy-joy va boshqa yashash uchun bo'lgan narsalar bilan ta'minlanishi darajasining o'zgarib borishi uning iqtisodiy taraqqiyotini belgilaydi. Ko'rinib turibdiki, oila o'z mohiyatin bilan jamiyat hayotida turli qirralarni aks ettiradi. Oila paydo bo'lganidan to hozirgi davrlarga qadar uning turlari va ijtimoiy-demografik tarkibi muntazam o'zgarib bormoqda. Oila turlari va tarkibida sodir bo'lgan o'zgarishlar va ularga ta'sir etuvchi omillarni jamiyat taraqqiyotining har bir bosqichlari uchun alohida o'rganish ham oila sotsiologiyasini asosiy yo'nalishlaridan biri oilaning mohiyati va faoliyatini o'rganishdir. Oila mohiyati uchun faoliyati, ya'ni u bajarayotgan vazifalar bilan belgilangan. Oilaning eng muhim vazifasi - bu farzandlarning tug'ilishi, ya'ni jamiyat davomiyligini ta'minlovchi yangi avlod yaratishdir. Oila bugungi shaklida oila a'zolari bir-birlari bilan umumiy turmush, iqtisodiy-mulkiy, ma'naviy-mulkiy, psixologik munosabatlar, o'zaro javobgarlik his-tuyg'ulari bilan bog'lanib turadilar. Oilada har bir oila a'zolarining o'z ijtimoiy o'rnini bildiradi. Oila paydo bo'lib to tugagunga qadar bir qancha bosqichlarda o'tadi. Ular oilaning tashkil topishi, birinchi farzandi tug'ilishi, oxirgi farzand tug'ilishi, oilasini tashkil etgan er yoki xotinning dunyodan ko'z yumishi. Yuqorida keltiradigan jarayonlar oilaning hayoti davrlari bo'lib, oila davomiyligiga muntazam qaytarilib turadi.

Ko'p yillik ilmiy kuzatish va tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, inson o'z umri davomida oladigan barcha informatsiyaning 70 foizini 5 yoshgacha bo'lgan davrida olar ekan.

Bolaning ongi asosan 5-7 yoshda shakllanishini inobatga oladigan bo'lsak, aynan ana shu davrda uning qalbida oiladagi muhit ta'sirida ma'naviyatning ilk kurtaklari namoyon bo'la boshlaydi.

Yosh avlodni jismoniy va ma'naviy jihatdan kamol toptirish eng muhim va ustuvor hamda doimiy ravishda bajarishimiz lozim bo'lgan vazifamiz ekan, oilada farzandlar tarbiyasi va kamoloti bobida avvalambor, oilada ruhiy muhit sog'lomligi va farzandlar nazoratiga muhim e'tibor qaratish lozim bo'ladi.

Shunday ekan, oilaning ijtimoiy vazifasi aslida, oilaning jamiyatni bunyodga keltiruvchi va sog'ligini ta'minlovchi birlik ekanligida zuhur topgandir. Zero, vatanimizning kelajagi, xalqimizning ertangi kuni, mamlakatimizning jahon hamjamiyatidagi obro'-e'tibori avvalambor farzandlarimizning unib-o'sib, ulg'ayib, qanday inson bo'lib hayotga kirib borishiga bog'liqdir. Biz bunday o'tkir haqiqatni unutmashimiz kerak.

## **ОИЛАДА ОТА-ОНАНИНГ БОЛА ТАРБИЯСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ**

*Жабборов И.А., Қарши ДУ таянч докторант*

Oilaning bolalariga kўrsatadigan ta'sir doirasi shunchalik katta, u jamiyat ta'siri bilan uyg'unlashib ketadi. Shu bilan birga, biz uning ўziga xos imkoniyatlari mavjudligini inkor eta olmaymiz. Barkamol inson tarbiyasida oila jamiyat bilan yaxlit birlikni tashkil etadi, bu esa hozirgi kunimiz uchun xos xususiyatlardan biridir. Ayniqsa, ota-onalar va jamiyat a'zolarining mehnat faoliyatlari xarakterli, er va xotinning teng huquqliligi, ўzaro hurmat, farzandlarni

эъозлаш, хурматлаш, ижтимоий ва фукаролик эътиқоди, оилавий маданий ҳаётнинг мавжудлиги ва ўсаётганлиги оилаларга хос фазилат сифатида қадрланмоқда.

Болалар тарбиясига биринчи навбатда ота ва онанинг ўзаро муносабатлари катта таъсир кўрсатади. Бизнинг жамиятимизда эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланган бўлса-да, лекин биологик тенглик йўқлигини инкор эта олмаймиз. Шу сабабли оналар болалари тарбияси учун кўпроқ меҳнат қилишларини тақозо этади. Бундан ташқари, аёллар оилада эркакларга нисбатан кўпроқ вақтини уй ишларига сарфлайди. Отанинг уй ишларидаги иштироки асосан “буйруқ” беришда кўпроқ намоён бўлади. Шуни бажар, нима учун буни бажармадинг, ҳозир бажар ва ҳоказо. Унинг вазифаси кўпроқ оиланинг иқтисодиётини ва фарзандларининг соғ-саломат ўсишларини таъминлашда ифодаланади. Чунки фарзандларининг беморлиги нафақат онанинг, балки отанинг ҳам иш фаолиятига таъсир кўрсатади. Шу сабабли фарзандларининг соғлиги яхши бўлишини таъминлаш ҳар иккиси учун бирдай масъулиятни юклайди.

Оилавий келишмовчиликлар, ота-оналар ва болалар ўртасидаги тенгсизликка асосланган муносабатлар, айрим ота-оналарнинг маданият ва маълумотининг нисбатан паст савияда эканлиги мавжуд тарбияга оид билимларни ўзлаштиришга халақит беради. Беқарор кайфият, ҳаётий ўзгаришлар оилавий муҳитда қарама-қаршиликни вужудга келтиради.

Атрофимизни ўраб турган номаълум нарса ва ҳодисалар, ранг-баранг олам билан танишишда бола катталарнинг ёрдамига табиий эҳтиёж сезади. Етарли даражада билим ва тажриба йўқлиги сабабли улар катталарнинг муомала ва хатти-ҳаракатларига тақлид қила бошлайди. Ёшлари улғая бориши билан катталарга тақлид қилиш ҳам ўзгариб, маъно касб эта боради.

Оилавий тарбияда отанинг роли ниҳоятда улкан. Чунки оилада эр ҳамма вақт болаларининг, турмуш ўртоғининг доимий таянчи бўлиб келган. Шу сабабли оиладаги ўғил доимо отасига ўхшашга интилган, унинг хатти-ҳаракати тақлид қилган. Халқимизнинг доно маслаҳатларида ўғил тарбиясида отанинг роли улуғланиб келинган. Ота-она намунаси болалар учун кўргазмали ҳаёт дарсидир. Отанинг онага, она меҳнатига, жамиятга, жамият аъзоларига бўлган муносабати бола қалбида яхшилик ёки ёмонлик, маъқул ёки номаъқул ишлар ҳақидаги дастлабк тушунчаларни вужудга келтиради. Мақсадсиз, тарбия натижаларини ҳисобга олмасдан қилинган ота-оналар меҳнати барибир самарасизлик билан тугайди. Оғзаки сўзлар эмас, балки онгли, ўйлаб қилинган ишлар бола онги ва қалбига бориб етади. Бола катталарнинг сўзлари, хатти-ҳаракатлари, яъни бераётган ваъда, юракдан қилинаётган муомалаларига ёки дўқ-пўписаларидан қатъий назар уларга ишониши лозим. Ота-оналарга турли туман ваъдалар беришда жуда ҳам эҳтиёт бўлиш тавсия этилади. Берилган ваъда бажарилмай қолса, уни тўғри ва далиллар билан асослаш лозим.

Бола одатда, кўп вақтини оиласи даврасида ўтказади ва катталарнинг ҳаракатлари, ўзига хос хусусиятларини осонлик билан қабул қилади. Бу хатти-ҳаракатларни ўз фаолиятларида такрорлайди. Сўралган пайтда “Дадам шундай қиладилар”, “Онам шундай деганлар”, “Бувим шундай ўргатганлар” ва ҳоказо деган жавобларни эшитиш мумкин.

Оила муҳити бу қандайдир алоҳида узиб олинган тарбия воситаси эмас, балки ота-оналарнинг ва катта ёшдаги кишиларнинг ҳар тарафлама олиб борган тарбиявий иш натижалари, оила аъзоларининг ўзаро юксак ахлоқий муносабатларининг йиғиндиси ва катталарнинг ижобий таъсир кўрсатиш намунаси натижасидир.

Болаларга ота-оналарининг хатти-ҳаракатларигина эмас, балки оғзаки нутқи, савол-жавоблари ҳам таъсир қилади. Ота-она ўзаро жанжаллашиб турсалар, қўшнилари билан чиқиша олмасалар, бир-бирларидан бўлар-бўлмас нарсаларни талаб қилсалар, бундай тарбия яхши натижа бермайди, аксинча боланинг ота-оналарига бўлган ишончини йўқотади. Сўз қудратли кучга эга. “Юмшоқ, меҳрибонлик билан айтилган сўз шундай қудратли кучки, унинг билан ҳеч қандай жазо тенглаша олмайди” дейилган.

Оиладаги тотувлик, ўзаро хурмат, меҳр-муҳаббат, келишувчиликка билан ота-оналар билан болалар ўртасида яхши психологик муҳитни қарор топтиради, уларнинг камолотига ижобий таъсир кўрсатади.

Оиладаги ўзаро келишув, отанинг болаларга ва онага меҳр-муҳаббати юксак ахлоқли инсоний муносабатлари намунаси бўлиб, улар бола қалбини ларзага келтиради, яхши ҳис-туйғулар билан тўлдиради, атрофни ўраб турган воқеликка самимий муносабатни тарбиялайди. Оилавий тарбия ота-оналарнинг ўз фарзандларига меҳр-муҳаббатда бўлишларига ва болаларининг ота-оналарини чуқур севишларига асосланганлиги учун ҳам кўпроқ аҳамият касб этади. Болалари билан дўст, уларга диққат-эътибор билан қарайдиган, қайғуларига ҳамдард, хурсандчиликларини баҳам кўрувчи, талабларида сабрли, болаларига доимо маънавий кўмаклашувчи ота-оналаргина ҳақиқий маънода намуна бўла оладилар.

## O'ZBEK OILALARIDA BOLALARGA INSONPARLIK G'OYALARINI SINGDIRISH

*Ashurova T., Qarshi DU o'qituvchisi*

Ma'naviy-axloqiy tarbiyaning tarkibiy qismi hisoblangan insonparvarlik tarbiyasi barkamol avlod shaxsiga xos odamgarchilik, rahmdillik, g'amxo'rlik, qadr-qimmatni joyiga qo'yish, kattalarga hurmat, kichiklarga izzat, qarindosh-urug'lar va tanish - bilishlarga nisbatan mehr - oqibatli bo'lish, jonzotlarga nisbatan ham rahmdil va g'amxo'r bo'lish singari ma'naviy sifatlarni o'z ichiga oladi. Har bir jamiyatni yuksak yuksaklikka eltuvchi omil, unga milliy ruh bag'ishlovchi xususiyat-insonparvarlikdir. O'zbekistonning jahon hamjamiyatida tobora obro'-e'tibor qozonib borayotganligiga yuritilayotgan insonparvarlik siyosati sabab bo'la oladi. Insonparvarlik o'zbek xalqining milliy fazilatidir. Insonparvarlik har bir insonning qalb amri bo'lsada, bugungi kunga kelib hayotiy ehtiyoj darajasiga, qadriyatga aylanib bormoqda. Insonparvarlik insonlarning insonlarga nisbatan mehr-oqibatlilik, saxovatlilik, muruvvatlilik demakdir.

Insonparvarlik (arabcha "inson", fors-tojikcha "parvar", o'zbekcha "lik" – kishiga g'amxo'rlik, gumanizm)-odamzodning qadri, uning erkinligi, qobiliyatlari har tomonlama namoyon bo'lishi uchun kurashish, insonning baxt-sodatga, teng huquqliligi, adolatli hayotini ta'min etishga intilish, insoniylikning barcha tamoyillari yuzaga chiqishiga shart-sharoitlar yaratish ma'nosini anglatadi.

Insonparvarlik g'oyalari, baxt-sodat va adolatga erishish orzu-havaslarini xalq og'zaki ijodiyotida, adabiyotda, diniy va falsafiy ta'limotlarda uzoq o'tmishdan beri o'z aksini topib kelmoqda.

Darhaqiqat, inson yer yuzida mavjud jonzotlar orasida eng mumtoz, eng qadimiysidir. Inson shaxsi esa eng olijanob ijtimoiy qadriyatdir. Insonparvar xalq esa hamjihat bo'ladi. Insonparvarlik ma'naviyatimizning, yuksak ma'naviyatning muhim mezonlaridan biri sifatida o'z tarkibiga insonning eng yaxshi axloqiy xususiyatlarini, ya'ni odamlar o'rtasidagi o'zaro yaxshi munosabat, do'stlik, ota-onaga sodoqat, mehnatsevarlik, diyonat, to'g'rilik, rostgo'ylik, odillik, insof, kamtarlik, saxiylik, muloyimlik, kattalarni hurmat qilish, kichiklarga izzatda bo'lish, rahmdillik, qat'iyat, sabr-toqat, mehr-shafqat kabilarni qamrab oladi.

Bugungi kunda ta'lim-tarbiya maskanlari, mahalla, oila, keng jamoatchilik bu mas'ul vazifani bajarimoqda. Shu o'rinda etirof etish joizki, shaxs ma'naviyatini rivojlantirish, barkamol insonni voyaga etkazishda ma'naviy – axloqiy shakllanishi muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki, ma'naviy axloqiy ruhda tarbiyalangan shaxs xalqimizning madaniyatini yuksaltirishda miliy ongni uyg'otishda, mamlakat ravnaqiga o'z hissasini qo'shib, millat va ona – Vatan oldidagi burch, masuliyatni teranroq anglashga harakat qiladi. Yani, ma'naviy – axloqiy yetukligi shaxsdagi bunyodkorlik g'oyalarini yuqori darajada bo'lishini ta'minlaydigan va komillikka yetaklaydigan aniq maqsaddir.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, insonparvarlikni shakllantirish har bir davrda jamiyatning asosiy vazifasi bo'lib kelgan va shunday bo'lib qoladi. Chunki, axloqiy pok, shaxsi go'zal bo'lgan xalqning manaviyati ham yuksak hisoblanadi.

Bolalarda mehr – shafqat, muruvvat, kattalarga hurmat xislatlarini tarbiyalash o'zbek oilalarida juda qadimdan mavjud. Uning barcha jihatlari ijtimoiy hayotida namoyon bo'lib kelgan va ma'naviy qadriyat sifatida avloddan avlodga o'tib kelmoqda. Istiqloq yillarida ushbu qadriyatlar o'zining barcha qirralarini ko'rsatdi.

Insonparvarlik, bu o'zbek xalqi milliy ruhiyatining oliy darajadagi fazilati umumbashariy qadriyatlarining asosidir. Uning tarkibi ota-ona haqida qayg'urish, qarindosh va yoru do'stlarga sadoqatda bo'lish, marhumlarni xotirlash, bemorlarga hamdard bo'lish, odamlarga sadoqatli, moddiy va ma'naviy muhtojlarga xayrixoh, hayotda iymon va etiqodli, adolatli va haqqo'y, diyonatli, mehr-shafqatli bo'lish, yaxshilikka intilishdir.

## ОИЛАДАГИ МАЪНАВИЙ МУХИТНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ўринова Л., Қарши ДУ ўқитувчиси*

Мамлакатимизнинг келажаги ёш оилаларнинг юксак маънавий руҳида тарбияланганлиги, уларнинг маънавий мерос имкониятларидан фойдаланишга, маънавий-мафкуравий дунёқарашга, ижтимоий-сиёсий, демократик жараёнлардаги фаоллигига боғлиқдир.

Ёшларимиз комил инсон бўлиб шаклланиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши, эл-юрт ичида izzat-хурматга эга бўлиши, юксак одоб-ахлоқ қоидаларини ўзида мужассам этишида улар яшаб турган

оила пойдевор ҳисобланади. Оиланинг мустаҳкамлиги, оилавий анъаналарнинг бардавомлилиги миллий ва умуминсоний кадриятларнинг уйғунлиги билан таъминланади.

Оилада ўзига хос оилавий маънавият юзага келиши оила аъзоларининг ҳар бири шахс сифатида муайян маънавий дунёга эга бўлишига, улар ўртасидаги яқин муносабатлар, мулоқотлар натижасига боғлиқдир. Оилада ота-онанинг маънавий фазилатлари эр-хотинлик муносабатларининг шарқона юқори инсонийлик ва ахлоқийлик даражасини белгилаб беради. Оиланинг маънавий олами ўзаро ҳурмат, кадрлаш, ҳамкорлик, муросасозлик, меҳрибонлик, олийжаноблик каби маънавий кадриятларни ўзида мужассамлаштириши лозим. Бундай кадриятларнинг оилада эъзозланиши, уларга амал қилиниши оилада шундай маънавий муҳит ва иқлимни яратадики, бу ёшларда миллий туйғу, миллий характер шаклланишида ўта муҳим аҳамият касб этади.

Оиладаги маънавий муҳит бу аввало шу маскандаги ҳар бир инсоннинг бир-бирлари билан кундалик амалга оширадиган мулоқотлари, муомаласи ва унда ардоқлаб келинаётган удумлар, анъаналарнинг намоён бўлишидан ҳосил бўладиган муносабатлар тизимидир. Бу тизимни мўътадил ушлаш эр-хотин муомаласида азалий шарқона муносабатларнинг бўлишига бориб тақалади. Айнан шу йўл билан оиладаги каттаю кичикнинг ҳурматини жойига қўйиш, унинг руҳий кечинмаларини илғаб олиб, муомала қилишга ўргатиш аҳиллик ва ҳамфикрликка замин яратади.

Оила маънавий негизлари заифлиги, никоҳ севгисиз қурилганлиги, келин беодоб, тарбияси суст, оилавий ҳаётга умуман тайёр эмаслиги ва қайнона ёки яқин қариндошларидан ким биландир чиқишмай, доимий низо бўлиб туриши оиланинг маънавий муҳити, барқарорлигига путур етказиши. Бундай салбий жиҳатлар сирасига қуйидагиларни ҳам киритиш лозим:

- эр ёки хотинда ёхуд улар катта бўлган оиласида зарарли одатларга берилувчанлик мавжуд бўлган, уларнинг таъсири ўзаро муносабатларда намоён бўлади;
- эр ва хотин мунтазам бирга эмас, масалан эр бошқа шаҳарда ишлайди;
- ўртада фарзанд бўлмаслиги;
- оиладаги етишмовчилик, моддий қийинчиликларни енгиб ўтолмаслик;
- ёшлардаги буюмпарастлик, молпарастлик;
- оилада жиноий ишларга мойил шахслар борлиги;
- никоҳ расмий қайд этилмаган, туғилган болага оталик белгиланган ёки аёл “ёлғиз аёл” мақомини олган;
- рашк, хиёнат, қўш хотинлилик, гумон, ўртада ёлғон борлиги;
- ёшлар оилавий ҳаётга, катталар эса ёш оила билан яшашга, муроса қилишга тайёр эмас.

Оиладаги ўзаро муносабатларни яхшилаш, турли хил низо ва зиддиятларни олдини олиш ҳамда оилада соғлом маънавий муҳитни яратиш учун энг аввало ёшларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш талаб этилади.

Бугунги кунда ёш йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Оила ўзаро муносабатлар сайқал топадиган маскан бўлганлиги сабабли, бу муносабатларга инсон руҳан тайёр бўлиши лозим.

Оилавий ҳаётга психологик жиҳатдан тайёр бўлиш учун инсон қуйидаги сифатлар мажмуига эга бўлиши керак:

- аввало инсонда муайян ахлоқий фазилатлар бўлмоғи даркор;
- шахслараро муносабатларга, ҳамкорлик қилишга руҳан тайёрлик ҳам ўта муҳим;
- альтруизм деб аталувчи сифатнинг бўлиши талаб этилади. Чунки илгари фақат ўзини ўйлаган инсон энди ўзгалар манфаатини ҳам ўзиникига уйғунлаштириши лозим;
- шахсда эмпатия ҳисси таркиб топган бўлиши даркор. Энди турмуш ўртоғининг ички кечинмаларини ўзиникидай ҳис қилиши керак;
- эстетик жиҳатдан ўзини юксак маданият соҳиби сифатида тасаввур эта олиши лозим;
- низоли, зиддиятли вазиятлардан конструктив тарзда чиқиб кетишга тайёр бўлишлари лозим.

Бундан ташқари ёшлар никоҳга кирганидан кейин янгича ҳуқуқий муносабатларга киришган бўлишади, улардаги ҳуқуқий маданият ва етуклик, аввало, оила ва никоҳ борасидаги мавжуд қонунларни билиш, оила қонунчилигидаги энг муҳим нормаларга онгли муносабат туфайли турмуш ўртоғи, фарзандлари, жамият олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳис этиш ва уларга итоат этишга ҳозирликни назарда тутати.

Оилаларимизнинг тинч, фаровон ва аҳил бўлиб яшашлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ёшларимизнинг ўқишлари, илм олишлари, бирон-бир ҳунарнинг бошини ушлаб, яхши, малакали ҳунарманд бўлиши учун яратилган шароитларга барчанинг ҳаваси келади.

## ОИЛАДА МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

*Худоёрова М.Х., Қариш тумани 47-мактаб ўқитувчиси*

Ўсиб келаётган ёш авлодни оилада тарбиялашда миллий тарбиянинг роли катта. Оила киши ҳаётидаги биринчи ижтимоий босқичдир. Оила илк ёшдан бошлаб болаларнинг онги, иродаси ва хисларини устириб боради. Бола катталар раҳбарлигида узининг дастлабки ҳаётий тажрибасига, атроф- муҳит ҳақида керакли билимга, жамиятда яшаш, малака ва куникмаларга эга бўлади. Яқин кишилар билан муомала жараёнида унда дунёқараш асослари шаклланади. Бола нима яхши, нима ёмон, нима қилиш мумкин, нима қилиш мумкин эмаслиги ҳақида тайёр тасаввур билан тугилмайди. Ота- оналарнинг ҳулки, оиладаги узаро муносабат, суҳбатлар болалар учун намуна ва тақлид манбаи ҳисобланади. Катталарга ҳурмат ва ҳурматсизлик, кичикларга иззатда булиш ёки менсимаслик хислатлари ҳам ота –оналардан ёки оила аъзоларидан ўтади. Уз ҳулкини баҳолашни ҳам энг яқин, сеvimли кишиларидан урганадилар. Бунда ҳар бир оила аъзосининг мимикалари, куз қарашлари ва ҳатти- ҳаракатлари муҳим роль уйнайди. Шу билан бирга бола тарбиясига атрофдаги кишиларнинг нутқи ҳам катта таъсир қурсатади. Оиладаги узаро муносабатлар тугрисида болаларнинг қиска диалогларига қараб сўз юритиш мумкин. Масалан: Бир қизча қугирчоғига «Кел, менинг қалдирғочим» деса, иккинчиси «Ёт, булмаса, сочларингни юлиб оламан» дейди.

Иккинчи мисол: «Лола ойиси бўлади, у овқат пиширади, Олим дадаси бўлади, у полни ювади, қолганлар уларнинг болалари. Улар ота- оналарга ёрдам берадилар», - деб ролларни булиб беради. Алишер.

«Йук, дадаси полни ювмайди. У газета уқиб утирсин, -деб норозилик билдирди Олим, - полни бўвиси ювиши керак.»

Шундай болалар ҳам учрайдики жамоа орасида одобли, ҳалол, меҳнатсевар булиб, уйда эса уз ота- оналарига нисбатан ҳурматсизлик қурсатадилар. Нимага онага нисбатан бундай муносабат пайдо бўлади? Чунки она меҳри ҳамма нарсани кечира олади, уз фарзандларини қийинликларини енгишга ургатмай, оғир ишларни узлари бажарадилар. Бу ҳолда болалар ҳаётнинг мураккаб томонларидан беҳабар булиб усадилар. Улар худбин буладилар. Қийин ишларнинг барчасини эса онанинг вазифаси деб ҳис этадилар. Натижада уларда қурслик, иродасизлик, дангасалик хислатлари пайдо бўлади. Агар оиладаги барча ишлар баровар бажарилса, ташвишлар биргаликда бартараф этилса, шунда фарзандлар она меҳнатининг қадрига етадилар, уни ҳурматлаб, эъзозлайдилар.

Болаларнинг ҳулкини тугри тушуниш, у ёки бу ноҳуя ишининг сабабини аниқлаш учун ота- оналарда маълум психологик билим, куникма бўлмоғи, улар фарзандларининг ҳаётига, интилиш ва эътиқодига, саломатликларига диққат билан қарашлари керак. Болаларни тушуниш жуда муҳимдир. Ахир улар уз оналарига катта ишонч билдириб, сирларини айтадилар. Афсуски баъзи ота –оналар бундай ҳолларда «Халакит берма», «Жим утир», «Ишингни қил», - деб бош тортишга ҳаракат қиладилар.

Хуллас, ота-оналар билан фахрланиш, уларга тақлид қилиш, яшаш ва ишлашни урганиш, узига юксак миллий ғояларни сингдириш, бурч, шараф хисларини нима эканлигини амалда билиш имкониятига эга бўлган болалар бахтлидирлар.

## ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИГА ЎРГАТИШ

*Баратова Н., Мейлиева Л.,*

*Қариш ДУ ҳузуридаги ХТХҚТМО ўқитувчилари*

Мамлакатимизда, барқамол авлодни қамол топтириш давлат сиёсати даражасидаги устивор йўналишлардан биридир. Бугунги кунда бу борада олиб борилаётган кенг ислохотлар жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оила институтини мустаҳкамлаш, унинг фаровонлиги ва ижтимоий етуқлигини таъминлаш, маънан ва жисмонан барқамол шахсни тарбиялашда ота-оналарнинг билим ва малакаларини юксалтиришга қаратилган бир қатор масалаларни қамраб олади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да муҳим вазифалар сифатида белгиланган ислохотлар негизида ҳам мамлакатимизда демократик ислохотларни янада ривожлантириш, оила, маҳалла институтларини замонавий шаклини намоён этишида фуқороларнинг ҳуқуқлари ва бурчлилиги туйғусини янада такомиллаштириш омиллари ўз ифодасини топган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институти-

ни мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325 сонли Фармони юртимизда хотин-қизлар ҳаётида муҳим воқеа бўлиш билан бирга жамиятнинг кичик бўғини оила институтини янада мустаҳкамлаш, кучли фуқоролик жамиятини қуриш йўлидаги ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтирди. Аждодларимиздан мерос миллий ва халқчил бошқарувнинг аниқ механизмини шакллантирди, унинг тараққиёт мезонларини белгилаб берди.

Оила қуриш - ёшлар зиммасига катта маъсулият юклайди. Оиланинг меваси фарзанддир. Болалар тарбияси ва камолотида оиладаги муҳит, болаларни қуршаган оилавий муносабатлар муҳим аҳамиятга эга.

Оиладаги соғлом муҳит, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат бола тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Тарбия ғоят мураккаб жараён бўлиб, ўзининг ички қонуниятларига эга. Боланинг бошқалар билан муносабатга киришишида ва сўзлашув маданиятини ўрганишида, унинг маънавий-маданий шаклланишида оиланинг ўрни бекиёсдир.

Бу жараённинг муваффақиятли бажарилиши, кўп ўринда ота-онанинг обрўсига боғлиқ. Мулоқот маданияти яхши шаклланган оилада бола тўғри тарбия топади.

Маълумки, шахснинг қадрияти унинг жамиятдаги тутган ўрни билан белгиланиб, кўп жиҳатдан унинг тарбиясига боғлиқ бўлади. Шу сабабли табики, ота-она ўз болаларининг тарбиячиси ҳисобланади.

Ризоуддин ибн Фаҳриддиннинг «Оила» номли рисоласида «Бола тарбияси ёмон ният ва кўполлик билан эмас, балки сабр-тоқат матонат, меҳрибонлик, чидамлик, шафқату-сезгирлик билан бўлиши керак», каби фикрлар ёзиб қолдирилган.

Абу Али Ибн Сино оилавий тарбия тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган: “Боланинг хулқини мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак, унга эса болани қаттиқўллик ва қаттиқ ғазабланишдан, қўрқиш, ҳафалик ва уйқусизликдан сақлаш орқали эришилади. Оилада боланинг кўз ўнгида ота-онаси ўз обрўсига эга бўлсалар, тарбия шунчалик самарали натижалар беради.”

Айниқса, оиладаги ажралишлар энг кўп бола руҳиятига салбий таъсир қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ёш оилаларнинг бузилиши, боланинг отасиз ёки онасиз тарбияланиш ҳоллари учрайди: баъзан оиладек муқаддас масканга енгилтақлик билан қараш, арзимас баҳоналар, саёз фикрлар туфайли мурғак болани ота ёки она меҳридан бенасиб яшашига сабаб бўлади ва бу ҳодисалар ижтимоий ҳаётга ҳам ўз таъсирини кўрсатади албатта.

Ҳар бир ота-она ўз оиласининг бахтли бўлиши, фарзандларнинг оқил, доно, хушмуомала, мард бўлиб камол топиши учун қайғуради. Ўзбек халқи барча шарқ халқлари каби оилага, бола тарбиясига жуда катта аҳамият берган. Бу анъана авлодни халқ донишмандлигининг тимсоли сифатида ўтиб келган ва миллий маданиятимизда ўзига хос ўрин тутган. Илгари ота-оналар навоийхонлик, фузулийхонлик, бедилхонлик қилишганда, донишманд шоирлар асарларининг мағзини чақишганда, болалар ҳам жон-дилидан қулоқ солишган: нур-ҳикмат фикрлар ёшларга кучли таъсир этиб, уларнинг тарбияланишида, ўзаро мулоқот жозибадорлигини эгаллашларида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек оилаларида болани хушмуомаликка, ширинсўзликка, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилиши лозим. Масалан: она меҳрибонлиги, ширинсўзлиги билан ота эса рўзғордаги оғир ишларни, қишлоқ хўжалик ишлари, дурадгорчилик, молиявий ҳисоб ишлари кабилар бажаришида жонқуярлиги билан фарзандларига ўрнак бўлади. А.Авлонийнинг «боланинг соғлиғи ва бахти, аввало унинг яхши тарбияланишга, яхши хулққа эга бўлишга, уни ғайри ахлоқий ҳаракатлардан огохлантирилишига боғлиқ» деган эди.

Хулоса қилиб айтганда, эртанги кунимизнинг давомчилари, миллат ва халқнинг бардавомлигини таъминловчи таянчимиз бўлган бугунги ёш авлоднинг маънан ва руҳан камол топишида оилавий ижобий муносабатлар, оиладаги соғлом ижтимоий-психологик муҳит, бола шахсига индивидуал психологик ёндошув ота-оналарнинг асосий вазифасидир.

## **КРИЗИС ДАВРИДА БОЛА ШАХСИ БИЛАН МУНОСАБАТ**

*Маҳаммадиева Ў., Фузор тумани 16-мактаб психологи  
Авазова О.Х., Фузор тумани 54-мактаб ўқитувчиси*

Биз биламизки, бугунги куннинг ўқитувчи ва тарбиячиларга жуда катта талаблар қўйилмоқда. Чунки ҳар бир боланинг асосий фаолияти ва вақти ўқитувчилар билан ўтади. Ҳар бир ёш даврдан кейинги даврга ўтишда бола шахсида инқирозли ўзгаришлар юзага келади. Буни тарбиячи ва

ўқитувчилар яхши билиши, уларнинг индивидуал хусусиятларига кўра бола шахси билан муносабатда бўлиши керак. Айниқса болалик даврдаги инқирозлар бошқа даврларга нисбатан ҳар бир болаларда оғир кечади.

Психолог олимлар томонидан инқироз даврни "қийин давр", "психик ривожланишдаги кризис" "ўтиш даври" каби номларни олган психологик кўринишлари билан ўрганишган. Бола шахси тўғилган вақтидан бошлаб то балоғат ёшигача бўлган даврдаги инқирозли ҳолат ва ўзгаришларни Л.С.Виготский ишларида кўрсатиб берилган бўлиб, айниқса ёшлик инқирозлари аниқроқ ёритилган.

Чақалоқнинг психологик ҳаётидаги инқирознинг характерли томони кулгу билан кўз контакти гавдаланади ва шу билан бирга чақалоқлик даврида психофизиологик ривожланиши мураккаб жараён ҳисобланади. Боланинг она қорнидалик даврига нисбатан атмосферадаги ҳаёт бола учун қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бу даврни Л.С.Виготский томонидан "Туғилиш инқирози" деб атаган. Бола бурун, қулоқ, оғиз умуман териларда она қорнидаги суюқликлар мавжуд бўлади. Ташқи дунёга мослашиш жараёни боланинг қай даражадаги соғломлигига боғлиқ бўлиб, ташқи дунёда бола яқинлари билан йиғи орқали, эмотционал муносабат мулоқотга киришади. Шартсиз рефлекслар шартли рефлексга айланишга яқинларини таниш орқали келтириб чиқаради. Бола яқинларига бўлган муносабатни турли эмотционал ҳолатлар орқали ифода этади.

Бола ҳаётидаги кейинги инқироз даври 3 ёшгача инқироздир. Биринчи навбатда 3 ёшдаги инқирозни ижтимоий алоқаларга боғлиқлигини Л.С.Виготский ўз ишларида кўрсатиб ўтган. Чунки бу даврда инсон зотиға хос энг муҳим сифатлари характер ҳислати, атроф-муҳитга, ўзгаларга муносабат ҳулқ-атвор, тафаккур ва онг каби психик ақс эттиришнинг турли кўринишлари шаклланади. Унинг мустақил ҳаракат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилади. 3 ёшда бола ўзини катталар билан таққослай бошлайди ва катталар қилиши мумкин бўлган, улар бажара оладиган ҳаракатларни бажаришга интилади. Бола ўзини мустақил ҳаракат қила олишини англаган вақтдан бошлаб, унда "ўзим қиламан" бошланади ва бу яна қайсарлик, ўжарлик тарзида кўринади. Бу даврдаги инқироз бола шахсининг маълум даражада ривожланганлиги ва катталар бажарадиган хатти-ҳаракатларни қила олмаётганлигини англаши натижаси ҳисобланади. Инқироз даврида юзага келадиган ирода, лаёқат ва бошқа бир қанча хусусиятлар уни шахс бўлиб шаклланишига тайёрлайди. Бу даврда бола бажарадиган ишларни ўзига хос тарзда бажартириш инқирозни бирмунча осонроқ кечишини таминлайди.

Мактабда ўқишнинг бошланиши 7 ёшда бўладиган кейинги физиологик инқироз билан мос келади. Бола организмда жадал бўйнинг ўсиши, ички органларнинг катталашуви, вегетатив ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган кескин эндокрин ўзгаришлар руй беради. Л.С.Виготский ишларида кўрсатилишича бу ёшдаги инқирозни 2 та асосий симптом билан ажралиб туриши изоҳланади. Боланинг мактаб таълимига психологик тайёрланишининг субъектив жиҳати шундан иборатки, унинг мактабда ўқишга хоҳиши, интилиши, катта ёшдаги одамлар билан узвий боғлиқдир. Бу даврда бола мактаб жамоаси аъзоларининг маъсулиятли вазифаларини англайди ва уларга итоат қилишга, уларнинг кўрсатмаларини бажаришга мойил бўлади, лекин болаларнинг ҳаммаси бир хил эмаслиги сабабли улар ўртасида муҳим фарқлар вужудга келади. Баъзи болалар мактабга бутун вужуди билан талпинади, бошқа бир бола эса мактабдан қатий воз кечишга бориб этади. Ўқишга салбий муносабат кўпинча катталарнинг кўрқитишлари оқибатида вужудга келади. Яна бола боғча шароитидан мактаб шароитига кўникиши қийин бўлади. Уларда энди дарсга нисбатан маъсулиятли бўлиш талаб қилинади. Боланинг ижтимоий муносабатлар тизими ва фаолиятидаги кардинал ўзгаришлар унинг организмдаги барча тизимлар ва функцияларидаги ўзгаришларга тўғри келиб, боладан кучли зўриқиш ва ўз ички имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш заруриятини тақозо этади. Бунда болага унинг имкониятларига асосланиб муносабатда бўлишбу инқирозни бартараф этишда ёрдам беради.

Ўсмирлик даври ўз номи билан "ўтиш даври", "кризис давр", "қийин давр" деб номланади. Бу ёшдаги ўсмирларнинг хатти-ҳаракатида муқобил, янги шароитларда ўз ўрнини топа олмаганлигидан психик портлаш ҳоллари ҳам кузатилади. Ўз даврида Л.С.Виготский бундай ҳолатни "психик ривожланишдаги кризис" деб номлаган. Ўсмирлик даврига кўпинча сўзга кирмаслик, ўжарлик, тажанглик, ўз камчиликларини тан олмаслик, уришқоқлик каби хусусиятлар хосдир. Кўпгина ўсмирларда ўзидан қониқмаслик ҳолати кузатилади. Шунингдек мавжуд фикрларининг бугун унда содир бўлаётган ўзгаришларга тўғри келмаётганлиги ўсмирни асабийлашишига олиб келади. Унда жуда кўп ноқулай ва ташвишга тушувчи ҳолатлар кузатилади. Бу эса ўсмирда ўзи ҳақида салбий фикр ва кўрқувниюзага келтириши мумкин. Баъзи ўсмирларнинг учун атрофдагилар, катталар шунингдек, ота-онасига қарши чиқаётганлигини англай олмаётганлиги ташвишга солади. Бу ҳолат уларни ичдан асабийлашишларига сабаб бўлади ва ўсмирлик даври кризиси юзага келади. Кризис боладагидан мавжуд тушқунлик, ёдғизликка интилиш, пассивлик ёки ақси, ўжарлик, қайсарлик,

агрессивлик, ҳаётга салбий муносабатларнинг юзага келиши сифатида намоён бўлади. Бу кризисўсмирнинг маънавий ўсиши, шунингдек психикасидаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқдир. Бундай пайтларда у ўзи сингари катта физиологик, психологик ўзгаришлар кечаётган ўртоғи билан мулоқот қилишга катта эҳтиёж сезади. Ўсмирга унинг ёнидаги ўртоғини таъсири катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг ёмон ёки яхши кишиларга қўшилиши ва ахлоқий кифоаси шу ўртоғининг муносабатларида намоён бўлади.

Ота-оналар, ўқитувчиларга ўсмир билан муносабатда қуйидаги тавсияларни таклиф этамиз.

1. Ўсмир билан муносабатда унга боладек эмас балки катталарга қиланадиган муносабатни юзага келтириш;
2. Ўсмирнинг бекорчи бўлиб қолишига йўл қўймаслик;
3. Ўсмир шахсининг қизиқишларини албатта ҳисобга олиш;
4. Маъсулиятли вазифаларни юклаш.
5. Хар бир ота – она ўсмир билан муносабатда дилкаш бўлиши. Унинг режалари қиладиган ишларини доимо сўраб туриши нотўғри қилган ишларини асослаб таҳлил қилиш;
6. Ўсмирни ўзини-ўзи тарбиялашга ўргатиш яхши натижа беради.

### **ЁШ КЕЛИН – КУЁВ ЎРТАСИДАГИ СОҒЛОМ ПСИХОЛОГИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ МИЛЛИЙ АСОСЛАРИ ҲАҚИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИ**

*Алимарданова Р.Н., Қарши ДУ таянч докторанти*

Шарқ халқларида ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш, уларнинг тенгини топиб уйлан-тиришга жиддий эътибор берилган. Айниқса, ёш йигит-қизларни оилавий турмушга тайёрлашда, уларда биринчи навбатда инсоний фазилатлар шаклланган бўлиши, оиланинг муқаддас эканлиги, уни авайлаб-асраш айнан уларга боғлиқлиги ҳақида аجدодларимиздан бизгача етиб келган манбаларда қимматли насиҳатлар ҳикоя қилинган.

Шарқнинг буюк алломаларидан Абу Наср Форобий жамият тараққиёти қонуниятларини ва инсон камолоти босқичларини, инсонлар яшаш жараёнида бахт-саодатга эришув йўлларини ўзининг машҳур асари "Фозил одамлар шахри" да баён этади. Форобий оқил инсонлар ҳақида гапириб, "Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, ёмон ишлардан ўзларини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар" деган эди. Аллома оқиллар бор жойда ҳеч қачон муаммолар ва келишмовчиликлар (жумладан оилада) бўлмаслигига ишора қилади.

Абу Райҳон Берунийнинг муайян қарашлари оилавий турмуш, оила ва никоҳ, оилавий кадриятлар ва унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларга хосдир. Беруний ҳикматларида "Яхши хулқ яхшилик аломатидир". "Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бўлмайди". "Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди. Оилавий муносабатларда ана шундай ҳикматларга амал қилишимиз мақсадга мувофиқдир. Беруний қарашларида оилавий муносабатлар барқарорлигининг етакчи омиллари оқиллик ва меҳнатсеварликнинг аҳамияти ҳақида ҳам қимматли фикрлар мавжуд. "Муайян вазифаларни бажариш зарурияти инсон фаолиятининг бир умрга яшаш қондасидир. Инсоннинг кадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришидан, шунинг учун ҳам инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади. Зеро, инсон ўз хоҳишига меҳнат туфайли эришган".

Ушбу муаммога оид мулоҳазалар Абу Али Ибн Синонинг "Донишнома", "Рисолаи ишқ", "Тиб қонунлари", "Уй хўжалиги" каби қатор асарларида оилавий муносабатларнинг турли ва муҳим томонларини ёритар экан, эр-хотин муносабати тенглик ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат асосида қурилиши ҳақида тўхталиб, "Эркак киши оила бошлиғидир, у оиланинг барча эҳтиёжларини қондирмоғи лозим, чунки бу унинг бирламчи вазифасидир. Аёл эса эркакни яхши, муносиб йўлдоши ва бола тарбияси борасида энг яхши ворис ва ёрдамчисидир" деб ёзади Ибн Сино.

Ибн Сино оиладаги тинч тотувлик, меҳр-мурувват, оила ғурури ва шаъни кўп жиҳатдан аёлларга ҳам боғлиқ эканлиги ҳақида кўп ёзган. Жумладан, "Оила хўжалиги" асарининг "Аёлларнинг яхши фазилатлари ҳақида" номли бўлимида уларнинг қуйидаги фазилатлари баён қилинади; аёл ақлан доно, уятчан, иболи, ифбатли бўлиб, кўп гапирмаслиги лозим; у эрига бўйсунмоғи, уни севмоғи, фарзандлар туғиб, доимо ҳалол, пок, тўғри сўз, камтар бўлиши керак; инжик бўлмаслиги, ўз ифбат ва обрўсини тўқмаслиги лозим; у ҳеч қачон эрига нисбатан димоғдорлик, кўрсатмаслиги, ўз ишларини вақтида бажариб, оиланинг моддий бойликларини тежамкорлик билан

ишлатмоғи лозим; ўз хулқ-атвори билан ўз эрининг қалбида ҳадиксираш ҳиссига ўрин қолдирмаслиги керак..

Шунингдек, Ибн Сино "китоб уш-шифо" асарида оила инкирози ва бузилишига сабаб бўладиган омилларни ҳам кўрсатиб ўтган:

1. Агарда эр ва хотинликдан дунёга фарзанд келмаган бўлса.
2. Агарда хотин эрига хиёнат қилиб, унинг эътиборини пасайтирса.
3. Хотин киши тарбиясиз бўлса-ю, тарбия олишни истамаса.
4. Эр ва хотин бир-бирларига ёқмайдиган характерли бўлса.

Кайковус қаламига мансуб Қобуснома асарида қатор ибратли ва ҳаётий панд насихатлар билан биргаликда "ишқ ва унинг одатлари зикрида", "хотин олмоқ зикрида"ги қисмларида ҳам қимматли маълумотлар берилган. "Эй фарзанд, то кишининг таъби латиф бўлмагунча ошиқ бўлмағусидир, нединким ишқ бешак таъби латифликдан пайдо бўлур. Ҳар нарсаки таъби латифликдан пайдо бўлса, ул бешак латиф бўлур". Бу ерда инсоннинг қалби тоза, пок ва ахлоқан юксак бўлса, унинг кўнгли, сифат ва фазилатлари ҳам, ҳиссий кечинмалари ҳам соф ва чиройли бўлишига ишора қилинган. "Бас, агар ошиқ бўлсанг шундоқ кишига бўлгилки, ул маъшуқаликка лойиқ бўлсин". Бунда бўлғуси эр-хотиннинг никоҳигача даврда бир-бирини кўриб-билиб, синаб маъшуқанинг оқида, ораста, тежамкор, саранжом-сарийшта, бола тарбиясини, уй-рўзғор ишларини ўрнига қўядиган камтарин ва эрига садоқатли бўлиши назарда тутилади.

Агар сен хотинингга рашқлик қилмасанг, у сенга самимият билан муносабатда бўлур. Агар унга ғайрроқ (рашқ, қизғаниш) кўргузсанг, сенга минг душмандин душманроқ бўлур ва бегона душмандин ҳазар қилса бўлур, лекин ундин ҳазар қилиб бўлмас. Бунда эр-хотиннинг ўзаро муносабатларини зиддиятларнинг шаклланишига олиб келувчи сабаблар ва омиллар ҳақида гап боради.

Юсуф хос Ҳожибнинг машҳур асари "Қутадғу билиг" (бахт саодатга йўлловчи билим)да эр ёки хотин танлашда унинг қайси сифат ва фазилатларига эътибор бериш зарурлиги, инсон шахсига хос сифат ва фазилатларнинг оилавий ҳаётни бошқаришдаги роли, ўрни ва аҳамияти, эр-хотин ўзаро муносабатларининг меъёрлари, фаровон турмуш кечиришнинг муҳим шартлари ҳақида қимматли фикрлар айтилганки, улар ҳозирги оила турмуши ва эр-хотин муносабатлари учун ҳам аҳамиятлидир. Асарда "Сен хотин олсанг, ўзингдан қуйисини ол, зоти олийсига боқма, сен қул бўлиб қоласан". Асли, уруғи ҳамда зоти яхши бўлсин, уятли, андишали, покизасини истагин. Юзи чиройини истама, хулқи яхшисини иста, феъл-атвори яхши бўлса, сенинг юзингни ёритади. Феъл-атвори яхши бўлса, у тўқис бўлади. Феъл-атвори тўғри бўлса, жуда муносиб бўлади, хотин чиройи хулқдир, буни билган билади. Агар яхши андишали аёл топишга муяссар бўлсанг, бой берма (дарҳол олгин) эй эзгу киши андишали, покиза бўлса, ундай киши асл бўлади. Сен хотиннинг андишали-ақллисини иста, андишали, ақлли хотин топилса - фаросат, андиша, бойлик, чирой, насл-насаб жам бўлади. Сен хотинни қадрли тут, нима сўраса муҳайё эт.

Асарда хотин билан бир қаторда эр ҳам билимдон, фаросатли, ақл-идрокли, зукко бўлиши, оила тартибини сақлаши, оиланинг иқтисодий жиҳатдан тўқислигини таъминловчи, хотинига ва фарзандларига меҳрибон, хушмуомалали, тўғри сўз бўлиши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Алишер Навоий "Маҳбуб ул қулуб", яъни "қалблар севгилиси" ва "Вақфия" асарларида оилавий турмуш билан боғлиқ эр ва хотиннинг вазифалари, бурчлари, ўзаро муносабат-мулоқот маданияти, уларнинг мувофиқлиги ва номувофиқлиги, унинг оқибатлари ҳақида қимматли насихат ва маълумотларни ёзиб қолдирган. "Эр билан хотин бир-бирига мос тушса, ўртада бойлик ва саранжомлик бўлур, уй безаги ундан ва уйланганнинг (эрнинг) тинчлиги ундан. Ҳусни бўлса, кўнгилга ёқимли бўлур, яхшилиги бўлса, жон озиғидир. Ақлли бўлса, турмуш интизомли ва рўзғор керак яроғи тартибли ва саранжомли бўлади. Ана шундай турмуш ўртоғи бўлса - ғам қулфатда сирдош ва ҳамдамнинг бўлур, маҳфий ва яширин дард ва машаққатда ҳамнафас ва ҳамроҳинг бўлур. Турмушдан ҳар жафо етса, ҳасратдошинг ул ва осмондан ҳар бир бало келса, кўмақдошинг ул. Кўнглинг ғамидан ул ғам чекади.

Носоз жуфт уй учун ҳам очик ва ҳам яширин кўрқинчли касалликдир. Уятсиз бўлса, кўнгили ундан озорланади, ярамас бўлса, руҳ ундан азоб тортади. Тили ёмон бўлса куёвнинг кўнгили яраланади, ёмон ишлик бўлса, эрга юз қаролик келади, бузуқи бўлса уй ичи расвогарликка айланади"

Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросидан бундай мисолларни адоқсиз давом эттириш мумкин. Уларнинг асарларида оила муқаддаслиги ва ёш келин-куёвлар ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни белгиловчи муҳим миллий-психологик омиллар кўрсатиб ўтилган. Ушбу қимматли маълумотлар ҳозирги оилавий турмуш ҳамда ёш оилалар барқарорлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

## ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ

*Низматова М., СамДУХХТХҚТМОҲМ ўқитувчиси*

Ёш авлодни ҳар томонлама етук, ахлоқли, одобли кишилар сифатида камол топтириш муҳим вазифадир. маълумки бола шахсини шакллантириш ишларини намунали йўлга қўйиш учун аввало уларнинг характер хислатларини қанчалик таркиб топганлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир бола ахлоқий тушунчаларни қандай ўзлаштирганини аниқламай улар билан яккама-якка муносабатга киришиш мумкин эмас.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар ишонувчан, ташки таъсирларга берилувчан бўладилар. Буюк алломаларимиз таъкидлаганидек, кишининг феъл-атвори ҳаммадан кўра кўпроқ ҳаётининг дастлабки йилларида таркиб топади ва унда шу даврда пайдо бўлган сифатлар мустаҳкам ўрнашиб, кишининг иккинчи табиатига айланади. Инсоннинг иккинчи табиатида ижобий ҳиссиётларни, фазилатларни таркиб топтириш, юксак ахлоқ нормаларини шакллантириш учун бутун масъулият ота-она, бобо-буви зиммасига тушади. Ана шу даврда ота-она учун: а) болаларнинг маънавиятига таъсир кўрсатиш, ижобий хис-туйғулари ва эзгу-ниятларини қўллаб-қувватлаш; б) уларни атрофдаги кишиларга ёрдам беришга, тўғри мулоҳаза юритишга ўргатиш; номаъқул қилиқлардан тийиш, табиат манзараларини кузатишга ва мусиқа тинглашга одатлантириш; в) уларга нималар билан шуғулланиш кераклигини, бурч ҳиссини тушунтириш; г) улар билан ўқилган китобларни, кўрилган томошаларни муҳокама қилиш имконияти туғилади.

Маънавий-ахлоқий сифатларни тадқиқ қилишнинг назарий асосларини яратиш ҳозирги замон оила психологияси фанининг энг долзарб муаммоларидан биридир. Пухта, миллий жиҳатдан асосланган диагностик методларнинг кўмагисиз бугунги кунда боланинг маънавий-ахлоқий ривожланишини, таълим-тарбия методларининг самарадорлигини текшириш мутлақо мумкин эмас ва маънавий даражаларини аниқлаш, шунингдек, уларни шакллантиришда индивидуал ёндашувни амалга ошириш имкониятига эга бўлиш қийин албатта.

Маънавий-ахлоқий сифатларининг диагностикасига амалий ёндошув болани бир тараққиёт босқичидан бошқасига ўтишга ёрдам берувчи муайян кўламдаги маънавий сифатларга эга бўлишни тақоза қилади. Ахлоқий сифатлар диагностикаси даврида тадқиқ қилинаётган объектнинг тўлиқ модели бўлишни талаб қилади, бу эса ўз-ўзидан маълумки болалардаги маънавий-ахлоқий сифатларнинг барча қирраларини унинг ривожланиш даражасини ўргатиш жараёнига ҳам тааллуқлидир. Бола маънавий сифатларининг табиати ва унинг мазмунини тадқиқ қилишдаги бу тариха ёндошув, психодиагностика муаммосини таҳлил қилиш принципи янгича муносабатни тақоза илади. Бу ўз тадқиқотимизда қўйилаётган ана шу талаб ва қоидаларга амал қилган ҳолда танланган муаммомиз мавзусига оид амалий-экспериментал текшириш ишларимизни ўтказиб, улар орқали оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий ривожланганлик даражаси ҳақида муайян натижалар ҳақида тасаввурларга эга бўлишни ният қилдик.

Инсон зотидаги қандай сифатлар маънавий-ахлоқий сифатлар деб аталади? Биз изланишларимизнинг илк босқичини ана шу саволга жавоб топишга бағишладик. Бунинг учун биз бир қатор шарқ алломалари ва ҳозирги замон педагогик-психологияси соҳасидаги айрим етакчи олимларнинг асарлари билан танишиб чиқдик. Уларда инсон шахсининг маънавий-ахлоқий сифатларини ифодаловчи кўпгина тушунчалар, истилоҳлар кўп қамровли санаб кўрсатилган ва ҳар қайси сифатларнинг мукамал изоҳлари берилган. Булар барча ёшдаги кишиларда мужассамлашиши лозим бўлган сифатлардир.

Манбаларни ўрганиб чиқиш орқали орттирган тушунча ва тасаввурларимиз асосида танланган мавзумизга оид изланишларимизнинг илк хулосалари сифатида “Оилада болаларининг маънавий-ахлоқий тарбиясидаги даража кўрсаткичлари мезонлар”ни қуйидагича белгилаб олишга эришдик:

Т/р	Маънавий-ахлоқий ривожланиш кўрсаткичлари	Маънавий-ахлоқий ривожланиш мезонлари
1	Ватанпарварлик	Жонажон ўлканинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётига қизиқиш
2	Ўртоқлик	Жамовий машғулотлар ва ўйинларда иштирок этиш; ўз қувончлари ва бошидан кечирганларини тенгдошлари билан баҳам кўришга интилиш; таъмагир бўлмаслиги ёрдам кўрсатишга тайёр туриш; ўз жамоасининг шаънига доғ туширмасликка интилиш.

3	Катталарга хурмат	Хушмуомилалик, итоатгўй бўлиш; ўқитувчи, ота-онага, катталарга ёрдам бериш учун тайёр туриш.
4	Сахийлик	Меҳрибонлик, кичикларга ғамхўрлик, тенгдошлари ва бошқа кишиларга саховатли бўлиш, жониворларга меҳрли бўлиш.
5	Ҳалоллик	Самимийлик, ростгўйлик, тўғри сўзлик, ўзгалар нарсасига кўз олайтирмасликни одат қилиш, айб иш қилиб қўйганда ихтиёрий тан олиш, берган ваъдасини бажаришга ўрганиш.
6	Меҳнатсеварлик	Виждонан ўқиш, уй-рўзгор ишлари юзасидан ўзига юклатилган юмушларни сидқидилдан бажариш; жамоавий равишда ўз-ўзига хизмат кўрсатиладиган ишларда ижтимоий фойдали меҳнатга фаол иштирок етиш; меҳнат дарси машғулотларида қизиқиш билан қатнашиш.
7	Тежамкорлик.	Ўзининг ташқи кўринишини озода тутиш; ўз шахсий буюмларини тартибли равишда сақлаш, мактаб мулкани, китоб дафтарларни еҳтиёт қилиш.
8	Интизомлилик	Айтилган ишни албатта бажаришга ўрганиш; мактабда, кўчада, уйда, жамоат жойларида белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш (синф тенгдошлари ҳамда звено жамоаси талабларини бажариш).
9	Одобли бўлиш	Билим олишга интилиш; уйга вазифаларни мунтазам ва ихтиёрий равишда бажариш. Тартиб интизомли бўлиш
10	Кучли чакқон, чиникқан, соғлом бўлишга интилиш.	Кундалик режими ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш; ерталабки бадантарбия машғулотларини ҳар куни бажариб бориш; машқларга қизиқиш билан қатнашиш; соғ танда соғ ақл шиорини ҳис қилиш; спорт ўйинларида фаол иштирок етиш ва ҳақозолар.

Юқорида санаб ўтилган мезонларни шакллантириш ва ривожлантириш учун дастлаб бошланғич синф ўқувчиларининг қўлланиб келаётган хилма-хил диагностик усулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Жумладан ўқувчилар шахсини кузатиб ўрганиш, тест синов топшириқларини ўтказиш, кичик тажрибалар ўтказиш, турлича ахлоқий мавзуларда суҳбатлашиш, сосиометрик методни қўллаш керак бўлади. Ана шу тадқиқотлар натижаларига қараб ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ривожланганлик даражадари (юқори, ўрта, паст) ҳақида хулоса чиқарилади. Шундан сўнг улардаги маънавий-ахлоқий сифатларни ривожлантиришнинг зарурий тадбирлари аниқланади ва қўлланилади.

## **O‘SMIRLARDA KASBIY QIZIQISHLARNING RIVOJLANISHIDA OILANING ROLI**

*Eshpo‘latova Sh.A., Murodova G.A., Qarshi DU talabalari*

Qadimdan ota-bobolarimiz o‘g‘il bolalarning kasb-hunarli bo‘lishiga katta e‘tibor berganlar. Ularni usta, hunarmandlarga yoshlikdan shogirdlikka berishgan. Ular farzandlarining mehnatsevar, aql-farosatli, ziyarak, halol bo‘lishga o‘rgatishgan. Qiz bolalar ham juda yoshlikdan uy-ro‘zg‘or ishlariga jalb etilgan. Momolaridan, onalaridan tikish-bichish, chevarchilik, orastalik, pazandalik sirlarini o‘rganishgan. Shu tariqa o‘smirlar hayotga tayyorlab borilgan. Jamiyat taraqqiyotining bugungi holati hozirgi zamon oilasi oldiga o‘ziga xos yangi ijtimoiy vazifalarni ham yuklaydiki, unda o‘smir yoshlar tarbiyasi va kasb tanlash masalasi alohida ahamiyat kasb etadi. Bola dunyoga kelgan kundan boshlab, oila muhitida voyaga yetadi. Ota-onasining kasb-kori, atrofdagilarning shu kasbga munosabatlari, unda ma`lum fikrlarning shakllanishiga asos bo‘ladi. Kamolga etib, hayotda o‘z o‘rniga ega bo‘lishga intilayotgan o‘smirda ota-ona asosiy ideal vazifasini o‘taydi. Kasb tanlash jaroyonida o‘smirlar ota-onalarning nasixatlariga, qo‘llab- quvvatlashiga muhtoj bo‘ladilar. Ko‘p hollarda o‘smirlar ota-onasi izidan borishga qaror qiladilar. Ba`zan esa aksincha farzandlar ota-onasi kasbini tanlashni hohlashmaydi, bunga ota-onaning o‘z kasbidan tinimsiz noroziligi, vaqt taqsimoti, daromad va salomatlik darajasi sabab bo‘lishi mumkin. Asosiysi kattalarning maslahatlari va tavsiyalarini hisobga olgan holda qat‘iy bir qarorga keladilar, chunki ular o‘z hohish- ehtiyojlarini har tomonlama asoslab bera oladilar. Endi ular o‘z-o‘zini himoya qilishlari, lozim bo‘lsa o‘z imkoniyatlari darajasida mehnat qilib, yetarli darajada daromad qilishi, o‘z ehtiyojlarini mustaqil ravishda qondira olishi mumkin bo‘ladi.

B.A.Kruteskiy o‘spirinlarda kasb tanlashda uchraydigan motivlarni quyidagicha ifodalaydi:

- a) biror o'quv faniga qiziqish;
- b) vatanga foyda keltirish istagi (o'ziga xos psixologik xususiyat va qobiliyatni hisobga olmagan holda); shaxsiy qobiliyatini ro'kach qilish;
- s) oilaviy an`analarga rioya qilish (vorislik)
- d) do'stlari va o'rtoqlariga ergashish.
- e) ish joyi yoki o'quv yurtining uyiga yaqinligi;
- j) moddiy ta'minlanish;
- m) o'quv yurtini ko'rinishining chiroyliligi yoki unga joylashish osonligi.

Shuningdek, boshqa turdagi motivlar - shaxsning biror kasbga moyilligi, ma'naviy va moddiy ehtiyojlarining qondirilishi, maqsadi, intilishi, kasbga munosabati, salomatlik darajasi, asab tizimi, xarakter va temperament tipining xususiyatlari bo'lishi mumkin.

Ba`zi o'spirinlarda biror kasb haqida yaqqol tasavvurlarning bo'lmasligi sababli, kasb tanlashda xatoga yo'l qo'yadilar. Bunday o'smirlar tanlangan yoki tanlamoqchi bo'lgan kasb qanday shaxsiy xususiyatlarni talab qilishini tushunib yetmaydilar. O'z qobiliyatlarini oqilona baholay olmasliklari tufayli kasb egallashda qiyinchiliklarga duch keladilar. O'smirlar qiziqishlari, mayllari, intilishlari, qobiliyatlari, iste'dodlari asosida kasbga yo'naltirish ota-onalardan katta mas'uliyat talab etadi. Shuning uchun o'smirlarning bilish faoliyatini kuchaytirish, ularning mustaqil bilim olishga o'rgatish, o'zlarini muayyan faoliyatda sinab ko'rish uchun imkoniyat yaratish muhim hisoblanadi. Bundan tashqari bolaning qobiliyatini hisobga olgan holda turli to'garaklarga, naqqoshlik, milliy hunarmandchilik, texnika vositalari ko'rgazmalari, ishlab chiqarish ustaxonalariga olib borish, yetuk ijodkorlarning ijodiy namunalari bilan muntazam tanishtirib borish, turli ko'rik-tanlovlarda ishtirok etishini ta'minlash kasbiy qiziqishlarini yanada boyitadi, mukammal ma'lumotlar olishga va aniq maqsadga yo'llashga xizmat qiladi.

## **OILADAGI SHAXSLARARO MUNOSABATLARNING BOLA TARBIIYASIGA TA'SIRI**

*Abduraxmonova Ch., SamDU o'qituvchisi*

Jamiyatimiz taraqqiyoti munosabati bilan oila, uning barcha hayotiy bosqichlari jiddiy o'zgarishlarga uchramoqda. Millatning tarixiy, milliy va regional xususiyatlarini hisobga olgan holda o'zbek oilalari taraqqiyotini umumiy va xususiy taraqqiyotlar asosida oilaviy tarbiyani maqsadga muvofiq yaxshilash lozim. Bu davlatning oilada yosh avlodni har tomonlama kamol toptirish jarayoniga qaratilgan ilmiy va amaliy tavsiyalardan biridir.

Oilaviy tarbiya deganda ota-onalarning o'z hayotlari, turmush tarzlari asosida bola shaxsida dunyoqarash asoslari, siyosiy, axloqiy, estetik va boshqa ijtimoiy omillarni shakllantirish maqsadida muntazam, izchil, g'oyaviy va ma'naviy ta'sir ko'rsatish jarayoni tushuniladi. O'zbek olimlari tomonidan olib borilgan ko'p yillik ilmiy tadqiqotlar shuni ko'rsatmoqdaki, O'zbekiston sharoitida oilaviy tarbiya, uning mazmuni va tashkil etilishi, oila va o'quv muassasalarining boshqa bo'g'inlariga ta'sir etuvchi o'ziga xos bir qancha ijtimoiy hamda tarbiyalash shart – sharoitlari mavjud bo'lib, ularni hisobga olmay ilojimiz yo'q.

Bulardan biri respublikamizning iqtisodiy sharoiti, iqlimi, tabiatning o'ziga xos xususiyatlari har bir o'zbek oilasining iqtisodiy, ijtimoiy rivojlanishiga, oilaviy hayot sharoitining o'zgarishiga, binobarin, oiladagi bolalar tarbiyasiga sezilarli ta'sir etmoqda. Ikkinchidan, respublikamiz o'zining demografik, etnik, milliy shart – sharoitlari jihatdan ham o'ziga xos xususiyatlarga ega, bular aholining zich joylashishi va uning intensiv ko'payishidir. Uchinchidan, respublikamizning ma'naviy hayoti va uning o'ziga xos tomonlari muttasil rivojlanmoqda, ularning oilaviy tarbiyaga ta'siri kuchaymoqda.

O'zbek xalqining ko'p asrlik boy madaniyati va tarixi bor. Mazkur madaniy meros jamiyatdagi jamiki ma'naviy boyliklarni o'z ichiga qamrab oladi. Ayniqsa, O'rta Osiyo xalqlari pedagogikasi, ma'naviy-madaniy tarixi boy merosga ega bo'lib, ularning mohiyati, mazmuni xalq ijodiyotida, ilg'or mutafakkirlarning asarlarida aks etgan. Xususan, jumhuriyatimiz xalqlarining pedagogika va ruhshunoslik fanlari buyicha merosini o'rganish ishlari hali o'zining ko'pgina tadqiqotchilarini kutib turibdi. Hatto bir necha asrlar ilgari At-Termiziy, Ismoil Buxoriy kabi allomalarning inson ma'naviy olamini boyitadigan durdona yodgorliklari, xususan, «Qur'oni karim» mazmunini yoritadigan hadislar majmuasi musulmon olamining hayotbaxsh oftobidir.

Ma'lumki, yosh avlodga maqsadga muvofiq tarbiya berish uchun ota-onalar ham tarbiyaning vazifasi, maqsadi, vositalari, shart-sharoitlari yuzasidan har tomonlama bilimga ega bo'lishlari, farzandlarining yoshi va o'ziga xos xususiyatlarini e'tiborga olgan holda ish yuritishlari lozim.

O'zbek oilasida bola tarbiyalashning ishtirak, tushuntirish, nasihat, ibrat-namuna ko'rsatish, yaxshi fazilatlarni mashq qilish, rag'batlantirish, tanbeh berish, ogohlantirish, jazolash kabi usullari qo'llaniladi.

Oilaning ma'naviy dunyosini takomillashtirish uchun unda zarur ruhiy xotirjamlik, ibratli ruhiy munosabat, o'zaro totuvlik yaratilgan bo'lishi zarur. Ota-onalar o'rtasidagi o'zaro munosabatda hamjihatlik, mehr-oqibat, o'zaro hurmat, shirinsuxanlik, bir-biriga g'amxo'rlik mavjud bo'lsa, bunday muomala, munosabat bola tarbiyasiga ijobiy ta'sir qiladi. Ular o'z farzandlariga chinakam baxt, quvonch hadya etadilar.

Oila a'zolarining did-farosati, qiziqishi, mayllari, ehtiyojlari, intilishlari o'zaro bir-biriga munosib bo'lsa, onaning inoq, ahil turmush kechirishlariga, oilaviy munosabatlarning mustahkam bo'lishiga puxta zamin hozirlaydi. Muayyan darajada shart-sharoitlarning mavjudligi, ota-onaning o'zaro bir-birlarini tushunib turmush kechirishlari, maqsad va vazifalardagi birlik, yuzaga keladigai ziddiyatlarni birgalikda bartaraf eta olishlari mustahkam oila muhitini shakllantiradi.

O'zbek oilalarining aksariyati o'zining serfarzandligi bilan ajralib turadi. SHunga ko'ra, ota-onaning xoh o'g'il, xoh qiz, xoh to'ng'ich, xoh kenja farzand bo'lmasin, ularga teng va odil munosabatda bo'lishi, erkalatmasligi, kattalar namunasi orqali kichiklarni tarbiyalash ijobiy hodisadir.

Kam bolali oilalarda ota-onalar farzandlarini ortiqcha erkalaydilar — bola oilaning tanho ovunchog'iga aylanib qoladi. Natijada shunday o'g'il yoki qizlar erka, o'jar, taniq, shaxsiyatparast bo'lib voyaga etishi mumkin.

O'z-o'zidan ma'lumki, bolalarning ruhiy xususiyatlarini qariyalarga hamda katta yoshdagilarga tanishtirish oilada totuvlik, hamjihatlik, iliq ruhiy iqlimni barpo qiladi. Bolalarning katta yoshdagilarga va qariyalarga bo'lgan iliq munosabati, mehr-muhabbati, namuna-timsol yoki maslak sifatida qarashi va boshqa jarayonlar orqali o'zaro tushunuv namoyon bo'ladi. Farzandlarga nisbatan qilingan yumshoq yoki qo'pol muomala ularning ruhiy dunyosida ijobiy yoki salbiy taassurot qoldiradi. Kishi kayfiyati yo ko'tariladi yoki mutlaqo buziladi.

Qariyalar va ota-onalar farzandlarining fe'l-atvori va xulqini, qobiliyati va qiziqishini, umuman olganda, ularning ruhiy dunyosini chuqur bilgan taqdiridagina oilada normal (mu'tadil) ruhiy iliq iqlim mavjud bo'lishi mumkin.

Kichik yoshdagi bolalar maktab ostonasiga oyoq bosishi bilan o'yin faoliyati o'rnini o'qish faoliyati egallay boshlaydi. Ba'zan ular qiyinchiliklar oldida bardosh bera olmay injiqlik qiladilar. Bunday holatning oldini olish uchun uni erkalatmaslik, hamisha qo'ygan talabini qattiqqo'llik bilan amalga oshiravermaslik darkor. Uning o'rniga yo'l-yo'riq ko'rsatish, tushuntirish ishlarini olib borish maqsadga muvofiq. Faqat ana shundagina unda irodaviy sifatlar shakllanadi.

Bunday yoshdagi bolalarga oilada talab bir xil bo'lishi yaxshi natija beradi. Ularning talab va istaklarini dalillar asosida tushuntirishga harakat qilish, noto'g'ri yoki qalbaki axborotlar berishdan saqlanish kerak. YOlg'on javob berish orqali ota-onalarning farzand oldida obro'si pasayadi, chunki ular uyda olingan javob bilan o'qituvchisining javobini solishtiradilar va shu asnoda kim xaq yoki kim nohaq ekanligini aniqlaydilar. Ular uchun boshlang'ich sinf o'qituvchisi donishmand, bilimdon, ishbilarmon shaxs rolida namoyon bo'ladi.

Oilada kattalar obro'si qo'rqitish asosida vujudga kelmasdan, balki samimiylik ila hurmat zamiriga qurilishi maqsadga muvofiqdir. Oila a'zolarining inoqligi, xatti-harakati, kiyinishi, mehnat faoliyati, o'zga kishilar to'g'risidagi suhbatlari va ularning boshqa sifat hamda fazilatlari bolaning murg'ak tasavvuriga yangi timsollarni olib kiradi. Kichik yoshdagi bolalar tarbiyaga beriluvchan hamda kattalarga ishonuvchan bo'ladilar. Ota-onalar ularning bu xususiyatlarini inobatga olgan holda muloqotda bo'lsalar, oilada totuvlik qaror topadi. Shu fazilatlar bola ongiga singib boradi va u kelajakda axloqan sog'lom o'smir bo'lib etishadi.

Oila tarbiyasi jarayonida bolalar ongiga singdiriladigan axloqiy qoidalar, urf-odatlar, an'analarga rioya qilish yo'l-yo'rig'i zerikarli, quruq nasihatguylilikdan iborat bo'lib qolmasligi lozim. Aksincha, eng yaxshi omillardan biri-aniq hayotiy omillarni tahlil qilish orqali to'g'ri tushuncha va tasavvurlarni hosil qilishdir. Ushbu vazifani amalga oshirish uchun hayotiy misollardan, badiiy adabiyot materiallari, mashhur kishilar haqidagi, xotiralar, esdaliklar va ularning tarjimai hollaridan foydalanish yaxshi natija beradi.

## OILADA PSIXOLOGIK SOG'LOM MUHITNI SHAKLLANTIRISH OMILLARI

*Ergasheva G., SamDUHXTXQTMOHM o'qituvchi*

Oila insonning rivojlanishi va takomillashuvi uchun eng yaxshi muhit hisoblanadi. Oila shaxsning ijtimoiylashuvida muhim instituti hamdir. Aynan oilada ijtimoiy o'zaro muloqatning dastkabki tajribasini oladi. Ma'lum bir vaqt davomida oila bola uchun shunday tajriba olishning yogona joyi hisoblanadi. Shundan keyin inson hayotiga bolalar bog'chasi, maktab, ko'cha singari ijtimoiy institutlar kirib keladi.

Biroq bu vaqtda ham oila va ota-ona rivojlanishida muhim omillardan biri, ba’zida esa eng muhim omillardan biri bo’lib qoladi. Aynan oilada bolalar oddiy va tabiiy hayotga o’rganadi, shuningdek har kuni ertalabdan kechgacha, ba’zan tuni kun oila yoki ota-ona shaxsi aka-uka, opa-singillar, buvi va buvalar tamonida o’z o’rnida namuna bo’lib xizmat qiladigan turli tuman xulq atvor shakllari, so’z, shuningdek mehnatga o’rganadi.

Mamlakatimizda yoshlarning ma’naviy qiyofasini mustaqillik mafkurasi, uning insoniy tamoyillari asosida shakillantirishga bosh vazifa sifatida qaralayotgani bejiz emas. Eng quvonarlisi shundaki, davlatimiz rahbari yoshlarning ma’naviy tarbiyasiga, ularning bilim va kasb mahoratini oshirish masalalariga alohida e’tibor berib kelmoqdalar. Chunki mustaqilligimizning uch tayanchi – mustaqil siyosat, iqtisodiy qudrat va xalq ma’naviyati bir-biri bilan chambarchas bog’liq bo’lib, ularning uyg’un rivoji ta’minlansagina O’zbekiston buyuk yurt sifatida jahon hamjamiyatida o’z munosib o’rnini egallay oladi.

Mamlakat aholisining yarmidan ko’proq qismini yoshlar tashkil qilishi, o’sib borayotgan yosh avlodni jamiyatda mustaqil yashashga tayyorlash vazifasining dolzarbligi yoshlarni jamiyat hayotiga va oilaviy turmushga tayyorlash ishlarini jadallashtirishni talab etadi. Insonlarning o’zaro munosabatlarida keskinliklarning o’sib borayotganligi, zamonaviy ziddiyatlarning inson tafakkuri va ongiga ta’sir etishi orqali uning psixologik holatida salbiy va asabiy oqibatlarining vujudga kelishi, yosh oilalardagi ajrim holatlarning muntazam o’sib borayotganligi, bolalar va o’smirlardagi agressiya holatlarining vujudga kelayotganligi kabi muammolar talaba-yoshlarni oilaga tayyorlash vazifasini to’laqonli olib borish talabini kun tartibiga qo’yadi.

Oila, o’z ijtimoiy mazmuniga qarab, uch tarkibiy qism birligidan tashkil topadi. Ular: oila asosi sifatida nikoh, nikohning natijasi sifatida er va xotin munosabatlari, hamda er-xotin munosabatlarining oqibati sifatida farzandlardan tashkil topadi. Er-xotin o’rtasidagi munosabatlar, yangi avlodning tug’ilishi oilaga muayyan yaxlitlik, muayyan ijtimoiy guruh, jamoa tusini beradi, oila a’zolari o’rtasidagi munosabatlar tizimini vujudga keltiradi. Binobarin, “er-xotin” oilaning dastlabki komponenti (qismi) bo’lib, undan “ona-bola”, “ota-bola” va “ota-ona” munosabatlari kelib chiqadi.

Oila milliy qadriyatlar maskani hisoblanadi. Yoshlarning oilaga tayyorlash jarayoni har bir millatning madaniy va ma’naviy-ruhiy qadriyatlaridan hisoblanib, xususan talaba-yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash insoniyat tarixida xalq ma’naviy takomilining eng ulug’ va oliy yo’nalishlaridan biri bo’lib kelgan. Oilaviy madaniyat, oilaviy hayotga ongli kirib borish, oilaviy vazifalarni bajarishga tayyorlik, hayotda oila o’rnini yuksak qadrlash, oilaga mas’uliyat bilan qarash, halq ma’naviy merosidagi oila qadriyatlarini o’z zamoni talablari bilan uyg’unlashtirib rivojlantirish har vaqt inson hayotiy mezoni va jamiyat oldida turgan dolzarb vazifalardan biri sifatida tan olingan.

Oilaga nisbatan insoniyat tarixida asrlar davomida shakillanib, e’zozlangan ma’naviy ehtiyojlar tizimi, oilani shaxs ma’naviyatini asrab avaylaydigan, uning barkamolligi mezonlaridan biri deb tan oladigan qonun-qoidalar majmui sifatida anglash, oilani butun jamiyat va millat taqdiri va taraqqiyotiga bevosita oidligini chuqur idrok etish – shaxsning ma’naviy etukligini ko’rsatuvchi omillardan biri hisoblangan. Chunki, oilani muqaddas deb bilmagan inson – ma’naviy qashshoq insondir. Oilani muqaddas deb anglash har bir jamiyat a’zosining o’z vijdoni, o’z oilasi va farzandlari oldidagi burchidir.

Yoshlarni oilaviy hayotga psixologik, ruhiy, jismoniy, jinsiy tomondan to’liq tayyorlash masalalari quyidagi yo’nalishlardagi ma’lum bilim va ko’nikmalarni talab etadi:

- Oila salomatligi:
- Oiladagi jinslararo va oila a’zolari o’rtasidagi munosabatlar:
- Oila etikasi va estetikasi:
- Oila a’zolari o’rtasida oilaviy majburiyatlar taqsimoti va tomonlar huquqlari:
- Oilaviy inqirozlar va ularning oldini o’laj bilish, oilaviy konfliktlar echimiga tayyorlik:
- Oiladagi sog’lom muhit va oilaviy muloqot:
- Oila an’analari:

Oila va oila osayishtaligi, oiladagi sag’lom muhitni muhofaza qilishda barcha tomonlarning mas’ul ekanligi, shaxsiy huquqlarni oila huquqi bilan mutanosib olib borish tartiblari, oila a’zolari o’rtasidagi muloqot, oila boshlig’i va uning mavqei, oila boshlig’i kim bo’lishi lozimligi, oila boshlig’i borasidagi stereotiplar, erning o’z xotiniga bo’lgan munosabati tamoillari, ayolning o’z eriga to’g’ri munosabati tamoillari, erning kamchiliklari, xotinning kamchiliklari, o’z kamchiliklaridan qutilish tartiblari, oila va jamiyat munosabatlari, jamiyatda oila mavqeini saqlash, jamiyat a’zolari bilan bo’ladigan muloqotlarni to’g’ri olib borish, qarindosh urug’lar o’rtasidagi mehr-muhabbat tuyg’ularini rivojlantirishga harakat qilish, oilada muloqot madaniyati, oila ma’rifati, bilim va kitobga muhabbat, oilada shaxs erkinligi, oilada ota-ona va farzand munosabatlaridagi samimiylik va bir-birini to’ldirish, oilada ota-ona va farzandga muhabbat qirralari va muammolari, mehmon kutish va mehmonga borish odobi, suhbatlashish odobi, farzandlarni jamoada yashashga va jamoada yashash qonun-qoidalariga o’rgatish, oilaviy hayotga estetik munosabatda

bo'lishga tayyorlash, oila iqtisodiyoti asoslarini tashkil qila bilish, iqtisodiyotni to'g'ri yuritishga o'rgatish, oilani ijtimoiy muhofaza qilish choralarini ko'ra bilish, oiladagi sog'lom psixologik va tibbiy muhitning shakllanishida oila a'zolari majburiyatlari va huquqlarini mutanosib belgilash va tashkil qilishga o'rganish.

Oilada farzand tarbiyasi mas'uliyatni talab etadi. Mas'uliyatni his qilgan inson o'z ishini doimo puxta rejalashtirib, uning oqibatlarini oldindan tasavvur qiladi zarur natijaga erishish uchun butun kuchi va salohiyatini safarbar etishga qodir bo'ladi. Bunga erishishning eng qulay yo'li - avvalo tafakkur va ilmiy dunyoqarashni shakllantirish. Bu esa ota-onalardan farzand oldidagi, el-yurt oldidagi ma'naviy burchini to'g'ri anglashni, oilaviy munosabatlar doirasida milliy urf-odat va an'analarimiz, eng nodirligini turmushga singdirish orqali bolalarda insoniy munosabatlarni shakllantirish, ularni mustaqil fikrlaydigan kishilar qilib tarbiyalashni taqozo etadi.

O'zbek oilasi-ko'p avlodli oila, ya'ni bola ongida sog'lom g'oya va bilimlar shakllanishi jarayonida oilaning kattalari-bobolar, momolar, yaqin qarindosh urug'lar ham bevosita ishtirok etadi. Azaliy udumga binoan bola tarbiyasida ota-onadan ham ko'ra bobo, buvi, qo'shni va qarindoshlarning ta'siri kuchliroq bo'ladi. Ular oiladagi ma'naviy muhitning belgilovchilari hisoblanadi. Bunday tarbiya an'anasi buyuk ajdodlarimiz tarixida muxim o'rin tutgan. Biroq bu omillarning hozirgi, real hayotdagi haqiqiy xolatini maxsus o'rganib chiqmoq kerak.

Xulosa o'rnida aytish joizki, hozirgi milliy qadriyatlarimiz tiklanib, islomiy va dunyoviy bilimlarni puxta egallash uchun barcha imkoniyatlar yaratilayotgan bir vaqtda ana shu yuksak ma'naviy qadriyatlarimizni yoshlarimiz ongiga singdirishda oila, mahalla va maktab o'rnini yana bir marotaba tahlil qilish, samaradorligini oshirishning barcha chora-tadbirlarini ko'rish zarur. Bu esa oiladagi psixologik muhitning va oilaviy muloqotning pedagogik-psixologik asoslaridan biridir.

## **ХУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ - ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОШ МЕЗОНИ**

*Турсунова О.Ф. СамДУ ўқитувчиси,  
Рахмонова Н. СамДУ магистри*

Бугунги кунда республикаимиз ҳаётида кечаётган ўзгаришлар ҳар бир фуқарони бефарқ қолдирмаяпти. Юртимиз демократик ҳуқуқий давлат куриш йўлидан борар экан, аввало ўша жамиятнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкам бўлиши зарур. Жамиятнинг асосий бўғинини хотин-қизлар ташкил этганлигини ҳисобга олган ҳолда, республикаимиз аёлларга доир бир қанча халқаро ҳужжатларни ратификация қилган. Бу ҳақда юртбошимизнинг фикрлари буни тасдиқлайди: “Бугунги тез ўзгараётган, зиддиятли даврда оилавий масалаларни илмий асосда чуқур ўрганмасдан туриб, ижтимоий ҳаётдаги кўплаб мураккаб саволларга жавоб топиш қийин”[1]<sup>1</sup>.

Президентимизнинг бугунги кунда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган мақсад ва вазифаларга эришиш мақсадида аёлларнинг ҳуқуқ, эркинликларига алоҳида эътибор берилганлиги таҳсинга лойиқ. Ўзбекистон Республикаси бутун жаҳонга юз тутди, ҳар соҳада хорижий давлатлар билан алоқага киришяпти. Халқаро муносабатлар нафақат жамиятга балки, ҳар бир хотин-қизга ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. Албатта бу муносабатлар халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Хотин-қизларимизнинг ўз ҳуқуқларини билиши бу обод турмушнинг қафолати, ҳуқуқий демократик давлатнинг пойдевори, мустаҳкам оиланинг тамал тошидир. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш, билиш, тарғиб қилиш аёлларимизнинг яна бир карра ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашади. Жумладан, 1952 йилнинг 28 июнидаги “Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги № 103 Конвенция, 1979 йилнинг 18 декабридаги “Аёлларга нисбатан ҳар қандай камситишларни тугатиш тўғрисида”ги Конвенция, 1951 йилнинг 29 июнидаги “Эркаklar ва аёллар меҳнатини бир хилда баҳолашни тенг рағбатлантириш тўғрисида”ги № 100 Конвенция, “Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция шулар жумласидандир. Ушбу ратификация қилинган ҳужжатларнинг барчасида хотин-қизларимизнинг шахсий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий, маърифий ҳуқуқ ва эркинликлари акс этган.

Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенциянинг 2-моддасига кўра: “Ушбу конвенциянинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда “аёл” термини унинг ёши, миллати, ижтимоий келиб чиқиши ва дини, никоҳдан ўтган ёки ўлмаганлигидан қатъи назар аёл жинсига мансуб ҳар қандай аёл шахси,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Респуб-б.

“бола” термини эса, унинг отағонаси никоҳдан ўтган ёки ўтмаганлигидан қатъи назар ҳар қандай бола тушунилади”.

Ушбу Конвенциянинг 5-моддасига кўра: “Агар аёл киши ўзининг боласини кўкраги билан эмиздирса, у шу мақсадда иш куни давомида бир ёки бир неча марта танаффус қилиш ҳуқуқига эга, танаффусларнинг давомийлиги давлатнинг қонунчилиги билан белгиланади” [2]<sup>1</sup>.

Аёлларга нисбатан ҳар қандай камситишларни тугатиш тўғрисидаги Конвенциянинг 2-моддаси к) бандига кўра: “Жиноят қонунчилигининг аёлларга нисбатан камситишлар акс этган барча ҳолатлари бекор қилинсин”. Шунингдек, 6-моддаси: “Қатнашувчи-давлатлар аёллар савдосининг барча турлари ва аёллар фоҳишабозлигининг эксплуатациясини бекор қилиш мақсадида барча тегишли, жумладан қонунчилик чораларини амалга оширсин”.

Ушбу Конвенциянинг 9-моддаси 2-бандига кўра: “Қатнашувчи-давлатлар аёлларга уларнинг фарзандларига фуқаролик бериш масаласида эркаклар билан тенг ҳуқуқлар тақдим этади”. 11-модданинг а) банди: “Барча кишиларнинг ажралмас ҳуқуқи бўлган меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлиш”, 13-модданинг а) банди: “оилавий таъминот олиш ҳуқуқи” ва ҳоказолар [3]<sup>2</sup>.

Эркаклар ва аёллар меҳнатини бир хилда баҳолашни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги Конвенция ўз ичига жинсидан қатъий назар барча ўз меҳнатлари учун тенг тақдирланишини баён этади. Ратификация қилинган ушбу Конвенцияда асосий эътибор, ташкилотнинг барча аъзоси ўз воситалари, рағбатлантиришнинг тасдиқланган мезонлари билан, у ёки бу ҳолда барча меҳнаткашларни тенг рағбатлантириш принципи асосида, эркаклар ва аёлларнинг меҳнатини бир хилда баҳолашини таъминлашга қаратилган. Ушбу принцип қуйидаги усуллар билан қўлланиши мумкин: а) миллий қонунчилик асосида; б) рағбатлантириш аниқланган, қонунчилик билан тан олинган ёки тасдиқланган тизим асосида; с) тадбиркорлар ва ходимлар ўртасида тузилган жамоавий шартномалар асосида; д) ушбу турли хилдаги усулларнинг бирикмалари асосида [2]<sup>4</sup>.

Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга эътиборни қаратадиган бўлсак, БМТ уставида белгиланган, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлигини амалга ошириш мақсадида, аёлларнинг ҳам сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш ва эга бўлиш эркинликлари очиб берилади.

Жумладан, 1-моддада: «Аёллар ҳеч қандай камситишларсиз, эркаклар билан тенг шароитларда барча сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга». 2-модда: «Аёллар оммавий сайловларни талаб этадиган, миллий қонунчилик билан белгиланган ташкилотларга, ҳеч қандай камситишларсиз, эркаклар билан тенг ҳуқуқда сайланишлари мумкин». 3-модда: «Аёллар ҳеч қандай камситишларсиз, эркаклар билан тенг ҳуқуқда ижтимоий-давлат хизматида лавозим эгаллашлари ва миллий қонунчилик билан белгиланган барча ижтимоий функцияларни бажаришлари мумкин» [2]<sup>5</sup>.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида ўз аксини топган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 700 дан ортиқ қонунлар қабул қилингани маълум. Уларнинг аксарияти жамиятимизнинг мўътабар зотларига тегишли. Аввало, биринчи тамал тош бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Аёлларнинг шахсий ҳуқуқларига оид бўлган қонунлардан «Таълим тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги, «Давлат тили тўғрисида»ги қонунларни, сиёсий ҳуқуқларига дахлдор «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Референдум тўғрисида»ги, «Фуқаролик тўғрисида»ги, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларга оид «Ер тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Банк ва банклар тўғрисида»ги қонунлардир. Қонунлар Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларига давлатимизнинг барча жабҳаларида фаол иштирокини таъминлапти.

Шунингдек, хотин-қизларнинг жамиятимиз ҳаётида нуфузини ошириш мақсадида «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди. «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг қудудий бўлинмалари ташкил қилинди. Фармонга асосан Хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тузилди. Зулфия номидаги Давлат мукофотини ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга бериш бўйича янги тартиб жорий этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек хотин-қизлари ҳуқуқларига доир норматив ҳужжатларнинг энг асосий хусусияти шундаки, улар биринчи навбатда аёлларга, болаларга, умуман аҳолининг барча қатламларига сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ёрдам бермоқда. Зеро, ушбу жараёнда республикамиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат –

<sup>1</sup> Ўзбекистон и международные договора по правам человека. Т.: Адолат, 1998. – с-397.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 419-б.

<sup>4</sup> Ўша ерда, 520-б.

<sup>5</sup> Ўша ерда, 572-б.

давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, барча соҳаларда кийинчиликларни бартараф этиш ва халқимиз турмушини яхшилашнинг зарур шартли ва ғоят муҳим воситасидир. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак: «Оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюк кадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунки сизлар билан ҳаётимиз гўзал ва мазмунли, хонадонларимиз обод ва нурафшондир» - Президент Ш.М.Мирзиёев.

## **БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ПСИХИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ**

*Эрдонова С., Ғуззор тумани 75-мактаб амалиётчи психологи*

Кичик мактаб ёши даврига 6-10 ёшли бошланғич (I-IV) синфларнинг ўқувчилари киради. Бола мактаб таълимига боғчада тарбияланаётганида тайёрланади. Бунда у мактабда ўқувчиларга қуйиладиган ҳар хил талаблар билан танишади, фан асосларини ўрганиш учун биологик ва психологик жиҳатдан тайёр бўлади.

Таълимга психологик тайёрлик деганда, боланинг объектив ва субъектив жиҳатдан мактаб талабига муносиблиги назарда тутилади. У мактаб таълимига аввал психологик жиҳатдан тайёрланади, бинобарин, унинг психикаси билим олишга етарли даражада ривожланади, шу ёшдаги бола идрокнинг ўткирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, ўзининг қизиқувчанлиги, дилкашлиги, хайрихоҳлиги, ишонувчанлиги, ҳаёлининг ёрқинлиги, хотирасининг кучлилиги, тафаккурининг яққоллиги билан бошқа ёшдаги болалардан ажралиб туради. Мактаб таълимига тайёрланаётган болада диққат нисбатан узок муддатли ва шартли барқарор бўлади. Бола диққатининг хусусиятлари ролли ва сюжетли ўйинларда, расм чизиш ва қуриш-ясаш машғулотларида, лой ҳамда пластилиндан ўйинчоқлар тайёрлашда, ўзгалар нутқини идрок қилиш ва тушунишда, математик амалларни ечишда, ҳикоя тинглаш ва тузишда кўринади. Бола ўз диққатини муайян объектга йўналтириш, тўплаш, тақсимлаш бўйича маълум даражада кўникмага эга бўлиб, ўз диққатини бошқариш ва керакли пайтда тўплашга интилади. Унинг хотираси қизиқарли, ажойиб-ғаройиб, кишини таажжубга соладиган маълумот ва ҳодисаларни пухта эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш имкониятига эга бўлади. Шу давргача бевосита катталар раҳбарлигида у ёки бу ахборотларни ўзлаштириб келган бўлса, ўз хоҳиш-иродаси билан зарур маълумотлар тўплашга, ўз олдига аниқ мақсад ва вазифа қўйишга ҳаракат қилади. Боланинг ана шу фаоллиги хотирасининг муайян даражада ривожланганини билдиради. У шеър, ҳикоя ва эртақларни эсда қолдириш учун кўп такрорлаши, ёд олишнинг энг қулай йўл ва усулларида фойдаланиши таълим жараёнида унга жуда қўл келади, биринчи синф ўқувчиси кўпинча яққолобразли хотирага суяниб билиш фаолиятини ташкил этса ҳам, бу иш хотиранинг бошқа турларини инкор қилмайди, аксинча, таълим сўз-манتيқ хотирасини тақозо этади. Сўз-манتيқ хотирасининг мавжудлиги маъносини тушуниб эсда олиб қолиш жараёнининг самарадорлиги ортишига кенг имконият яратади. Таҷрибадан маълумки, бола маъносиз сўзлардан кўра маънодор тушунчаларни бирмунча тез ва мустаҳкам эслаб қолиш хусусиятига эга. Унинг нутқи мактаб таълимига тайёргарлик босқичида катталар билан мулоқотга киришиш, кишиларнинг фикрини уқиб олиш ва тўғри идрок қилиш даражасида, нутқининг тузилиши эса, грамматика қоидаларига мос, мантиқан изчил, ифодали, миқдор ва қўлам жиҳатдан фикр алмашишга етарли бўлади. У эшитган ва кўрганлари тўғрисидаги маълумотларни тушуна олади. Ўзидаги ахборотларни муайян тартибда баён қила билади, ақлий фаолият операцияларидан ўринли фойдаланади(уларни такқослайди, ойдинлаштиради, гуруҳларга ажратади, умумлаштиради, ҳукм ва хулоса чиқаришга ҳаракат қилади).

Олти ёшли боланинг психик тайёрлиги тўғрисида гапирилганида кўпинча муайян режа асосида, тартибли, кўп қиррали мақсадга йўналтирилган, ўзаро манتيқий боғлиқ, изчил бошланғич таълимга замин вазифасини ўтовчи психик ўсиш даражасини назарда тутамиз. Шунингдек, таълим учун психик ўсиш даражасидан ташқари, бола турмуши ва фаолиятининг тафовутлари, шароитлари, ўзига хослиги, унинг сиҳат-саломатлиги, усулий жиҳатдан тайёргарлиги, оддий кўникмаларни ўзлаштиргани каби омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси боланинг мактаб таълимига психологик жиҳатдан тайёрлигининг объектив томонларини ифодалайди. Бола мактаб таълимига психологик тайёрланишининг субъектив томони ҳам мавжуддир. Унинг мактабда ўқиш хоҳиши, интилиши, катта ёшдаги одамлар билан мулоқотга киришиш истаги мазкур тайёргарлик билан узвий боғлиқдир. Болада шу даврга келиб, ўқиш, билим олиш ҳақида тўғри тасаввур шаклланади. У мактаб жамоаси аъзоларининг масъулиятли вазифаларини англайди ва уларга итоат қилишга, уларнинг кўрсатмаларини бажаришга мойил бўлади. Лекин болалар ҳаммаси бир хил эмаслиги сабабли улар ўртасида муҳим фарқлар вужудга келади. Баъзи бола мактабга бутун вужуди билан талпинади, ўқишга

қанча вақт қолганлигини узлуксиз санайди, ўқув ашёларини олдинроқ тайёрлаб кўйишга ҳаракат қилади. Бошқа бир бола эса мактабдан қатъий воз кечишгача бориб етади. Ўқишга салбий муносабат кўпинча катталарнинг кўрқитишлари оқибатида вужудга келади. Шунингдек, ака ва опаларининг мактабдаги қийин кечинма ва вазиятлар тўғрисидаги гаплари, уйда болаларни кўпроқ дарс тайёрлашга мажбур қилиш ҳам ўқишга салбий муносабат уйғотади. Ўқишга салбий муносабатдаги болалар таълим муҳитига киришишга қийналадилар, қатор рухий тўсиқларга дуч келадилар.

Мактабда таълим-тарбия ишларини ташкил қилишда кичик мактаб ёшидаги болаларнинг анатомик-физиологик хусусиятлари, жисмоний камолот даражасини ҳисобга олиш муваффақият гаровидир.

Мактаб таълими ўқувчининг турмуш тарзини, ижтимоий мавқеини, синф жамоаси ва оила муҳитидаги аҳволини ўзгартиради, унинг асосий вазифаси ўқишдан, билим олиш, кўникма ва малакаларни эгаллаш, табиат ва жамият тўғрисидаги қонуниятларни ўзлаштиришдан иборат бўлиб қолади. Таълим муайян даражада уюшқоқлик интилиш, иродавий зўр бериш, фаоллик ва мақсадга мувофиқ фаолиятни талаб қилади. Ихтиёрсиз хатти-ҳаракат ўрнини англашилган, режали, ақлий меҳнат эгаллай бошлайди. Ўқувчи доимо тенгдошлари билан бирга муайян синф жамоасида бўлади.

Демак, унинг олдида ҳамма вақт синф жамоасининг манфаатини ҳимоя қилиш, шахсий истакларини умумжамоа йиғилишига бўйсундириш, ўзаро ёрдам, ўзаро талабчанлик, ижтимоий жавобгарлик ва бурч ҳисларини эгаллаш вазифаси туради. Таълим жараёнида эса ўқувчи олдида қўйиладиган талаблар тобора кўпайиб ва мураккаблашиб бораверади.

Ўқишнинг дастлабки куниданоқ кичик мактаб ёшидаги боланинг ўсишини ҳаракатга келтирадиган турли зиддият, қарама-қаршиликлар, ички ихтилофлар вужудга келади. Ана шулар замирида боладаги психик камолотнинг даражаси ва ижобий ҳислатлар билан талаблар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ётади. Талабларнинг тобора ортиши боланинг психик жиҳатдан тўхтовсиз ўсишини тақазо этади ва шу берк занжирнинг узлуксиз ҳаракати натижасида инсоннинг камолоти амалга ошади.

Кичик мактаб ёшидаги боланинг муҳим хусусиятларидан бири унда ўзига хос эҳтиёжлар мавжудлигидир. Бу эҳтиёжлар ўз моҳияти билан муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, теварак-атрофдаги воқеликни ўзлаштиришга қаратилмай, балки фақат ўқувчилик истагини акс эттиришдан иборатдир. Шу эҳтиёжлар ўз портфелига, дарс тайёрлаш бурчагига, китоб қўйиш жавонига эга бўлиш истаги, катталардек ҳар кун мактабга қатнаш туйғуси ётади, холос. Бундан ташқари, билимлар кундаги шодиёна айём, ўқувчилик сафига қабул пайти, мактаб маъмурияти ва ўқитувчиларнинг унга билдирган самимий тилаклари, юқори синф ўқувчиларининг табриклари боланинг ҳис-туйғусига ижобий таъсир этади. Синфдаги ўртоқлари билан қаторлашиб саф тортиб юришлар, биргаллашиб ўйнаш, ошхонага бориш, ўқитувчининг ўғитлари ҳам болани ўзига ром этади. Умуман, кичик мактаб ёшидаги бола ўқишнинг туб моҳияти ва вазифасини тушуниб етмайди, балки ҳамма мактабга бориши керак, деб тушунади. Аммо, у катталарнинг кўрсатмаларига амал қилиб тиришқоқлик билан машғулотларга киришиб кетади.

Орадан маълум вақт ўтгач шодиёна лаҳзаларнинг таъсироти камайиши билан мактабнинг ташқи белгилари ўз аҳамиятини йўқота боради ва ўқишнинг кундалик ақлий меҳнат(иродавий зўр бериш, ёқтирмаган нарса билан шуғулланиш, диққатни тақсимлаш ўз хулқини идора қилиш) эканлигини англайди. Биринчи синф ўқувчисида ўқиш фаолиятининг айнан ўзига қизиқиш кўзга ташланади. Махсус тадқиқотларда болалар билан кераксиз машқлар ўтказилган ва уларга олдиндан бу машқлар кейинчалик керак бўлмаслиги айтилган, лекин болалар уларни бажонидил бажаришга киришганлар. Ўқувчи шахсий фаолиятда эришган дастлабки яхши натижа уни бошқа натижаларни эгаллашга ундайди. Унинг ўқиш фаолиятидаги биринчи меҳнат маҳсули шодлик ва қувонч ҳис-туйғусини келтириб чиқаради. Масалан, айрим ўқувчилар у ёки бу матнни бир неча марта ўқишга ҳаракат қилади. Ўқиш фаолиятига қизиқиш, унинг мазмунига ҳам қизиқишни вужудга келтиради, билим олиш эҳтиёжини туғдиради ва ўқиш мотивларини таркиб топтиради.

## **OILADA BOLA TARBIYASINING IJTIMOIIY – PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI**

*Tolipova T., SamDUHXTXQTMOHM o'qituvchisi*

Inson axloqiy, ma'naviy va ruhiy fiyofasining poydevori oilada qo'yiladi. Shuning uchun ham mashhur allomalar oila tarbiyasiga katta e'tibor berishgan hamda shu masalaga bag'ishlab qator qimmatli asarlar yozishgan. Dono xalqimiz «Bola - boshidan, nihol - yoshidan» degan naqlni bejiz aytmagan. Modomiki shunday ekan, yosh avlodni tarkib toptirish, tarbiyalash Ishini yoshlikdan, oiladan boshlash kerak. Binobarin, oiladagi tarbiya jarayonida har bir daqiqa va fursatni qo'ldan boy berish orqali ota-onalar

keyinchalik ko'pgina qiyin-chiliklarga duch keladilar. Axir, noto'g'ri tarbiya tufayli nafs balosi o'qiga giriftor bo'lgan, o'n gulidan bir guli ham ochilmay turib umri hazon bo'lgan yoshlar kammi?

O'zbek xalqining ko'p asrlik boy madaniyati va tarixi bor. Mazkur madaniy meros jamiyatdagi jamiki ma'naviy boyliklarni o'z ichiga qamrab oladi. Ayniqsa, O'rta Osiyo xalqlari pedagogikasi, ma'naviy-madaniy tarixi boy merosga ega bo'lib, ularning mohiyati, mazmuni xalq ijodiyotida, ilg'or mutafakkirlarning asarlarida aks etgan. Xususan, jumhuriyatimiz xalqlariniig pedagogika va ruhshunoslik fanlari bo'yicha merosini o'rganish ishlari hali o'zining ko'pgina tadqiqotchilarini kutib turibdi. Hatto bir necha asrlar ilgari At-Termiziy, Ismoil Buxoriy kabi allomalarning inson ma'naviy olamini boyitadigan durdona yodgorliklari, hususan, «Qur'oni karim» mazmunini yoritadigan eshittirishlar majmuasi musulmon olami-ning hayotbaxsh oftobidir. Uning nurlaridan yoshlarimiz, farzandlarimizni bahramand etish fursati keldi.

Ma'lumki, yosh avlodga maqsadga muvofiq tarbiya berish uchun ota-onalar ham tarbiyaning vazifasi, maqsadi, vositalari shart-sharoitlari yuzasidan har tomonlama bilimga egabo'lishlari farzandlarining yoshi va o'ziga xos xususiyatlarini e'tiborga olgan holda ish yuritishlari lozim.

O'zbek oilasida bola tarbiyalashning ishontirish, tushuntirish nasihat, ibrat-namuna ko'rsatish, yaxshi fazilatlarini mashq qilish rag'batlantirish, tanbeh bsrish, ogohlantirish, jazolash kabi usullari qo'llaniladi.

Oilada bola tarbiyasining o'ziga xos qoidalari mavjud bo'lib ota-onalar ulardan o'rinli foydalanishlari lozim. Xususan, ular quyidagicha:

- 1) oilada hissiy moslik, ruhiy xotirjamlik va iliq iqlim yaratish;
- 2) ota-ona obrusini saqlash;
- 3) tarbiyada ota-ona, kattalar o'rtasida talabchanlik birligi;
- 4) bola shaxsini mexnatda tarbiyalash;
- 5) oila, maktab va jamoatchilik hamkorligi;
- 6) bolani sevish va izzat qilish;
- 7) oilada qat'iy rejim va kun tartibi o'rnatish;
- 8) tarbiyada bolalarning yosh va shaxsiy xususiyatlarini hisobga olish;
- 9) bola taraqqiyotini aniqlab borish;
- 10) bolada mustaqillik, tashabbuskorlik sifatlarini hosil etish va boshqalar.

Oilaning ma'naviy dunyosini takomillashtirish uchun unda zarur ruhiy xotirjamlik, ibratli ruhiy munosabat, o'zaro totuvlik yaratilgan bo'lishi zarur. Ota-onalar o'rtasidagi o'zaro munosabatda hamjihatlik, mehr-oqibat, o'zaro hurmat, shirinsuxanlik, bir-biriga g'amxurlik mavjud bo'lsa, bunday muomalamunosabat bola tarbiyasiga ijobiy ta'sir qiladi. Ular o'z farzandlariga chinakam baxt, quvonch hadya etadilar.

Oila a'zolarining did-farosati, qiziqishi, mayllari, ehtiyojlari, intilishlari o'zaro bir-biriga munosib bo'lsa, onaning inoq, ahil turmush kechirishlariga, oilavyi munosabatlarning mustahkam bo'lishiga puxta zamin hozirlaydi. Muayyan darajada shart-sharoitlarning mavjudligi, ota-onaning o'zaro bir-birlarini tushunib turmush kechirishlari, maqsad va vazifalardagi birlik, yuzaga keladigan ziddiyatlarni birgalikda bartaraf eta olishlari mustahkam oila muhitini shakllantiradi.

Oilada qat'iy intizom va kun tartibining bo'lishi bolalar tarbiyasiga ijobiy ta'sir qiladi. Bolalarning bilim olishdagi yutug'i, axloqi, salomatlik darajasi ko'p jihatdan oilada qaror toptirilgan oqilona rejimga bog'liq. Shuning uchun ota-onalarning o'zlari ham bu borada ibrat ko'rsatishlari, oqilona tuzilgan oila rejimiga qat'iy amal qilishlari, farzandlarga ham o'rgatishlari darkor. Bu narsa, ayniqsa, qiz bolalar tarbiyasi uchun juda zarurdir. Chunki u katta bo'lgach, nixol kabi boshqa uyga kuchib o'tadi - oila quradi.

Oilada bola tarbiyasi ikkiyoqlama ahamiyat kasb etib, faqat farzandlariga ruhiyat va ma'naviyat bilimidan saboq berish bilan qanoatlanib qolmasdan, balki o'zlari ham tarbiya sehlari, xususiyatlari, holatlari mohiyati va ma'nosi yuzasidan yangi-yangi ma'lumotlardan xabardor bo'lib turishlari kerak.

Bola tarbiyasi ota-onalardan maxsus pedagogika va ruhiyat bo'yicha bilimlar, alohida ko'nikmalar bo'lishini qat'iy ravishda talab qilmasa-da, doimiy yuz berayotgan tarbiya muammolarini to'g'ri hal qilish ustida fikr yuritishni taqozo etadi.

O'z farzandlariga ajoyib, go'zal, orzu qilgudek tarbiya berish imkoniyatiga ega bo'lgan ota-onalar umrlarini rohat va farog'atda o'tkazadilar, bolalaridan hamisha olijanoblik, mehribonlik, yaxshilik ko'radilar, dillari aslo jarohat azobini sezmaydi; o'kinish hissiga duchor bo'lmaydilar.

Ota hayotda mashaqatlardan tortib, barcha xursandchitsiklargacha, o'zining bukilmaligi, egilmaligi bilan bardosh beruvchi buyuk shaxs sifatida gavdalanadi. Otalar tuproq qorib bino quradilar, metall kesib mashinalar yaratadilar, urug' sepib don oladilar. Ular el boshiga ish tushsa, etik bilan suv kechadilar; o'z xalqining baxti va tug'ilgan yerini ko'krakni qalqon etib quriqlaydilar.

Oilada otaning rahbarlik va yo'lboshchilik roli to'g'risida ulug' insonlar, buyuk siymolar hikmatli so'zlar aytishgan. Jumladan, bobokalon shoir Alisher Navoiy farzandlarni o'z ota-onalarini qadrlashga da'vat etib: «Birisin oy angla, birisin quyosh», - deya madh etar ekan, otani quyoshga o'xshatadi.

Muhammad Payg'ambar qoldirgan hadislardan birida: «Otangning do'sti bilan do'stlik aloqasini davom ettirishing otangga qilgan yaxshiliging hisoblanadi», — deyiladi. Xalq orasida «bir ota unta o'g'ilni boqishga qurbi yetadi, biroq o'nta o'g'il bitta otani boqa olmaydi» degan naqlda chuqur ma'no bor.

Demak, ota yo'lini davom ettirish, uni qadrlash o'g'il uchun farzandlik burchidir. Ota - oila boshlig'i, posbonidir. Zero, oilaning har bir ko'z ilg'amas yumushlaridagi muammolarning miridan-sirigacha aralashib, unga faqat to'g'ri yo'l ko'rsatib turishdek insoniy masuliyat ota yelkasida turadi. Buni mohiyat jihatdan tushungan erkak o'z ma'nosida ota hisoblanadi; aksincha, bu mu'tabar so'zga faqat isnod keltiradi. Shu o'rinda otaning oiladagi obrusi masalasi atrofida fikr yuritish joizdir. Ota obruni dastlab oilada mustahkamlaydi. Xotini, bola-chaqasi orasida obru topgan ota jamoat orasida ham, shubhasiz, e'tibor topadi, obru orttiradi.

Ota-onalar farzandlari davrasida obru orttirish uchun ularning ruhiy dunyosiga asta-sekin kirib borishlari ayni muddaodir. Chunki bolalar ota-onalar qalbiga yaqinlashish uchun kichkintoylar «ot-ot» uynashni, o'rta yoshdagilar musobaqalashishni yoki bellashishni, kichik yoshdagi o'quvchi bolalar esa ertaklar olamiga kirishni, o'spirinlar oilaviy, ijtimoiy masalalar yuzasidan munozara yuritishni yoqtiradilar. Chin obruga ega bo'lmoqchi bo'lgan har bir ota-ona qimmatli vaqtlarini o'z farzandlaridan hech ayamasliklari kerak. Bolala ruhiy dunyosiga kirish bachkanalik emas, balki tarbiya vositasidir. Farzandlarning talab va ehtiyojlarini oqilona qondirib borish ularni bir-birlariga tobora yaqinlashtiradi, obrulariga obru qo'shadi.

## ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

*Жураев Д., Қариш ДУ магистранти*

Ҳар бир инсон дунёга келибдики, у қайсидир маънода кимгадир ёки нимагадир боғлиқ ҳолда шаклланади ва вояга етади. Мутахассисларнинг фикрича, шахс шаклланишида энг муҳим бўлиб ҳисобланган омиллардан бири бу оилadır. Оила муайян маънода ўзида миллий, этник ва ижтимоий-психологик кўринишларни намоён этади.

Оила — жамиятнинг бир бўлаги, унинг асосий бўғинидир. Шунинг учун оиланинг ўз вазифаларини мустақил бажариши нафақат унинг ички ҳолатига, шу билан бирга жамиятнинг ижтимоий-психологик соғломлигига ҳам таъсир этади. Шундай экан, жамиятни соғломлаштириш учун энг аввало, оиладаги ижтимоий-психологик муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, оиланинг фақат ички муаммоларинигина эмас, балки умумижтимоий муаммоларини ҳам ҳал қилишни таъминлаш лозим.

Бугунги кунда оилада соғлом психологик муҳит шакллантириш мамлакат тараққиётининг манбаи ҳисобланади. Жамиятда оилаларнинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги, ўзаро ҳурмат ва аҳиллик бўлганда мақсадларга эришишда таянч бўлади.

Бугунги кунда бутун дунёнинг кўпгина мамлакатларида оилани ижтимоий-психологик муҳитни яхшилаш ундаги маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлигини таъминлаш муаммоси мутахассис-олимлар томонидан ўрганилиб келинмоқда. Жумладан: Америкада психологлар томонидан ўтказилган татқиқодларига кўра, жиноятчилик кўчасига кириб қолганларнинг ярмидан кўпи ажрашган, яъни турмуши бузилган оилаларнинг фарзандлари бўлиб, улар ота-оналарининг ажралишидан кучли руҳий зарб оқибатида жиний йўлга кирганлиги аниқланган.

Шунингдек, Англияда туғилаётган болаларнинг 34% никоҳсиз муносабатлар оқибатида дунёга келаётган бўлса, оилаларнинг учдан бир қисми ажралиб кетмоқда. Албатта бу жуда катта муаммо. Мамлакатимизда оилаларни сақлаб қолиш бўйича тушунтириш, психологик ёрдамишлари олиб борилмоқда аммо бизда ҳам рақамлар ошиб бормоқда.

Кейинги пайтларда сайёрамиз аҳолисининг ўсиш суръати юқори. ЮНЕСКО маълумотиغا кўра келгусида ер юзида ҳар секундига – 2, соатига – 8000, кунига 200 000, йилига – 74 миллион инсон туғилар экан 2095 йилларга бориб ер юзида 10,2 млрд киши яшаши кутилмоқда.

Бугун мамлакатимиздаги оилаларнинг сони 7,5 миллиондан ошди. Унинг 1 миллионга яқини ёш оилалардир. Ҳар йили тахминан юртимизда 285 мингга яқин никоҳ қайд этилган. Кейинги 20 йил ичида турмуш кураётганлар йигитлар ёши 24 ёшдан 25 ёшга, қизлар ёши 21 ёшдан 22 ёшга кўтарилди.

Барчамиз яхши англаймизки, мустаҳкам оила ва бахтли турмуш, ундаги ўзаро ижтимоий-психологик барқарорлик авваламбор, оила қураётган ёшларнинг ўзларига, уларнинг ақл-заковати, маънавий-рухий фазилятларига, оила, жамият олдигаги ўз бурчлари ва масъулиятларини чуқур англаб етишларига боғлиқ.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб мамлақатимизда оила мустаҳкамлигини ва жамиятимиз фаровонлигини таъминлаш мақсадида барча фуқаролар ўз оилаларида қуйидаги вазифаларни ҳал этиши мақсадга мувофиқдир:

- оилалар барқарорлигини таъминлашда намунали оилаларга хос сифатлар ва фазилятларни сингдириш;

- оила, маҳалла ва таълим муассалари ҳамкорлигини таъминлаш;

- ёшларга оила жамиятнинг ижтимоий зарурияти эканлигини унутмаслик ва унинг мустаҳкамлиги жамият ва давлат мустаҳкамлиги эканини доимо ёдда сақлаш ва оилавий ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш;

- фарзандларимизга илк ёшлигиданоқ ўзбекона шаклланган оилавий муносабатлар психологиясига оид билимларни сингдириш ва шу орқали оила қуришга тайёрлаш;

- оилавий ҳаётда ифбат, урф-одат, анъана ҳурмат эътибор, миллий онг ва миллий тил, муомла маданияти каби ижтимоий-психологик тушунчаларни моҳиятини тушунтириш ва сингдириш. Айниқса, оила қуриш арафасида турган ёшларга ахлоқий-психологик маслаҳатлар ва тавсиялар бериш лозим.

Жамиятдаги ҳар қандай оила ижтимоий-психологик нуқтаи назардан қуйидаги учта асосий вазифани бажариши мақсадга мувофиқдир:

Оиланинг ижтимоий, хўжалик ва тарбиявий вазифасидир.

*Оиланинг ижтимоий вазифаси* - жамиятининг бир бўлаги экан, албатта у ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этади ва албатта шу меҳнати эвазига вазифасини бажаради.

Оила аъзолари (эр, хотин, фарзандлар) жамиятдаги фойдали меҳнатда иштирок этмай, фақат ўзига фойда келтириб, бошқаларга зарарли фаолият билан машғул бўлса, масалан, фирибгарлик, ўғрилиқ, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик йўлларида кириб кетса, бундай оилаларнинг охири албатта салбий ҳолат билан тугайди.

Оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар таҳлили, оилалардаги ижтимоий муносабатларни, ундаги келишмовчиликларнинг сабабларини аниқлаб, бартараф этиш борасида камчилик ва муаммоларнинг талайгина эканлигини кўрсатмоқда кейинги йилларда мамлақатимизда содир этилган кўплаб жиноятлар оилавий турмуш муносабатлари доирасида содир этилмоқда. Шу сабабли фуқароларни иш билан, уй жой билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратишга, кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Оиланинг эр ва хотин, оила аъзолари жамият моддий ва маънавий неъматларини ишлаб чиқаришда иштирок этиб, ҳалол меҳнати эвазига топган маблағларини турмуш кечириш учун сарфлаши киради.

## OILAVIY NIZOLARNING VUJUDGA KELISH MOTIVLARI

*Qarshiyeva Z., SamDUXTXQTMOHM o'qituvchisi*

Oila jamiyatning birlamchi, asosiy bo'g'inidir. Oila hayotning abadiyligini, avlodlarning davomiyligini ta'minlaydigan, muqaddas urf-odatlarimizni saqlaydigan, kelajak nasllar qanday inson bo'lib yetishishiga bevosita ta'sir ko'rsatadigan tarbiya o'chog'idir. Davlatimiz va jamiyatimiz tomonidan oilaga juda katta e'tibor berilganiga qaramasdan, bugungi kunda mustahkam poydevorga ega bo'lmagan ko'plabgina oilalarning buzilib ketayotganining guvohi bo'lib turipmiz. Hozirgi kunda oilalarning mustahkam bo'lishiga va rivojlanishiga to'siqlik qilayotgan bir qancha muammola yuzaga kelmoqda.

Oilaviy munosabatlarning mustahkamligiga putur yetkazayotgan va oilalarning buzilishiga sabab bo'layotgan muammolar:

- Oilalarda ota-ona va farzandlar o'rtasidagi psixologik munosabatlarning chuqurlashgani. Bu nima degani-bugungi kunda oilada farzandning roli oshgani. Bunda kelin va kuyovning ota-onalari bilan yashashni hohlamay alohida yashashni hohlashlari. Buning salbiy oqibatlarini, birinchidan qaynona-qaynota, ota-ona yo'qligi sababli ikki yoshning ham o'z bilganlaridan qolmasliklari, ikkinchidan ilgari yosh ota-onalar tarbiyada bobo-buvilarning yo'l-yo'riqlariga amal qilgan bo'lsalar, hozirda yoshlarga mana shu tarbiyaviy

tajriba yetishmayotganligi kuzatilmoqda. Natijada yosh ota-onalar farzand tarbiyasida biroz xatoga yo‘l qo‘yishmoqda. Bu esa kelajakda yana bir notinch oilaning yuzga kelishiga sabab bo‘ladi.

Bizning milliy urf-odatlarimizga bu holat to‘g‘ri kelmaydi. Avvalo yangi kelgan kelin oila borasida hali tasavvurlarga ega bo‘lmaydi, chunki u ota-onasining oilasida qiz bola bo‘lib yashagan kelin bo‘lib emas. Bizning urf-odatlarga ko‘ra kelinlar qaynonasidan oilani qanday olib borish sirlarini o‘rganishlari kerak. Qaynona kelindan ko‘ra ko‘proq narsani biladi va shu bilan birga o‘g‘lining xarakter hislatlarini ham undan yaxshi biladigan inson yo‘q. Yangi kelgan kelinga albatta nima mumkin, nima mumkin emasligi, o‘g‘liga qanday munosabatda bo‘lishi to‘g‘risida qaynona o‘rgatadi. Huddi ma‘lumotlar ba‘zasi kabi. Shuning uchun yangi oila mustahkamlanishi ko‘proq kattalarning maslahatlarigava yo‘l-yo‘riq ko‘rsatishlariga bog‘liq.

- Yangi oila qurgan yoshlarning shaxsiy hayotiga ota-onalarining aralashuvi.

Hozirgi kunda bu vaziyat juda ko‘p kuzatilmoqda. Yoshlarning oilasiga aynan eng ko‘p onalarning aralashuvi juda ko‘p salbiy oqibatlariga olib kelmoqda. Masalan, kuyovning onasi har kuni o‘g‘liga kelini yaxshi sarpo qilmagani, mabelning arzoninni olib kelgani va shu kabi bir qancha gaplar bilan shikoyat qilishi va o‘g‘lining psixikasiga salbiy ta‘sir korsatishi. Bundan tashqari kelinning onasini misol qilib olishimiz ham mumkun. Hali yangi kelgan, yangi oilaga moslashmagan qiziga juda ko‘p qo‘ng‘iroq qilishi vaerini tezroq qo‘lga olib onasini uyiga tez-tez boradigan bo‘lishini uqtirishi ham yoshlar hayotiga juda katta salbiy ta‘sir ko‘rsatadi.

Endigina oila atalmish muqaddas dargohga qadam qo‘ygan ikki yoshning o‘y fikrariga ko‘p halaqt bermaslik kerak. Chunki ular hali endi bir birlari haqida bilib olishyapti. Bunda onalarning aralashuvi yoshlarning fikrini chalg‘itib qo‘yadi va ular nima qilishlarini bilmay qolishadi. Yoshlar ikki tarafdin kelayotgan ta‘silarga javob berolmay boshi berk ko‘chaga kirib qolishadi. Shuning uchun bir-birlarini o‘rganib, bir-birlariga ko‘nikishlari uchun ularning fikrlarini chalg‘itmaslik tavsiya qilinadi.

- Oila qurishda yoshlarning o‘zlari tanlov qilishlari.

Ilgari kelin kuyov tanlashni asosan ota-onalar belgilab berishgan bo‘lsa, bugungi yosh oilalar ixtiyoriy sevgi-muhabbat assida qurilmoqda. Natijada ayrim yoshlar to‘g‘ri turmush kechirib ketayotgan bo‘lsalar, boshqa hollarda turmushning ilk davridanoq ajrim yoqasiga kelib qolgan yosh oilalarni ham ko‘rish mumkin. Sevgi-muhabbat bilan tuzilgan oilalar ko‘p bo‘lib ,lekin ko‘pchiligi ayanchli yakun topadi.

Sevgi-muhabbat bilan qurilgan oilalarning ko‘pchiligining darz ketishiga sabab, ular hech qanday surishtiruvlarsiz faqatgina sevgiga ishonib turmush qurishgan bo‘ladi. Ota-bobolarimiz bekorga “Yetti pushtini surishtirish kerak” yoki “Onasini ko‘rib qizini ol” deyishmagan. Shuning uchun oila qurishda kattalarning tajribasiga suyanib ish tutish eng yaxshi usuldir. Har holda ular ko‘pgina hayotiy muammolar va qiyinchiliklarni ko‘rishgan.

- Yosh oilalarga do‘stlarning aralashuvi ya‘ni tasiri.

Hozirgi kunda oilaviy munosabatlarga rahna soluvchi sabablardan biri bu qiz va yigitning do‘stlaridir. Do‘stlar bo‘lgani yaxshi lekin agar ular oilaviy munosabatlarga ta‘sir etishmasa. Hali endigina oila qurgan kuyovning do‘starini hadeb kechalari kuyovni chaqiraverishlari, kechasi choyxonalarda o‘tirishlari va kuyovning bemahalda uyga kelib vaholanki kech kelganini sababini so‘ragan kelin bilan o‘zaro kelishmovchilikka borib uni behurmat qilishlari kabi holatlar ko‘payib bormoqda. Ba‘zi bir yosh kuyovlarning kech kelishidan tashqari, do‘stlari bilan o‘tirib alkogol mahsulotini iste‘mol qilib, mast holatda kelishi endigina qurilgan, hali mustahkamlanmagan oilaga putur yetkazadi.

- Majburiyat sifatida yashash va bir-biriga begonalik hissi.

Ba‘zi bir oilalar uzoq yillar birga yashab, hayotlarining muayyan bir davrida begonadekbo‘lib qolishadi. Hayotlari huddi majburiyat sifatida ya‘ni shunday bo‘lishi kerak bo‘lganligi uchun, farzandlarining baxtu-saodati uchun birga yashashadi lekin, bir-birlariga ruhan begona sifatida. Ularni farzandlar, qudandalar, qarindosh-urug‘lar va mentalitet birlashtirib turadi holos. Bunday oilalarda na mustahkamlik, na rivojlanish bo‘ladi. Bu munosabatlar esa farzandlarga ham salbiy ta‘sir ko‘rsatib keladiva ular ham oila shunday bo‘lishi kerak degan tasavvurda ulg‘ayishadi.

Bunday oilaralga eng avvalo hayotning go‘zalligini tushintirish kerak. Oilaga ilk qadam qo‘yayotganda qanday orzu-havaslar qilganligini va shu orzularining qaysi biriga erishganligini eslatish kerak. Bundan tashqari oila faqatgina majburiyat emas balki muaqddas dargoh, baxt qo‘rgoni ekanligini va ularning holatlari farzandlarining tarbiyasiga salbiy ta‘sir qilayotganini tushuntirish kerak. Oiladagi bunday psixologik muhitni yaxshi tarafga o‘zgartirish kerak.

- Ma‘naviy-ruhiy charchoq hissining kopayishi.

Inson jismoniy jihatdan emas balki ma‘naviy-ruhiy jihatdan ham kuchli charchashi mumkin. Jismoniy jihatdan charchagan inson yaxshilab hordiq chiqarsa jismoniy charchoq ketadi, lekin ma‘naviy-ruhiy charchoqning ketishi juda qiyin va inson ongiga salbiy ta‘sir ko‘rsatadi. Hoh ayolga qarshi, hoh erkakka qarshi yo‘naltirilgan, muntazam takrorlanib kelinadigan, nafsoniyatga tegadigan, o‘z mohiyatiga ko‘ra

adolatsiz, insonning oilaviy mavqeyini tushirishga yo'naltirilgan o'z turmush o'rtog'ini mensimaslik, uning hech qaysi ishidan qoniqmaslik, ma'naviy xo'rlash, har bir ishidan ayb topish, uni haqoratlash, hammaning oldida yerga urish kabi ma'naviy-ruhiy zarba berish orqali ikkinchi tomonning ruhiyatiga ta'sir yetkazish kabi muammolar ham oilaning buzilishiga sabab bo'lyapti.

Oilada chiroyli muhitni shakllantirish ikki tomonning ham burchi. Oilada bunday yomon holatning shakllanishini oldini olish va bartaraf etish kerak. Oila muqaddas dergoh ekan, oilani mehr-muhabbat, samimiylik, bir-biriga bo'lgan ishonch, iliq so'zlar, iliq munosabatlar, sadoqat, vafodorlik asosida shakllantirish muhim vazifalardan biridir.

- Oilada ishonchsizlikning ortishi.

Oilada ishonmaslikning paydo bo'lishi qizg'onish, ortiqcha rashk qilish tufayli yuzaga keladi. Ayollar ko'pincha rashk qilsalar ham lekin ularda patologik rashk kamdan kam uchraydi. Ayollar ko'pincha besabab rashk qilmaydilar. Erkaklar esa sababsiz ham rashk qiladilar. Erkaklarda patologik rashk ko'p uchraydi. Uyda kuni bilan o'tirgan ayolini ham qandaydir sabablar bilan rashk qilaveradilar. Ortiqcha, sababsiz qilingan rashk oilada nizolarning ko'payishiga sabab bo'ladi va kelishmovchiliklar kopayib ketadi. Nizoli oilabo'lgandan keyin ularning mustahkamligi ham yuqoladi.

Oila eng avvalo ishonch asosida qurilmog'i kerak. Shuning uchun oilada eng asosiysi asossiz rashklarga yo'l qo'ymaslik, salbiy tuyg'ularga berilmaslik, ishonchni yuqotmaslik, ishonchga hiyonat qilmaslik, ishonchni yanada mustahkamlash kerak. Oiladagi barcha munosabatlar baxt, tinchlik, osoyishtalik, quvonch va hotirjamlik barchasi ishonch asosiga qurilishini unutmaslik tavsiya etiladi.

O'zbek oilasi o'zining chuqur ma'naviy-iqtisodiy poydevoriga ega. Biz bu poydevorni yanada mustahkamlash chora-tadbirlarini ko'rishimiz lozim. Buzg'unchilik, behayolik befarqlik razolatiga botgan "ommaviy madaniyat" girdobidan yoshlarimizni asrab, milliy qadriyatlarimizga asoslangan an'analarimizni, urf-odatlarimizni, ma'naviy me'rosimizni barchaning qalbiga singdirishimiz darkor. Barchamiz birlashib oilani mustahkamlash borasida shunday ishlar qilaylikki, oila atalmish muqaddas qo'rg'onimizga aslo darz ketmasin.

Oilaning tarbiyaviy vazifasi - farzand ko'rish va uni tarbiyalash jamiyatga munosib qilib, mamlakat taraqqiyotiga bilim va mehnati bilan o'z hissasini qo'shishdan iboratdir.

Bugungi kunda yoshlarni turmush qurishga tayyorlash o'spirin yigit va qizlarning axloqiy tarbiyasini to'g'ri yo'lga qo'yish, oilaviy turmushning quvonchlari, tashvishlari yuzasidan muayyan darajada ma'lumot berish, ularga bardoshli va matonatli bo'lish hamda qiyinchiliklarni mardonavor yengish yo'llarini tushuntirish maqsadga muvofiqdir. Bu bilan ularda oilaviy turmush zahmatlari to'g'risida tasavvur hosil qilamiz, yangi sharoitga ko'nikish hissini tarkib toptiramiz, shuningdek, turmushdagi ziddiyatlar, qarama-qarshiliklar, o'zaro kelishmovchiliklar va boshqa ijtimoiy-psixologik muammoli holatlarni hal etishga o'rgatish orqali yoshlarni oila qurishga puxta tayyorlash mumkin. O'zbek xalqining odob-axloqi, oila madaniyati va uning o'ziga xos ijtimoiy-psixologik xususiyatlari ana shunday ezgu maqsadlarga qaratilgandir.

## ЎЗБЕК ОИЛАСИДА СОҒЛОМ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЭСТЕТИК ОМИЛЛАРИ

*Рўзимуродов С.М., СамДУ ўқитувчиси*

Ҳар бир ўзбек оиласининг дунёдаги бошқа халқ оилаларига ўхшамас томонлари кўплаб учрайди. Чунки ўзбек оиласида фарзандларига эстетик тарбия беришда оиланинг ўрни бекиёсдир. Болага эстетик тарбия беришда биринчи галда ота-онанинг хушфеъл, хушмуомала сўзлари, чиройли, кўркем воқеликни тўғри тушунишлари, ёш авлодга бериладиган билимлар ҳар томонлама равшан ва ёрқин бўлиши лозим. Оиланинг ҳар бир шахс ҳаётидаги ролини, айниқса, фарзандлар тарбиясини Президентимиз Шавкат Мирзиёев тушунтириб берар экан«...бугунги тез ўзгараётган зиддиятли давирда оилавий масалаларни илмий асосда чуқур ўрганмасдан туриб, ижтимоий ҳаётдаги кўплаб мураккаб саволларга жавоб топиш қийин» (1-464)

Ўзбек хонадонида болаларни миллий руҳда тарбиялаш, уларда эстетик ҳис-туйғуларни шакллантириш ва нафис туйғуларни камол топтириш асосий вазифадир. "Оила - жамиятнинг энг кичик ячейкаси бўлиб, жамият ана шу ячейкалардан ташкил топган. Оила мураккаб тузилмага эга бўлиб, табиий-биологик (жинсий муносабатлар, насл қолдириш), иқтисодий (мулкий муносабатлар, уй-рўзгорни бошқариш), маънавий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳр-муҳаббат туйғуси ва б.) муносабатларга асосланади". (2-241) Оилада болага эстетик тарбия беришда воқеликнинг

гўзаллигини кузатиш, идрок этиш ва эстетик дид, идеални тарбиялаш катта аҳамиятга эга. Шунингдек, уларни табиат гўзаллигига ва санъатига ҳавас уйғотиш орқали тарбиялаш керак.

Айрим ҳолларда ота-оналар болаларининг қизиқишларини ҳисобга олмасдан, ўзларининг кўнгилига ёққан машғулотларга жалб этишади. Шунингдек, баъзи ота-оналар ўз ишлари билан банд бўлиб, боланинг тарбиясига яхши эътибор беришмайди. Оилада соғлом фарзанд тарбиясини олиб боришда ўзига хос қоидалар мавжуд бўлиб, бу қоидаларни ота-оналар билишлари, фарзандлар эса риоя этишлари керак бўлади:

- оилада ота-оналар, фарзандлар ва бошқа аъзолари бир-бирларини севишлари, тушунишлари, ҳурмат қилишлари;

- ўқишни, ишни, меҳнатни асосий эҳтиёж сифатида қараш;

- бекорчилик, дангасаликка берилмаслик;

- оилада қатъий кун тартиби ва мақбул яшаш шароитларига риоя қилиш;

- оилада каттакишиларни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш;

- оилада психологик хотиржамлик, соғлом муҳит яратиш;

- оиланинг ҳар бир кишисида мустақиллик, эркинлик, ўзига ишонч каби хислатларни шакллантириш.

Шу келтирилган қоидаларга амал қилиш, ўзаро муносабатларни яхшилашга, оиланинг мустаҳкам бўлишига ва бу ўз навбатида соғлом болани тарбиялаб жамият фуқаросига айлантиришга асос бўлади. Албатта, бунда ота-оналар ва катталарнинг намунаси, ибрати салмоқли ўрин эгаллашини ҳар доим ёдда тутиш лозим.

Демак, оила мухити фарзанд тарбияси ва баркамол бўлишида асосий маскан экан, оиланинг бошқа ижтимоий масканлардан фарқ қиладиган жиҳатларини доимо билиш ва ёдда тутиш зарур.

Ҳар биримиз учун муқаддас бўлган оила, ундаги муносабатларнинг ижобий кечиши нафақат фарзанд тарбиясига таъсир этиши, балки шу оиланинг мустаҳкам бўлишига, бу орқали жамиятнинг барқарорлигига таъсир этишини унутмаслигимиз керак.

Шарқ халқларига хос гўзаллик ҳақидаги умумбашарий нафосат олами шаклланган бўлиб. Бу ўзига хослик борасида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида хилма-хил фикрлар мавжуд: “Оила ўзбекларнинг кўп асрлик анъаналарига ва менталитетига мос бўлган энг муҳим ҳаётий кадрлардан бири бўлиб келмоқда”. (3-41) Бундан кўриниб турибдики, ўзбек оиласи ўзининг ўтмишига асосланиб ўзининг келажакни яратишга интилоқда. Айниқса, катта ёшдаги оила азоларининг эстетик маданияти юксаклиги, бадий адабиёт ва санъатга қизиқишларининг кучлилиги, улардан эстетик завқ олишлари бевосита ёш болага таъсир этади. Боланинг ёшлигиданоқ эстетик тарбияси мукамал бўлса, яхши ва ёмон, гўзал ва хунук тушунчалар фарқини чуқурроқ англаб етади. Мана шундай тушунчаларни ёш боланинг онгига сингдиришда, аввало, уларнинг қизиқишларини ҳисобга олиш лозим. Агар болани бирор нарсага, спортга ёки санъатнинг маълум бир соҳасига қизиқиш борлигини ота-она сезса, уни шу қизиқишларига жалб этиши фойдалидир.

Ўзбек оиласида бола тарбияси ота-онанинг меҳр-муҳаббати, ширин сўзлари, ёқтирган нарсасини эзозлашга, бажараётган ишига иштиёқман бўлишига чорлаш билан характерланади. Боланинг тарбиясида суҳбатлашиш, эркин мулоқотда бўлиши эстетик хис-туйғуларни ўстиради. Болани эстетик руҳда тарбиялашда воқеликнинг гўзаллигини мушоҳада этишга, теварак-атроф чиройини ҳис этишга ўргатиш, болада табиатга нисбатан юксак ҳиссиётни уйғотади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида: “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масаласи алоҳида таъкидланади”. (4-203)

Юртимизда чиннидек тоза ҳовлилар, дид билан саранжом қилинган уйлар, чиройли кўчалар кўп. Халқимиз ҳовли-жойини топ-тоза қилиб, ёз кунлари ҳамма ёққа сув сепаб, салқин ва шинам қилиб қўйишни яхши кўради. Бундай ажойиб одатлат ва фазилатлар ўзбек оиласида кўпроқ ёш қизлар ва келинларга ўргатилади. Улар ҳар куни барвақт уйғонишади ва болалар ўрнидан тургунга қадар анча ишларни саранжомлаб олишади. Булар барчаси халқимизнинг азалий эстетик тарбиянинг негизи ҳисобланади.

Ўзбек оиласида ҳар бир бола нозик дидли бўлиш, воқелик гўзаллигини кадрлай олиш, бадий маданиятни тушуниш тарзида тарбияланади. Бола тарбиясида унинг ақл заковати, эстетик ҳиссиёти, бадий адабиёт ва санъатга муносабати, хоҳиш-истаклари муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ота-оналар ўз фарзандларини турмушдаги гўзаллик ва хунукликни тушуниш, ҳис этиш, кишилар

маънавий фазилатларини ўзлаштиришга интиштиришган. Ўз болалари қалбида меҳнатсеварлик, ширинсўзлик, қувонч, илиқлик, табассум каби кайфиятларни ривожлантиришган.

Бундай тарбия орқали ота-оналар фарзандларига қалб гўзаллигини тушунтиришган. Ҳаттоки ўтмиш маънавиятимизни улар онгида намоён этган. Шу боисдан, донишманд халқимиз: “Чирой хусни жамолда эмас, фазлу камолда”, деб бекорга айтмаган!

Ўзбек оиласида эстетик тарбиянинг муҳим жиҳатлардан яна бири отанинг қаттиққўллиги ва она меҳрибонлигидир. Чунки ота ўз фарзандини ёшликданоқ меҳнатга меҳр қўйиш, воқелик гўзаллигидан баҳраманд бўлиш, юриш-туришда, санъатга юксак эстетик қобилятли бўлишга ҳамда жирканч ва хунук, дид-фаросатсиз воқеалардан йироқ юришга чорлайди. Боласи қалбида юксак инсоний туйғулар ички ва ташқи гўзаллик, зеҳни ўткирликни камол топтиришга интилади. Она эса кўпроқ буларга қўшимча ҳолда боласини ёқимли куй, мусиқа тинглашга, гўзал табиат бағрида сайр қилишга, чиройли манзаралар томоша қилиб қалби қувончга тўлишга ва ҳоказоларга ҳаракат қилади. Ўзбек оиласида болаларни эстетик руҳда тарбиялашда ёши улуг бобо ва бувиларимизнинг роли ҳам каттадир. Улар набираларини севиб эркалашади, уларга қалбларидаги тўлиб тошган меҳр-муҳаббатларини бахш этишади. Набираларига ҳаёт қувончлари ва ташвишлари ҳақида сўзлашади. Кўпинча эртақ, ривоят ва ҳикоялар сўзлаб, уларни ботир, мард, кўркмас, камтарин, софдил, чиройли, гўзал бўлишига чорлайди. Айниқса, табиат гўзаллиги, унинг ҳар бир жониворини ғаройиб фазилатларини бирма-бир айтиб, болалар дунёқарашидан озик ҳис-туйғулар, эстетик идеалларни қарор топтиришади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимизки ўзбек халқининг асрлардан асрларга мерос бўлиб келаётган эстетик тарбияси бугунги кунда ёшларни тарбиялашда, улар онгида латофатли, назокатли, лобар кайфиятни вужудга келтиришда халқимизнинг маданияти, ноёб дурдоналари ва илму хизмат хазинасидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир..

## **ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ: МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР, ИСТИҚБОЛЛАР**

*Шоматова Д., Қарши туманидаги 35 мактаб психологи*

*Оилани сақлаб қолмасак биз ўзлимизни йўқотамиз.*

**Ш.Мирзиёев**

Ҳар қандай жамият тараққиётида оиланинг, оила мустаҳкамлигининг ўрни бекиёсдир. Оила мустаҳкамлиги - жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, миллий ҳавфсизлигини, унинг раванқини, тараққиётини белгиловчи ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Оила мустаҳкамлигини таъминлаш ва бу масалани тўғри ҳал этилишининг асосий йўли ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласи- ҳеч кечиктириб бўлмайдиган, ўта жиддий ёндашишларни талаб этувчи, давлат, ҳукумат миқёсидаги масаладир. Бунинг муваффақиятли амалга ошишига ота-оналар, қолаверса жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси бирдек масъулдир. Бу масала ҳеч қачон кун тартибидан тушмайдиган, ўз долзарблигини йўқотмайдиган, ўта нозик, ниҳоятда жиддий масаладир. Йигит ва қизлар томонидан курилайётган оилаларнинг баъзи сабабларга кўра бузилиб кетиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Никоҳданажрашишлар асосан 20-25 ёш орасидаги фуқаролар томонидан амалга ошираётганлиги ўз навбатида, ёшлар онгида оила ва унинг муқаддаслиги ҳақидаги тушунчаларнинг саёзлашиб блораётганлигини кўрсатмоқда. Ёшларни турмуш куришга тайёрлаш давомида ажрашишдек мудҳиш воқеа оила муҳити учун фожеа эканлигини уларнинг онгига сингдириш, қуйди-чиқдининг ёмон оқибатларини яққол мисоллар ёрдамида тушунтириш ишларини олиб бориш муҳим рол ўйнайди.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш деганда никоҳ ёши хусусиятлари, никоҳ куриш мотивлари, никоҳгача танишиш шартлари ва ёшларни оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш тушунилади.

Никоҳ ёши хусусиятлари ўз ичига жинсийетуклик(қизларда 12-14, ўғил болаларда 14-16 ёш), ҳуқуқий етуклик (17-18 ёш), касб мутахассислигига эга бўлиш(20-25 ёш), иқтисодий мустақилликка эга бўлиш ( 20-35 ёш) каби етукликларни олади. Психологлар тавсиясига биноан ва умуман тиббиётда ниҳоятда эрта (16-17ёш)ва кеч (қизлар учун 28-30 дан кейин) оила куриш мақсадга мувофиқ эмас.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда никоҳ куриш мотивларининг асосанқуйидаги уч тури санаб ўтилади:севги туфайли оила куриш, моддий ёки бирор манфаатдорлик асосида оила куриш, стереотип бўйича оила куриш.

Оила мустаҳкамлигини белгилайдиган омиллардан бири никоҳга қадар танишиш муддати ҳисобланади. Ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари ҳам муҳим ҳисобланиб, уларнинг қанчалик реалликка яқин бўлиши оилани мустаҳкамлигига хизмат қилади. Афсуски, ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари реалликка мос келавермайди, тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларни имкон қадар ҳаётда кузатиладиган паст ва баланд, ширин ва аччиқ, роҳат ва ташвиш, қоронғу ва ёруғтомонлари бўлиши муқаррарлигига ўргатиб бориш ва бу томонлар ҳақида аниқ тасаввурларни шакллантириб бориш керак бўлади.

Бу борадаги муаммоларни ечишда мамлакатимизда қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим: биринчидан, ёшларни оилага тайёрлашнинг таълим билан боғлиқ тизими мавжуд эмас. Ёшларни оилага тайёрлашда уларга зарур психологик, маънавий, ҳуқуқий сабоқлари ўргатиш. Мактабларда “Оила этикаси”” Оила психологияси” фанларини киритиш зарур.

Иккинчидан, ёшларни никоҳга тайёрлаш жараёнини тизимли йўлга қуйиш, аниқ методикаларини ишлаб чиқиш, ОАВлари орқали тарғибот ишларини йўлга қўйиш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги вазифаларни мақсад қилиб олиш лозим:

1. Оиланинг шахс шаклланишидаги роли ҳақида ёшларда тўлақонли тасаввурни шакллантириш;

2. Оилавий ҳаётда муқаррар содир бўладиган ўзгаришлар, муаммолар, қонуниятлар ҳақида илмий асосланган тўлақонли тасаввурни шакллантириш ва уларни бу жараёнга тайёрлаш.

3. Ёшларда ўз умр йўлдошларини тўғри танлаш малакаларини шакллантириш.

4. Ёшларни оилавий мулоқотга тайёрлаш.

5. Ёшларни оилани режалаштиришга ўргатиш.

6. Ёшларни жинсий ҳаётга илмий асосда тайёрлаш.

7. Ёшларда оила мустаҳкамлигини таъминловчи билим ва малакаларни шакллантириш

Муқаддас оила тушунчасига беписанд муносабатда бўлиш, фарзандлар тарбияси ҳамда миллий қадриятлар билан боғлиқ бебаҳо ҳаётий тажрибаларни унутиш қандай оқибатларга олиб келишини бугунги кунда баъзи бир “ ўта замонавий” лашиб кетаётган давлатлар мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Оилани мустаҳкамлаш, уларни сақлаб қолиш, оилада комил инсонни тарбиялаб вояга етказишнинг муҳим чораларидан бири - бу ёшларни бўлгуси оилага тайёрлаш экан, оилалар ажримнинг олдини олишда ёшларни оилавий ҳаётга тўғри тайёрлаш муҳим ўрин тутди. Бу ўз навбатида жамият миллий қадриятларининг асраб- авайланишига юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

## ШАХСЛАРАРО НИЗОЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ЎЗИГА ХОСЛИГИ

*Худойназаров Қ., Қарши ДУ ўқитувчиси,  
Бекмуродова Х., Комилова М., Қарши ДУ магистрлари*

**Таянч сўзлар:** шахс, низо, хулқ-атвор, вазиятли ҳолат, стресс, детерминация, аффектив, когнитив, ноадекват, доминант.

Психология соҳасида шахслараро низолар муаммосини муҳокама қилишда юзага келадиган кўпчилик саволлар ичида низони юзага келтиришда аҳамиятли бўлган ва низо динамикаси хусусиятларини аниқлаб берувчи омиллар аниқ ёритилмаганлигини қайд этиш мумкин.

Жуда кўп тадқиқотчилар шахслараро низолар детерминацияси объектив ва субъектив омиллар ўзаро таъсири билан аниқланиши ҳақидаги ҳолатни айтиб ўтадилар. Шахслараро низоларда инсон интилишларининг қарама-қаршилиги, яъни уларнинг бирор мақсадга эришишдаги хулқ-атвори ва установкалари субъектив сабаблар сифатида кўрсатиб ўтилади [5].

Баъзи тадқиқотчилар шахслараро низолар сабаблари сифатида бир-бирларини паст баҳолаш фониди ўзини ўзи баҳолашнинг юқорилаб кетиши, иззат-нафсониятнинг камситилиши ва бошқаларни кўрсатиб ўтадилар, уларни шахслараро низони юзага келишига олиб келувчи сабабларнинг шахслик даражасига киритиш мумкин [2].

Субъектив омиллар ичида шахснинг низоли вазиятда у ёки бу хулқ-атвор тенденциясини танлашга мойиллиги алоҳида аҳамият касб этади. Шубҳасиз, инсоннинг шахслараро низо вазиятидаги хулқ-атвори унинг шахслик хусусиятлари билан белгиланади. Шунинг учун тадқиқотчилар олдида бир қатор саволлар юзага келади:

- низоли вазиятда шахс хулқ-атворининг қандай шакллари унга хос ҳисобланади?

- ҳар бир конкрет ҳолатда шахс маъқул кўрган хулқ-атвор усулини танлашнинг психологик механизмлари қандай?

- шахс томонидан шахслараро низони ҳал қилишнинг одатий усуллари қанчалик турғун?

Бир қатор муаллифлар шуни кўрсатиб ўтадиларки, низоли вазиятда шахслараро ўзаро таъсир катнашчиларининг ҳар бири томонидан танланадиган хулқ-атвор стратегиясини белгилаб берувчи аҳамиятга молик шахслилик омиллари ичида невротизм, безовталанишнинг юқори даражаси, ички шахслилик низоларининг вазиятли ҳолати, махсус ҳимоя механизмлари, масалан, рационализациянинг мавжудлиги муҳим роль ўйнайди.[4; 43].

Низони юзага келтирувчи шахслилик омиллари қаторига адабиётларда эҳтиёжлар даражасининг юқорилиги, испульсивлик, доминантлик, ригидлик киритилади. Шахслилик омиллари сифатида “ноадекватлик самараси” ҳам қайд этилади, у шахсдаги ўзини ўзи юқори баҳолаш ва уни оқлай олмасликдан кўрқиб тўкнашганда юзага келади.

Шахслараро низо шароитида шахс хулқ-атворини бошқариш механизмларини тушуниш учун психологик ҳодисалар детерминациясининг кўп даражали ва кўп омилли характери ҳақидаги ҳолат ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун низоли вазият ва низоли вазиятдаги ўзаро таъсир каби жабҳаларни ажратиш мақсадга мувофиқдир [3]. Воқеликнинг бу икки томонини ажратиш қуйидагича бўлади.

Инсонларнинг ўзаро таъсир тизими. Ҳар қандай тизим каби унга объектив хос бўлган ҳолатлар йиғиндиси билан характерланади. Шахслараро ўзаро таъсир тизимининг бундай ҳолатларидан бири низоли ҳолатдир. У бу ҳолатни ўзаро таъсир иштирокчилари қандай идрок қилишларига боғлиқ бўлмаган тарзда низоли ҳолат деб баҳолаш имконини берувчи алоҳида объектив омиллар тўпламидан иборат. Конкрет вазиятларда бу омилларнинг долзарбластиши низоли вазият ҳисобланади.

Маълумотлар таҳлили низоли вазиятда шахслараро муносабатлар ривожланишини белгиловчи учта фаза ёки босқични ажратиш кўрсатади.

Биринчи фаза вазиятни низоли деб баҳолаш билан боғлиқ. Вазиятни низоли деб англаш ва идрок қилиш лаҳзаси жуда муҳим, чунки у ўз ўзидан мазкур ҳолатда ўзаро таъсирни керакли даражада тузилмага айлантирувчи хулқ-атвор паттернларини шакллантирувчи механизмга айланади.

Иккинчи фаза низоли вазиятдаги ўзаро таъсирни шакллантирувчи стратегияни танлашга боғлиқ. Низоли вазиятдаги у ёки бу хатти-ҳаракатларни долзарбластириш объектив ва субъектив омилларнинг конкрет бирикмаси билан боғлиқ. Ўзаро таъсирнинг бу фазасида ҳар бир қатнашчи хулқ атворнинг маълум чизиғини шакллантиради, бу эса ўз навбатида кейинчалик умумий стратегия кўринишини олади. Юқорида таъкидланганидек, хулқ-атворнинг бундай умумий шакллари камидан учга бўлиш мумкин: қочиш, “музокаралар” – “савдолашиш” ва низоли стратегиянинг ўзи.

Ва ниҳоят учинчи фаза ўзаро таъсир умумий стратегияси доирасида хатти-ҳаракатни танлаш билан боғлиқ. Низо ривожланишининг бу босқичида ўзаро таъсир иштирокчиларининг шахслилик хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади.

Замонавий психологияда шахслараро низо муаммоси ҳолатининг таҳлили шахслараро низоларни келтириб чиқарувчи объектив ва субъектив омиллар ҳамда сабаблар, уларнинг динамикаси, низога киришган томонлар хулқ-атвори тузилмаси ва стратегиясини тадқиқ қилиш билан бир қаторда шахслараро низо психологик белгиларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ўтказилмаса тўлиқ бўлмай қолади. Бу тадқиқотлар доирасида олинган маълумотлар шуниси билан қизиқарлики, ташқаридан низоли хулқ-атвор хусусиятларида намоён бўладиган шахслараро низо вазияти билан боғлиқ “ички” психик жараёнлар ва ҳолатлар динамикасини тушуниш имконини беради.

Шундай қилиб, низоли вазиятни воқелик сифатида ўрганишда асосий йўналишлар сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- гуруҳдаги (гуруҳ ичидаги низо) шахслараро низонинг биргаликдаги фаолият самарадорлигига таъсири;

- гуруҳдаги шахслараро низонининг юзага келиш эҳтимолини оширувчи омиллар;

- гуруҳдаги шахслараро низоларнинг юзага келишидаги объектив ва субъектив сабаблар, уларнинг характери, мутаносиблиги ва динамикаси;

- шахслараро низоларнинг индивидуал-психологик сабаблари;

- шахслараро низолар тузилмаси ва унинг динамикаси;

- шахслараро низо катнашчиларининг психологик ҳолати хусусиятлари ва уларни психологик ўлчаш;

- шахслараро низолар профилактикаси усуллари ва шакллари; деструктив шахслараро низоларнинг конструктив шаклга ўтиши.

Табиатига кўра турлича бўлган низоларни юзага келтирувчи омилларнинг ўзаро таъсири низоли вазиятнинг вужудга келишига олиб келади, у эса ўз навбатида бифуркация нуктасидаги шахслараро низога айланади. Бифуркация нуктасидан ўтганидан сўнг шахслараро низо икки йўналишда ривожланиши мумкин: ўзининг деструктив оқибатлари билан хавф соладиган стихияли ва низоли ўзаро таъсирнинг конструктив салоҳиятини амалга оширишга қодир бошқариладиган йўналишлар.

#### Адабиётлар

1. Ш.А.Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.- Т., 2017. –Б.45.
2. Лебединская К.С. и др. Подростки с нарушениями в аффективной сфере. – М.: «Педагогика», 1988.
3. Паренс Г. Агрессия наших детей. Москва, 1997.
4. Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. М., 1994. 125-142 с.
5. Fishbein D.G. Parental supervision and delinquency. New York. 1983.

### ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ ОИЛАВИЙ ҲАЁТ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ

*Абдирасулов Л., Қариш ДУ*

Мустақиллигимиз шарофати билан юртимизда миллий кадриятларимизни эъзозлаш, оилани ва никоҳни мустаҳкамлаш, оиладаги фарзандлар таълим - тарбиясига жиддий ёндашиш масалаларига катта аҳамият берилди бошланди. Ўзбекистонда маънавий баркамол, соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада белгиланган режаларни бажариш Ватанимизни келажакда ривожланган дунёвий демократик давлатлардан бирига айлантиришнинг муҳим шартидир. Буюк давлатимиз пойдеворини соғлом авлодларгина барпо эта олади.

Соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг урни муҳим ва бетакрордир. Инсон саломатлиги ва маънавий камолотининг биринчи пойдевори оилада қўйилади. Бу борада ўзбек халқининг оилада фарзанд тарбиялашдаги тажрибаси диққатга сазовардир. Бу тажрибада миллий тарбия анъаналари, инсон маънавиятини шакллантириш билан боғлиқ бўлган умуминсоний, диний кадриятлар ҳам ўз ифодасини топган. Мустақиллик шароитида оилада фарзанд тарбиялаш борасидаги анъаналаримиз давр руҳи ва эҳтиёжлари билан боғланиб янада каттароқ аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли оилани мустаҳкамлаш, унинг маънавий – ахлоқий тарбия борасидаги аҳамиятини кучайтириш масаласи давлат сиёсатида тобора катта ўрин олмоқда. инсон маънавиятининг биринчи куртаклари оилада шаклланади Оила мустаҳкам бўлиши, унинг ахлоқий, ҳуқуқий асослари барқарорлиги комил инсонни тарбиялашнинг биринчи заминидир.

Ҳар бир ота – она фарзандини баркамол бўлиб вояга етишини истайди. Фарзанд тарбияси кўни – қўшнилари таъсири, маҳаллалардаги муҳитга ҳам боғлиқлиги сабабли ўзбеклар барча даврларда жамоатчиликфикрига бефарқ қарамаган. “Ҳовли олма, қўшни ол”, “Қўшнинг тинч бўлса, сен ҳам тинч”, деган мақоллар ҳам ижтимоий муҳитнинг инсон, жамият ҳаётидаги ўрнини, аҳамиятини юксак даажда ифодаланган ҳикматларидир.

Ҳар бир оиланинг тинчлиги - ёнма – ён яшаётган қўшнининг ҳам тинчлиги. Шу сабабли ҳам оилалар ўртасидаги илиқ, самимий алоқалар маҳаллалардаги кўни – қўшничилик муносабатларининг асосий шаклини ташкил этади. Қўшнилари бир – бириинг оилавий турмуш шароитларини, эр ва хотин ўртасидаги муносабатларнинг аҳволини, фарзандлар тарбияси борасидаги ютуқ камчиликларини бошқалардан кўра кўпроқ билганлар, турмушнинг қувончли кунларида, мотам дамларида бир – бирига маслаҳатчи, кўмакдош бўлганлар. Ҳар бир оиланинг тинчлиги барча кўни - қўшнилариинг, қолаверса, бутун маҳалланинг тинчлигидир.

Оилаларда бўладиган келишмовчиликлар, низоли ҳолатлар, ахлоқсизликларга баҳо беришни ақлли, обрў – эътиборли, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган оқсақолларга топшириш мақулдир. Ҳаётда кўпни кўрган отахон ва онахонлар бундай ишларни адолатли ҳал қиладилар. Бирор оиладаги ёмон вазиятга нисбатан жамоатчилик фикрини билдиришдан мақсад ахлоқ, одоб, баъзан чегарасидан чиққан кишиларга насиҳат қилиш, уларни тўғри йўлга солишдир. Бу ишдаги самарали йўл феълу – атвори муҳокама этилаётган шахсни ўз виждонига мурожаат қилишга ўргатишдир. Жамоатчилик фикри ота – оналар ва болаларнинг жамият, жамоатчилик олдидаги маъсулиятини кучайтирадиган катта ижтимоий, маънавий омилдир.

Бир болага етти кўни –кўшни ота – онадир, деган гап бор. Бу ҳам бизнинг буюк миллий кадриятимиз, Маҳаллаларда кўни кўшнилари, айниқса кексалар ёшларнинг юриш – туришига бефарқ қарамайдилар, ҳар қадамда уларни тарбиялашга, тўғри йўлга солишга ҳаракат қиладилар, ҳалол меҳнатга чорлайдилар. Маҳалла, оила ҳамкорлиги бўлажак авлоднинг қандай бўлиши, ота – она ва яқин кўшнилари танбехлари йўналишларининг барчаси фақат яхши ниятда бўлишини кўрсатади.

Ота – она ва маҳалланинг катта ёшдаги кишиларнинг ўзаро аҳиллиги, кичикларга ғамхўрлиги оилавий тарбия асосини ташкил этади. Шуни таъкидлаш керакки, оилавий тарбиянинг самарадорлиги болаларнинг тарбияси учунгина сарфланган вақт билан ўлчанмай, балки оиланинг ижтимоий босқичи билан, ота – оналарнинг маҳалладаги обрўси ва уларнинг маънавий – ахлоқий даражаси билан аниқланади. Бундан ота – оналарнинг катта кишиларнинг ёшлар тарбияси юзасидан бурч ва маъсулиятини чуқур ҳис қилишлари етакчи мезондир. Аниқроқ қилиб айтганда, оила даврасида, маҳаллада ота – онанинг ижобий фазилат ва муносабатлари болаларнинг тўғри тарбияланишини бирламчи ва зарурий шартидир.

Шу билан бирга кенг жамоатчилик, яъни маҳалла халқ педагогикаси тажрибаларини ёшлар онгига синдириш, оиладаги келишмовчиликлар, низоли вазиятларни олдини олиш, оиланинг моддий аҳволи тўғрисида маълумотга эга бўлиши лозим. Зеро, буларнинг барчаси юқорида таъкидлаганимиздек, ёшлар тарбиясига бевосита таъсир кўрсатади. Жойларда фаолият кўрсатаётган маҳалла фуқаро йиғин раислари, хотин – қизлар кўмиталари аъзоларию албатта, педагогик – психологик билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, оилани мустаҳкамлаш, ёшларни тарбиялашда жамоатчилик фикрининг кучи ва таъсиридан кенг фойдаланиш ҳозирги кунда ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги тажриба ва анъаналардан самарали фойдаланиш мустақиллик шароитида амалга ошириладиган маънавий, тарбиявий ишларни яхшилашнинг муҳим шarti ҳисобланади.

## **СПОРТЧИ ШАХСИНING ИНДИВИДУАЛ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Рузимуродов Э.Т., Махмудова Н.Х., Қарши ДУ талабалари*

**Шахснинг** индивидуал-психологик хусусиятлар икки гуруҳга бўлиниши мумкин: нерв тизимининг индивидуал хислатлари ва шахснинг индивидуал хислатлари.

Нерв тизимининг индивидуал хислатлари ва спорт фаолиятининг муваффақияти. Бу хислатлар индивидда туғилганидан бошлаб мавжуд бўлиб, биологик боғлиқ ҳисобланади ва унинг бутун ҳаёти давомида нисбатан ўзгармайди, унинг мавжудлиги ва намоён бўлиши асосида инсоннинг муҳитга, экстремал вазиятларда ҳаракат ва ўзини тутиш шароитларига мослашиш характерини ўзига хослигини таъминлайди.

Нерв тизимининг хислати индивидуалликнинг туғма, чидамли белгилари ҳисобланади ва спорт қобилиятини шаклланишида асосий ўринни эгаллайди.

1.Нерв тизимининг кучи (заифлик-унга тесқари бўлган хислат) - кучли таъсирларга нерв тизимининг чидамлилиги билан характерланади. Уни икки турга ажратиш мумкин:

1.Кўзғалиш жараёни бўйича нерв тизимининг кучи (заифлиги) - унда ўсиб бораётган таъсирланиш жараёнининг ҳаракатига нисбатан нерв тизимининг чидамлилиги сифатида;

2.Тормозланиш жараёни бўйича нерв тизимининг кучи (заифлиги) - унда ўсиб бораётган тормозланиш жараёнининг ҳаракатига нисбатан чидамлилиги.

Бу хислат ҳаракат фаолиятида организмни узоқ вақт ўзгармайдиган ишни бажариш имкониятини таъминлайди. Бундай иш спортнинг барча турлари машғулотлари, айниқса спортнинг узоқ масофага тегишли турлари учун характерлидир (сузиш, чанги пойғаси, марафон, кросс ва бошқалар). Уларда нерв тизимининг кучи ҳам ҳаяжонланиш жараёни томонидан организмнинг узоқ муддатли ишни бажариш имкониятини сафарбар қилиш сифатида ҳамда тормозланиш жараёни томонидан иш жараёнида ўсиб борадиган чарчоқ таъсирига қаршилик кўрсатиш қобилияти сифатида намоён бўлади.

Спортнинг ҳар хил турларини фаолиятнинг талаблари билан, спортнинг худди шу турларининг турли хил вазифаларини шу талабларга нерв тизими кучининг намоён бўлиши мос келадиган спортчилар яхши удалайдилар.

2.Нерв тизимининг ҳаракатчанлиги (сустлик-унга қарама-қарши бўлган хислат) ўзгарувчан кўзғатувчига нерв тизимининг таъсирини тезликда ўзгариши билан характерланади.

3. Нерв тизимининг динамиклиги - бу вақтинчалик нерв алоқаларининг пайдо бўлиш тезлигидир.

4. Нерв тизимининг ўзгарувчанлиги, бекарорлиги нерв тизимини пайдо бўлиши ва йўқолиши тезлиги билан характерланади.

5. Нерв жараёнининг мувозанати - бу кўзғалиш ва тормозланиш жараёнининг ўзаро муносабати, ўзаро нисбати ҳисобланади.

Шу нарса яхши маълумки, нерв жараёнининг вазмин бўлиши спортчининг старт олди ҳолати характерига таъсир қилади. Вазмин бўлмаган, енгил характердаги спортчилар кўпроқ старт олди талвасаси ҳолатини бошдан кечирадилар, “вазмин” спортчилар эса жангвор тайёргарлик ҳолатида бўладилар. Енгил характердаги спортчиларда стартдаги лоқайдлик нерв жараёнининг мувофиқлигини бузилиши натижаси ҳисобланса, “вазмин” спортчиларда эса бу ҳолат физиологик ўзгаришларнинг етарли бўлмаганлиги оқибати ҳисобланади (суствик хислатининг мавжудлиги). “Вазмин” спортчилар “вазмин бўлмаган” спортчиларга қараганда шахснинг иродавий сифатларини яхши шаклланди билан фарқландилар.

Спорт фаолиятида улар ҳаракат кўникмаларини барқарор бўлиши ва шаклланиш тезлиги, ишлаш қобилияти даражаси, унинг такомиллашиши ва ўзгариш имкониятини, турли даврдаги ва шароитдаги психик ҳолатини аниқлаб беради.

Шахснинг индивидуал хислатлари ва спорт фаолиятининг муваффақияти. Спорт фаолиятида шахснинг кўпсонли ва турли хил хислатлари орасида хавотирлилик, ҳиссий барқарорлик, ирода, экстравертлик-интровертлик, ғоявий-сиёсий етуклик ва бошқа хислатлар катта аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун спортчиларнинг шахсий хусусиятлари ушбу хусусиятлар таъсири орқали ўрганилади.

1. Хавотирлик - бу етарли даражада оғир бўлган ҳиссий кечинмадир. Аввало, бунинг барчаси салбий йўғрилган ички хавотирлик бўлиб, у ташвишланиш, қанақадир йўл топиш ҳисси, безовта бўлиши характернинг унумсиз кўзғалган изтиробига айланиб кетадиган ҳолатдир. Хавотирлик ҳолатида шахс ўзини норасо, укувсиз сезади, куч ва имкониятларини йўқотаётгандай ҳис қилади. Бундан ташқари, хавотирлик келажакка ҳам таъсир қилади, хавотирланаётган одамни ҳозир ва бу ердаги ҳолат безовта қилмайди, уни бўлажак ҳодисалар безовта қилади. Шу билан бирга, бу фаол ҳолат бўлиб, унда онг бу ҳолатдан чиқиш йўлини кидиради, фикрлаш тезлашади, ҳаракатлар тезлиги ва тартибсизлиги кузатилади.

Спортчини ҳолатий хавотирлик даражаси доимий эмас, у мусобақалар даври давомида ўзгариб боради. Тадқиқотларда кўрсатилишича, хавотирлик даражаси мусобақагача бўлган уч hafta даврида юқори бўлади ва мусобақа даврида деярли олдинги ҳолатдаги даражасигача пасаяди. Мусобақа тугаган-дан сўнг эса у яна кўтарилиши мумкин.

Хавотирлик даражаси вазифани қийинлиги ёки натижани аҳамиятига қараб спортчининг муваффақиятли қатнашишига турлича таъсир кўрсатиши мумкин.

Замонавий спорт спортчилар олдига юқори ҳиссий барқарорликка эга бўлиш талабини қўймоқда, шунинг учун кўпчилик психологлар бу хислатни спортчи шахсининг энг муҳим характеристикасидан бири деб ҳисоблайдилар, айниқса экстремал шароитларда фаолиятни муваффақиятли бўлиши ва психик нагрузкаларни кўтара олишини прогноз қилиш учун муҳим ҳисобланади.

## ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТДА КАДРЛАР БОШҚАРУВИНИНГ РОЛИ

*Хақбердиев Н., ЎзМУ мустақил тадқиқотчиси*

Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодийсоҳанинг цивилизациявий ҳаётнинг қарор топиши энг радикал тарзда бўлиб, инсон руҳиятида мантикий тафаккурни, унда эса сифат жиҳатдан янги дунёқарашни келтириб чиқаради. Масалан, табиий фанларни ўзлаштирган жамоалар табиатгава жамиятга ишлов бериш йиллик цикллари, янги ишлаб чиқариш малакаларига таянадиган бўлди. Астрология, ариф-метика, биология, тиббиёт, агрономия фанларнинг куртаклари шакллана бошланди. Илк элементлар кўрина бошланган пайтларда санъат намуналарида - урф-одат мусиқалари ва рақсларида асосан асотирий (мифий) персонажлар акс этган.

Шунингдек, Сакрал (лотинча sacrum - муқаддас) соҳада цивилизациявий руҳиятда ибтидоийликда бўлганидек мистика (юнонча mistikos - сирли) тўла ҳукмрон эди. Лекин ундан фарқли уларок, цивилизация инсонда худолар ғайритабиий кучларнинг ташувчиси сифатита алоҳида маконда яшайди-

лар ва воқеалар боришига вақти-вақти билан аралашиб турадилар, деб тасаввур этилади. Қолган вақтларда эса кишилар ҳаёт тарзи ўз-ўзича давом этаверади.

Шу билан бирга Цивилизациянинг илк кўриниши бўлган неолит даври аста-секин энеолит босқичига, яъни мис-тош, бронза даврларига ўрнини бўшатиб берди. Иқтисодий цивилизациясининг ўзига хос жиҳати шундаки, мулкнинг неолит давридаги умумийлигидан хусусий шаклига ўтилди. Хусусий мулк икки шаклда вужудга келди.

*Биринчиси* йирик шаклда - жамоа ва қабила бошликлари қўлид унумдор ерлар, чорва моллари ва қуллар тўпланади.

*Иккинчиси* эса майда шаклда - кичик ер эгалари, чорвадорлар, хунармандларнинг мулки кўринишида амалда бўлди. Бу даврда қулларнинг ўрни алоҳида бўлганлигини назарда тутмоқ лозим. Улар мулк объектига айланган кишилар эди. Лекин қулларни ҳамма жойда ҳам инсон сифатида бир хилда кўришмаган.

Хар қандай цивилизациянинг бошланиши илм-фаннинг айниқса табиий, аниқ ва ижтимоий фанларнинг ривожига туради. Илм фаннинг ривожланиши ўз кадрларини етказиб беради. Етук салоҳиятли кадрлар илм фаннинг ривожланишини таъминлаб беради.

Шунинг учун цивилизациянинг бу босқичида махсулотларнинг кўплаб ишлаб чиқарилиши уларни мунтазам айирбошлашнинг зарур шarti сифатида пул муомаласини вужудга келтирди. Муомала учун дастлаб олтин, сўнгра кумуш тангалар ишлатила бошланди.

Энеолит цивилизацияси меҳнат таксимотини янада ривожлантирди. Махсус бошқарувчилар - давлат аппарати, унинг турли амалдорлари ва ўқитувчилари, мунажжимлар, меъморлари, йилномачилар санъаткорлар каби алоҳида қатлам сифатида белгилади.

Макон тавсифи бўйича олинганининг ўзиёқ цивилизацияларга куплик сонидан ёндоиш зарурлигини кўрсатади. Мутафаккирлар кишиларнинг нарсалар ва ғояларнинг етарли миқдордаги ҳамда марказлашган тарздаги йиғиндисини ифодалайдиган бу ҳодиса моҳият эътибори билан улар сонини еттидан йигирма биттагача, деб оладилар.

Цивилизацияларнинг макон ва вақт таснифи уларнинг қаерда ва қачон берганлиги, шунингдек қандай характерда бўлганлиги тўғрисидаги масалаларни кун тартибига қўяди. Бу хусусда эса фикрлар жуда хилма хилдир. Биринчидан цивилизацияларни локал-минтақавий ёки континентал жиҳатдан тавсиф этиш мумкин. Жаҳон халқлари тилларида "Қадимги Миср - Икки дарё оралиғи", "Антик Юнонистон - Рим", "Европа" "Шарқцивилизациялари" атамалари кўп ишлатилади. Буларда ҳақиқатан ҳам халқлар ўлмишининг муҳим жиҳатлари ифодаланган.

Цивилизацияни минтақавий тушунишда унинг мақомида кенг ва тор маънолар борлигини ҳам назарда тутмоқ керак. Тор маънода олинганда, араб, хинд, хитой, туркий, инглиз, герман ва ҳоказо халқлар цивилизациялари тушунилади. Албатта, цивилизацияни кенг ва тор тушунишда зиддият йўқ.

Цивилизациялар ўртасида катъий ўзаро алоқалар йўқ. Балки хар бир цивилизацияни ташкил этувчилари орасида катъий алоқалар мавжуд.

## **МАФКУРАНИ ВУЖУДГА КЕЛИШИНИНГ МОТИВАЦИЯСИ**

*Худойбердиев И., Ўзбекистон Миллий Гвардиясининг  
профессори фалсафа фанлар доктори*

Шахс мафқурасининг маънавий ахлоқ билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш ҳозирги даврда муайян даражада илмий ва амалий хусусият касб этиб долзарб муаммоларни ҳисоблаиб бой тажрибаларга асосланган бўлмоғи лозимлигини кўрсатмоқда.

Маънавий ахлоқнинг мафқуравий тизими ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларнинг таркибий қисмларидан шаклланади. Бу ижтимоий фаолиятни таҳлил қилиш, унинг содир бўлиш манбаларини юзага чиқариш ва кузатишга, шунингдек, шунга ўхшаш ҳодисаларни туғдирувчи сабабларни ўрганишга имкон яратади. Шунинг билан бирга имконият тизимига ўз хусусиятига кўра шахсий ахлоққа тегишли бўлган бошқа элементлар ҳам киради. Улар орасида мафқуравий жиҳатдан маънавийтни ҳосил қилиш мақсади ва мотиви катта аҳамият касб этади десак хато бўлмайди.

Дарҳақиқат ҳаракат ахлоқий фаолиятнинг психологик механизми элементи сифатида ва умуман ҳаракатнинг элементи сифатида унинг мақсад бўлмиш предмет ёки объектга шахсий муносабатни кўрсаткичи ҳисобланади. Ҳар қандай ҳаракатнинг амалга оширишда индивиднинг эҳтиёжлари ва манфаатларининг акси ҳисобланувчи муайян майл-хоҳишлари ётади. Мотивнинг аҳамиятлилиги ҳаракатнинг мазмуни ва унинг амалга ошиш хусусиятига таъсир қилади. Маънавий ахлоқ динамикасида мотивининг энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди.

Шу боис айрим муаллифлар ахлоқни асословчи босқич билан амалга ошириш босқичини ажратиб кўрсатадилар.

Мотивация хусусиятига кўра мақсад ва ҳаракат мотивини англаш, мотивлар кураши қарор қабул қилиш, уни амалга ошириш амаллари ва воситаларини аниқлашни кўзда тутувчи, бир-бирини ўзаро тақозо этувчи бирин-кетин тузиладиган етарлича мураккаб психологик тизилма ҳисобланади.

Ҳар қандай фаолиятнинг тайёрлов босқичи мотив олдига қўйилган мақсадни амалга ошириш учун зарур бўлган инсоннинг иродавий қувватига айланишида керакли майлнинг шаклланиши бошланади.

Шу боисдан мотив ушбу хоссасида мотив майл-истакнинг муайян мақсадни қўлга киритишини кўзда тутувчи тафаккур моделига эгадир. Мотив бир ёқлама шаклланмайди, балки майл-истак кўплаб ахлоқий таъсирлар ёки гайри табиий фикрлар билан белгиланади.

Шунингдек, бирор ҳаракатнинг мотивлари тўғрисида гап юритганда, жумладан, ахлоқ тўғрисида ҳар хил «учун» ва «қарши» овозлар чамалаб кўрилади ва бундай муҳокама ўзида мотивлар курашини акс эттиради, бу кураш эса у ёки бу шахс учун муайян даражада аҳамиятга эга бўлади. Мотивларнинг психологияда мотивация деб аталувчи муҳокамасида ироданинг намоён бўлиши катта аҳамиятга эга, чунки иродалар мотивни танлашда қилинган қарор тезлигига таъсир кўрсатади. Ахлоқий принципларга зид бўлган мотивни танлаш бурч ва идрок билан рақобат қиладиган мотивларни акс эттирувчи ҳаракатни вужудга келтириш тўғрисидаги хулосага келиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу ерда энг куп диққатга сазовор нарса мафқуранинг батамом шаклланиши учун зарур бўлган вақт оралиғи ва шахснинг психик ҳолатини белгиловчи хилма-хил вазиятларда рўй бериши мумкин.

Шу жиҳатдан маънавий ахлоқнинг намоён бўлишининг типик тизимлари бўйича вазиятлар оддий ва мураккаб бўлади. Уларга ва шунингдек, шахснинг психик ҳолатига боғлиқ ҳолда, қарор ҳар-хил вақт оралиғида, мотивациянинг турли даражалари билан, алоҳида ҳолларда эса мотивсиз қабул қилинади.

Шундан қелиб чиқиб ўзликнинг маънавий моҳиятини англаш, ахлоққа ва жамиятга муносабатида «Мен» тушунчасини ифодалашда намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан қелиб чиққан ҳолда шахсда фикрлаш, қарорни ўйлаб кўриш ва қабул учун зарур бўлган узоқ муддатда, етарлича асосланган ҳолатда амалга оширилади.

Шахснинг майл-истаклари ҳис-туйғунинг ранг-баранг бўёғига эга бўлган мураккаб вазиятларда содир этилган ҳаракатлар қисқа вақтда, мотивнинг шаклланиши тезкор намоён бўлишга асосланган кучли хоҳиш-истак қабул қилинган қарорлар билан олдиндан белгиланади. Бундай қарорлар, ҳукмлар, хулосалар кучли руҳий тўлқинланиш ҳолатидаги вазиятда безорилик, ахлоқсизлик, маданиятсизлик каби кўринишлар билан характерлидир. Келтирилган омиллар мотив шаклланишининг бир кўринишидан иборат бўлиб, унда шахс юқори маънавий хусусиятини намоён этиши ёки аксинча намоён этмаслиги мумкин. Бу эса жамиятдаги тарбия услубларига ва шахснинг ахлоқий ва этник хусусиятларига муносабати билан белгиланади.

Шу маънода ахлоқнинг мотивацион босқичи бирор бир қарор (ҳукм) қабул қилиниши билан белгиланса, у ҳолда амалга ошириш босқичи қарорни ҳаракатга айлантириш мазмунига эга бўлади. Бунда инсоннинг психик руҳий сафарбарлиги қабул қилинган қарорнинг бажаритлишига мўлжалланган мақсадга эришиш жараёнида психик фаолият етарлича юқори ва аниқ бир мақсадга қаратилиши олдиндан қилинадиган ҳаракатлар айни пайтдаги ҳолатини белгилаб бериш билан характерланиши мумкин. Дарҳақиқат инсон юксак маънавиятга эга бўлгандагина ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини бошқаради, ортиқча хатти-ҳаракатлар қилмайди, бинобарин, у ўз имкониятини чуқур ҳис этган ҳолда муайян Ба қатъий муносабатини англатади.

Мақолани хулосаси сифатида шунини айтиш жоизки, маънавий баркамол шахс юксак савияда тарбия топган инсон ҳар қандай шароитда ҳам ўз инсоний сифатини йўқотмайди. Узида ахлоқий сифатларни мужассамлаштириш ва уларга амал қилиш инсоний л икни муҳим белгиси ҳисобланади. Одамийликнинг асил маъноси ҳам юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиши билан ифодаланди. Шунинг учун шахснинг маънавий ахлоқий фазилатларини ўрганиш шу куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

## ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШДА СОҒЛОМ МУХИТНИНГ ЎРНИ

*Ашрапов Б., Ўзбекистон Миллий Гвардияси  
Ҳарбий Техника Институтининг мустақил тадқиқотчиси*

Ҳозирги замон психология фанида инсоннинг шахс сифатида шаклланишида соғлом ижтимоий мухитнинг ўрни бекиёс эканлиги қайд этилмоқда. Ижтимоий муносабатлар инсоннинг барча ижтимоий фаолияти натижасида келиб чиқади. Бошқа кишлар билан муносабатда бўлиш ва биргаликда фаолият шахс шаклланиши учун негиз ҳисобланади.

Шу баробарида инсоннинг онгли актив фаолияти, унинг шахс сифатида интилишининг психологик хусусиятлари шаклланишининг асосидир. Шахс махсус сифатига эга бўлиб, бу сифатни индивиднинг табиий ижтимоий муносабатлари тариқасида фаолият, мулоқот ва билимдан олади. Шаклланган шахс қарашлари ва маслақларининг ахлоқий сифатлари мақсаднинг онгли белгиланиши, ўз фаолиятини ўзи олишининг тўлиқ шаклланиши билан характерланади.

Дарҳақиқат шахс бир бутун система бўлиб, у бир-бири билан ўзаро боғлиқ психологик ходисаларнинг бўлинмас борлигини ташкил қилади, шахснинг ҳар бир сифати ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, унинг бир сифати мазмунан ва шаклан бошқаси билан бевосита боғлиқдир. Масалан, мулоҳазанинг кескинлиги, агар у юқори ахлоқий принциплар, маъсулиятни тўғри ҳис қилиш билан боғлиқ бўлса, бошқача мазмун касб этади. Агар у одамлар олдида ўзини кўрсатиш, жамоада ўрин олиш билан боғлиқ бўлса, бошқача моҳиятга эга бўлади. Шундай қилиб, ҳар қандай шахс ўзининг шаклланиши шароитига қараб, яъни у қайси ахлоқий муносабатда пайдо бўлганлигига ва ижтимоий ёки индивидуал мақсадга қаратилганлигига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Шахслар атроф мухитга, одамларга, ўзига нисбатан муносабатига қараб, ҳаётда ва ижтимоий фаолиятда ва қатнашиш даражасига қараб, шахсни ахлоқий характеристикаси яратилади. Бу унинг дунё қараши, интилишларида кўзга ташланади. Шунинг учун шахсда ахлоқий жиҳатнинг шаклланиши бир томондан, тарбия мазмунини ташкил этса, иккинчи, томондан шахс камолотининг миллий психологик асосини ташкил этади.

Шахс шаклланишининг биринчи босқичида, гармоник жиҳатдан. етилгунга қадар бўлган давр узоқ вақт давом этадиган, мураккаб ва кўп кирралидир. Тарбия психологияси доим такомиллашади, ўзгариб туради. Шахснинг психологик хусусиятлари ҳар хил босқичда турлича намоён бўлади. Фаолият инсоннинг шахс сифатида шаклланишининг асосчи ҳисобдачачи. Тарбиянинг психологик механизми шунчалик мураккабки, бола шахсиниш ривожланиши манбаи ва шароитни тушунмасдан туриб ўрганиб бўлмайди. Бевосита инсон қатнашадиган кўпқиррали фаолият турларининг йиғиндиси инсоннинг ижтимоий мавжудод сифатида мавжудод бўлиши яъни унинг шахс сифатида таркиб топишининг миллий онг ва психологиясини, шаклланишининг асосий шартидир. Бу фаолиятнинг ривожланишини таъминлайди. Шунинг учун бу фаолият ривожлаиниш динамикасининг психологик қонунларини очишга қаратилган бўлиши лозим. Тарбиявий таъсир системасини тузишда киши қатнашадиган фаолиятнинг ҳар хил турлари, характери ва хусусиятни билиш керак. Шунинг учун фаолиятнинг ривожланиш палласида унинг мураккаблашуви ва кенгайиши шахс шаклланишининг негизи бўлиб, хизмат қиладиган ижтимоий муносабатда вужудга келади.

Психология фанида шахс ва фаолият тушунчаларини ички боғлиқликда кўради. Инсон фаолияти ривожланиши ва унинг ҳар хил турлари ва шакллари билан вужудга келишига олиб келади. Бу турлар ўзаро бирлашадилар ва бир-бирларига бўйсундилар. Шу асосда фаолиятга ундовчи куч-мотивлар иерархияси ҳосил бўлади. Мотивларнинг бир қанча турлари мавжуд улар мазмунига кўра ихтиёрийлигига, англаганлик даражасига кўра бирламчи ва иккиламчи, бевосита ёки бевоситаларга ажратилади. Фаолият ривожланишида вужудга келадиган бир бучул ўзаро алоқаликдаги мотивлар системаси шахснинг психологик асоси ҳисобланади. Шундай бирлик ва боғлиқлик даражаси инсон фаолияти орқали бўладиган олам билан алоқага киришиш кенглиги шахс шаклланишининг муҳим мезони саналади. Маълумки, баъзида бир хил мотивлар хатти-ҳаракатларда ҳар хил кўриниши, турли мотивлар эса зоҳиран бир хил кўриниши мумкин. Масалан курсантларнинг ўз ўртоқларига нисбатан билимли бўлишига интилиши билан жамоага бирор фойда келтириш туйғуси бир нарса эмаслиги маълум.

Глобаллашув шароитида ёшларни тарбиялашда биринчи психологик талаб шундан иборатки, ҳар қандай тарбиявий иш асосида уларда керакли мотивацияни ҳосил қилади. Ҳар қандай тарбиявий таъсир мативатсиясида, ҳар қандай ташки таъсир ўтказиш ёшлар эҳтиёжи билан мос келгандагина у самарали бўлиши мумкин. С.Л. Рубинштейн фикрига қара: ёшлар фаолиятга ҳақиқатан киришишлари учун таълим фаолиятида улар олдида қўйилган талаблар тушунарлигина бўлиб қолмай, балки қабул қилинган бўлиши ҳам керак, яъни у талаблар учун муҳим аҳамият касб этиши лозим.

Бу қоида фақат ёшларга оид бўлмасдан, балки барча тарбия воситаси учун ҳосидир. Демак мақолани ҳосиласи сифатида айтиш мумкинки ёшларни тарбиялашда соғлом мухит йетакчи ўринда туради.

## МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ МУАММОСИ

*Қудратов А., Қарши ДУ мустақил тадқиқотчиси*

Ижтимоий ва ҳуқуқ психология нуктаи назардан ёндошганда инсоони ўз-ўзини англаши билан боғлиқ ҳолатини фақат унинг ўз шахсий, руҳий-психологик хусусиятларини фақат ўзи томонидан баҳоланиши билан чегараланмайди. Инсон "ўзига ўй" баҳо беришни билиши, унинг бир томони ҳисобланади. Айни пайтда инсон бирон-бир гуруҳ, жамоа орқали жамият билан боғланган бўлган-лиги учун ҳам унинг социал (ижтимоий), сиёсий муносабатларда бўлиши, унга хос хусусиятларга жамият ёки жамоа томонидан ҳам баҳо берилиши табиий. Шу маънода унинг руҳий-психологик хусусиятлари социал (ижтимоий) маъно касб этади. Шунинг учун ҳам, миллий ўзликни ёки ўз-ўзини англаш жараёнида икки муҳим омилни, узвий боғлиқликни холисона тушуниш орқали илмий асосда эга бўлган хулосага келиш мумкин.

Бу бир томондан, ҳар бир инсоннинг руҳий, социал психологик жиҳатлари билан боғлиқ. Бу генетик нуктаи назардан ота-она, авлодлардан ўтадиган ёки ўтиши мумкин бўлган, такрорланиши ёки айрим ҳолатларда "ўхшамасдан", қолиш ҳолати билан боғлиқ хусусиятлар. Уни табиий ўзгаришлар, қонуниятлар, замон ва макон билан боғлиқ жаҳатларини ҳам табиий ҳисобга олиш муҳим.

Иккинчи томондан, инсондаги иқтисодий - психологик хусусиятларни муайян шароит, жамиятдаги муҳит, жамоа билан боғлиқ ҳолда, яъни социал (ижтимоий) муносабатлар таъсирида ўзгариб, шаклланиб ва ривожланиб бориш ҳолатини қайд этиш лозим.

Ана шу икки омил, шарт - шароит натижасида инсоннинг, гуруҳ ёки миллатнинг "ўз - ўзини", "ўзлигини" англаш жараёни амалга ошиб боради, ҳамда ўзига хос ижтимоий – маънавий, сиёсий аҳамият касб этади.

Жамиятдаги ёшлар қатлами таркиби жиҳатдан хилма-хил ва турли миллатга ёки бир миллатга мансуб бўлади. Шу маънода уларнинг миллий ўзлигини англаш ҳам ўзига хос кечиши мумкин.

Ёшларнинг "Миллий ўз - ўзини англаш"ининг социал - психологик жиҳатларини тушунишда ҳам бу муҳим назарий-амалий аҳамият касб этади. Бу биринчидан, ёшларнинг миллий ўзлигини англашда социал психологиянинг объекти ва предметини ҳисобга олишга, унга таянишга имконият беради; иккинчидан, "миллат"ни муайян социал қатлам ёки этнос сифатида унга ёндошиш ҳамда унга хос социал - психологик хусусиятларни ҳисобга олиш мумкин бўлади; учинчидан, муайян миллатга хос социал-психологик хусусиятларнинг шаклланиш тарихи, унинг маданий, психологик омилларини намоён этувчи қонуниятларни билишга ёрдам беради; тўртинчидан, "Миллий ўз - ўзини" ва "ўзликни" англаш таъсир этувчи омиллар, унинг социал - психологик жиҳатларини фарқлаш билан бирга социал (ижтимоий) ҳамда руҳий - психологик омиллардаги бир-бирига боғлиқликни кўришга, ҳисобга олиш тўғрисидаги муҳим қосиқаларни асослашга, ривожлантиришга сабаб ҳам бўлади.

Ёшлар "миллий ўз-ўзини англаш"ининг социал-психология билан боғлиқ жиҳатлари инсон, шахс, миллатнинг мураккаб тузилиши, унинг хатти-ҳаракатлари, интилиши ва мақсадлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлишни ҳисобга олиш керак. Шу нуктаи назардан Психоанализ тарафдорлари ва асосчиларининг (З.Фрейд) "шахснинг мураккаб тузилишга эгаллиги сабабли, унинг хатти-ҳаракатларининг тушуниб ёки билиб бўлмаслик" тўғрисидаги ғояларини тўлиқ эътироф этиш қийин.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, жамият тараққиётининг ҳар бир босқичига хос этник жараёнлар ривождаги қонуниятлар бир-бири билан ўзаро узвий диалектик боғлиқликда намоён бўлиб, сиёсий жараёнга таъсир этади. Ёки аксинча, устувор ижтимоий тараққиёт босқичида этик жараёнлар ривожини барқарор характерга эга бўлиб, ижобий мазмун касб этади

## ХУЛҚИЙ ОҒИШЛАР СИМПТОМОКОМПЛЕКСИДА ТЕМПЕРАМЕНТНИНГ ЎРНИ

*Тўлаганова Г.К., ЎзМУ доценти*

Хулқий оғишларнинг ўзига хос белгилари - бу шахслараро тизимидаги полиадик ўзгаришлар: а) ота-она; б) фан ўқитувчилари; в) оиланинг яқинлари; г) атрофдаги таниш-билишлар ва ҳаттоки, ўз гуруҳига мансуб тенгқурларининг панд-насихатлари, илтимосларини инобатга олмай ўз билганича хатти-ҳаракат қилишда давом этишдир. Бошқа томондан улар билан бўладиган учрашувлар, амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларнинг барчаси ўсмирларда ўзларидаги мавжуд хулқ ўзгаришларнинг янада мустаҳкамланиб, "муҳрланиши"га изн беради. Шунга кўра, унинг хулқини ҳар хил мажлис ва

педагогик кенгаш йиғилишларида қайта-қайта муҳокама қилишдан тийилиш маъқул. Ўсмирларга йўналтирилган ҳар қандай танбех, айбловли таъкидлар учраш частотаси ва давомийлигига кўра муайян “рамкадан” чиқмаслиги маъқул. Бу эса ўсмирнинг психологик сеанслардаги учрашувлари сонини белгилашда “ақл кўзи” билан иш кўриш лозимлигини англашиб, ўсмир пациентга йўналтирилган психологик таъсирни мустақил ўзлаштириши учун изн беради. Хулқий компонентнинг ўзга кўринишлари, айниқса, ипохондрик кўрқувларда ўсмирлар ўзгаларнинг қўллаб-қувватлашларига муҳтожлик сезадилар, бундай ёндашувнинг яратилиши ўсмирларда психолог билан кечадиган ўзаро ҳамкорликнинг аҳамиятини тушуниш имкониятини кенгайтириб, ўз ўзига ишончнинг ортишини таъминлайди. Демак, ўсмирни ўраб турган ижтимоий муҳит аъзолари мавжуд “хулқий оғишларнинг” баргараф этилишида ўсмирдаги шахсий “захира имкониятлар” нинг очилишига ҳам туртки ҳамда ёрдам берадилар. Психолог пациент билан бўладиган ҳар бир учрашувларда ўсмирнинг шахсий имкониятларига алоҳида урғу бериши, ташкил этилган психологик сеансларнинг самарадорлигини ортишига сабаб бўлади. Ўсмир хулқининг ноадакват тарзда назорат остига олиниши, мавжуд хулқ-атвор оғишларининг мустаҳкамланишига йўл очади.

Аввало, хулқий оғишларда ижобий ўзгаришларга эришиш учун когнитив тайёрлик босқичини ўташ ҳамда “мотивацион замин” яратиш шарт. Аслида, уни қуйидаги компонентларни инобатга олган ҳолда тузиш мақсадга мувофиқ. Булар: психологик диагностикадан ўтган ўсмирларнинг 62 нафари (34,3%) сангвиниктипига мансуб. Мазкур ўсмирларжуда фаол, қизиқувчан бўлиб, улар атрофидаги нарсалар, инсонлар диққатини тез жалб этади. Улар имо-ишораларни кўп ишлатиб, унинг чехрасига қараб кайфиятини англаб олиш қийин эмас. Жуда сезгир бўлишига қарамай, кучсиз таъсир (кўзгатувчи) ларни сеза олмайди, серғайрат, ишчан, толиқмасдир. Фаоллик билан реактивлик муносабати мувозанатли бўлади, имтизомли, ўзини тия билади ва бошқара олади. Унинг хатти-харакати жўшқин, нутқ суръати тез, янгиликни тез пайқайди, ақл идроки теран, топқир, қизиқишлари, кайфияти, интилишлари ўзгарувчандир. Кўникма ва малакаларни тез эгаллайди, кўнгли очиқ, дилкаш, мулоқотга тез киришади, унинг хаёлот (фантазияси) юксак даражада ривожланган, ташки таъсирларга ҳозиржавоб бўлади.

Психодиагностикадан ўтган ўсмирларнинг 92 нафари холериктипига мансуб бўлиб, бу умумий синалувчиларнинг 34,2 фоизини ташкил этди. Уларгасустсензитивликхусусиятигаэгабўлиб, жуда фаол ва реактивдир. Кўпинча реактивлиги фаолликда нустун келиб, у бетокатлик, серзардалик ва гиперактивликни намоён қилади. Сангвиникка қараганда кўзгалувчан, лекин кўпроқригид, қизиқишлари, интилишлари барқарор, хатти-харакатларда қатъийлик мавжуд бўлсада, бироқ диққатни бир жойга тўплашда қийналади, нутқ суръати тез ваҳ.к.

Флегматик типига мансуб ўсмирлар 52 нафар ва улар умумий синалувчиларнинг 34,2 фоизини ташкил этди. мазкур типга мансуб ўсмирларнинг сензитивлиги суст, ҳис-туйғуси (эмоцияси) кам ўзгарувчан, шунга кўра, бундай шахсни кулдириш, жаҳлини чиқариш, кайфиятини бузиш қийин бўлиб, кўнгилисиз ходиса хавф-хатар ҳақидаги хабарга хотиржамлик билан муносабатда бўлади. Вазмин, кам ҳаракат, имо-ишораси, мимикаси кўзга яққол ташланмасада, лекин серғайрат, ишчан, фаол, чидамли, матонатлидир. Унинг нутқ ва ҳаракат суръати суст, фаросати қийинрок. Диққатни тўплаши осойишта, ригид кўринишида бўлиб, диққатни кўчириши қийин кечади. Интравертлашган, кам гап, ичимдагини топ тоифасидан бўлиб, янгиликни қабул қилиши мураккаб ва ташки таассуротларга сусткашлик билан жавоб берувчандир.

Меланхоликтипига мансуб ўсмирларнинг умумий сони 56 нафар бўлиб, 20,07 фоизни ташкил этди. Уларнинг сензитивлиги юксак, тортинчоқ, ғайратсиз, аразчан, хафақон бўлади. У жимгина йиғлайди, кам кулади, қатъийлиги ва мустақиллиги заиф, тез толади, ортиқча ишчан эмас. Диққати барқарор, ҳис-туйғуси суст ўзгарувчан, ригид ва интравертлашган.

Айзенк методикаси натижаларининг кўрсатишича, “Нейротизм” шкаласи бўйича кўрсаткичлар қуйидагича: жуда юқори -1, юқори -90, ўртача -107 ва паст 63 га тенг.

Шуни таъкидлаш ўринлики, олимлар фикрича, темпераментни фаолият талабларига мослаштириш (мувофиқлаштириш) имконияти мавжуд экан. Чунки ҳар қандай фаолият психик жараёнлари динамикасига муайян талаблар тизимини кўяди. Хусусан: а) ўсмирлар ҳам ўз темпераментига мос спорт турини танлаш керак, чунки уларнинг психик хусусиятларига мутаносиб спорт турини танлаши профессионал танлаш дейилади; б) шахсларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш жоиз; в) ўсмирлардаги шахсий темпераментга хос камчиликларни (салбий иллатларни) баргараф этиш лозим; г) ўсмирлик даврига мос индивидуал услубни шакллантириш зарур.

Зеро, ўсмирнинг ўз фаолиятига онгли, фаол ва ижодий муносабатда бўлиши мусобақаларда эришиш мумкин бўлган муваффақиятлар гаровидир. Инсоннинг темпераменти фаолиятнинг индивидуал услубини таркиб топтиради. Худди шу боисдан, фаолиятнинг индивидуал услуби дейилганда

Ўсмир шахси учун ўзига хос ва муваффақиятга эришишнинг мақсадга мувофиқ йўлининг индивидуал тизими тушунилади. Фаолиятнинг индивидуал услубига кирувчи икки хил хусусиятлар мавжуддир.

## **ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР ДИАГНОСТИКАСИ: МУАММО, ЕЧИМ ВА ТАВСИЯЛАР**

*Расулов И., Мирзо Улугбек номидаги ЎЗМУ доценти*

Психология фанида иқтидор масаласи шахснинг индивидуал хусусиятлари нуқтаи назаридан талқин этилади. Унга кўра грек файласуфи Афлотун ҳам “табиатан бир бирига мутлақо ўхшайдиган инсонни топиш қийин, улар табиий инъом этилишига кўра бир биридан тафовутланиши, улардан бири фаолиятнинг алоҳида тури бўйича фойдали бўлса, бошқаси эса бошқа бир жиҳати билан устувор эга” лигини қайд этган [1]. Бундан кўринадики, қобилият ва иқтидор масаласи айна дамда ўрганилаётган муаммо эмас. Шундай бўлса-да, иқтидорли болалар муаммосига замонавий ёндашув унинг ўзига хос жиҳатларини илмий тадқиқ этишга, табиатини очиш ва ривожлантиришнинг муҳим усуллари ишлаб чиқишга зарурат туғдирмоқда. Иқтидорнинг узоқ тарихий ўрганиш асосида турли хил ёндашувларнинг вужудга келганлигини кўриш мумкин. Энг асосий масала сифатида ақлий қобилиятни ўлчаш воситаларини яратишга қаратилган. Натижада ақлий ёшни аниқлаш (А.Бине, Т.Симон) тестлари, интеллектуаллик коэффициенти (IQ, В.Штерн), Стэнфорд университети ходимлари томонидан иқтидорни ўлчаш учун мўлжалланган ақлий тараққиётни баҳолаш тести (Стэнфорд-Бине шкаласи) ва Дж.Равеннинг “Прогрессив матрицалари” тести шакллантирилди.

Жаҳон психологиясида иқтидорни турли ўлчаш мезонларига ажратилганлиги кузатилади. Тадқиқотчилар болаларнинг интеллектуаллик (зеҳн) даражаси ва ижодий имкониятлари иқтидорнинг асосий мезонлари сифатида қайд этдилар. Мазкур мезонларга мувофиқ қатор тадқиқотчилар иқтидорнинг интеллектуаллик даражаси сифатида ўлчаш воситаларини (тест) яратдилар [2]. Д.Векслер томонидан яратилган интеллектуаллик даражасини ўлчаш тестида “умумий саводхонлик”, “тушуниш”, “арифметик ҳисоблаш”, “ўхшашлигини топиш”, “рақамларни эсга олиб қолиш”, “лўғат бойлиги”, “шифрлаштириш”, “етишмайдиган қисмларни топиш”, “Косс кубиклари”, “суратлар кетма-кетлиги”, “фигураларни яшаш” каби 11 та баҳолаш мезонлари мавжуд.

Р.Амтхауэрнинг интеллектуаллик даражаси ўлчаш тести эса вербал (сўзли), математик ҳисоблаш, фазовий ва мнемик (хотира) хусусиятларини баҳоловчи мантиқий саралаш, умумий хусусиятларини аниқлаш, аналогия (ўхшашлик), классификациялаш, санаш, сонлар қатори, фигураларни танлаш, кубиклар, диққат ва хотирани ўрганишга йўналтирилган 9 та субтест (алоҳида хусусиятни баҳолашга мўлжалланган ва мустақил тест қисми)лардан иборат.

Р.Б.Кеттелл эса интеллектуалликни инсон ҳаётининг барча босқичларида шаклланадиган (криссталлашган) ва маданий муҳит таъсирига боғлиқ бўлмаган “соф” (флюдлашган) интеллектга ажратган. Шунга мувофиқ, “соф” интеллектни ўлчашга йўналтирилган “Маданий муҳит таъсиридан холи интеллектни ўрганиш тести” шакллантирилди. Бу тест психологик тадқиқот ва амалиётда кенг қўлланиб келинмоқда.

Иқтидор - ижодий имконият кўрсаткичи сифатида ҳам алоҳида мезонлар ажратилган. Ушбу йўналишда болаларнинг ижодий имкониятларини баҳолашга мўлжалланган америкалик олим Е.П.Торренс тестини мисол сифатида келтириш мумкин. Е.П. Торренснинг “Ижодий тафаккур тести” 1990 йилларда 32 тилда таржима қилиниб, 2000 ортиқ тадқиқолардан татбиқ қилинган. Е.П.Торренс ижодкорлик (креативлик)ни муаммони ечиш, муаммога нисбатан сезгирликни пайдо бўлиши, муаммони аниқлаш ва уни хусусиятларини ўзлаштириш, муаммони ечиш йўллари тахмин қилиш, уларни текшириш, ўзгаришлар ёки янглишишларни аниқлаш, ечимни топиш учун янги тахминларни илгари суриш, ечимни топиш, уни талқин қилиш ва натижаларни маълум қилишдан иборат жараён сифатида қарайди. У томонидан яратилган тест ҳам ушбу ғояга асосан ишлаб чиқилган. Тест 5-6 ёшли болалардан бошлаб, юқори синф ўқувчиларнинг креативлик хусусиятларини аниқлашга хизмат қилади. Тест болаларнинг креативлик хусусиятлари аниқлашга йўналтирилган “Суратни чизинг”, “Фигураларни яқунланг”, “Такрорланувчи чизиклар” субтестларидан иборат. Субтестлар болалар креативлигининг “маҳсулдорлиги” (боланинг ижодий маҳсулдорлик даражаси), “оригиналлиги” (ижодий фаолият натижасининг ноёблиги, ўзига хослиги), “ишлаб чиқилганлик” (ўйлаб топилган ғоянинг майда деталларигача ишлаб чиқилганлиги), “ғоялар қарама-қаршилиги” (ғояларнинг хилма хиллиги ва кашф қилинган янгиликни узоқ вақт давомида сақлаш қобилияти, оригинал ғояни яратиш) каби мезонлар бўйича баҳолайди [3].

Иктидорли болалар диагностикаси соҳасида қўлланилаётган усулларнинг хилма хиллигини яққол намунаси буюк инсонлар ҳаётини тадқиқ этишнинг биография методидир. Ушбу йўналишда Гарвард университети профессори Г.Гарднер буюк инсонларнинг биографиясини ўрганиш асосида фаолият йўналишига кўра интеллект типларини ажратган ва махсус тадқиқ этиш анкетасини шакллантирган [4]:

мантикий-математик интеллект-табiiй ва математик (А.Эйнштейн)

визуал-фазовий интеллект- геометрия, рассом, хайкалтарош, архитектура, топография, шахмат (П. Пикассо);

вербал ёки лингвистик интеллект-ёзувчилар, шоирлар, ораторлар (Т.Элиот);

тана-кинестетик интеллект- рақс, пантомима, спорт, хирургия (М. Грэхэм, М. Марсо);

музикий интеллект-бастакорлар, муסיқачилар, раққослар, ашулачилар (И. Стравинский);

эмоционал ёки шахслараро интеллект-лидерлар, дипломатлар, педагоглар (М.Ганди);

экзистенциал ёки маънавий интеллект- психологлар, психиатрлар (З.Фрейд).

Ушбу интеллект типлари болаларнинг фаолият йўналишига кўра ақлий қобилиятларини ифодалайди. Муаллиф ўзи илгари сурган ғоя асосида интеллектуаллик типларини аниқлашга мўлжалланган “Интеллет типлари” анкета ишлаб чиқди.

Фикримизни хулоса қилиб айтадиган бўлсак, иктидорли болаларни аниқлаш жуда мураккаб масала, чунки бу жараён бир қатор психологик, педагогик ва ижтимоий шарт-шароитларни амалга оширишни талаб қилади. Булар мунтазам аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда иш олиб бориш, иктидорли ўқувчилар билан ишлашнинг яхлитлиги, иктидорликни рағбатлантириш, иктидорли болалар билан ишлашда ўқитувчилар фаолиятини қўллаб - қувватлаш, мактаб ва ота-оналар ҳамкорлиги, ўқитувчиларнинг иктидорли болалар билан ишлашда етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишидан иборат.

Шунингдек, иктидорли болаларни аниқлашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

иктидорли болаларни баҳолашни (қобилиятлари қай даражада эканлиги, айниқса, қайси қобилиятлар юқорилигини) комплекс равишда амалга ошириш ва уларни ўлчовчи маҳаллий муҳитга мос психодиагностик ўлчаш воситаларини жорий этиш лозим;

иктидорли болаларни аниқлаш узоқ давом этадиган жараёндир, шунда олинган натижалар объектив бўлади;

иктидорни аниқлашда психотренинг машғулотлари (болани текширишдан олдин ундаги стресс ҳолатини йўқотиш, болани руҳий тайёрлаш) самарали натижа беради.

иктидорли болаларнинг имконият даражасини аниқлашда сунъийлик билан чекланиб қолмай, сунъийдан олинган натижани реал ҳаётда қўллаш керак;

иктидорли болаларни аниқлашда турли мутахассислар (психолог, педагог, физиолог, ота-она, тенгдошлари)нинг берган баҳоси алоҳида аҳамиятга эга.

боладаги иктидорни аниқлашда боланинг ўзига берган баҳоси ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Иктидорли болалар муаммоси ягона мақола ёки тадқиқот иши билан хулосаланадиган муаммолардан эмас. Иктидорли болаларни саралаш, уларни камол топтириш жамият, мутахассислар ва унга масъул бўлган ҳар бир шахсда доимо масъулият талаб қиладиган ҳамда муттасил амалий тадбирлар олиб борилганда ўз ечимини топадиган муаммодир.

### Адабиётлар

1. Платон. Сочинения: В 3 т. — М., 1971.
2. Щербанова Е. И. Психологическая диагностика одаренности школьников: проблемы, методы, результаты исследований и практики. — М.: Издательство Московского психолого-социального института; Воронеж: Издательство НПО «МОДЭК», 2004. - 368 с.
3. Torrance E. P. The nature of creativity as manifest in its testing // The nature of creativity. Contemporary psychological perspectives. R. J. Sternberg (Eds.). — Cambridge, 1988. - P. 43-75.
4. 1 Gardner H. Frames of mind: the theory of multiple intelligences. — N Y-Basic Books, 1983.

## ТУРИЗМ СОҲАСИ УЧУН МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ЎРНИ

*Фуломова Н., ЎзДЖТУ талабаси*

Ўзбекистон замини қадимдан Буюк ипак йўли чорраҳасидаги улкан салоҳиятга, табиий, тарихий ва маданий бойликларга, гўзал анъана ва урф-одатларга эга ҳудуд сифатида бутун дунё эътибори ва эътирофига сазовор бўлган. Бугунги кунда мамлакатимиз нафақат сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий соҳаларда, балки туризмда ҳам янги ривожланиш босқичига қадам қўйди. Туристлик салоҳиятини юксалтириш, соҳа фаолиятини халқаро талаблар даражасида такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида ҳам улкан ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида келгусида мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича устувор йўналишлар ҳамда вазифалар белгилаб берилди.

Сайёҳларнинг нафақат қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликларни зиёрат қилиши, балки Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларида туризмни ривожлантириш, айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш лозимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг туризм соҳасидаги Фармон ва Қарорлари мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш имконини бермоқда. Соҳага инвестицияларни фаол жалб қилиш, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш ҳамда мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ва табиий бойликларини тарғиб этишга тurtки бермоқда. Натижада юртимизга келаётган туристлар оқими йилдан-йилга кўпаймоқда. Шу боис, 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сони 7 миллион нафарга етишига, туризм экспортидан келадиган даромад эса 2 миллиард доллардан зиёд бўлишига эришишга қаратилган аниқ мақсадлар белгиланди.

Бу ўз навбатида юртимиз туристик салоҳиятини ривожлантиришнинг қонуний асосларини такомиллаштириш, соҳада юқори хизмат кўрсатилишига эришиш, малакали кадрлар билан таъминлашни талаб қилади.

Шу боис, бугунги кунда республикамиздаги бир қатори олий ўқув юртларида бакалавр ҳамда магистрлар, ўрта-маҳсус, касб ҳунар коллежларида туроператор, турагент, экскурсовод каби йўналишларда кичик мутахассислар тайёрланмоқда. 2018/2019 ўқув йилида илк бор Самарқандда “Ипак йўли” туризм халқаро университетининг ташкил этилганлиги Халқаро туризм соҳасида профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш, илмий тадқиқот ишлари ва ижодий ишларни олиб бориш бўйича республикамиздаги ташаббусларни амалий рўёбга чиқариш, турли давлатлар билан тарихий ва маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилиниши билан аҳамиятлидир. Соҳа учун замонавий-инновацион ва илмий-педагогик технологиялар асосида ўқитиш, фан ва техниканинг илғор ютуқларини қўллаш, миллий ва халқаро таълим стандартларига мувофиқ ҳолда юқори малакали кадрларни тайёрлаш яқин келажакда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган мақсадларнинг рўёбга чиқишини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда тарих, фалсафа, иқтисодиёт, хорижий тилларни чуқур ўргатилиши билан бир қаторда психология фанининг ўрни нақадар долзарб аҳамият касб этишини таъкидлаш жоиз.

**МУНДАРИЖА**

<b>№</b>	<b>Муаллифлар Ф.И.Ш.</b>	<b>Мақола номи</b>	<b>Бет</b>
1.	<i>Шоумаров Ф., Қодиров У.</i>	Ўзбекистонда психологик хизматнинг долзарб муаммолари	3
2.	<i>Жамолдинова О. Р.</i>	Таълим соҳаси ҳуқуқий асосларининг такомиллаштирилиши	4
3.	<i>Каримова В. М., Умарова Н. Ш.</i>	Ижтимоий-психологик омилларнинг шахс иқтисодий ижтимоийлашувига таъсири	6
4.	<i>Баротов Ш. Р.</i>	Создания психологической службы в Узбекистане	7
5.	<i>Мухамедова Д.Г.</i>	Социально-психологические барьеры в деятельности менеджера образования	10
6.	<i>Нишанова З.Т.</i>	Умумтаълим мактабларида психологик хизмат таълим самарадорлиги омили сифатида	11
7.	<i>Самаров Р. С.</i>	Психологик тадқиқот ва амалиёт: хусусий методологик жиҳат	13
8.	<i>Умаров Б.М.</i>	Оилада ўғил бола тарбиясининг ижтимоий-психологик жиҳатлари	15
9.	<i>Жабборов А., Облоқулов Ж.Ж.</i>	Ахборот глобаллашуви жараёнида ўспиринлар дунёкарашини ўрганиш психологик тадқиқот муаммоси сифатида	17
<b>І ШУЪБА:</b>			
<b>ТАЪЛИМНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ЎРНИ</b>			
10.	<i>Соғинов Н.А., Шоумарова З.А.</i>	Психологик хизматни ташкил қилиш масалалари	20
11.	<i>Арзикулов Д. Н.</i>	Спорт педагогик фаолиятида психологик хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва ривожлантириш муаммо ва ечимлар	25
12.	<i>Кудратуллаева Р.Б.</i>	Социально - психологические факторы эмоционального выгорания	27
13.	<i>Гребнева В.В., Очилов Ф.Э.</i>	К проблеме развития творческой личности в образовании	28
14.	<i>Баҳриев А.</i>	Олий мусиқий таълимда янги педагогик технологияларни қўллаш самарадорлиги	30
15.	<i>Халилова Н.И.</i>	Талабаларда рефлексияни ривожлантиришда психологик-педагогик қўллаб-қувватловчи технологияларининг ўрни	31
16.	<i>Гребнева В.В., Эгамбердиев М. Ф., Мухаммадиева З. Л.</i>	Особенности соматического восприятия образовательного пространства студентами и преподавателями Вуза	33
17.	<i>Жўраев Б.Х.</i>	Таълимни бошқаришнинг илмий-назарий асослари	35
18.	<i>Нуруллаева Ш.Ў.</i>	Замонавий ўқитувчи фаолиятида педагогик маҳоратнинг ўрни	36
19.	<i>Ochilova N.M.</i>	Mustaqil ta'lim olish texnologiyasining o'ziga psixologik xususiyatlari	38
20.	<i>Ланн Е. А., Ускова К. С.</i>	Блочно - модульная модель сопровождения детей раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья	39
21.	<i>Бекназарова Л.С.</i>	Психологик хизмат кўрсатишда психодиагностик тестларнинг аҳамияти	45
22.	<i>Щекочихина Т. А.</i>	Базовые потребности как фактор развития интеллектуальной одаренности студентов художников	47
23.	<i>Мақсадова М.С.</i>	Ўқитувчи касбий тайёргарлиги психологик муаммо сифатида	49
24.	<i>Ёқубов А.А.</i>	Ёшларни толерантлик руҳида тарбиялашнинг ижтимоий психологик аҳамияти	50
25.	<i>Саттарова Г.И.</i>	Иродавий сифатларни психокоррекция қилиш дастурини татбиқ этишнинг асосий шартлари, талаблари ва тамойиллари	51

26.	<i>Do'lanov A.E.</i>	Kitob-yangicha ruxiyatni shakllantirish vositasi	53
27.	<i>Eshmurodova G.X., Mahmudova N.H.</i>	Ta'lim samaradorligini oshirishda talabalar sport sog'lomlashtirish mashg'ulotlarini tashkil etishning o'rni	54
28.	<i>Ахметова К.И., Насуллаев А.Х.</i>	Психологические основы построения эффективного образовательного процесса	55
29.	<i>Абдирахмонов А.</i>	Бакалавр математикларни тайёрлашнинг психологик-педагогик асослари	56
30.	<i>Ochilova X.F.</i>	Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarida o'zini boshqarish ko'nikmalarini shakllantirish	57
31.	<i>Чориев И.Ч.</i>	Илмий тадқиқотда инновацион фаолият ва инновацион салоҳиятнинг психологик хусусиятлари	59
32.	<i>Авазова О.Х.</i>	Болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришни педагогик - психологик хусусиятлари	60
33.	<i>Umarova N.SH., Jumanov D.D.</i>	Sportchi o'smirlarda irodaviy sifatlarini rivojlantirishning zarurati	61
34.	<i>Эрназарова Р., Шомуродов И.</i>	Таълим жараёнида ўқувчиларни фаоллаштириш усуллари	63
35.	<i>Исмоилова Ю.</i>	Бўлажак мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларида ижодий изланувчанликни шакллантириш	64
36.	<i>Maqsadova M.S., Nabiyev I.</i>	Ruhiy zo'riqish va uni oldini olishning o'ziga xosligi	65
37.	<i>Мусинова Р. Ю.</i>	Теоретические аспекты исследования проблемы психологической устойчивости креативной личности	66
38.	<i>Maqsadova M.S., Azimqulov Sh.</i>	Oilada sog'lom turmush tarzini shakllantirishning psixologik xususiyatlari	68
39.	<i>Ражабова Ф.П.</i>	Ёшларда хулқ оғишининг олдини олишга хос тавсиялар	69
40.	<i>Абдуқаҳҳорова Г.А</i>	Таълим муассасаларида тарбиявий ишларни ташкил этишда амалий психологик фаолиятнинг ўрни	70
41.	<i>Salimova U.</i>	Umumtalim maktablarida psixologik xizmatni tashkil etishning ba'zi jihatlari	72
42.	<i>Бойқувватова Р.</i>	Юқори синф ўқувчиларида хулқий оғишишлар психопрофилактикаси	73
43.	<i>Эшонқулова Г.</i>	Ёш педагогни касбий мослашувининг психологик хусусиятлари	75
44.	<i>Муродова З.</i>	Педагогик технологиянинг шахсга йўналтирувчи коммуникатив асоси шахсий инсонпарвар ёндашув	76
45.	<i>Абдуназарова Н., Усмонова Г.</i>	Махсус мактаб-интернатларда психологик хизматнинг ўзига хос жиҳатлари	77
46.	<i>Elbekova F., Jo'rayeva N.</i>	Uyquning sog'lik uchun psixologik ahamiyati	78
47.	<i>Эргашева С.</i>	Спортчи шахсини тарбиялашда психологик билимларнинг аҳамияти	80
48.	<i>Rajabova L.</i>	Ta'lim jarayonda ishontirish va uning ahamiyati	81
49.	<i>Акбарова М. А.</i>	БЎСМда сузиш бўйича болаларнинг бошланғич танловда спорт психологик хизматининг ўрни	83
50.	<i>Vaxratova A.A.</i>	Psixik rivojlanishida nuqsoni bo'lgan bolani o'rganishda ilmiy tadqiqot usullaridan foydalanish	84
51.	<i>Бойматова М. Р.</i>	Эмоционал барқарорлик – педагогнинг муҳим касбий психологик сифатларидан бири	86
52.	<i>Бекмуродова Д., Рахматова Н.</i>	Ўсмир ёшдаги болаларнинг муаммоларни ечишда психологик ёндашув	87
53.	<i>Баширов Б.А.</i>	Касб танлашда таълим - тарбиянинг аҳамияти	89
54.	<i>Қурбанова З.Б.</i>	Шахслараро муносабатларни ташхис қилиш усуллари тавсифи	90
55.	<i>Rajabova L., Xoliqova Sh.</i>	Musiqaning inson psixikasiga ta'sir etish omillari	91
56.	<i>Атонова С.</i>	Ta'lim samaradorligini oshirishda o'qituvchi faoliyatining o'ziga xos jihatlari	92

57.	<i>Вахратова А. А.</i>	Мактабда sinf jamoasini psixologik o'rganish masalalari	93
58.	<i>Буранова Ш.</i>	Мактабгача таълим муассасаси ва оилада бола шахсига йўналтирилган таълим	95
59.	<i>Ҳайдаров Ф. И., Дусанов Н. Э.</i>	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлашда таълим технологияларидан фойдаланиш механизмлари	97
60.	<i>Зиёдуллаева С.</i>	Дифференциал таълим – педагогик-психологик муаммо сифатида	98
61.	<i>Исоқова Ш., Абдуганиев С., Эимуратов Ў.</i>	Педагогик жараёнда психологик хизматнинг аҳамияти	99
62.	<i>Murodova Z., Salimov M.</i>	Pedagogik faoliyatning texnologiyalashuvi	101
63.	<i>Ориббоева Д.</i>	Талабалик даврида ижтимоий компетентликни намоён бўлиши	102
64.	<i>Раимбердиев А.</i>	Ўқувчиларда иктидорлиликни аниқлаш – таълим сифатини ошириш омили сифатида	104
65.	<i>Мақсадова М.С., Акбарова М.А.</i>	Таълим жараёнида болаларни спортга бўлган қизиқишларини шакллантириш	105
66.	<i>Явкочдиева Д.</i>	Методик ишларда семинарларнинг аҳамияти	107
67.	<i>Xolmurodov D.S.</i>	Talaba shaxsining kasbga yo'nalganligini shakllantirish	108
68.	<i>Рахмонова М.</i>	Таълим-тарбия бериш жараёнида илғор педагогик-психологик технологиялардан фойдаланиш хусусиятлари	109
69.	<i>Otamuratova R., Otamuradova D.</i>	Tarbiya – kasbiy faoliyatni tashkil etish vositasi	110
70.	<i>Узоқов Б.</i>	Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ҳуқуқий тарбиясини психологик – педагогик асослари	111
71.	<i>Nurmaxmatov L. A.</i>	Amaliy metodlardan foydalanishning psixologik jihatlari	113
72.	<i>Товбаева М. С., Исхакова Г.И.</i>	Таълим жараёнида талабанинг мустақил фикрлашини шакллантириш	114
73.	<i>Otamuratova R., Otamuradova D.</i>	Мактабгача тарбия муассасаларида болalarda tabiatshunoslik tassavurlarini shakllantirish	116
74.	<i>Рахматуллаева З.Р., Otamurodova X.R.</i>	Психологическая коррекции как реализация индивидуального подхода	117
75.	<i>Исмоилова Ю.</i>	Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда инсонпарварлик ғоясини шакллантиришнинг психологик асослари	117
76.	<i>Xolboyeva G., Ishonqulova N.</i>	Ta'lim jarayonida o'quvchilarning tanqidiy fikrlashini rivojlantirish yo'llari	119
77.	<i>Худойназаров Қ., Бекмуродова Х.</i>	Ўқитувчи фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳатлари	120
78.	<i>Бекова Ш.Ж.</i>	Мактабгача ёшдаги болаларга психологик хизмат кўрсатишни шакллантириш масалалари	122
79.	<i>Еркинов Ф. Ф.</i>	Влияние музыки на психологию человека	123
80.	<i>Келдиярова В.Б.</i>	Кичик мактаб ёш ўқувчиларида кўرғазмали-образли тафаккур шаклланишининг психологик шартлари	125
81.	<i>Исмоилова Ю., Юнусова С.</i>	Таълим жараёнида инновацион фаолиятни ташкил этиш	126
82.	<i>Ochilova Z.</i>	Chet tili darslarida yangi so'zlarni taqdim etishning o'ziga xos psixologik xususiyatlari	127
83.	<i>Berdiyorova M.X.</i>	Мактабгача yoshdagi bolalarga chet tilni o'rgatishning psixologik ahamiyati	128

**II ШУЪБА:**  
**ГЛОБАЛ АХБОРОТ МАКОНИДА ПСИХОЛОГИК**  
**МАОРИФ ВА МАЪРИФАТНИНГ ЎРНИ**

84.	<i>Соғинов Н.А.</i>	Глобал ахборот маконида ўзбек психологик модели	130
85.	<i>Шайманова А.</i>	Глобаллашув жараёнида ёшларни ахборот хуружидан ҳимоялаш	132
86.	<i>Файзиёва М.</i>	Бола тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги	134
87.	<i>Юлдошева Н.Э.</i>	Психоллингвистика ва миллий грамматика муносабати	136
88.	<i>Гребнева В. А., Даниленко А. П.</i>	Организационно-методические аспекты использования интерактивных методов обучения на уроках искусства	137
89.	<i>Рухиева Х.А., Чориев Ф.А.</i>	Ўзбекистонда суд-психологик экспертизасининг ҳолати ва уни такомиллаштириш имкониятлари	140
90.	<i>То'раева М.</i>	Globalashuv davrida muzeylarning ta'lim-tarbiya jarayonidagi o'rni	141
91.	<i>Djumatyeva N.E.</i>	Pedagog faoliyatida kreativlik qobiliyatining ahamiyati	142
92.	<i>Ҳайитов О.Э.</i>	Глобал ахборот маконида шахс хавфсизлиги ва психологик ҳимоя муаммоси ( <i>учинчи ташаббусга ижтимоий-психологик ёндашув</i> )	144
93.	<i>Рахмонова Д.Б., Адизова Х.Р.</i>	Адаптация к обучению в вузе студентов 1-курсов	146
94.	<i>Каримов Х.К.</i>	Ёшларни турли салбий таъсирлардан ҳимоялашнинг ижтимоий-психологик масалалари	148
95.	<i>Усмонова Ш.</i>	Олий таълим тизимида талаба сиёсий фаоллигини оширишда психологик хизматни ўрни	149
96.	<i>Eshmurodova G.X., Mahnudova N. H.</i>	Ta'lim samaradorligini oshirishda talabalar sport sog'lomlashtirish mashg'ulotlarini tashkil etishning o'rni	151
97.	<i>Файзиёв З., Бегимқулова Г.</i>	Очиқ ахборот тизимларида ижтимоий-психологик хавфсизлик муаммолари	151
98.	<i>Қудратов А.</i>	Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда таълим-тарбиянинг ўрни	153
99.	<i>Ибрагимов Э.</i>	Ижтимоий бошқарувда сиёсий манипуляциянинг ўрни	155
100.	<i>Орипова Н.</i>	Globalashuv tushunchasining mazmuni va mohiyati	157
101.	<i>Рисқулова К. Дж., Фуломова Н. Р.</i>	Глобаллашув жараёни талабаларига мос ижтимоий-сиёсий фаол ёшларни тарбиялаш	158
102.	<i>Исмоилов Н., Эшонқулов Н.</i>	Оммавий ахборот воситаларининг талабалар онгига салбий таъсири	160
103.	<i>Чориев И. Ч.</i>	Илмий тадқиқотда интуиция, зеҳн ва тафаккур	161
104.	<i>Авазов С.</i>	Глобал ахборот оқимининг ёшлар онгига таъсири	161
105.	<i>Облоқулов Ж.Ж., Қодиров О.С.</i>	Ёшлар камолотида ахборот ва билим узвийлигининг тарбиявий-психологик моҳияти	163
106.	<i>Зарипова С.</i>	Компьютер ўйинларининг ўсмир ёшдаги болаларга таъсири	165
107.	<i>Халилов Б.Х.</i>	Юқори синф ўқувчиларида зарарли одатларга қарши иммунитетни шакллантиришнинг педагогик-психологик муаммолари	166
108.	<i>Пармонов Р.И., Ражабов Б.Н., Шавкатов Ж.Ш.</i>	Ахборот хуружларига қарши туришнинг психологик йўллари	167
109.	<i>Холиқов Н.Н.</i>	Ички ишлар органларида психологиянинг ўрни	169
110.	<i>Djumatyeva R.I.</i>	Yoshlar tarbiyasida ommaviy axborot vositalarining o'rni	169
111.	<i>Муродов М. Қ.</i>	Ёшларга мусиқа таълим-тарбиясини беришнинг психологик жиҳатлари	170
112.	<i>Файзуллаев Х.Н.</i>	Болалар адабиётида бадиий образлар талқини	172
113.	<i>Pirnazarov L. Q.</i>	Musiqachi shaxsi va faoliyati xususida	174
114.	<i>Ashirova S., Natroeva X.</i>	Maktabgacha yoshidagi bolalar dunyoqarashining shakllanishida psixik jarayonlarning ahamiyati	174

115.	<i>Кулатова С.</i>	Вояга етмаганларни очик ахборот тахдиддан асрашнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари	175
116.	<i>Чоршанбиев З.Э.</i>	Таълим мухити тахлили ва унинг психологик-педагогик тавсифий мохияти	177
117.	<i>Ochilova Z.Z.</i>	Onomatopoeic words in modern english	178
118.	<i>Қодирова Д.</i>	Глобаллашув жараёнида ахборот хуружи ва унинг психологик муҳофазаси	179
119.	<i>Комилова М., Бекмуродова Х.</i>	Агрессив хулқ-атворнинг тарбиявий-психологик талқини	180
120.	<i>Рахмонова М.</i>	Компьютер, интернет ортидаги психологик муаммолар	182
121.	<i>Мамаюсупов С.А.,</i>	Информацион –психологик тахдидлар миллий-маънавий хавфсизликка тахдид солувчи омил сифатида	183
122.	<i>Рустамов Ш. Ш.</i>	SPSS дастури асосида психологик маълумотларни статистик изохлашнинг ўзига хос хусусиятлари	184
123.	<i>Samadova F., Mahmudova N.H.</i>	Yoshlarda milliy ongni tarkib toptirishda dastlabki sport klublari va jismoniy madaniyat harakatlarining(1918-1924) roli	185
124.	<i>Turdiyev Sh.B.,</i>	Inson psixologiyasida fatik muloqotning o'ziga xos xususiyatlari	186
125.	<i>Чориев Ф.А., Жабборов Х.Х</i>	Суд-психологик эксперизасининг предмети ва эксперт ваколоти	187
126.	<i>Erkayeva Sh.P.</i>	Sharq mutafakkirlari asarlarida ota-ona va farzandlar o'zaro munosabatlarining pedagogik-psixologik xususiyatlari	189
127.	<i>Кенжаева З.</i>	Психоллингвистик мулоқот дебочаси	190
<b>III ШУЪБА:</b> <b>ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ОНГНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШДА ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РОЛИ</b>			
128.	<i>Рухиева Х.А.</i>	Ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг психологик омиллари.	192
129.	<i>Согинов Н.А. Каримов Х.К.</i>	Психология фани ва ёшлар тарбияси	193
130.	<i>Мухтаров А., Мухторова М.А.</i>	Ўзбекистонда суд-психологик экспертизасининг шаклланиш тарихи	194
131.	<i>Собирова Д.А.</i>	Тиббиёт ходимлари социал интеллектининг умумий ҳолати	196
132.	<i>Қурбонov Т.Х.</i>	Миллий онг ва миллий менталитет диалектикаси	198
133.	<i>Худоёрва О. Назарова Н.</i>	Ёшларда миллий онгни таркиб топтириш масалалари	200
134.	<i>Жўраев Б.</i>	Ёшларда ҳуқуқий саводхонликни, ривожлантиришда педагогик-психологик қонуниятлар ўрни	201
135.	<i>Бобожонов Ш.</i>	Таълимда болалар нутқи шаклланишининг психологик хусусиятлари	203
136.	<i>Ismoilova M. E.</i>	Vokal ijrochiligi darslarida talabalar tafakkurini rivojlantirish	204
137.	<i>Каримов Х., Жураев Д.</i>	Ёшларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусини тарбиялашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари	205
138.	<i>Ochilova N.M. Islomov N.</i>	O'quvchilarini fanlarga qiziqishlarini tizimli tashkil etishning o'ziga xos psixologik xususiyatlari	206
139.	<i>Бекназарова Л.С., Эркинов М.,</i>	Талаба ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг психологик жиҳатлари	207
140.	<i>Ахметова К. И</i>	Психологические аспекты формирования национального сознания молодежи	208
141.	<i>Салахутдинова М.И.</i>	Марказий осие мутафаккирлари психологик қарашларини ўрганишнинг долзарб масалалари	210
142.	<i>Файзиева М., Назирова У.</i>	Ўзбекистон психологлари томонидан ёшлар муаммосининг ўрганилиш даражаси	211

143.	<i>Eshmurodova G., Shukurova S.,</i>	Oilada yoshlarda zararli odatlarga qarshi kurashish immunitetini shakllantirish	213
144.	<i>Primov R.T.</i>	Musiqiy ta'limda psixologik jarayonlar	213
145.	<i>Сохибов А.Р.</i>	Миллий маънавиятимизни ривожланишида шарқ мутафаккирлари асарларининг тарихий ва назарий аҳамияти	214
146.	<i>Отожанов К.О.</i>	Социально-психологический аспект эффективной управ- ленческой деятельности менеджера железнодорожного транспорта	216
147.	<i>Худойбердиев Х., Худойбердиева Г.</i>	Миллий онг: мазмуни-моҳияти.	217
148.	<i>Эшонқулов Н.</i>	Ёшларни миллий руҳда тарбиялашнинг психологик хусусиятлари	220
149.	<i>Ахмедова Д.</i>	Баркамол шахсни тарбиялашда маънавиятнинг ўрни	221
150.	<i>Ёзиев Э., Холмуродова М.</i>	Меҳнат жамоасини бошқаришда психологик билимлар- нинг ўрни ва аҳамияти	222
151.	<i>Шодиев Б.,</i>	Ўқувчи ёшларда ахлоқий ҳис-туйғуларни шаклланти- ришда мактаб ва оиланинг ўрни	224
152.	<i>Халилова Д.</i>	Достоевский асарларида инсон феномени	225
153.	<i>Жовлиева С.</i>	Шарқ мутафаккирлари асарларида ўз-ўзини бошқариш ва хулқ атвори нозорат қилишга ўргатиш усуллари,	227
154.	<i>Ismoilov N.</i>	Alisher Navoiy merosining yoshlarni milliy ruhda tarbiyalashdagi ahamiyati	228
155.	<i>Norbekova B.</i>	Psixologiya fanida shaxs etnopsixologik xususiyatlari va stereotiplarining shakllanishi muammosi	230
156.	<i>Eshonqulov N., Rajabova F.</i>	Barkamol shaxsni tarbiyalashda ma'naviy-madaniy merosimizdan foydalanish	231
157.	<i>Isoqova Sh.A., A'zamov A.I.</i>	Bolalar psixik rivojlanishining o'ziga xos xususiyatlari	232
158.	<i>Qurbonov Q.Yu.</i>	Musiqi cholg'u asbobida ijroni o'rgatishda ustoz-shogird munosabati	233
159.	<i>Raximova Y.I.</i>	Talabalik davrida irodaviy sifatlarni namoyon bo'lishi	234
160.	<i>Дайкеева А.</i>	Бўлажак касбий таълим ўқитувчиларининг компетентлигини шакллантириш	235
161.	<i>Хаитов А.У.</i>	Нотўқислик комплекси ва унинг шаклланиши борасидаги қарашлар	236
162.	<i>Қодиров О.</i>	Шарқ мутафаккирларининг агрессив феъл-атвор муаммосига доир қарашлари	238
163.	<i>Нурматова К.</i>	Педагогик жамоадаги руҳий муҳитнинг таълим самарадорлигига таъсири	240
164.	<i>Мушинова Р. Ю.,</i>	Теоретические аспекты исследования проблемы психологической устойчивости креативной личности	241
165.	<i>Мавлонова У.</i>	Шахс ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари	243
166.	<i>Қурбонова М.</i>	Музыка тарбияси ва ёшлар руҳияти	245
167.	<i>Латипова У.</i>	Талаба шахсида ижодий фаолликни шаклланиши таълимга янгича ёндашувнинг асоси сифатида	246
168.	<i>Сулаймонов М.</i>	Миллий характер	247
169.	<i>Eshonqulova X.</i>	Boshlang'ich sinf o'quvchilarida vatanga e'tiqod tuyg'o'sini shakllantirishda ertaklarning o'rni	248
170.	<i>Xalilova N.I., Qurbonboyev A.N.</i>	Shaxs o'zini o'zi faollashtirish muammosi -psixologiyaning o'rganish obyekti	250
171.	<i>Jo'raqulova D.F., Ilyosova Z.</i>	Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarni turli o'yinlar orqali muloqotga o'rgatish	251
172.	<i>Сулаймонов М., Қўчқорова Я.</i>	Меҳнат мотивацияси жараёнидаги кадрятлар	252
173.	<i>Bobojonova. SH, Bobojonov Sh.</i>	Ta'lim tizimida bola nutqining rivojlanishi muloqot madaniyatini shakllantirish asosi	253

174.	<i>Эргашева И.</i>	Болада ўз ўзини англашни шаклланишига ота-оналарнинг таъсири	254
175.	<i>Ботиров Т.Э.,</i>	Ёшларда экологик тасаввурларни тарбиялашнинг психологик хусусиятлари	256
176.	<i>Mejliyeva M., Eshonqulova X.</i>	O'quvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatish ta'lim samaradorligini oshirishning muhim omilidir	257
177.	<i>Набижонов Ж.А., Ҳақиқатбеков З.Ш., Маликзода А.А.</i>	Спортчи фаолиятида оператив тафаккурнинг ўрни ва уни ривожлантириш усуллари	258
178.	<i>Bahriddinova V., Rahmatova Z.</i>	Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun yaratiladigan lug'atlarning psixologiyistik asoslari	260
179.	<i>Сайфуллаева Д., Халилова Д.</i>	Худойберди Тўхтабоев қиссаларида болалар руҳияти талқини	261
180.	<i>Туропова Л.</i>	Тилни ўрганишда грамматиканинг ўрни ва ахамияти	262
181.	<i>Хўжайрова Н.</i>	Бола тарбиясида оиланинг ўрни	263
182.	<i>Бекназарова Л.С., Эркинов М.</i>	Талаба ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг психологик жиҳатлари	264
183.	<i>Юлдошев Б.</i>	Замонавий раҳбарнинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган омиллар	266
184.	<i>Мақсадова М.С. Худоёрова М.Х.</i>	Бошланғич синф ўқитувчисининг психологик хусусиятлари	267
<b>IV ШУЪБА: ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ: МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР</b>			
185.	<i>Шамсиев Ў.Б.</i>	Оила ва оилавий муносабатлар	269
186.	<i>Фарфиева К.А.</i>	Ўзбек аёлининг ахлоқ-одоби -оила мустаҳкамлигининг асосий мезони	270
187.	<i>Файзиева М.</i>	Оилада шарқона тарбия	271
188.	<i>Рухиева Х.А., Абдусаматов Х.У.</i>	Оилавий ажримда суд - психологик экспертизасининг зарурати	273
189.	<i>Мусурманов Р., Мусулманова Н.</i>	Ўзбек оилаларида фарзанд тарбияси ва оилавий муносабатлар психологиясида шарқ мутафаккирларининг карашлари	275
190.	<i>Eshmurodova G., Shukurova S.</i>	Oilada bolalar hissiyotini boshqarishning o'ziga xos pedagogik-psixologik jihatlari	277
191.	<i>Шукурова Д.</i>	Болаларни касбга йўналтиришда оилада ва мактабда олиб бориладиган ишларнинг психологик хусусиятлари	278
192.	<i>Файзиев З.</i>	Оилаларда жисмоний маданиятни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари	279
193.	<i>Қўлдошева Г.Д.</i>	Оила жамият тараққиёти мустаҳкамлигидир	280
194.	<i>Xolboyeva G., Ishonqulova N.</i>	Ta'lim jarayonida o'quvchilarning tanqidiy fikrlashini rivojlantirish yo'llari	281
195.	<i>Назаров А.М., Нозимов Ж.Т.</i>	Оилаларни ёт ғоялардан асрашнинг психологик механизмлари	283
196.	<i>Murodova Z., Temirova M.</i>	Oilada bolalarni milliy ruhda tarkib toptirishning shakllari	284
197.	<i>Qurbonova A., Mamatqulova M.</i>	Oilada bola tarbiyalashda milliy urf-odatlar ustuvorligining pedagogik-psixologik asoslari	285
198.	<i>O'rinova L.</i>	O'smirlik davrida yolg'izlik hissining namoyon bo'lishi	287
199.	<i>Жураева Х.</i>	Оилада фарзандларни тарбиялашда кексаларнинг ўрни	289
200.	<i>Жабборов И.А.</i>	Оилада эр- хотин муносабатларини мувофиқлаштириш муаммосининг чет эл психологиясида тадқиқ этилиши	290
201.	<i>Ashurova T.</i>	Bolani ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda oilaning o'rnini	292
202.	<i>Хўсанов А.М., Рухиева Ҳ.А.</i>	Низоли оилаларда психологик экспертизанинг қўлланилиши	293
203.	<i>Xolboyeva G., Azizova O.</i>	Yoshlarning nikohga yetuklik xususiyatlari	294

204.	<i>Алимарданова Р.Н.</i>	Ёш келин – куёвлар ўртасидаги соғлом психологик муносабатларнинг ижтимоий-этниқ асослари	296
205.	<i>Berdiyeva L., Ochilov O.</i>	Sharq mutafakkirlari merosida bola tarbiyasi haqidagi qarashlarning yoritilishi	297
206.	<i>Qosimova G.</i>	Oilada bola tarbiyasi	298
207.	<i>Mannonova</i>	Bola shaxsni shakllanishida oilaning ijtimoiy-psixologik o'рни	299
208.	<i>Жабборов И.А.</i>	Оилада ота-онанинг бола тарбиясидаги ўзаро муносабатлари	300
209.	<i>Ashurova T.</i>	О'zbek oilalarida bolalarga insonparlik goyalarini singdirish	302
210.	<i>Ўринова Л.</i>	Оиладаги маънавий мухитнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари	302
211.	<i>Худоёрова М.Х.</i>	Оилада миллий тарбиянинг роли	304
212.	<i>Баратова Н., Мейлиева Л.</i>	Оилада болаларни мулоқот маданиятига ўргатиш	304
213.	<i>Маҳаммадиева Ў., Авазова О.Х.</i>	Кризис даврида бола шахси билан муносабат	305
214.	<i>Алимарданова Р.Н.</i>	Ёш келин – куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатларнинг миллий асослари ҳақида шарқ мутафаккирларининг қарашлари	307
215.	<i>Нигматова М.</i>	Оилада болаларни маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш мезонлари	309
216.	<i>Eshpo'latova Sh.A. Murodova G.A.</i>	О`smirlarda kasbiy qiziqishlarning rivojlanishida oilaning roli	310
217.	<i>Abduraxmonova Ch.</i>	Oiladagi shaxslararo munosabatlarning bola tarbiyasiga ta'siri	311
218.	<i>Ergasheva G.</i>	Oilada psixologik sog'lom muhitni shakllantirish omillari	312
219.	<i>Турсунова О.Ф. Рахмонова Н.</i>	Ҳуқуқий саводхонликни ошириш - ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг бош мезони	314
220.	<i>Эрдонова С.</i>	Бошланғич синф ўқувчиларида психик тараққиётнинг ўзига хос жиҳатлари	316
221.	<i>Tolipova T.</i>	Oilada bola tarbiyasining ijtimoiy – psixologik xususiyatlari	317
222.	<i>Жураев Д</i>	Ёшларни оилавий муносабатларга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик масалалари	318
223.	<i>Qarshiyeva Z.</i>	Oilaviy nizolarning vujudga kelish motivlari	320
224.	<i>Рўзимуродов С.М.</i>	Ўзбек оиласида соғлом мухитни шакллантиришнинг эстетик омиллари	322
225.	<i>Шоматова Д.</i>	Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш: муаммолар, ечимлар, истикболлар	324
226.	<i>Бекмуродова Х., Комилова М., Худойназаров Қ.</i>	Шахслараро низоларнинг юзага келиши ва уларнинг психологик ўзига хослиги	325
227.	<i>Абдирасулов Л.</i>	Жамоатчилик фикрининг оилавий ҳаёт ва ёшлар тарбиясига таъсири	327
228.	<i>Рузимуродов Э.Т., Махмудова Н.Х.</i>	Спортчи шахсининг индивидуал-психологикхусусиятлари	328
229.	<i>Хақбердиев Н.</i>	Жамият тараққиётда кадрлар бошқарувининг роли	329
230.	<i>Худойбердиев И.</i>	Мафқурани вужудга келишининг мотивацияси	330
231.	<i>Ашрапов Б.</i>	Шахсни тарбиялашда соғлом мухитнинг ўрни	332
232.	<i>Қудратов А.</i>	Миллий кадрятлар ва ўзликни англаш муаммоси	333
233.	<i>Тўлаганова Г.Қ.</i>	Хулқий оғишлар симптомокомплексида темпераментнинг ўрни	333
234.	<i>Расулов И,</i>	Иқтидорли болалар диагностикаси: муаммо, ечим ва тавсиялар	335
235.	<i>Ғуломов Н.</i>	Туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлашда психология фанининг ўрни	337

**ИЛМИЙ - УСЛУБИЙ НАШР**

**ЎҚУВ ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ  
МИЛЛИЙ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**Республика илмий-амалий конференция материаллари**

**18-19 апрель 2019 йил**

Техник муҳаррир:  
Мусаҳҳих:

М.Рахматов  
М.Примова

Теришга 10.04.2019 йилда берилди. Босишга 15.04. 2019 йилда  
рухсат этилди. Бичими 84x108 1/8. Нашр босма табоғи 39.45  
№ 14-буюртма 100 нусхада. Эркин нархда.

Қарши Давлат университети кичик  
босмаҳонасида босилди.

Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй.